

# ЁШЛК 8/90



Ўзбекистон ЛКСМ  
Марказий  
Комитети ва  
Ўзбекистон ССР  
Ёзувчилар  
уюшмасининг  
органи

(104)  
Август

Ойлик  
адабий-  
бадий,  
ижтимоий-  
сиёсий  
журнал

1982 йилдан  
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:

Омон МАТЖОН

Таҳрир ҳайъати:

Эркин АЪЗАМОВ,  
Эркин ВОҲИДОВ,  
Хуршид ДАВРОН,  
Владимир ЖОНИБЕКОВ,  
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,  
Ҳамид ИСМОИЛОВ,  
Насриддин МУҲАММАДИЕВ  
(масъул котиб),  
Олим ОТАХОНОВ,  
Азим СУЮН,  
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,  
Нурали ҚОБУЛ,  
Абдурашид ҚОДИРОВ,  
Усмон ҚУЧҚОР,  
Ғаффор ҲОТАМОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)

Тошкент  
«Ёш гвардия» нашриёти



## НАСР

ШУКРУЛЛО. Кафансиз кўмилганлар. Хотира-қисса . . . . .	8
Матлуба АҲМЕДОВА. Райҳон бўлинг, жон энам. Ҳикоя . . . . .	28
Турсунмурод ЭРМАТОВ. Подачи. Ҳикоя . . . . .	30
Дилмурод ҚУРОНОВ. Хотирадан ўчмас кунлар. Ҳикоя . . . . .	49



## НАЗМ

Эшқобил ШУКУР . . . . .	6
Мақсуд БЕКЖОН . . . . .	26
Уктамхон ХОЛДОРОВА . . . . .	32
ФАХРИЕР. Шеърлар . . . . .	73
Раҳим КАРИМ. Шеърлар . . . . .	74



## ТАНИШУВ

Сирождиддин РАУФ . . . . .	61
Абдурашид ҚОСИМ . . . . .	67



## НИГОҲ

Лиза РЕН. Тимсол . . . . .	33
Ғулوم МИРЗО. Шеърлар . . . . .	35
Виктор АЛИМАСОВ. Маданият, дин ва «бир фоиз Микеланжело» . . . . .	36
Тоғликлар дарди . . . . .	38
Акбар АСРОРОВ. Ҳикматлар анъанаси . . . . .	40
Муҳаммад АҲМАД. Мақол, воқелик ва тарбия . . . . .	41
Муножот ЙЎЛЧИЕВА . . . . .	42—43
Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ. Саодат-манд инсон ким? . . . . .	44
Ирисали ТОШАЛИЕВ. Сўз қўллаш ма-роми . . . . .	47
«ЕШЛИК» почтаси . . . . .	48
ТИЛ САНДИФИ . . . . .	48,80



## ПУБЛИЦИСТИКА

Баҳодир БОБОЖОНОВ, Ойбек РАҲИМ. Бўлинганни . . . . .	3
Раҳмат ЭРОВ. Юпитер оддий сайёра эмас . . . . .	68
«Тазкират-ул-авлиё»и туркий . . . . .	75



## ТАНҚИД ВА АДАБИЕТШУНОСЛИК

Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ. Ягона олам: Гўрўғли — Ғиркўк — Чамбил . . . . .	62
---	----

Муқованинг 1—4 саҳифаларини rassom P. Зуфаров ишлаган.



# ЕШЛИК

«Молодость»  
ежемесячный  
литературно-художественный,  
общественно-политический журнал  
На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и  
Союза писателей Узбекской ССР

Мусаввир: Х. ЛУТФУЛЛАЕВ  
Техник муҳаррир: О. РАҲИМОВ  
Мусаҳҳиҳ: М. ТУРСУНОВА

Адресимиз:  
700113, Тошкент, Қатортол кўчаси,  
60-уй.

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 78-94-05  
Бош муҳаррир ўринбосари — 78-49-83  
Масъул котиб — 78-97-07  
Наср бўлими — 78-97-58  
Назм бўлими — 78-77-16  
Публицистика, адабий танқид ва  
санъат бўлими — 78-17-47  
Фотомухбир — 78-97-58

Редакция ҳажми 12 босма табақдан ортиқ роман ва 8 босма табақдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди.  
Бир босма табаққача бўлган асарлар муаллифларга қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарлар қўлёзмасинигина қабул қилади.  
Журналдан кўчириб босилганда «Ешлик»дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Босмаҳонага 22.06.90 й.да. туширилди.  
Босишга 23.08.90 й.да рухсат берилди.  
Р—10678. Офсет босма. 1 офсет қоғози.  
Қоғоз формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Қоғоз ҳажми 5,25 босма табақ.  
Шартли босма табақ — 8,82  
Нашриёт ҳисоб босма табағи — 12,6.  
Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 11,76.  
314142 нусхада чоп этилади.  
Буюртма № 3426.  
Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти.  
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети  
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмаҳонаси.

«Ешлик», № 8, 1990.  
Тошкент, «Еш гвардия» нашриёти.



Бугунги кунга келиб Хоразм фожеалар ўчоғига, экологик киёматлар комига айланиб боряпти. Ичимлик сувлари истеъмол қилишга ярқисиз ҳолга келди, шўр сувлар ер юзасига кўтарила бошлади, азим гужумлар, табиий кўллар қуриб битди, саксон минг (балки кўпроқдир) меҳнатга лаёқатли киши ишсиз, болалар ўлими ортиб боряпти, қадимий обидалар нураб битаётди, оналар саломатлиги ёмон... Оммавий қирилиш хавфи туғилаётди. Хоразмда...

Бу санокни яна узок давом эттириш мумкин. Энди ўтмишга бир назар солайлик-да, қаёққа кетаётганимиз, келажакка бўлган умидни сўндираётган нарсаларнинг моҳияти ҳақида ўйлайлик. Туркистон Россия томонидан босиб олинмасдан олдин Хоразм воҳаси — дарёнинг иккала қирғоғи ҳам Хива хонлиги тасаруфида эди. Туркистон ўлкаси генерал-губернаторлиги пайдо бўлгандан сўнг Хоразм ўнг дарё қирғоқлари ажратилиб, Амударё бўлими тузилди, Тўрткўл шаҳрининг номи Петро-Александровск деб ўзгартирилди. 1920 йилда, Хоразмда совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин Хива худудида Хоразм Халқ Совет республикаси ташкил топди. Хоразм Компартияси тузилди. 1923 йилда эса Хоразм Совет Социалистик Республикасига айлантилди. Хоразм воҳасининг бутунлиги сақлаб қолинган, ишга тўғри сиёсий ёндошилган эди. 1924 йилда Ўрта Осиё республикаларида миллий давлат чегараланиши ўтказилди. РКП(б) МК ўзининг 1924 йил 12 июль қарорида Ўрта Осиёда Туркманистон ССР, Ўзбекистон ССР каби миллий республикалар ва Хоразм ССР қайта ташкил этилганлигини билдирди. Яна РКП(б) МКи қарорида маъқулландики, «Хоразм Совет Социалистик Республикаси Ўзбекистон ва Туркманистон Республикалари қаторида қолади». Аммо орадан кўп вақт ўтмай, субъектив сабабларга кўра бу қарор ўзгартирилди ва Хоразм воҳаси миллий бирликларга ажратиб ташланди. Хоразм воҳасининг фақат ер-жойи бўлиб юборилгани йўқ. Унинг қадимдан туб илдизга эга бўлган маданияти, халқи, урф-одатлари, хўжалик бирлиги, бошқарув ва иктисоди ҳам уч қисмга бўлинди. Бу билан хато йўл тutilмадимикан, ҳозирги чигалликлар, офатларнинг ибтидоси шу эмасмикан?!

Амударё чўкиндиларидан бунёд бўлган, Қизилқум ва Қорақум саҳролари ва Уст-юрт чўли орасида жойлашган кўк замин Хоразм воҳасининг табиий, тарихий шарт-шароити билан мураса қилинмай юргизилган бу сиёсат воҳа шароитида ўзини оқлай олдими?! Агар бу ўзини оқлаган бўлса, юзага келган муаммолар қандай пайдо бўлди? Ахир табиатнинг ўзи уни бир бутун тана қилиб яратиб қўйибди-ку! Минг йиллар давомида гуркираб яшаб келди!.. Уни Хоразм вилояти, ҚКАССР — Ўзбекистон, Тошхўвўз вилояти — Туркманистонга бўлиш ундаги қадим замонлардан мустаҳкамланган бирликни йўқотмадимми?! Ўтмишда бу воҳа халқи миллий чегараланишсиз яшаб келди. Унинг ҳозирги кўриниши бир танага учта бош эгаллик қилаётгандай тасаввур уйғотади.

Мухтор жумхурият мақомини олган Қорақалпоғистон аввал Қозоғистонга, кейин РСФСРга, сўнг Ўзбекистонга қўшиб қўйилганига нима дейсиз?

Ҳозирда кичик жўғрофий бирликда учта вилоят жойлашган. Бир воҳада уч хил бошқарув, уч хил ҳаёт тарзи, бошқа-бошқа иктисодий шарт-шароит, бир-бири билан тенглашолмайдиган уч хил меҳр-оқибат мавжуд. Бу воҳа ижтимоий ҳаётидаги парокандалик.

Уларнинг Марказлари орасидаги масофа жуда кичик. Урганч билан Тошхўвўз — 70 км, Урганч билан Нукус — 150 км, Тошхўвўз билан Нукус ораси — 90 км. Бу масофаларни узок деб бўлмайди. Учала вилоятда аҳоли сони нотекис. 1989 йил маълумотига кўра Хоразм вилоятида 1016 минг, ҚКАССРда 1214 минг, Тошхўвўз вилоятида 689 минг аҳоли яшайди. Воҳа аҳолисининг умумий сони 2,929 минг киши. Учта вилоятда ҳам ўзбеклар, қорақалпоқлар, туркманлар, козоқлар, руслар, татарлар, карейслар ва бошқа миллат вакиллари қон-қориндош бўлиб кетган. Лекин...

Воҳанинг ер бирлиги бузилганидан иктисодий алоқаларга ҳам путур етди. Яқин вақтларгача воҳанинг суғориладиган майдонларига Ғазовот, Шавот, Қиличбой-Арна ва бошқа каналлардан сув олиб келинган. Бу ўзанлардан Тошхўвўз вилояти ерлари ҳам суғориларди. Ҳозир Тошхўвўз вилояти ўзининг эркинлигини таъминлашни кўз-кўз қилиш мақсадида Туямўйин сув

омборидан сув олиб келиш учун янги канал қазиди. У Туркменистон кум барханларидан, Хоразм вилояти чегарасидан ўтади. Бу канал хусусида баҳс жуда кизгин. Кум барханларидан ўтиб келаётган сувнинг бир қисми буғланади, бир қисми унга ажратилган маблағ билан бирга кумга сингиб кетади. Яна қийнайдиган бир тарафи бу канал 2500 йиллик тарихга эга бўлган қадимий Хива шаҳридан 8-10 км. наридан оқиб ўтади. Бу кум қўзига қурилган афсонавий шаҳар. Сувнинг шаҳар яқинидан оқиб ётиши кум қўзининг, тарих қўзининг юмилишидай гап. Канал Хоразм вилояти ер ости сувларини тўсиб қўяди, шўр сувларнинг тепага кўтарилиши тезлашади ва экин битмай қолиш хавфини барқарорлаштиради. Булар нималарга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Экологик инкирознинг вужудга келиши аён бўлаборади. Канал қурилишига ҳозиргача 200 млн. сўмдан ортик маблағ сарфланган. Халқ мулки ҳавога совурилаётир. Шу маблағнинг ярмини сарфлаб эски, ҳаракатдаги каналларни кенгайтириб, ишлов берилганда эди, фойдадан холи бўлмасди.

Амударё ўзани тез-тез ўзгартириб тургани сабабли ер хусусида турли келишмовчиликларни келтириб чиқарди. 1956 йилда Хоразмнинг Манғит ноҳияси ҚҚАССРга берилди. Чап соҳил ерларини дарё Хоразмга ташлаб кетди. Ер-жой бирлиги йўқлигидан 65 йил давомида аҳоли қавм-қариндошлигига қарамай иктисодий алоқалар бор бўлса-да, дарёга биттаям кўприк қурилмади. Бу имконият йўқлигидан эмас, раҳбарларнинг ҳафсаласизлигидан, ўртада девор тортилган деган ўйда эканлигидан қилинмади. Яхшиямки, қайта қуришнинг кейинги даврида 3 та понтон кўприк қурилди. Хоразмда 1,016 минг аҳоли истикомат қилади, ер майдони эса 6,3 минг кв. км., Тошховузда 699 минг киши 73,6 минг кв. км. майдонга эгаллик қилади, 1214 минг аҳолиси бўлган Қорақалпоғистон 164,9 минг кв. км. майдонга эга. Бу дегани Хоразм вилоятида ҳар квадрат километр жойга 161,6 киши, Тошховузда — 9,5, ҚҚАССРда эса 7,4 киши тўғри келади. Шунинг ўзи ҳам воҳада иктисодий бирликнинг йўқлигини кўрсатади. Хоразм вилоятида 80 мингдан ортик ишсиз бор бўлган бир пайтда бошқа 2 та вилоятда ишчи кучига муҳтожлик мавжуд. Хоразм вилоятининг ҳаммаси бўлиб 230 минг гектар экиладиган майдони бор. Тошховуз вилоятида бунга қарши ўларок экишга яроқли бўлатуриб, ишчи кучи етишмаганидан ҳаракатсиз турган қанча гектарлаб ерлар боғани.

Орол бўйи муаммолари дунё халқларини ташвишга солаётган бир пайтда, бу экологик ҳалокатнинг олдини олиш учун ички имкониятлар ишга солинмаётир. Хоразм воҳасидаги муаммолар ҳал қилинса, даҳшатли фалокатларнинг олди олинини учун бир қадар олға босилган бўларди.

Биз ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бир қанча тақлифларни ўртага қўймоқчимиз.

1. Хоразм воҳасини бутун дунёга очик иктисодий зона деб эълон қилиш керак. Агар шундай қилинса дунё мамлакатлари олимлари ва тадбиркор мутахассислари бизга табиий офатга қарши курашда, ичимлик сувининг сифатини яхшилашда, ишсизликни тугатишда ёрдам беришларига йўл очилар эди.

2. Хоразм воҳасидаги Ўзбекистон ССРнинг Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти ва Туркменистон ССРнинг Тошховуз вилоятини битта маъмурий ҳудудга бирлаштириш керак. Бу маъмурий ўлка деб аталадими, жумҳурият деб аталадими ёки бошқача ном бериладими, бундан қатъи назар, бу масалани миллий нафсониятга тегмасдан, оғир-вазминлик билан

оқилонга ҳал этиш зарур. Чунки Орол денгизи қуриши туфайли юзага келган муаммо бу Тошкент ва Ашхобод учун узок, ўнлаб муаммоларнинг биттасидир, Москва учун эса юзлаб муаммолардан биридир. Бу офат фақат шу уч вилоят халқи учун биринчи даражали дарддир. Бу дардга қарши курашиш учун эса, уйда бўладиган баъзи майда-чуйда гапларни унутиб, улардан бандан келиб бирлашиш зарур.

Шу ўринда баъзи бир пессимист танқидчилар: булар Хоразм Совет Социалистик республикасини тикламоқчилар, биздан ажралмоқчилар, унга қўшилмоқчилар, бунга қўшилмоқчилар, бизни ўзига бўйсундирмоқчилар каби баъзи бўлмағур, писмиқ гап-сўзлар тарқатиши мумкинлигини айтиб ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз. **Бирлашиш муаммоси экология ва иктисодий шароитлардан бугунги кунда келиб чиққан объектив заруратдир.** Агар ҳозир шу иш амалга оширилиб, битта маъмуриятга бирлашилмаса, ўн йилдан кейин бу ҳаракатнинг фойдаси бўлмайди. Ингирма йилга бориб-бормай 3 миллион аҳоли саҳрога айланаётган ўз ватанларини ташлаб кетишга мажбур бўладилар. (Учта саҳро: Қизилқум, Қорақум, Уст-юрт чўли етмагандай Орол-қум саҳроси пайдо бўляпти.) Хозирги кунда 500 минг сиёсий қочоққа уй-жой ва иш топиб беролмаётган ҳукумат 3-4 миллион одамни қаёққа жойлаштиради?

3. Хоразм воҳасининг аҳолисини бугунги кунда қийнаётган, унинг келажагига таҳдид солаётган нарса — бу шубҳасиз сув танқислигидир. Табиий шаклланган бир региондан иккинчи регионга сув бериш зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин деб топилиб, Сибир дарёлари сувининг бир қисми Ўрта Осиёга окизилиш ишлари тўхтатиб қўйилган бир пайтда, Амударё суви Каспий денгизига қараб тортилиши тўғримики? Биз В. И. Ленин номидаги 700-800 километрга қўзилган Қорақум канални назарда тутаямиз. Бу каналнинг камида 300 км. қисми аниқ қум саҳросидан оқиб ўтади. Ундан қанча сув кумга сингади, қанча сув саҳро ҳароратидан буғланиб учиб кетади? Ўзбек олимларининг ҳисоб-китобига қараганда йилига 5 куб. км., туркман олимларининг ҳисобига 1 куб. км. Хозирги кунда Орол денгизи ва Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган Хоразм воҳаси вилоятлари аҳолиси учун ҳар бир томчи сув ҳаводек зарур бўлиб турган бир пайтда, бу озмунча сувми?

Бизнинг тақлимиз, шу канални Қорақум саҳроси бошлангунча бўлган қисмини қолдириб, қолганини бекитишдан иборат. Бу канал трассаси давомида ундан фойдаланиш учун кўпгина аҳоли яшайдиган жойлар, янги шаҳарлар пайдо бўлган. Шубҳасиз, янги ерлар ўзлаштирилган, янги совхозлар ва бошқа хўжаликлар бунёд бўлган. Уларда 200 мингга яқин аҳоли яшаб меҳнат қилмоқда. Канал ёпилса уларни қаергадир қўчириш, уй-жой, иш билан таъминлаш зарур. Янги барпо қилинадиган шаҳарчаларда яна мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар, маданий муассасалар бинолари қурилиши зарур, албатта. Буларнинг ҳаммасига қўшимча миллионлаб маблағ керак бўлади. Аммо, на чора. Бошқа илож йўқ. Ҳар ҳолда, 3 млн. аҳолини бир жойдан бошқа жойга қўчиришдан (20 йил кейин бўлса ҳам) 200 минг аҳолини қўчириш 15-20 марта арзон тушиши қўриниб турган ҳақиқатдир. Агар бу аҳолини асосан Туркменистон фуқаролари эканлиги эътиборга олинса, уларни Тошховуз областининг Қўна Урганч атрофидаги ерларга қўчириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки Хоразм воҳасининг энг унумдор ерлари шу ерлардир. У ердаги дехқончилик бошқа ерларга қараганда анча самаралироқдир. У ерларга фақат сува ва ишчи кучи етишмайди, холос. Бу ишга сарфланади-

ган харажатларни Туркменистон ССР ва Ўзбекистон ССР ҳукуматлари билан бирга СССР ҳукумати ҳам маблағ билан таъминлаши зарур деб ҳисоблаймиз.

4. Лойка сув ҳақида. Хоразм воҳаси ерларининг ҳосилдорлиги кўп жихатдан Амударёнинг лойкаланган сувига боғлиқ. Кейинги пайтда Туямўйин сув омбори қурилиб, ишга туширилиши сабабли, лойка сув у ерда тўпланиб, сув таркибидаги лойка омбор тубига чўкиши натижасида тиниган сув воҳа даладарига окизилди. Аммо сувни ноябрь-февраль ойларида Туямўйинда йиғиш зарурий тадбирдир. Агар сув йиғилмасдан, тўғри денгизга ўтказиб юборилса, воҳада дехқончилик учун сув етмаслиги турган гап. Бу ишни, яъни лойка сувни аввалгидай тўғри ўтказиб юборишни, факатгина юқори оқимдан етарли сув оқиб келгандагина амалга ошириш мумкин. Шунинг учун ҳам, Қорақум канални бекитиш чораларини кўриш, улар ҳақида тезлик билан илмий-амалий музокаралар бошлаб юбориш зарур.

Шу ерда эътиборингизга бир масалани ҳавола қилмоқчимиз. Маълумки, яқинда сувга эгалик қилишни яхшилаш мақсадида СССР Сув хўжалиги министрлигига қарашли Амударё ва Сирдарё бирлашмалари тузилди. Оддий, соғлом фикр бўйича шу дарёлар оқимида ташкил қилинган сув омборлари ва дарёдан сув оладиган Қорақум канали сингари каналлар шу бирлашма тасарруфига берилиши керак. Аммо, шу бугунги кунгача айнан шу Қорақум канали ва Туямўйин сув омбори Амударё бирлашмасига берилган эмас. Норасмий маълумотларга кўра, Қорақум каналига олинадиган сувга назорат йўқлиги сабабли, канал трассаси бўйлаб кўпгина яйловларни сув босиши натижасида, қумда кўй боқиш қийинлашиб борапти. Сувга эгалик масаласи тўлалигича тез кунда узил-кесил ҳал қилиниши зарур деб ҳисоблаймиз.

5. Оролнинг қуриши натижасида юз берган табиий офат туфайли Қорақалпоғистон аҳолисига белгиланган кўшимча пул маблағлари Хоразм ва Тошқовуз вилоятлари аҳолиси учун белгиланмади. Ваҳоланки, бу иккита вилоят ва мухтор жумҳуриятларнинг Хўжайли, Амударё, Беруний, Эллиққалъа ва Тўрткўл ноҳиялари кўшнисидирлар ва бир хил шароитда иш кўрадилар. Ўтказилган ялли тиббий кўрикда Хоразм вилояти аҳолисининг 72 фоизи табиий офат билан боғлиқ дардларга чалинганлиги аниқланди. Ахир, бу масалада адолат бўлмоғи зарур.

6. Хоразм воҳаси вилоятларида пахта ва шולי экишни сезиларли қисқартириш ҳисобига, тежалган сувни денгизга окизиш зарур. Бунда камида йилига 10 куб. км. сув денгизга кўшимча қуйилган бўлур эди.

7. Амударё соҳилларида кўрикхона бунёд қилиш керак. Бу ҳам воҳанинг қирилиб кетаётган жонзотларига, ўсимлик дунёсига нажот йўли бўлиши мумкин. Бугунги кунда Хоразмда дарё соҳили бўйлаб 300 метрлик табиий зона ташкил қилинапти. Аммо бу иш ҳам жуда қийинчилик билан амалга ошириляпти, хўжалиқлар тайёр, ҳисобсиз ерларнинг озгина қисмини бўлса-да, ташлаб кетишни истамайяптилар. Шу ўринда бир савол туғилади: нега айнан 300 метр? Нима учун 500 метр ёки 1 км. эмас? 300 деган сон қимнинг миясига келган? Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш лозим деб ҳисоблаймиз.

8. «Орол фонди»нинг ишлатилиши ҳақида. Фикри-мизча, Оролни кутқариш комитети ва «Орол фонди» ўзининг илк мақсадига эришди, яъни Орол денгизи қуриётгани ҳақида кенг жар солиб бунга ҳукуматнинг ҳам, халқнинг ҳам, ҳатто халқаро ташкилотларнинг ҳам эътиборини қарата олди. Шу орада оз бўлса ҳам, бир мунча маблағ йиғилиб қолди (5 млн. сўм).

Аммо шу маблағ бир жойда касалхона, бошқа жойда болалар боғчаси қуришга харажат қилинаётгани жуда ҳам тўғри бўлмаса керак деб ҳисоблаймиз. Бу фонд маблағлари айнан Орол денгизига сув олиб келиш ишларига сарфланиши керак. Бизнингча, фонд маблағлари иттифоқимиз бўйлаб ва бутун дунё бўйлаб Орол денгизини кутқаришга қаратилган энг мақбул лойиҳа учун қатта пул ҳисобига (масалан 100 минг сўм.) конкурс эълон қилиши керак эди. Аммо вақт ўтиб кетяптику бундай ишдан дарак бўлмади. «Орол фонди» фақат тушадиган хайру эҳсонларга қараб ўтирмасдан ўзининг корхоналарини очиши керак, имконият бўлса чет эл фирмалари билан ҳам-корликда ишлайдиган корхоналар тузиб, ўзи маблағларини 50 млн., ҳатто 500 млн.га етказиш устида бош қотирмоғи керак. Шундагина қатта лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш ишига сезиларли ҳисса қўшган бўлур эди. Умуман, «Орол фонди» шу кунгача қилган конкрет ишлари ва келгуси режалари ҳақида қичкина ҳисобот китобчаси чиқарса ёмон бўлмас эди.

9. Хоразмда ўзбеклар яшайди. Ўзбек деган ном XV асрда пайдо бўлган бўлса, Хоразмийлар номи 4 минг йиллик тарихга эга. Бинобарин Хоразмда, аждодларимиз Хоразмий миллати билан қон-қардош бўлиб чатишиб кетган Хоразмий ўзбеклари яшайди. Шунинг учун ҳам бу халқ ўзининг тили, урф-одатлари, маданияти, санъати, меъморчилиги билан жумҳуриятимизнинг бошқа жойларида яшайдиган ўзбеклардан кескин фарқ қилади. Мисол учун ўзбек классик санъатининг дурдонаси ҳисобланмиш Хоразм мақомларини бир эслаб кўринг.

Ана энди шу халқ, ўз тарихининг сўнгги атиги 66 йилида уч қисмга бўлинган ҳолда яшаяпти. Сўнгги вақтларда борди-келди қилиш, бир-бири билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш жуда мушкул бўляпти. Чунки ҳар бир жумҳурият ўз худудидан у чиқмасин, бу чиқарилмасин деган (гарчи вақтинча деб номланса ҳам) қарорлар қабул қиляпти.

Қайта қуриш сиёсати туфайли кейинги пайтда бутун дунёда халқларнинг бирлашиш ҳаракати кучайиб кетди. Яқинда Яман араб республикаси ва Яман Халқ Демократик республикаси бирлашди, иккита герман давлатлари бирлашиши жараёни бошланиб кетди, бундан йиғирма йил аввал Вьетнам халқларининг бирлашганини эсласак, нега энди бир хил тузумда, битта мамлакат худудида яшайдиган Хоразмий ўзбеклар битта маъмурий худудга бирлашишлари мумкин эмас. Бу масалани жиддий мулоҳаза қилиб ўйлаб кўриш вақти етди.

Юқорида таклиф қилинган масалаларни муҳокама қилиш учун Хоразм тупроғида Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР, Қорақалпоғистон АССР ва СССР Олий Советлари, шунингдек, Хоразм ва Тошқовуз вилоятлар Советлари вакилларининг илмий-амалий учрашуви ўтказилса, бу учрашувларда олимлар ҳам қатнашсалар, экология ва иқтисодий олдимишга қўндаланг қўйган қатта муаммоларни ечилиш йўли топилишига умид қилмиш.

Агар Хоразм воҳаси бирлиги тикланса бу ерда поли-техника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, ирригация, халқ хўжалиги, савдо-сотик каби олий ўқув юртлари филиаллари ташкил этиш керак бўлади. Хозирда воҳада фақат битта педагогика олий ўқув юрти ва Нукус Давлат дорилфунуни ишлаб турибди. Уч миллионга яқин аҳолининг фарзандлари Тошкент, Ашхобод, Самарқанд, Москва ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида таълим оладилар. Бу ниҳоятда огир. Хоразмнинг тафаккури ўзида камол топгани яхши.


Халкнинг маърифатга бўлган чанкоғини кондириш керак. Воҳани бирлаштириш халк маърифатини оширишнинг янги режаларини юзага келтиради. Ҳозирги шароитда эса Хоразм тарихи, фани ва маданияти, халк хўжалиги уч қисмга ажратилган ҳолда ўрганиляпти. Бунинг натижаси ҳаммага аён.

Хоразм воҳасида қадимий шаҳарлар аянчли аҳволда. Уларда аждодлар руҳи чиркираётир.

Хоразм шоҳлигининг пойтахти Қўна Урганч (Гурганч) эрамининг бошида қарор топган шаҳар. Бу ерда машҳур олимлар Абу Райҳон Ал Беруний, Абу Али ибн Сино яшаб ижод қилганлар, ақл-заковатлари билан дунёни лол қолдиришган. Бу шаҳар ҳозир Тошҳовуз вилояти таркибида. Шаҳарнинг ҳозирги аҳволи юракни сиркиратади. Хоразмнинг қадимги маркази Қиёт (ҳозирда Беруний шаҳри). Бу шаҳар алгебра ва алгоритмнинг яратувчиси буюк математик олим Муҳаммад ибн Мусо Ал-Хоразмий ҳаёти билан боғлиқ. Ва яна Хоразмнинг антик шаҳар ва қалъалари бўлган Эллиққалъа, Гулдурсин, Тупроққалъа, Қўй қирилган қалъа, Аёз қалъа, Гаур қалъа ва бошқа қадимий қадамжолар ҚҚАССР тасарруфида. Қадимда савдо йўлларини бирлаштириб турган, маданият ва илм маркази бўлган Хива (хавак-қудук) шаҳригина Хоразм вилоятига қарайди. Бу шаҳар деворларидаги аждодларимиз қўлларининг азиз, табаррук изи деворлар билан бирга нураётир. Тарихий ёдгорлик бўлган шаҳарларни минг йиллар кейинги авлодларимизга тарихий ҳақиқат қилиб етказиш бурчини бажаришимиз керак. Шунинг билан бирга тарихий шаҳарларни умумий саёҳатгоҳларга айлантириш имкони туғилади, аждодларимиз руҳи шод бўлади. Кейингина тарихимиз билан фахрлансак арзийди.

Хоразм воҳасини қандай қилиб бирлаштириш, у қандай кўринишда бўлиши давлат арбобларининг, олимларнинг вазифаси.

**БАҲОДИР БОБОЖОНОВ, ОЙБЕК РАҲИМ.**



## Эшқобил Шукур



*Туйноқсиздан  
кеч, туйноқ...*

\* \* \*

Ўтдан-да, сувдан-да топмадим завол,  
Фалак куйиндилар тўқди бошимга.  
Қаердан кирдинг сен, фаришта аёл,  
Қайғули йигирма беш ёшимга.

Бу ёшнинг туйноқсиз бир ҳужрасида,  
Маъюс ўлтирарсан. Тиззангда кашта.  
Ипак эшиб юрагининг толаларидан  
Қайғу гулин чизаётган фаришта...

Юз йилки, сен маъюс, тиззангда кашта,  
Юз йилки чўмилмас ҳурлар тушимда.  
Юз йилки ҳар куни юз бор қайтаман  
Қайғули йигирма беш ёшимга.

Юз йилки, бу ердан кетолмасман ҳеч,  
Бу ғариб ҳужрада тугаган йўлим.  
Тиззангга бош қўйиб йиғлайман кун-кеч  
Тиззангда улғаяр Қайғунинг Гули.

\* \* \*

Ҳасратли ҳужрамда  
Қайғудан бўлак  
Ҳамма кетиб бўлди бирма-бир... бирма-бир...  
Дастурхонда фақат кемтилган юрак  
Ва бир коса сабр...

Ҳасратли ҳужрамда  
Зилзила тинди...  
Анграйган эшикни ёпиб қўяман.  
Юракнинг қолганин ейман-да, энди  
Бир коса сабрни ичиб қўяман.

Ҳасратли ҳужрамда  
Дунё ҳам, мен ҳам  
Бир-бировдан тўйдик ноилож,  
Фақат қайғу оч-да, қайғу жуда оч...

\* \* \*

Олмалар гуллаган хилват кўнглимда  
Бир аёл гулламай яшар жимгина.  
Ўлмас бир қуш уя қурди қўйнимга,  
Уя қурди ўлмас бир илон яна.

Мен кимман? Қаноти куйган тирамоҳ,  
Дунёдан ўтарман шамолдай оқиб,  
Бир аёл кўнглимда гулламай яшар  
Бир қуш билан битта илонни боқиб.

\* \* \*

Мен энди гуноҳқорман,  
Гуноҳимдан кеч, гулим.  
Бир қошиқ қоним бўлса  
Ун қадаҳда ич, гулим.

Мен энди бир диндорман,  
Савобимдан кеч, гулим.  
Меҳробда томчи ёшим  
Юз қадаҳда ич, гулим.

Мен энди бир дарвешман,  
Сен хайрдан кеч, гулим.  
Халтамда бир юлдуз бўлса,  
Минг қадаҳда ич, гулим.

Мен энди бир даҳрийман,  
Сен кўнглимни еч, гулим.  
Дилда бир дарё бўлса,  
Бир қадаҳда ич, гулим.

## Бедил

Кўп бўлди оёғим ердан узилган,  
Бир қулоч юқори юраман сиздан  
Қушдай ялангоёқ, ой каби яёв.

Қадам қўяр бўлсам ерга энди мен,  
Ҳар босган изимдан адашган гулдай  
Кўкариб чиқади бир даста олов.

\* \* \*

Давлатли бегойим, эркли бегойим,  
Биза мурувват қил, кўркли бегойим...

Худо тумор тақиб, бошинг бойламиш,  
Бандага дарчаси беркли бегойим.

Ишқинг чархи дунни вайрон айлади,  
Олам охирати туркли, бегойим.

Бир кўнгилни ташлаб кетдим дунёга,  
Менга бу дунё на, эркли бегойим,  
Сенга бир кўнгил на, кўркли бегойим.

Ҳимматли бегойим, султон бегойим,  
Сулаймон тахтида ҳайрон, бегойим.

Ўзинг ободсену давлатинг обод,  
Пойингда ики дун вайрон, бегойим.

Бир кулгунг ўғирлаб кетдим дунёдан,  
Сенга бир кулгу на, хушхон бегойим,  
Менга қўш дунё на, султон бегойим...

\* \* \*

Ёқут ёнғоқларни чақиб бўлдингми,  
Афсунгар олмахон, қаллоб олмахон?

Тилло чақмоқларни чақиб бўлдингми,  
Ў, алдамчи баҳор. Ў, тантиқ баҳор?

Олтин одамларни чақиб бўлдингми,  
Мурувватсиз ўлим, шафқатсиз ўлим?


Қон тўла юракни чақиб бўлдингми  
Пешонангга уриб, бечора шоир?..

Саховатли шоир, бечора шоир...





## Шукрулло



### Хотира-қисса

Биласанми?.. Мана ёнингда ўтирган Шукрулло ҳам халқ душмани деб, неча йилга ҳукм қилинган, неча йил қамоқ лагерларида ўтириб чиққан, бунга ҳам ишонмайсанми? Бир неча ўлимлардан қандай қилиб қолгани, хўрликларини эшитганмисан?

Йигит елка қисди.

Наҳотки ҳозирги бу авлод буюк истеъдод, билим соҳиблари бўлган боболарининг ватанга, халқига хоинликда айбланиб отилганига ишониб келган бўлсалар!

Ўтирганлардан бири, бу авлод қонли тарихини билиб қўйсин, гапиринг, дегандек менга қаради.

Айтиб беринг дейиш осон. Ҳарқандай даҳшатли, фожиали воқеаларни ҳам эртаси эшитгандек эшитиш мумкин. Аммо қамоқларда тилка-пора бўлган бу юрак, қақшаган бу асаблар тўхмат ва ҳақоратлар азобини қайта хотиралашга энди бардош бера олармикан!?

## Кириш

Сўхбатларнинг бирида гапдан гап чиқиб, кимнингдир янгидан министр қилиб тайинланганини айтиб қолишди. Ўтирганлардан бири бу министр қандай бўларкин, олдингисидан яхши чиқармикан ёки бу ҳам олдингилардек бўлармикан, қабилида гап бошлаган эди, бошқаси шартта уни гапини бўлиб, зарда аралаш:

— Бизларда ўзи яхши раҳбар бўлганми?.. Сталин... У ўлгандан кейин Хрушчев, Брежнев, ундан кейин Черненко, ундан кейин... Одатда бизда раҳбарларнинг кимлиги, яхши-ёмонлиги тириклигида эмас, аксинча, ўлгандан кейин айтилади,— деган жавобни қилди.

Ярим ҳазил, ярим чин қилиб айтилган бу гап кутилмаганда кулгига, охири баҳса айланиб кетди.

— Хўп замонларга етиб келдик-да, бундай гаплар мабодо ўттизинчи, ҳатто эллагинчи йилларда бировнинг оғзидан чиққанда, ҳали сен совет раҳбарини масхаралайдиган бўлдингми, бу партия раҳбарлигидан кулишдир, деган сиёсий айбни қўйиб, оёғини ерга теккизмасдан халқ душмани қилиб қамарди.

Ўттизинчи, эллагинчи йиллар даҳшати, қама-қамаларни бошдан кечириш у ёқда турсин, ҳали у вақтда туғилмаган, орамизда ўтирган йигирма ёшлар чамаси бир йигит, бу гаплар унга афсонадек туюлган бўлса керак, кулиб қўйди. Аммо унинг бу ўринсиз кулгиси орамизда ўтирган, отаси 37-йилда — навқирон йигит вақтида отилиб кетган одамга қаттиқ ботди шекилли, йигитчага қараб:

— Абдулла Қодирий, Усмон Носир деган ёзувчиларни эшитганмисан? Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовдек буюк раҳбарларни-чи? Уларни ким отган? Нега?

## Кўзи боғлиқ одам

Бирор гуноҳ қилиб, одам валдирабми ёки ўғирлик қилибми қўлга тушган кишининг аҳволини тасаввур қилиш мумкин. Аммо ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, мутлақо бегуноҳ бир одамнинг қўлига кишан солиб, уйдан олиб чиқиб кетиб қамаб қўйсалар, у одамнинг бу қуруқ тўхмат туфайли чеккан азобини ҳамма ҳам тасаввур қилабермаса керак.

1951 йил. Нашриётда муҳаррир бўлиб ишлайман. Менга мутлақо бегона бир одам иш охирида телефон қилиб, мен сизнинг мухлисларингиздан бириман, кўришмоқчи эдим, деган истак билдирди. Мен, вақтнинг кеч бўлиб қолганини, бундан ташқари, айни замонда имконим йўқлигини, ижод ҳақида ҳамиша гаплашиш мумкинлигини айтишимга қарамай, атиги беш минутгина вақтингизни оламан, яқин жойдаман, хонангизда бўлсангиз, ҳозир бораман, деди-да, менинг жавобимни эшитмасданоқ дастакни қўйиб қўйди. Орадан кўп ўтмай, нашриёт ходимларидан кимдир ташқарида мени аллаким кутаётганини, чақириб беришни илтимос қилганини айтди.

Чикдим.



Бегона одам кулиб саломлашди. Мени чеккароққа тортиб, қандайдир атрофга эҳтиёткорлик билан аланглаб, айтган гапи — мен военкоматданман, ҳарбий билетингиз ёнингизда бўлса, кўрсам — дегани бўлди. Албатта, тинчлик бир замонда бундай гап ҳаммани таажублантириши табиий. Мен ҳам ҳайрон бўлдим.

Уруш вақти бўлса, бошқа гап эди, тинчлик вақтида ҳарбий билетга бу қадар шошқинч зарурат бўлишига шубҳалантирмай илож йўқ эди. Мен унга тинчлик вақтида ҳарбий билетимни ёнимда олиб юрмаслигимни айтдим. Аммо у қатъий қилиб, уйингизда бўлса ҳам кўришим керак, деди. Гарчанд тан олгим келмаса ҳам, аммо бу одамнинг кимлиги ва нима ниятда экани менга аён бўлди.

Пастга тушдик. Кўчада машина кутиб турар, унда баланд бўйли рус киши ўтирарди. Уша заҳоти қўлимга кишан солишдимми-йўқми ёдимда эмас, уйга келдик. Номига ҳарбий билетимни кўргандек бўлди-да, уйда ким бор-ким йўқлигини аниқлагандан кейин, ҳеч ким ҳеч қаяққа жилмаслиги лозимлигини таъкидлади. Мендан эса уйда қурол-яроғ, тақиқланган сиёсий адабиётлар бор-йўқлигини сўрагач, тинтув бошлашларини айтди. Мен нима ҳам дердим? Бирорта одам тақиқланган китоблар сақлаган деб маълумот берган бўлса, бундай нарса менда йўқлиги боис, қарашса-қарашаверсин деб кўнглим хотиржам бўлди. Хаёлимга шундан бошқа бирор нарса келгани ҳам йўқ. Уша вақтда халқ душмани бўлиб қамалган Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирларнинг китоблари, ҳаттоки уларнинг номлари ёзилган газета ва журналлар борми дея излаша бошлашди. Ҳатто отам, қариндош-уруғларимни 20—30-йилларда оврупоча ёқда тушган расмларига ола бошлашди. Кейинчалик билсам, уларни жадидаларга алоқадор деган шубҳа билан олишган экан. Ҳатто мен билан ўрта мактаб, институтларда бирга ўқиган дўстларим, маҳалладош, таниш-билишларимнинг урушдан юборган суратларига ола бошладилар. Улар уйдаги нарсаларни шафқатсиз ҳар ёққа отиб-сочиб тинтув қилардилар. Ҳеч нарсадан хабари йўқ тўрт ёшли ўғилчам бўлса уларга мен ёзган «Кремль юлдузлари» деган шеъримни ўқиб берарди. Тинтув пайтида гувоҳлик учун чақирилган қўшни аёл бу гўдакнинг ўз отаси тақдиридан беҳабарлигиданми ёки менга ачинганиданми, уни бағрига босиб хўнграб йиғлаб юборди.

Мен эса уйимдан тақиқланган бирор нарса топилмаганлиги учун ҳам ҳеч қандай хавф сезмас, хотиржам эдим. Аммо бу хотиржамлик узоққа чўзилмади. Тинтув тугагач, мени ўзлари билан бирга юришимни айтишди. Қаерга, нега — аниқ жавоб беришмади. Хоҳласангиз, эҳтиётдан кўрпа-ёстик, кийим-кечаклар олишингиз мумкин, дейишди.

Хотин, бола-чақа, уйимда ҳозир бўлган қўни-қўшниларнинг қий-чуви кўтарилди. Мени олиб кетишди.

Менинг бошимга тушган бир неча йиллик айрилиқ, қаро кунлар мана шу дақиқадан бошланди. Аммо олдинда не кўргуликларни кўраман — буларнинг бари менга қоронғу, худди кўзи боғлиқ одамдек, ҳеч нима билмас эдим.

КГБ қамоқхонасининг якка хонасида ётганимга мана бир неча кун бўлди. Олиб келишгач, эртаси кун сочимни киртишлашди. Бу ҳам хунук бир хабарнинг, яъни бу «даргоҳ»дан яқин орада чиқишга умид қилмасликнинг белгиси эди. Худди шунга тасдиқлагандек, номим ёзилган тахтачани кўкрагимга қўйиб расмимни олишди. Узини-ўзи осиб ёки бўғиб қўймасин деган «ғамхўрлик» билан камаримни, ҳатто томирини кесиб, ўзини-ўзи ўлдирмасин деган мақсадда бўлса керак, шимимдан

тортиб ҳамма кийимларимдаги тугмаларгача қирқиб олишди.

Қамалганимнинг нечанчи куни экани ёдимда йўқ, мен ётган хонанинг темир эшигидаги тўйнуқдан назоратчи номимни айтиб, чиқишга тайёрланишимни буюрди.

Кутиб турдим. Эшик очилиб, чиқишим билан назоратчи бошдан оёқ гўё мен ниманидир яшириб қўйгандек, ҳамма жойимни тинтиб, қўлингни орқага қил, йўлда гапирма, юр деганимда юр, тўхта деганимда тўхтайсан, дея тартибни тушунтириб, қаергадир олиб кетди. Бу дўқ-девараларнинг замирида шу бугундан бошлаб бутун инсоний ҳуқуқлардан маҳрумсан, кимлигингни энди унутарив деган ишора бор эди.

Хўш, мени қаерга олиб бормоқчи? Мени яна нима кўргуликлар кутмоқда? Булар фақат худойимнинг ўзигагина аён.

Қамоқ назоратчиси мени терговчи Сухановнинг хонасига олиб кирди.

Тавба, меҳрибончиликни қарангки, терговчининг биринчи гапи «хўш, аҳволинг қалай?» деб ҳол-аҳвол сўраши бўлди. Бунга нима жавоб қайтариш мумкин? Ахир қамоқда бегуноҳ ётган одамнинг аҳволи нима бўларди? Бундай ҳол сўрашда одамгарчилик эмас, сени масҳара қилиш, ҳорма, душман, қўлга тушдингку, деган маъно бор эди.

Бугунги тергов гўё туғилганимдан бошлаб то шу кунгача бўлган қилмиш ва жинойтларимни эслатиб, ёдимга солмоқчи бўлгандек, саволни таржимаи ҳолимни сўраб ёзишдан бошланди. Узимнинг туғилган йилимдан тортиб то ота-онам кимлиги, қачон туғилиб қачон ўлганию қариндош уруғларим ким бўлгани, қамалган-қамалмагани, чет элларда бўлган-бўлмаганлигигача ҳаммасига жавоб бердим. У эса нималарнидир узоқ вақт ёзди. Ниҳоят, ёзганларини ўқиб бериб, қўл қўйишимни сўради. Қўл қўйишдан аввал ўқидиму ёқа ушладим. Туғилган йилимдан бошқа деярли ҳамма гаплар бузиб, мен айтмаган нарсалар қўшиб ёзилган эди.

Отанг ким бўлган, деган саволга, отам ҳам, авлодаждодим ҳам эмчилик касби билан шуғулланган деб бирор жавобим ҳам бутунлай бузилиб, отаси диндор, домла бўлган, ўзи советларга қарши тарғибот билан шуғулланган, деб ёзилибди. Ахир таржимаи ҳолимни бузиб ёзишдан мақсад нима? Бундан кузатилган бирдан бир мақсад, диндорлар оиласида, советларга қарши диний руҳда тарбияланган деган айбномани қўйиш эди, холос! Чунки диндорликнинг ўзи душман деб айб-лаш учун етарли эди.

Мен қўл қўйишдан бош тортдим. Мана шу бугундан бошлаб оқни қора, қилмаган гуноҳларимни қилди деб кўрсатиб иқрор қилиш, дўқ-ҳақорат, айтган гапларимнинг бутунлай тескарисини ёзиш, ёлгонлар тўқиш бошланди.

Бу ҳақорат ва хўрлик азобларидан қутулиш учун битта йўл бўлиб, у ҳам бўлса мен совет давлатини ағдариш учун курашиб келганман, миллатчиман, деб ўзингни ўзинг душман қилиб кўрсатиш эди, холос. Бу эса ўзингни ўзинг ўлимга ҳукм қилиш билан баробар эди.

Ким бунга рози бўлади?! Рози бўлмасанг-чи? Карсерга ташлашади. Карсер қандай бўлади, биласанми? Палоссиз, зах цементда ётасан. Ҳар куни ейдиган бир чўмич ёвғон сўк оши ёки сули бўтқадан ҳам маҳрум бўлиб, икки юз грамм нон ва сувга кунинг қолади. Ойлаб сенга уйқу бермасликлари мумкин. Уйингдан киритиладиган ейиш-ичиш, хабар олиш, кўришишдан маҳрум этиласан. Истаганча ҳақорат қилишлари, азоблашлари мумкин. Буларнинг ҳаммасига бардошинг етадими? Яшашдан умидинг борми? Қанча чидайсан?

Нима қилиш керак? Елғонларни рост деб тан олиш, бу ўзингни ўзинг душман деб ҳукм чиқариш бўлмай-дими?

Бундай кутилмаган тўқима айбномаларга қўл қўйишни рад этганимдан кейин, терговчи, бу ерга нега олиб келганимизни билсанми? деб менга яқин келди. Бу билан у, сен қўл қўясанми, йўқми, сени душман деб қамадикми, мажбур қиламиз, демоқчи эди. Албатта, менинг ҳайратланишим ва йўқ дейишимдан ўзга жавобим бўлмас эди. Мендан рад жавобни эшитгач, терговчи ўтирган жойидан дарғазаб кўзғалиб:

— Маккор!.. Маккор! Душман маккор бўлади! Советларга қарши ҳаракатларинг, пантуркистик ва панисломистик қарашларинг ҳақида бизларни билмайди деб ўйласанми!? Зўрлаб, қийнамасимиздан, ҳаммасини яширмай ўзинг гапирганинг маъқул, бу гуноҳингни енгиллаштиради. Максим Горький нима деган? Шоирсан, билишинг керак! «Душман ўзи таслим бўлмаса, уни янчиб ташлайдилар», деган!

— Ўзи йўқ нарсанинг нимасини яшираман? Гуноҳимни билсанг, айта бер! Мени совет давлатига ҳеч қандай душманлигим ҳам, енгиллатадиган ёки оғирлатадиган гуноҳим ҳам бўлган эмас.

Менинг бу жавобим унга ҳақорат туюлгандек, столни ғазаб билан уриб:

— Душманлигингни яшириб, бизни алдамоқчимисан, тухматчи! Сенга шафқат бўлмаслигини ўйла!— деб, урмоқчи бўлгудек тепамга келиб туриб олди. Айтадиган гапи — Совет давлатига қарши қандай ва кимлар билан биргаликда курашмоқчи бўлгансан, биз мажбур қилмасимиздан ўзинг айт!

Хаёлинга келмаган нарсани нимасини айтасан! У қанча дўқ-пўписа, ҳақорат қилмасин, менинг жавобим фақат битта бўлди:

— Мен душман бўлмаган бўлсам, нимани ўйлайман!.. Нимани айтаман?

— Сенинг ашаддий душманлигининг битта белгиси шундаки, ҳаттоки сен совет чекистларини елғончи қилмоқчи бўласан, уларга ҳам ишонмайсан.

— Йўқ!.. Мен чекистларни энг фидойи, давлат ва ватан манфаатидан ўзга манфаатни ўйламовчи, энг ҳалол одамлар деб ҳисоблаганман.

Аммо мен терговчига нима жавоб қилмай, у ҳар битта сўзининг аксини айтиб, мендан душман чиқармакка интиларди.

— Яхшиликча бизга ишониб, миллатчилигингни бўйнингга олсанг, далил ва гувоҳлар билан душманлигингни фош қилмасимиздан айбинга иқрор бўлсанг, яна такрорлайман, бу гуноҳингни камайтириб, терговни тезроқ тугаллашга сабаб бўлади... Уйла!

— Гуноҳим бўлса гувоҳсиз ҳам, далилсиз ҳам тан оламан. Йўқ гуноҳнинг нимасини ўйлайман?

— Миллатчилик фаолиятингни яширасанми?

— Тухмат!

— Қамалган миллатчи, халқ душмани бўлган ёзувчилар билан алоқанг-чи?

— Ҳеч қандай миллатчи билан ҳеч қачон алоқам бўлган эмас. Бўлса, айтабер, тан оламан!

— Бизга ҳаммаси маълум. Душман маккор бўлади, дарҳол тан олайди.

Менинг жавобларимдан қаноатланмаган терговчи мендан олдинроқ ҳибсга олинган Ҳамид Сулаймон, Мирзакалон Исмоилий, Шухрат, ака-ука Алимұхамедовлар, Маҳмуд Муродовлар билан танишлигим, қандай алоқада бўлганим, қаерларда учрашганимиз ва советларга қарши қандай ғоявий кўпорув ишлари олиб борганимиз ҳақидаги саволларга жавоб беришимни талаб қила бошлади.

Бунга дод дейишдан бошқа нима ҳам дейсан? Қаерга қочасан?

— Биз ҳеч кимни ноҳақ қамаган эмасмиз. Гуноҳсиз одамлар бу ерга келмайди.— Терговчи менга зўғум билан қаради-да, кимгадир телефон қилди. Орадан кўп ўтмай келган назоратчи олдига солиб мени камерага олиб кетди.

Мана неча кундирки, якка кишилик камерадаман. Терговчи чақирмайди. Бордию гуноҳларимни ўйлаб олсин деган мақсадда чақирмаётган бўлса, ҳўш, мен ўйлаб нимани ўйлардим? Қайси гуноҳимни?! Мана бир неча кундирки, ўзимга-ўзим савол бераман. Ўз-ўзимдан қилган гуноҳларим бормикан деб айб ахтараман. Балки унутгандирман...

Бордию кимдир менга бу кўргуликлар ота-онангнинг дилини ранжитганинг, озор берганинг учун деса, оёқларига йқирилиб тавба-тазарру қилишга, ҳатто ҳар қандай жазога ҳам рози бўлардим. Аммо ўз ватаним, халқимга асло хиёнат қилган эмасман!

Тақдиримни виждонимга ҳавола қилиб, ўз-ўзимга савол ҳам бериб кўраман. Ахир ҳаётдан, сиёсатдан норози бўлган вақтларим бўлмаганми? Балки шунинг учун қамашгандир?

Қамоққа олиб келганларидан бери қиш ўтиб, баҳор ҳам кириб келди. Бу орада ерда кўкатлар, далаларда лолалар очилдими, дарахт куртак чиқариб, гул ёздими — буларни кўришдан мен бутун маҳрум, бебаҳраман. Қушлар овози мен учун ёт. Мен ётган қамоқ хонасига на баҳор шамоли, на кўклам нафаси киради. Қилган қай гуноҳларимга худо ўзининг бу оромбахш неъматларидан мени маҳрум қилди?!

Қани, терговчи айтгандек, бошдан кечирганларимни ўйлаб кўрай-чи... Беайб парвардигор дегандек, қайси гуноҳларимга худонинг қаҳри келган? Гуноҳим отамнинг қурьонни ёд билган қори ёки диндор бўлганими? Бордию Абдулла Қодирий ёки Усмон Носир асарларини ўқиган бўлсам, бундан Совет давлатига нима душманлик бўлиши мумкин? Менинг нима айбим бор?

Менга қўйган асосий айбларидан бири, менинг душманлигим, Совет турмуш тарзидан, сиёсатидан норозилигим, нолишим эмиш! Душманлик бор, норозилик бор!.. 30-йилларда одамлар очликдан шишиб қирилди. Бунга ким рози бўлади? 1937 йилда беғуноҳ одамлар қамалиб, йўқ бўлиб кетди. Ким бунга рози бўлади? Ақллими танибманки, ёшлик чоғларимданоқ мен ўзим ҳам ҳамиша бир хавфу хатар билан юрагимни ҳовучлаб, норозилик билан кун кечирганим рост, буни яширмайман. Наҳотки бу душманлик саналса!

Беш-олти ёшлик вақтларимдаги адолатсизлик, зўрликлар ҳали эсимда. Маҳаллаимизнинг Маманбей деган комиссияси бўларди. Ута муттаҳам одам эди. Ватан уруши йилларида ортиқча заборний карточка олиб-сотилсада айбланиб, қамалганча, қамоқда ўлиб кетади. Маҳалла аҳолисининг кўпчилиги бунга қайғурмади ҳам, ҳатто одамлар орасида «қилмиш-қидирмиш, бировларнинг ҳақи қўймайди, битта ёмон камайибди» деганлари ҳам бўлди. Маманбей бировнинг ҳақидан қўрқмайдиган, қанча-қанча маҳалла кишиларининг 28—30-йилларда ноҳақ қулоқ бўлиши, қамалишига сабаб бўлганлардан бири эди.

Ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди. 1926—27 йиллари, ҳар кун бўлмаса ҳам бир ҳафта, ўн кунда, гарчанд отам домла бўлмаса ҳам, эшигимиздан «Қори домла» деб бақариб-чақариб келарди. Маманбейнинг домла сўзига урғу бериб қақариб келиши сабаби, менинг кўнглимни овлолмасанг, диндор, домла деб қулоқ қилдиришим ҳам қўлдан келади, деган қўрқитиш, таъма маъносида бўларди. Унинг бу ниятини билган отам домла эмасли-

гини исботлаш учун чор Россияси давридаёқ эмчи деб берилган шаҳодатномадан тортиб, Совет даврида қай район, қай шаҳар, қайси жумҳуриятда қачон, қанча аҳолини эмлаганлиги ҳақидаги ҳужжатларни чиқариб кўрсатарди. Чаласавод Маманбей уни ўқий оларми-ди, йўқми, бу ҳужжатларни палон жойга кўрсатинг, деганча бирор нарса ундиролмай қайтарди.

Аммо ҳафта ўтмасдан яна бирор баҳона топиб, маҳалла фаолларидан бирини ёнига олиб бақириб-чақириб эшикда пайдо бўларди:

— Болохонага чиқиб кўрмоқчимиз, одам ўтқазамиз.

— Ахир бу одам ўтирадиган жой эмас-ку, на дераза, на эшиги бор, ўтин-пўтин, хазон-хузон кўйишдан бошқа нарсага ярамайди-ку!..— Онамнинг бир чеккада рўмолига юзини яшириб қилган жавобига:

— Кўчи кирадиган одам ўзига керак нарсани қилиб олади. Ичидаги ашқол-дашқолларни тушириб кўйинглар,— дер эди.

Онамнинг:

— Қори акангиз бу сафар узоққа, Қозоғистон томонга ишга кетган, келсин, ундан кейин бир маслаҳати бўлар, деб қилган ноласига қарамасдан, эртага одам киради, деганча дағдаға қилиб кетарди.

Тепамизга ким келади? Бизларнинг устимиздан бостириб ким болохонага ўтиб юради? Бу зўравонлик, бу ваҳималардан фақат онамнинггина эмас, ёш бола бўлмиш менинг ҳам кўнглимда ҳаловат, хотиржамлик бўлмасди. Доимо кўнглимда, қулоқ қилинсақ ёки домла деб отамни қамашса, нима қиламиз деган ғашлик, кўрқув ётарди. Онам эса, эшик тик этса, Маманбей кимни устимизга кўчириб келяпти деган хавф билан кун ўтказарди.

Бу ғалвадан қутулиш учун кичкина бола ҳам чиқса бўладиган тахта нарвонни отам кимгадир бериб юбориб, ўрнига қўл ушламасдан чиқиб бўлмайдиган ёғоч нарвон топиб қўйди. Гўё шу билан болохонага одам кўчириб келиш ташвишидан қутулгандек бўлди.

Йўқ, бу билан ҳам, холамнинг ўғли Убайдуллохон қаромат қилиб айтгандек, Маманбейнинг эшик қоқиб келишидан қутулмадик.

Унинг айтган гаплари бўлди.

1925—1926 йилларда отам яхши ният билан менинг суннат тўйимга атаб ҳавас билан иморат солдирган эди. Уша вақтда ҳовлимизга келган Убайдуллохонга отам мақтаниб:

— Убайдуллохон, ҳали уйимиз чала, шипларни бўятиб, деворларини ганч қилдираман, ўшанда келасиз,— деганда, Убайдулла акам:

— Ганч қилиб, шипининг панерларини бўятиш эмас, иложи бўлса, панерларини бузиб, тунуканинг ўрнига лой том қилиб қўйинг, замоннинг бу кетиши шу бўлса, болохоналик уй-жойинг бор экан, бой экансан, деб тортиб олиб қўяди. Узингизни қулоқ қилмаса ҳам, одам киритади, ҳозирги сиёсат шундай,— деган эди.

Бунинг энг даҳшатли томони шундаки, бу қандай замон бўлди, ўз ҳалол меҳнатинг билан топган пулинга кўнглингдагидек орзу-ҳавас қилиб яшолмасанг, бу нима деган ҳаёт бўлди! Бундан ортиқ зўравонлик бўладими?

Убайдуллохон Россиянинг шаҳарларидан бирида 1905 йилда ҳуқуқшунослик факультетини битирган, адвокат бўлган, жуда билимдон, замон сиёсатидан бохабар одам эди. Лев Толстойлар билан хат олиб, хат ёзишган, 1917 йилда Қўқон мухториятининг раҳбарларидан бири бўлган. (Албатта, Убайдулла акамнинг Қўқон мухториятининг раҳбарларидан бири экани у ёқда турсин, менга қариндош эканини буларга айтгудек бўлсам, ҳамма айбларни йиғиштириб қўйиб, мени қамаш учун шуни ўзи етарли бўларди.) Орадан бир-икки йил

ўтмаёқ, унинг қаромат қилиб айтган ҳамма гаплари келди.

Маманбейнинг эшик қоқиб, турли баҳоналар билан келишидан қутулиб бўлмади. Ҳали арзимаган қоровул пули, ҳали ҳовли солиқлари тўланган-тўланмаганини текшириш баҳонаси билан пайдо бўлаверади. Тўлаш муддатидан бир кун ўтган бўлса ҳам бўлди, уйимизни тинтув қилдириб, сандик борми, болохонами, молхонами — ҳаммасини остин-устун қилиб, палон муддатгача тўламасанглар ҳаммаси давлатга ўтказилади дея ваҳима солиб кетарди. Кунларни ваҳимада ўтказардик.

У вақтларда сандиғингдан уч-тўрт кийимлик мато чиқса бўлди, қулоқ қилиш учун баҳона бўлаверар эди. Онамни бирдан-бир ташвиши уйимиздан китоблар, айниқса қуръонни у ердан олиб бу ерга, киши кўзи тушмайдиган ерга бекитиш эди. Чунки ўша вақтда савод бор, ҳатто масчитга чиқувчилар ҳам қулоқ қилинган. Уйимизда Навоий, Бедилдан тортиб Сўфи Оллоёр, Амир Умархон давридаги мажмуайи шуарогача бор эди. Бу китоблар Маманбейнинг кўзига тушиб бошимизга бало бўлмаслиги учун кунлардан бир кун ҳаммасини ҳовлимизнинг бир чеккасига ўра қазиб кўмганим эсимда (1960 йилда ўра қилган жойимни умид билан қовлаб кўрдим, тупроқ тагидан китоблар ўрнида ҳовуч-ҳовуч кепаклар олиб, йиғладим).

У йиллар шундай бир давр эдики, бутун ҳуқуқ Маманбейга йўшаган китоб нималигини билмаган, саводсизлар ихтиёрига бериб қўйилган эди. Ҳатто ўша йиллари «пастанд юқорига кўтариш» сиёсати қўлланиб, оддий ишчи, қоровул борми, раҳбарлик ишларига кўтаришганди. Ҳатто мактаб қоровули Қосим ака деган саводсиз бир одамни 1920 йилларнинг охирида мен ўқиган «Шайх Саъдий» мактабга мудир қилиб тайинлаб, бир неча тилларни ва фанларни биладиган Жамил афанди, Яҳё афандиларни эса қувғин қилиб, айримларини қамашганди. Маманбейдекларнинг айтгани айтган, дегани деган. Илм-маърифат эгалари оёқости, хор-зор бўлиб, умрини чойхонада ўтказган, мактаб, тарбия нималигидан мутлақо беҳабар, ҳатто қўл қўйишни билмайдиган одамлар иззат-икромда бўлса, ақли расо кишилар: бу қандай сиёсат, демайдими?

Терговчининг менга Совет тузумидан норозилигинг, душманлик фаолиятинг ҳақида ўзинг айт, деган саволи сабаб бўлиб, ёшлиқдан бошимдан кечирган бир-биридан кўнгилсиз, юқоридагидек адолатсиз воқеалар ҳаёлимдан ўта бошлади. Ахир бу ноҳақликлар кишида норозилик уйғотадими, йўқми? Ахир, отам текинхўр, ўғри ёки савдогар бўлмаса, (савдогарлик ҳам гуноҳ эмас, ахир у ҳам меҳнат) халқнинг болаларини эмлаб, офатдан сақлаб қолиш учун ҳалол меҳнат қилиб топган пулига болохонали иморат солган бўлса, хўш, нега энди у қурган тайёр жойга бир бегона одам текиндан-текин кириб яшаши керак? Бу зўрлик эмасми? Бундай адолатсизликка ким рози бўлади? Бундай адолатсизликдан нафратланиш наҳотки совет тузумидан норозилик, жиноят ҳисоблансал?

Кечагина терговчи, отасининг касбини эмчи бўлган, дейиш ўрнига, ўзича қаердандир ўйлаб, домла деб ёзди. Бу ёлғон-ку!

Бордию отам эмчи эмас, домла бўлганда нима бўпти? Унинг кимга зиёни бор? Диндор одам ёмону диндан қайтган яхши, ҳукуматга садоқатли бўладими? Ахир, эътиқодсизликдан кўра нимагадир ишониб, эътиқод қўйиб яшаш афзалроқ-ку. Лев Толстой ҳудожўй бўлган, диндор бўлган; уни нодон, зарарли одам деб бўладими? Бордию диндорлар совет кишиларини бузади, дейдиган бўлсак, ахир, одамлар ҳам баъзилар ўйлаганча, дарҳол ҳар бир нарсага ишониб кетаверадиган

даражада содда бўлмасалар керак. Эътиқодга эмас, эътиқодини йўқотган, нафси учун, манфаати учун ҳар кўчага кириб кетаверувчиларга қарши курашмоқ афзалроқ эмасми, деб-ўз-ўзимча ўйлардим.

Қамоқнинг якка хонасида ҳам ўзим билан ўзим курашиб, ўйлаган бу фикрларимни терговчига айтиб бўлармиди? Диндорликда айбламайдими?

Фақат 1920—1937 йилларда эмас, яқин-яқинларда ҳам диний эътиқоди учун, эскича фикрлашда, феодал қолоқликда айблаб, минглаб эмас, миллион-миллион кишиларни қамаб, сургун қилганлари ҳаммага аён-ку. Шулар ҳукуматнинг сиёсатидан розими? Эътиқод учун кишини душманга чиқариб бўладими?

Ўз туғилган тупроғидан маҳрум бўлиб, қулоқ қилиниб, Сибирга, Украинага юборилган бечоралар бу адолатсизликдан нолиганмикин? Тилида айтмаса ҳам дил-дилидан бу сиёсат, бу ҳаётдан рози бўлганмикин?

Ҳақиқатни айтмаслик бу — хиёнат. Аммо айтсангчи!.. Ҳаёл сени минг ёққа олиб кетади. Баъзан қанчалик чидамли, мард бўлма, адолатсизлик алами, чирқираб қолган фарзандларинг, оиланг кўз олдиндан ўтибми, кўзларингга бу хўрликдан ёш келади. Қамоқда сенинг бирдан-бир ҳамроҳинг хаёл, хаёл!..

Сени бундай узлуксиз хаёллар чангалидан фақат ўзини-ўзи осиб қўймайдими ёки деворни тешиб қочишни мўлжаллаётгани йўқми, дея назоратчининг дамбада темир эшикнинг тугмадек тешигидан қарашигина бузади. Қамоқда эканингни эслатиб туради. Назоратчи мени нима билан машғул эканимни бир оз кузатгач, эшик туйнукчасини очиб, исми шарифимни сўраб, юкларим билан чиқишга тайёрланишимни айтди.

Ё тавба! Юкларим билан қаерга олиб боришмоқчи? Балки уйимдан олиб кетаётганда баъзи нарсаларни аниқлаб, гуноҳинг бўлмаса эрта-индин қўйиб юбориш ҳам мумкин, биз бир нарса дёёлмаймиз деганларидек, наҳот, уйга қайтарсалар! Эй, худо!

Аммо терговчининг, бу ерга бегуноҳ кишилар олиб келинмайди, деган сўзи ёдимга тушди-ю умидларим чил-чил синди. Хўш, энди қаерга олиб боришмоқчи? Уйдан кўтариб келган кўрпа-ёстиқ, яна нималарнидир ўраб туриб, бирданга ўпкам тўлиб, кўзларимга ёш келди. Ўзим эмас, хотиним шўрликнинг олти ёшидан худди мендек кўрпа-ёстиқ орқалаб юриши кўз олдимдан ўтаверди. Пешонамиз шўрлигига йиғладим. Унинг поездма-поезд, дарёма-дарё кезиб, қувғинликда кечирган азоб-уқубатлари, бахтсизликлари эсимга тушдию, ўзимга эмас, маъсума, гўзал хотинимнинг тақдирига йиғладим. Кўз олдимдан унинг бахтсиз ўтмиши эмас, фожиали бугуни, келажаги ўта бошлади. Наҳот, келажаги ҳам ўтмишидек қаро бўлса!

Хотиним билан тўй олдидан танишиб орзу-ҳавас, авлод-аждод, ота-она ҳақида гап кетганда, кўзларида мўлт-мўлт ёш билан, бир неча йилдан бери ота-онасининг тирик-ўликлгидан дарак йўқлиги, олти ёшидан буён дарбадарликда бошидан кечирган ноҳақликлар, даҳшатли кечинмаларини айтаркан, уни эшитган инсофли одам шу ҳаётдан рози бўладими?

## Кўчиш. Дарбадарлик. Янги қабр

(Хотинимнинг ҳикояси)

1931 йил, ёз. Мен олти ёшли қизалоқ эдим. Бизларни қулоқ қилишди. Тинтувдан сўнг ҳовли-жой, мол-мулк,

от-улов мусодара қилиниб, отамларни қайгадир олиб кетишди.

Орадан 20 кунлар ўтгач, эрларнинг Украинага жўнатилиши айтилиб, агар хотинлар эрлари билан кетмай, болалари билан қолишни истаса, қолиши мумкин деб эълон қилишди. Шунда халойиқ орасида дод-фарёд кўтарилди. Онам эса мен болаларимни тирик етим қилмайман, эримни қаерга жўнатсангиз мен ҳам болаларим билан бирга кетаман, қандай азоб бўлса ҳам бирга тортаман деб илтижо қилдилар. Айрим оилалар ажралиб кетди.

Бизни нега қулоқ қилишди, ҳаммамиз ҳайрон эдик. Озгина ер, бир сигир, бир от, бизлар билан яшайдиган корандамиз Хушвақт ака ва унинг кампиридан бошқа ҳеч нарсамиз йўқ эди.

Биз жўнаб кетишимиз олдидан онам Хушвақт акага, бизни уйда қолинг, мусодара қилинган молларимизни эҳтимол сизга беришар, деганларида Хушвақт ака, мен сизлардан ҳеч ёмонлик кўрмаганман, биттагина кетмонимни олиб бўлса ҳам сизлар қаерга кетсангиз, бирга кетаман, деган жавоб қилди. Шу билан Хушвақт ака ҳам кампири билан қулоқ қилинди. Бирга кетдик.

## Этап

Август. Кун иссиқ. Ҳамма қулоқ қилинган оилаларни Қўйликдаги этап қилиш пунктига йиғишди. Қариндош-уруғлар келишган. Хайрлашув. Кимдир дод-фарёд қилиб ўзидан кетган. Кимдир йиғлайвериш ҳолдан тойган. Биз эса отамиз билан бирга жўнаб кетаётганимиздан хурсанд эдик.

Тошкент темир йўл вокзалига олиб келиб, қизил юк вагонларига чиқдик. Ҳар бир вагонда 2—3 оила жойлашган. Ҳар оилада камида 3—4 тадан бола бор. Вагонда фақат биттагина туйнук бўлиб, у ҳам жуда кичкина эди. Эшик ёпилди. Эшик тагида 2 тадан соқчи қўйилди ва поезд жўнади. Поезд жўнадию гўё ҳаммани юрагини бирдан узиб олиб кетаётгандек бўлди. Ҳамон йиғисиғи босилмас эди.

Вагоннинг ичи иссиқ, ҳавоси бузук, кўнгил ағдарилиб келади. Поезд катта станцияда тўхтаганда соқчилар билан бирга қайнаган сув олиб чиқиш мумкин эди. Ҳожатхона йўқ. Тувак тутилади. Вагон сассигига чидаб бўлмас эди. Тувак поезд юрган даврда деразадан ёки тешикдан тўкилар, сув эса етишмас эди. Шу аҳволда 13 кун йўл юрдик. Олинган озиқ-овқатлар ҳар қанча авайланса ҳам тугаб қолди. Ҳукумат ҳар куни туш пайтида балиқ шўрва берарди. Бу шўрвани айниқса болалар ичмай хархаша қилишарди. Шу азоб билан Одесса шаҳрига келганлигимиз эълон қилинди. Яна қанча юрагимиз — номаълум эди.

Одессадан бизни теплоходга («Пенай») ўтказдилар. Шу даврда кўз оғриқ, ич оғриқ касали авж олди. Деярли ҳамма болалар кўз оғриқ касали билан оғриган. Кўзларимиз юмилиб, шишиб кетган. Менинг кичкина 3 ёшли Абдулазиз деган укам эса зотилжам бўлиб қолди. Иситмаси баланд, шайтонлаб қолади. Онам ухламай, отам билан кўтариб чиқишади.

Бир кеча-кундуздан сўнг теплоходдан Херсон деган шаҳарга тушдик. 100 га яқин арвалар (4 ғилдиракли бричка) келтирилиб, қишлоқларга тарқатишди. Шу ерда қулоқлар 4 миллатга ажратилди: қозоқ, туркман, ўзбек, қирғиз. Ҳар бир миллатни алоҳида қишлоқларга олиб кетишди. Тошкентдан қулоқ қилинганларга отамни бошлиқ қилишди (Отам рус тилини яхши гапирар, саводли эдилар). Бизга Ястреб деган қишлоқни бериш-

ди. 20 оила Ястреб қишлоғига жўнаб кетдик. Биз билан Хушвақт ака ва кампири бирга кетди.

Биз борган қишлоқдаги украинлар Сибирга сургун қилиниб, уларнинг мол-мулки ва уй-жойлари бизга ўхшаб мусодара қилинган экан. Уйлар бўм-бўш, атрофларини ўт босиб кетган, ҳатто деразалар зўрға кўринадди. Ҳар бир оилага бир хона ва бир даҳлиз ажратилди. Бизнинг ёнимизга Хушвақт ака кампири билан жойлашди.

Хушвақт аканинг биз билан кетиши отам учун катта ташвиш эди. Чунки бир кетмонидан ташқари ҳеч нарсаси йўқ эди, унинг уйига бир кигиз, бир кўрпа, бир ёстиқ ва бир кўрпача ажратдик (Бизга эса жуда кам уй-рўзғор буюмлари берилган эди. Ҳатто қозон ҳам биттадан ортиқ берилмаган. У ҳам бўлса ўртача декча эди). Ғамлаб олинган озиқ-овқатлар йўлда туаган. Отам 2—3 эркак билан Птаховка деган қишлоққа овқат қидириб кетишди.

Укамнинг аҳволи оғирлаша бошлади. Онам эртаю кеч укам билан оворалар. Доктор йўқ. Бегона юрт. Учинчи кунни ниҳоят отам Птаховкадан бир доктор топиб келдилар. Дори берди. Лекин фойдаси бўлмади. Ниҳоят, 6-кунни кечаси вафот этди. Бутун қишлоқ аҳолиси йиғилди. Эрталаб дафн қилдик. Унга бир сиқим она тупроғи насиб этмади. Биринчи қабр пайдо бўлди. Шу жой мусофирлар мозори деб танланди. Мусофирлар мозорига биринчи бўлиб менинг укам Абдулазиз қўйилди. Бу биз учун жуда оғир кун бўлди. Гўрков ҳам, ғассол ҳам йўқ. Хушвақт ака эса шу мозорга қараб турадиган бўлди. Укамнинг қабрини Хушвақт ака ўзи қазиб, уни ўз қўли билан қабрга қўйди. Шундай қилиб, бизнинг мусофир юртдаги оғир ҳаётимиз бошланди.

Орадан 6 ойча ўтгач, Хушвақт аканинг кампири Саври хола ҳам вафот этди. Саври холани укамни ёнига қўйдилар. Шу-шу Хушвақт ака мозордан чиқмай қолди.

Биз билан кетганлар ичида Амирсаидовлар оиласи ҳам бор эди. (Улар ҳозир ҳам бор.) Улардан Амириллахон, Ҳамидхон акалар 3—4 тилни биладиган ўқимшли кишилар эдилар. Тез орада ҳаракат қилиб мактаб очиб, ўзлари шу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашди. Амириллахон ака немис, француз, рус тилидан, Ҳамидхон ака эса (ҳозир 85 ёшда) она тили, адабиётдан дарс бера бошладилар. Қулоқ қилинганлар 3000 хонадон бўлиб, улар жанубий Украина районларида пахта экиш билан шуғуллана бошладилар.

Биз яшаган ерда ёз майин бўлса ҳам, қиш қаттиқ келаркан. Қор бўрони, изғиринлар. Ўрта Осиё шароитида яшаб, юпун борган халқ орасида юзларини, оёқ қўлларини совуққа олдирганлар кўп эди. Ёқилғи топиш қийин, уйни иситиш азоб. Печларга похол ёки тиканли хашак ёқилар, уни муттасил қалаб турмаса ўчиб қолар эди. Шу қийинчилик йиллари касалликлар, айниқса, зотилжам кўпайиб, кўпларни олиб кетди. Тезда мусофирлар мозорида ҳам қабрлар сони оша борди.

1933 йил баҳори оғир келди. Очарчилик бошланди. Қишдан толиқиб чиққан халқ баҳорда ҳолдан кетиб, очликдан қирила бошлади.

Шунинг учун отам отхонага ишга кирдилар. У ерда отларни боқиш учун бериладиган кепак билан бир амалаб, ўлмаёй ёзга чиқдик. Аммо, айниқса, қозок, туркманларга қийин бўлди. Уларда на бирор бисот, на тилла, на кумуш бор эди. Улар шўра ўтти қайнатиб еб, шишиб, ёппасига қирила бошладилар. Қишлоқ аҳолиси жуда сийраклашиб қолди. Кунда ўнлаб ўликлар кўмилар эди. Шу оғир кунлардан бирида бизга ҳамроҳ бўлиб қолган Хушвақт ака ҳам тиф касали билан вафот этди. Отам уни кўмдилар, иложи борича маъракаларини ўтказдилар. Очлик, қимматчилик аста-секин ҳақатчи-

ликка айланди. Пулга ҳам нарса топиш қийин бўлиб қолди. Шу кунларда торгсин деган магазин очилди. Унда фақат тилла ва кумушгагина қанд ва ун берилар эди. Ойимларнинг келинликларида олиб қўйган зирак, узуклари шунда жонимизга ора кирди. Уларни торгсинга топшириб ун ва қанд олдилар. Бу ҳам қанчага етарди? Бисотга бори тамом бўлди. Бизнинг ёнимизда отамнинг Ортиқов Қўшоқ ака деган яқин ўртоқлари бор эди. Унинг хотини, уч ўғли ва бир қизи бўлиб эди.

Қийинчиликда хотинлари, сўнг қизлари вафот этди. Уч ўғил билан Қўшоқ ака қолди.

Қўшоқ ака болаларининг очликдан нолишига чидаёлмади, арпазордан ярим килоча арпани болалари учун олиб келаётганда қоровул ушлаб қамаб қўяди.

Суд қилиниб, ўн йил қамоққа ҳукм қилинади. Ўн йил-а! Ўн йилни у ёққа қўйинг, ўзи бу очликдан ҳали омон қоладими, йўқми, худо билади. Бундан ташқари, очликдан шишиш даражасига етган бу уч бола отадан кейин кўчада қоладиган бўлди. Отам ўзбекларнинг ичида рус тилида ёзиш ва гаплашишни биладиган одам бўлгани учун турли жойларга арз ёзиб, Қўшоқ акани жазодан қутқариб қолдилар.

Бир оиланинг бошидан кечган бу даҳшатли воқеаларни қамоқда ҳаёлдан ўтказиб, шунча хўрлик, шунча очликни бошдан кечирган бу авлод вояга етганда ҳаётидан рози бўлармикан? Бевақт очликдан ҳалок бўлган отаналар, гўдакликда дунёдан кўз юмган азиз жигарларининг алами унутилармикан, деб ўйлардим.

1935—1936 йиллар тўйиб нон ейдиган замон бўлди, деб хотиним ҳикоясини давом этарди.

Очарчиликлар ортда қолиб, оғзимиз энди ошга текканда, насиб этган бу қувончлар ҳам узоққа бормади. 1937 йил кириб, ваҳимали гаплар тарқала бошлади. Бу ваҳимали миш-мишлар тез орада ростга айланиб, қулоқлар ичидан энди халқ душманини излаш бошланди. Қулоқлар оиласидаги илмли, маърифатли кишилар, бизнинг яхши ўқитувчиларимиздан Амириллахон ака ва уларнинг укалари Ҳамидхон акани халқ душмани деб бир кечада олиб кетдилар. Қаерга, нима учун олиб кетганлиги ҳақида ҳеч хабар бўлмади. Амириллахон аканинг 5 та болалари бўлиб, ҳаммаси ёш эди. Хотинлари нимжон, ишга яроқсиз. 70 ёшли оналари вафот этдилар.

Отам ҳам доим хавфда юрар эдилар. Кечалари қора машина қишлоқда пайдо бўлар, яна кимнидир олиб кетар эди. Қама-қама 1940 йилгача давом этди.

1941 йил бошланган уруш, айниқса, бизлар учун оғир бўлди. Уруш бошланиши билан қулоқ бўлган эркаклар, шу жумладан, отамни Акмалинскка ишчи батальонга олиб кетишди. Бу вақтда акам билан мен Тошкентда эдик. Украинада туғилган синглим онам билан немислар қуршовида қолишди. Бир неча йил дарак бўлмади.

1944 йил Днепр немислардан озод қилинганча, онам ва синглим эвакуация қилиниб, кузда Тошкентга келишди. (2 ой оғир аҳволда йўл юришган.) Онам оёқларини совуққа олдирган бўлиб, шу касал билан вафот этдилар. Отам бўлса Қўшоқ ака Ортиқов билан Акмалинскка кетганча қайтмадилар. Очлик ва ишнинг оғирлигидан ўша ерда вафот этганлар.

Бу шўринг қурғурларнинг гуноҳлари нима эди?

Хотиним шўрликнинг бошига тушган шунча азоб-укубатлар етмагандек, энди мендан айрилиш азоби, икки болани боқиб ўстириш машаққати қолганмиди? Даҳшатли бу ўйларимни қамоқ назоратчисининг юкларингни кўтар, қани чиқ, деган буйруғи бузиб юборди.

Терговчининг, сен ҳаётимиздан нолигансан, менга қайғули шеърлар ёқади дегансан, деб қўйган айбонмасига жавобан, бу гапларим ҳақми-туҳматми, мендан эмас, йигирманчи йилларнинг охирида бегуноҳ қулоқ

қилиниб, ўз юртидан жудо бўлган, хазондек тўзиб, ўликлари ўзга юртларда қолиб кетганлардан, 1932—1933 йилларда очликдан кўчаларда шишиб ўлганлардан сўра! Йўқ, фақат, улардан эмас, 1937 йилларда қатл этилган минглаб, миллионларнинг фарёд урган руҳларидан, тирик етим қолган фарзандларидан сўра, улар розимикан дегим келарди. Аммо бу гапни айтиб бўлармиди?

Бордию бу гапларимга ишонмасанг, бундай азоб-укубатлар, ноҳақликларни ўз бошидан кечирган хотиндан сўра, дегудек бўлсанг ўша кун хотинингни ҳам халқ душмани деб ёнингга олиб келишлари муқаррар эди.

Бундай гапларни айтиш терговчининг кўнглидаги ишни қилиш бўлурди. Уша кунгиде, қўйган бутун айбларимизга ўзи иқрор бўлди, деб терговни тугатади. Ишни судга оширади, у эса терговни муддатидан илгари тугатгани, маҳорати учун яна бир юксак даражага ҳам эга бўлади.

Юқимни кўтариб, қамоқхона ҳовлисида кутиб турган «Қора қарға» машинасига чиқдим. Энди қаерга олиб боришмоқчи? Хаёлларим қарор топгунча ҳам бўлмай, машина икки-уч дақиқали масофани босмасдан, тўхтаб, яна қандайдир темир дарвозанинг кўнгилисиз шарақлаб очилиб-ёпилиши эшитилди.

Юқларимни орқалаб, машинадан тушдим. Милтиқ тутган назоратчининг кўлингни орқага қил, артофга қарама, бу ёққа юр, деган буйруғи остида ертўлага тушдим. Бу ертўла икки ёни темир эшиклардан иборат узундан-узун қамоқхона эди. Мени бир хонага киргизишди.

Тавба, инсон табиати шу қадар ажойибки, камерага кириб, унда ўтирган бир-икки маҳбусга кўзим тушиши билан, қамоқ азобини бир дам унутиб, кўнглимда кутилмаган қандайдир равшанлик пайдо бўлди. Бу ёлғизхонадан чиқиб одамлар билан учрашганимданми ёки қоронғу, тор хонадан кенгроқ хонага ўтганимданми, билмадим, шу заҳоти хаёлимдан озодлик вақтимда эшитганим бир ривоят ўтди.

РИВОЯТ: Бир бечора камбағал деҳқон бола-чақа, мол-жони кўпайиб, уй-жойи торлик қилиб қолганидан доимо нолир экан. Бунинг ноласини эшитганлардан бири, уйим кўпайсин десанг битта шартим бор, шуни қилсанг муродингга етасан, шу бугуноқ кечқурун бола-чақанг билан ётадиган уйингнинг бир чеккасига сигир, бузоғингни боғлаб, худога нола қиласан. Эрталаб қарабсанки, кенг уйинг эгаси бўлиб қоласан, дебди.

Деҳқон унинг айтганини қилибди, аммо ҳеч нарса ўзгармабди.

Деҳқоннинг уйини кенгайтирмоқчи бўлган одам буни эшитиб, энди сигирингни ёнига эчкинг билан қўйингни олиб кириб боғлаб, худога мурожаат қиласан, ана шунда мақсадга эришасан, дебди. Деҳқон буни ҳам қилибди. Аммо тагин ҳеч нарса ўзгармабди.

Деҳқонга ваъда берган одам буни эшитиб, энди ҳовлингидеги товуқларни ҳам уйингнинг бир чеккасига олиб кириб ёт, дебди. Умид билан сигир-бузоқ, қўй, эчкининг устига товуқларни ҳам олиб кириб, азонгача бу тор-танқисликдан қачон қутуламан, деб нола қилибди. Аммо тонг отиб, кун ёришибди ҳамки ҳеч нарса ўзгармабди.

Бундан ғазабланган деҳқон шўрлик бояги ваъда қилган одамни топиб, воқеани баён қилган экан, у:

— Энди бугундан бошлаб бирма-бир сигир билан бузоғингни, эртасига эчки билан қўйингни, ундан кейин товугингни олиб чиқиб худога ёлборасан, шундан кейин қарабсанки, эски, тор уйингнинг ўрнида катта сарой пайдо бўлади, дебди. Деҳқон унинг айтганини қилиб,

бир кун сигир билан бузоғини, эртасига қўй билан эчкисини, ундан кейин товуқларини олиб чиқиб қараса, уйда ўнлаб одам яшаса бўладиган жой қолибди. Буни кўрган деҳқон, ҳайвонлар билан ётишдан қутулганимга шукр. Бошқа уй керакмас, шу уйимнинг ўзи ҳам етар экан-ку, бўлди, энди нолимайман, деган экан.

Худди шунга ўхшаш мен ҳам эни бир газли яккаҳондан қутулиб, икки-уч одам турадиган хонага кирганимдан кейин, бу жой кўзимга кенг ҳовлидек кўриниб кетди.

Камерада маҳбусларнинг бири 70-80 ёшлардаги серсоқол яҳудий домласи бўлса, бири 1937 йилда халқ душмани бўлиб ўн йиллик қамоқ ва беш йиллик сурган муддатини Қолимада тугатиб қайтгач, қайтадан қамалган 40—50 ёшлардаги Раис исмли собиқ партия ходими экан. Буларнинг кимликларини билгач, мен ўзимни бутунлай бегуноҳ, буларни эса душман санаб, ишонсизлик билан жирканиб қарай бошладим. Чунки кимки халқ душмани бўлиб қамалган бўлса, суриштирмай уни душман деб санаш бизларнинг қонимизга сингиб кетганди. Аммо суҳбат давомида уларнинг бирортаси ҳам ўзларини совет давлатига душман деб санамасдилар. Худди мендек улар ҳам ўзларини бутунлай бегуноҳ деб билардилар.

Мен ўзимнинг кимлигим, қачон қамоққа келганлигим ҳақида улар берган саволларга жавоб бергунимча бўлмай, эшик очилиб ниҳоятда баланд бўйли бир маҳбус кириб келди. Бу гитлер армиясининг асирга олинган эсас солдати — Лоран исмли немис эди. У кириб келиб ўз темир кароватига ўтирди-ю гап-сўзсиз шошилганча халтасидан бир неча чақмоқ қандни алюмин кружкага солиб, суви қочиб, қотиб қолган нон билан ея бошлади. Маълум бўлишича, гуноҳларини бўйнига олманлиги учун унга ҳафталаб уйқу бермай, охири қарцерга ташлашган, ундан ҳозиргина чиқиб келиши экан. Бир оз тамадди қилгандан кейин бир ойдан ортиқ нон-сувга чидаб, қуруқ тахта устида ётганидан нолиш ўрнига ўша ерда озми-кўпми ухлаб, кўзини илантириб олиш имкони бўлганидан мамнун бўлиб гапирди. Айтишича, йигирма кун уйқу беришмаган. Кечқурун терговга чиқиришгандан то тонггача уйқу бермай бир, икки терговчи галма-гал, сўроқ қилиб, тонг отар олдидан, уйқудан туришга бирор ярим соат қолганда жавоб бериб кўзини илантиришга улгурадими, йўқми яна кундуз кунни уйқу бермай, ўтиришга мажбур қилишаркан. Кечки уйқу вақтида энди ёстиққа бош қўйиб ухлай бошлаши билан, асабларини азоблаш мақсадида яна терговга олиб чиқиб кетарканлар. Бу аҳвол ҳафталаб, ойлаб давом этган...

Қамоқ муҳитида озми-кўпми, бирдан-бир чеҳрасини очиб, маҳбусларни одам ўрнида кўрадиган, уйдан юборилган нарсаларни тарқатиб юрадиган, маълум миқдордаги пулга терговчининг ижозати билан тамаки, нон, колбаса олиб келадиган Мешанов эшик очиб нима харид қилишимизни сўради. Лоран унга бир килограмм гўштга етарли пули борлигини айтиб, хом гўшт буюрди. Атрофдагиларни бундан таажжубга тушганини кўриб:

— Мен асирликдан қутилиб келганимдан кейин, Чирчиқ шаҳрига юборилдим. Заводга ишга кирдим. Рус аёлига уйландим. Унинг уй-жойи, каттагина ери бор экан. Товуқ-хўроз қилдим, чўчка боқдим. Чўчқани сўйган вақтимда, қонини бекор кетказмай ичардим. У кишига жуда қувват бўлади. Айниқса бу қамоқ шароитида пиширилган гўштан фойдалироқ. Унинг бу гапи менга жирканч туюлди. Яҳудий домла жим эди.

Мен яҳудий домлани қаердадир кўрганлигим, қаерданлиги ва кимларнинг танишлиги ҳақида сўраган эдим, саволларимнинг бирортасига жавоб беришни истамади. Бу ерда танишларнинг номини айтиш ҳам хатарли экан.

Чунки исмини айтган одамни ҳам халқ душмани билан алоқадор айблаб қамашлари мумкин экан. Ёки, аксинча, сен таниган одамларингдан бирортаси илгари ёки шу кунларда қамалган бўлса, бу ҳам сенга битта айбнома бўлиши табиий эди. Бундан ташқари қамоқда маҳбуслар бир-бирларига ишонмасдилар. Чунки камераларга сир олиш учун қамалганлардан ёлланган одамлар киритиларди.

Мен ўзимни бутунлай беғуноҳ ҳисоблардим, мени, совет шоирини немис солдати билан бир қаторда кўриб, бир хонага қўйишлари ҳақорат туюлар, умидсизликка тушиб, руҳан қийналардим. Гуноҳим шунча жиддийми деб ўйлардим. Немис солдати билан бир хонада ҳамтовоқ бўлиш тасаввуримга сиғмаган нарса эди. Наҳотки мен ҳам ана шу немис солдати, 1937 йилда халқ душмани бўлиб қамалган Раис ака ёки яхудий домласи даражада гуноҳкор саналсам?! Додингни кимга айтасан?! Наҳотки шулар билан тақдирим бир бўлса?

Уша кечаси Лоранга уйқу беришдим, йўқми, билмадим, ётар олдидан мени терговга олиб чиқиб кетишди.

## Кутилмаган ўлим

Давлат хавфсизлиги комитети қамоқхонасида ўтирганимга мана бир неча ой бўлди. Тақдирим нима кечадди, ҳеч нарса маълум эмас. Бу хусусда на мен ва на бу қамоқда ётганларнинг бирортаси аниқ гап айтолмайди. Бу даргоҳда ҳамма нарса сирли. Камерада сен билан ўтирган маҳбуздан бошқа дунёда нима кечяпти — ҳеч ким, ҳеч нарса билмайди. На радио, на газеталар. Қўшни камерада ким бор, ким қамалган — уни ҳам билмайсан. Аммо ҳамма ўтирганлар битта нарсани биларди. У ҳам бўлса ўзининг гуноҳи йўқлигини. Мен билан ўтирганларнинг бирортаси, ҳақиқатан ҳам билиб-билмай мана шундай гуноҳни қилганман, ўзимдан ҳам айб ўтган деган афсусни айтмасди. Аммо шунга қарамасдан ҳамма ўз билгани, эшитганини гапирарди.

— Бу ерга қамалганларнинг ҳеч бири омон чиққанми?

— Душманлар ҳам бўлган-ку!

— Сен ўзинг душманмисан? Душман бўлиб нима қилгансан?

— Бу ерга олиб келишдим, гуноҳинг бўлиши шарт эмас. Отмаса ҳам, 25 йил бермаса ҳам, жуда бўлмаганда беш йил, ўн йилсиз чиқаришмайди. Масалан, мана мен ўн йил лагер, 5 йил сургунда бўлдим, нима, душманмидим? Мутлақо! Бу ернинг қондаси шу, сени олиб келишдим, тамом.

Ўзимни гуноҳсиз билиб, дунёда ҳақиқат бўлса чиқиб кетарман деган умид билан яшаётган мен учун бу гапларни эшитиш жуда даҳшатли эди. Аммо ўн йиллаб лагерма-лагер, қамоқма-қамоқ, сургунларда умр ўтказган бу одамнинг гапи, қанча ваҳмали бўлмасин, ҳақиқатга яқин эди. Ноҳақ қамалган минг-минглаб одамлар билан йиллаб бирга яшайвериб, уларнинг тақдирини нима бўлгани, ким қандай айблар билан айбланса, қанча муддат берилиши унга ёд бўлиб қолган эди. Лекин шунга қарамасдан ҳамма ўз билган, эшитганларини аллақандай бир умид билан ҳикоя қиларди.

Бири суд қилингандан «Особое совещание» («махсус кенгаш») бўлгани яхши, чунки у ўн йилдан ортиқ беролмайди, суд эса 5 йил ҳам, 25 йил ҳам бериши, ҳатто отишга ҳукм қилиши ҳам мумкин, ҳар ҳолда, нима бўлса ҳам махсус кенгаш ишингни кўргани дуруст деса,

бошқа бири махсус кенгашнинг ўн йили эмас, ҳатто беш йилдан суднинг 25 йили афзал, чунки суд ҳукм қилган муддат битса бўлди, чиқиб кетасан, тутиб туролмайди, аммо махсус кенгаш орқали ҳукм қилинган бўлсанг, умринг қамоқда ўтиши ҳеч гапмас, муддатинг битса, сени бир сабаб билан ишингни қайта кўриб қўшиб қўяберади, депти.

Бундай гапларни мен биринчи эшитишим. Ўзимча, ахир қонун, адолат қани, наҳотки ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ қиладиган одам бўлмаса, деб айтгим келарди-ю, аммо буни ҳам баъзилар ҳукуматнинг сиёсатидан норозилик деб тушуниб айблашидан чўчиб, индамасдим. Деярли ҳар кун шунақанги ваҳимали гаплар.

Наҳотки менга ҳам 25 йил берсалар!.. Мени ваҳима босган эди.

Аммо Абдурайим ака бундай гапларни эшитавериб, бадани қотиб кетганиданми, худди қамоқ, сургун унинг учун оддий нарсасек, менинг ҳолатимни ҳам ҳис қилмасдан, бу ерга келдингми, ўн-ўн беш йил муддат олмасдан чиқиб кетиб бўлмайди деб, яна ўз гапининг тўғрилигига ишонтириш учун далиллар келтириб гапирарди. У мендан: — Тожихон Шодиева деган аёлни эшитганмисиз?— деб сўради. Мен бу аёлни шахсан танимасам ҳам, 37-йилда халқ душмани бўлиб қамалганидан хабардор эдим. Аммо халқ душмани бўлган одамни танийман дейиш хавfli, хатарли саналгани учун ҳа ҳам, йўқ ҳам демасдан, гапираверинг дегандек қараш қилдим.

— Мана шу аёл ҳозир Қолимада. Ўн йил муддатини тугатди. Қамоқдан чиқди. Хоҳлаган жойингга кетишин мумкин дейишди. Мен Тошкентга хурсанд бўлиб қайтдим у қайтишни истамади. Уша ерда, дарё портида ишга кириб қолди. Нега? Туғилган юртини у соғинмаганми? Эй, ким ўз туғилган юртини соғинмайди, ундан кечади. Тожихон балони биладиган хотин эди, ўзи-ку қолди, ҳатто менинг ҳам Тошкентга қайтишимни маслаҳат бермаган эди. У ҳукуматнинг юксак идораларида ишлаган, сиёсатини тушунган аёл эди. Абдурайим, Тошкентга боришни орзу қилсанг, билиб қўй, ўрганган бу жойингдан ҳам ажраб қоласан. Бир марта халқ душмани номини олдингми, бўлди, сени омон қўйишмайди. Бир баҳона топиб яна қамашади ёки бошқа ёқларга сургун қилишади, деган эди, мана айтгани бўлди.

Мен унинг гапларига ишонмай, бола-чақани бир кўрсам, армоним йўқ, нима, бу хотин пайғамбарми, деб шубҳа билан қараган эдим, у эса ҳаммасини биларкан, яна нима деди денг: — Мен бу гапларни ҳаводан олиб айтаяётганим йўқ, тарихнинг сабоғидан олиб гапиряпман. Йигирманчи йилларнинг бошларида озмунча зиёлилар, ҳукумат раҳбарлари душман деб ўлимга, айримлари сургун, қамоқларга ҳукм қилинганми?! Хўш, нима бўлди? 30-йилларга келиб сургун қилинганлари қайта қамалди, қамоқдагилари эса отилди. 30-йилларнинг бошида қамалганлар ҳам қамоқдан чиқарилмай, 1937 йилда қайтадан душман саналиб, отиб ташланди. Сен билан бизнинг тақдиримиз ҳам шундай. Халқ душмани деб номимиз бир қаро бўлдими, энди ҳукумат бизга ишонмайди. Отиб ташламаса ҳам қувилганимиз қувилган!

Тожихон бу гапларни қаромат қилгандай айтган экан, тўғри чиқди. Мана, қамоқнинг ҳам, сургуннинг ҳам муддатини ўтадим. Бирор гуноҳим йўқ. Тошкентга келиб кўрган роҳатим — бир неча ой ҳам эмас, бир неча кун бола-чақамнинг олдида бўлиб, дийдорини кўрганим бўлди. Ҳали уларнинг дийдорига тўйганим йўқ эди, мана яна қамашди. Тақдирим энди нима бўлади?

Гапини давом эттиролмай, ҳўнграб йўғлай бошлади. Шўрликнинг асаблари тамом бўлган эди.



Унинг аҳволи, гапларини эшитганимдан кейин менда мени неча йилга қамайдилар деган ташвишни ўйлашдан ҳам кўра, бу адолатсизликларга қарши қандайдир нафрат, тақдирга исёндек қандайдир журъат пайдо бўла бошлади. Унинг бу гапларини эшитган махбуслар, гарчанд ўзларининг мутлақо айбсиз эканликларини билсалар ҳам, оилаб, йиллаб давом этган тергов азоблари, зўрлаб қўйилган айбномалар оқибатида бу ердан эсон-омон, ҳақ қарор топиб, қутулиб чиқиш эмас, худонинг марҳамати бўлиб, камроқ муддат олиш, 5 йил, 10 йил бўлса ҳам бир кунмас, бир кун бола-чақа билан ўлмай қайта дийдор кўриш насиб бўлиши ҳақида ўйларди. Тақдирга тан бериб қолганди.

Аммо мен буни тан олгим келмас, бунга ҳеч кўника олмасдим. Терговчилар қанчалик зўрлаб асоссиз гуноҳларни бўйнимга қўямасин, 10 йил, 25 йил у ёқда турсин, ҳатто қамоқда ётишм мумкин эмас, менда гуноҳ йўқ, эрта-индин мени қақриб, сен озод бўлдинг, дейишлари керак деб ўйлардим. Ахир, менинг гуноҳим нима? Сен диндор, динни тарғиб қилгансан деб қамасалар, ахир мен Бўруховдек домла ҳам, немис солдати Лорон ҳам эмасман-ку! Ахир, фашистларнинг устидан ғалаба қилинганда, уни қувонч кўзёшлари билан қаршилаб, ғалаба шаънига ҳамду санолар тўқиган шоирлардан бири мен эдим-ку! Наҳот энди ўзим нафратлаган, ўз қариндош-уруғларимнинг кушандаси бўлган фашист солдати билан тенг қилиниб, ҳамтовоқ бўлиб, бир хонада тенг нафас олишга муносиб бўлсам?! Наҳотки, гуноҳим шунчалар оғир! Наҳотки, мен шунчалар душманлик қилган бўлсам!

Баъзан бу хаёллар олдида дод-фарёд солиб, қамоқ эшикларини уриб парчалаш эмас, ўлимимга рози бўлиб кетардим. Ҳатто, баъзан алам кўз ёшлари тирқираб оққанини сезмай қолардим. Шунда Лорон: — Мен фашист Германиясидан асир тушган солдатман. Гарчанд асирлигимдан бошқа бирор гуноҳим бўлмаса ҳам, бирор зарарим етмаган бўлса ҳам, немис солдати бўлганим учун гуноҳкор қилса, бирор нарса деёлмайман. Аммо сени, чет эл разведкачиси бўлмасанг, совет шоири бўлсанг, унга қарши ёзилган асаринг бўлмаса, нега душман деб қамашди? Унинг устига ёш экансан. Ташвиш қилма, сени чиқариб юборишар, дея тасалли берарди.

Абдурайим ака ҳам нимадир демоқчи эди, камерага ўзича сўкиниб, ниҳоятда дарғазаб ҳолда бир оёғи йўқ рус йигити кириб келди. Салом-алик, ҳол-аҳвол сўраш йўқ, оғзига келган сўзлар билан ҳаммани ота-онаси қолмай ҳақорат қилиб, сўкиниб, тамаки ўрай бошлади. Жаҳл билан ўраётган қоғози йиртилиб, тамаки ерга тўкилди. Қўлида қолганини ғазаб билан ерга урди. Худди мен билан эски танишдек, сансанлаб, чекасанми, тоотадиган нарсангдан ол, деди.

Бир камерадан иккинчи бир камерага кўчириб киритилган махбус кўрпа-ёстиқ, жуда бўлмаса, бирор тугун кўтариб кирарди. Бунда қўлтиқ таёқдан бошқа нарса йўқ, на бир емиш, на кийим-кечак. Мен тамаки узатдим.

Шу ерда бир нарсани эслатиб ўтмоқчиман. Бу қамоқда тамакидан бошқа на сигарет, на папирос чекиш имкони бўлади, чунки уйдан киритилган папиросу сигаретларнинг ҳаммасини ичида бирор хат, бирор заҳарли, ёки портловчи нарса борми деган шубҳа билан бурда-бурда қилиб текширувдан ўтказиб берилади.

У мендан олган тамакисини қўлига олиб, раҳмат ўрнига сўрагани — сансанлаб, сен кимсан, бу ерга қачон тушдинг, деган гапи бўлди. Мен шоир эканимни, бир йилдан ошиқ вақтдан бери ётганимни айтдим. Яна у тамаки ўраб сўкина бошлади:

— Сен шоир экансан, сен ҳукумат душмани бўлишинг

мумкин. Сен илмли одамсан. Мен-чи, «сука», лаънати, онангни палон қилайлар, кимман! Мен бир ўғри, безори бўлсам, қандай қилиб мен сиёсий махбус бўлиб қолдим. Мен ўғриман, ҳа, ўғри, блатнойман! Ўғрилигимни яширмайман. Бугун ўғрилик қиламан, ейман, ичаман. Эртасига қўлга тушсам, КПЗга олиб боришади. Менинг КПЗ нималигини тушунмаганимни сезиб, қамоққа биринчи тушишинг бўлса керак, КПЗ нималигини ҳам билмайман, КПЗ дегани камера предварительного заключения (вақтинча ҳибсда туриш хонаси) дегани у менга ўз уйимдек гап, дея изоҳ берди. Савдогарми, бойваччаларга уйдан олинган ёғлиқ овқат, ичкилик борми шерик бўлардим. КПЗ мен учун текин овқатхонадек гап. Бир йил-икки йилга ҳукм қилиб лагерга юборса, бир оёғим йўқ, ишламайман, савдогар, колхоз раислари борми, уларга келган овқатларга шерик бўлиб, текин овқат еб, ичкилик ичиб, наша чекиб яшайберардим. Мени бошқалардек чирқираб қолган бола-чақам бўлмаса, лагерь мен учун иккинчи уйим эди. Бу ер-чи?! Бу қамоқ эмас, жаҳаннам-ку! Бу ерда хоҳлаган вақтингда истаган передачангни ололмасанг. Ичкилик ичолмасанг, ашула айтиш у ёқда турсин, бир-биринг билан овоз чиқариб сўзлашолмасанг. Қарта, шиш-биш ўйнамасанг! Кундузи ухлатмаса. Бу ерда бир ой ётганда, отиб юборса розиман. Фашистлар! Тавба, ҳатто ястиққа суянолмайсан, дарров дарчани очиб, ёнбошлама деб, танбеҳ беради. Мени отиб юборса розиман. Икки ойдан бери суд ҳам қилмайди, лагерга ҳам жўнатмайди. Мен сиёсий махбусмишман! У ўзича қулиб:

— Биласанми, биродар, менга нима айб қўйишган! Мен террорист эмишман. Фақат куласан, сука! Қанақа террорист? Айбим, мастлик билан трамвайда Сталинни сўкканмишман! Нима деб сўкканман, ўзим ҳам билмайман. Шунинг учун мени сиёсий махбус, халқ душмани деб олиб келишди аблаҳлар! Қани, биродар, айтчи, менга қанча беришар экан?..

Мен нима дердим. Уз хаёлим билан ўзим банд эдим. Жавоб бергунимча ҳам бўлмай гапира кетди:

— Ҳақиқий шоир Есенин эди! Халқни ҳам, ўғрини ҳам ўйларди. Сенлар Сталинни мақташдан бошқа нима биласанлар? Гапиришга ҳам кўрқасанми? Сенларнинг ҳаммангни қамаш керак... Хафа бўлма, оғайни! Ҳамманг бичилгансан. Анави камерада бир жид, яхудий ҳусид (ёхудий домласи) билан ўтириб қолибман. Юрагимни ёриб юборай деди. Бўғиб ўлдиргим келди. Ғашимга тегиб, пичирлаб дуо ўқишдан бошқани билмайди. Нега сен ҳам индамайсан? Есенинга ўхшаб блатной, таскин берадиган шеър ўқисанг-чи!

Мен уни гапларини эшитиб ўзимча ўйлардим.

Есенинча шеър ёзишмиш! Таскин берадиган шеър ўқишмиш! Табиат ҳақида ёзган шеърларимдан хато излаб, гоёсизликда айблаб ўтиришибди-ю бунга Есенинча ёзилган шеърларимдан ўқиб берармишман! Мен унинг гапларини жим тингладим. У эса, бундан ғазабланиб:

— Мен дўзахга келиб қолибман, тўғримми?— дерди.

Мен унга нима ҳам дердим? Унинг куйиб-ўртанишлари тўғри бўлса ҳам, Сталинни сўкиб турган одамнинг гапларига қўшилишиб бўлармиди? Аввало бунинг ўғри эканига ҳам ишониб бўлмайди. Балки гап олиш учун киргандир. Чунки бўлмалардан бўлмаларга гап олиш учун махбус одамлар қўйилади. Қамоқда ётганлар ҳам бир-бирларига ишонавермасди.

Менинг жавобимни кутмасданоқ бирдан жазаваси тутиб, темир эшикни муштлаб уриб, оғзига келган ҳақоратлар билан қамоқ назоратчисини чақира кетди. Прокурорга шикоят ёзиш учун қалам билан дафтар талаб қилди...

Бу орада мени терговга олиб чиқиб кетишди. Кечқу-



рун соат 7 да сўроққа чиққанимча ухлამасдан тонг отарда камерага қайтдим. Ҳамроҳим йўқ эди. Каравоти бўш эди. Тўшак, ёстиқлари ҳам олиб чиқиб кетилган. Нима гап? Мени эса қўшни камерага кўчиришди.

Бу камерага киришим билан, у ердагилар, мендан қайси камерадан ўтганимни сўраб билишгач, кечаси билан бу камерада ғала-ғовур бўлгани, кимдир ўзини-ўзи ўлдирганини айтишди. У кечаги бир оёғи йўқ инвалид Иван эди.

## Эътиқод жазоси

Кеча кечқурун, ётар олди соат 10 ларда терговга чақиришганча, тун бўйи уйку беришмай, мана тонг отиб, ҳатто кун ёйилиб тушликка яқинлашяпти ҳамки, ҳали сўроқ тамом бўлгани йўқ. Бир терговчи билан иккинчиси алмашиб, мудраш у ёқда турсин, ҳатто кўзингни юмиб ўйлашга қўймайди. Утирган курсингда беижозат қимирлашга ҳам ҳақинг йўқ. Тур деганда бир неча соатлаб тик туришга, ўтир деганда эса тун бўйи қадалиб ўтиришга мажбурсан. Бу жазонинг энг енгил йўли. Борди-ю ўтирган курсингда уйқусизликдан толиқиб мудрагудек бўлсанг, японча массаж қўллашлари ҳам ҳеч гап эмас. Бу шундай усулки, бўйнингга бармоқларининг қирраси билан шундай туширадики, ағдарилиб тушганинча бир неча вақт ҳушинга келмай ётасан. Ўзинга келгач, дўқ-девара, ҳақорат билан яна сўроқ бошланади. Бир ўлимдан қолганинга шукр қилиб, кўзингни очасан. Бу ерда ўлганингда ҳам ҳеч ким сени, нега ўлди, деб суриштирмайди. Бу ташкилотнинг устидан, адолатсизлигидан додлаб шикоят ёзадиган азамат йўқ.

Терговчининг хонасида у берган сўроқларни ўйлаб ўтириб, хаёлимдан халқимизнинг «сувдан ҳолва ясаш» деган мақоли ўтаверди. Сувдан ҳолва ясаб бўладими? Бўларкан! Бўлганда ҳам шундай осон бўларканки, тергов вақтида бунга яна бир амин бўлдим.

Одатда одам ўлдирган ёки ўғрилиқ қилган киши гуноҳини тан олмаса, уни исботлаб, бўйнига қўйиш учун таниш-билишлари гувоҳликка чақирилди. Аммо мени қамоққа олишибдики, келганимдан бери ўз гуноҳимдан кўра ҳали ота-онамнинг кимлиги, ҳали қариндош-уруғларим ким бўлган, таниш-билиш, яқин кишиларим, улар билан қандай алоқада бўлганим, авлодимда ким қамалганлиги ва ҳоказоларни суриштиришдан нарига ўтишгани йўқ. Бу нега керак бўлиб қолди? Бундан мақсад битта — ўзимдан айб тополмаганларидан кейин, таниш-билишлар билан алоқада айблаб, уларнинг гуноҳларига мени ҳам шерик қилиш! Улар нима гуноҳ қилгани менга маълум эмас. Бунинг терговчига ҳам аҳамияти йўқ, унга улар билан танишлигимни айтсам бўлди.

Ҳақиқатини айтадиган бўлсак, бизнинг замонамизда халқ душмани бўлиб бирор одами қамалмаган хонадонни топиб бўладими? Ахир, 1920 йиллардан бошлаб жаҳидизмда айблаб зиёлиларни қамаш бошланган эди. 1927—1928 йилларда диндорлар борми, мулкдорлар борми қалоқ қилинди. Бир қисми ёт унсур ҳисобланиб яна қамалди, сургун қилинди. Бу «тозалаш»лар камлик қилгандек, 1937 йилдан бошлаб Марказком секретарлари, давлат арбоблари, ёзувчилар халқ душманига чиқарилиб қиргин-қамаш бошланди, бу 1940 йилгача давом этди. Ватан уруши тугагандан кейин, фронтдан қайтганларнинг бир қисми асир тушганликда айбланиб қамалган бўлса, 1947 йилдан бошлаб ёзувчи,

олим, санъат аҳлини ғоясизлик, космополитизмда айблаб янғидан янғи қама-қама бошланди. Бирор қариндоши қамалмаган одам қолгани йўқ, ҳатто бутун бошли оилалар сургун қилинди, отиб ташланди.

Ахир менинг ўзимни ҳам қамалган таниш ёки қариндошларим йўқмиди? Битта эмас, бир неча...

Холамнинг ўғли Убайдулла Хўжаев асрнинг бошларида Россия олий ўқув юртларидан бирининг адлия факультетини битади. У жаҳон қонушunosлиги, адабиётидан бохабар, ҳатто Лев Толстойлар билан хат ёзишиб, баҳслашаолиш даражасида юқори савияли адвокат бўлган. 1917 йил Кўкон мухториятининг ташкилотчиларидан бири бўлиб, миллат учун ниҳоятда жон кўйдирган сиймо эди. 1927—1928 йилларда сиёсий айб билан қамалиб, 1936 йилда қамоқдан қайтади. Убайдулла акамда на бола-чақа, на бисот-бағол, на тайинли уй-жой бор эди. Қамоқдан қайтгач, сингисиникида турди. Бор бисоти китоб эди. У киши қамалгандан кейин бу китобларни сақлашга қариндош-уруғлар ҳам хавотирланиб, бирининг уйдан иккинчисиникига кўчириб, охири бизларнинг болохонага олиб келишган эди. Биринчи маротаба Лев Толстойнинг 20 жилдлиги, Фитратнинг кўк муқовали «Ҳинд ихтилочилари» китоблари, «Эл», «Садоий Туркистон» каби газеталарининг тахламларини кўриб, танишган эдим.

Қамоқдан келгандан кейин сингисиникида яшаб, О. Генрининг «Маугли» асари таржимаси билан шуғулланди. Бу одамнинг билим доираси шу қадар кенг эдики, 30-йиллардаёқ ҳали ўзбек зиёлиларига унча таниш бўлмаган О. Генри ижодининг моҳиятини тушуниб етган эди.

1937 йилда яна қамалди. Шу кетганича қайтиб келмади.

1937 йилда халқ душмани бўлиб поччам қамалди. У муаллим бўлиб, илм доираси кенг, дунёдан бохабар, адолатни фаҳм этган одамлардан бири эди.

Мендан таниш-билишларим, яқин одамларим кимлигини сўраган терговчи, халқ душмани бўлиб қамалган юқоридаги қариндошларимдан хабардормикан, йўқми? Хўш, ўзим айтсам-чи!..

Ахир, улар нима гуноҳ қилган, нимага қамалган — билмасам, мен у вақтда ёш эдим-ку!

Боринги, улар гуноҳкор ҳам бўлсинлар дейлик, ахир менга унинг нима алоқаси бор? Улар менга қариндошлигини билганда нима қиларди? Лениннинг акаси Александр Ульянов Россия подшошига суиқасд қилиб, ўлдирмоқчи бўлганда жиноят устида қўлга тушган. Жиноятни исботланиб осиб ўлдирилган. Аммо қариндош уруғларига тегишмаган-ку! Ҳатто подшо ҳазратлари унинг онаси — Мария Ильиничнани бир инсон, она сифатида қабул қилиб, арз-додини тинглаб, унга таскин бериб, ўз афсусини билдирган. Уғлининг жинояти аниқ ва элга ошкор бўлгани учун қонундан ташқари иш қилолмаслигини, узрини айтган. Гуноҳкор фарзанд учун подшо на она, на отани хўрламаган-ку! Бузуқ тарбия беришда гуноҳкор қилмаган-ку!

Бизда бўлса отаси учун беғуноҳ фарзандларини, ҳатто яқин қариндош-уруғларини қамашлар озмунча бўлганми?

Акмал Икромов халқ душмани деб қамалганда ўғли Комил Икромов 10—14 ёшлар чамаси вояга етмаган бола эди. У шўрликнинг айби нима эдики, умрининг ўн йил баҳорини қамоқда, яна бир қисмини Сибирь сургунларида, хору зорликда кечирди. Нега? Қани эди, битта у бўлса! Афсуски, битта у эмас, қамалган эри ёки отаси учун умри таъқиб, сургунларда ўтган хотинлар, ўғил-қизлар минглаб, миллионлаб эди.

Терговчининг таниш-билиш, қариндош-уруғ, яқин

одамларим ҳақидаги саволига жавоб ўйларканман, шайтон ҳаёлимни минг ёққа олиб қочарди. У эса тепамга келиб, қани кимлар билан қандай алоқада бўлгансан, кимлар билан улфатчилик қилиб, чойхоналарда ош устида советларга қарши қандай гаплар айтгансан, деб ўдағайларди, гапир, дерди.

Аммо мен эса уйқусизликдан ўзимни зўрға тутиб, гангиган ҳолда унга жавобан: — Гуноҳим сенга маълум бўлса айт, қасам ичман, исбот қилолсанг, ҳар қандай жазога розиман,— дердим. У бўлса:— Душман ўзича таслим бўлмайди, Советларга қарши фаолиятинг, шерикларинг кимлигини ўзинг айтишинг керак,— дейишдан нарига ўтмасди.

Буларга нима деб жавоб берасан! Ахир, ким ўзини ким билан қачон, қаерда учрашгани, нима тўғрисида гаплашгани, кимлар билан ош еганини ёзиб юради!? Бундан кузатилган мақсад битта, у ҳам бўлса мени қамалган қариндошларим билан алоқада айблаганларидек, мен номларини айтган кишиларни ҳам мен билан алоқада айблаб, қамаш эди.

Албатта, олимлар билан илм ҳақида, шоирлар билан шеър, хуллас, одамига қараб ҳамма билан ҳар нарса тўғрисида гаплашасан. Терговчимни бундай жавобларим қизиқтирмасди. Унинг буларни суриштиришдан мақсади бутунлай бўлак нарса эди.

Мен номларини айтган таниш-билишларим терговчининг кутганича бўлмади шекилли, сира ҳаёлимга келмаган ва мен учун мутлақо кутилмаганда у:

— Усмон Носир ҳақида нималар биласан?— деб сўраб қолди.

Мен ўйлаб нетмай Усмон Носир жуда яхши, севикли шоир бўлганини айтдим.

— Бу сенга қаёқдан маълум, қандай алоқада бўлгансан?

— Китобларини, шеърларини ўқиганман.

Мени бундай жавобимни эшитган терговчи нима учундир, худди кутган мақсадига етишиб, уни қўлдан бой бериб қўйишдан хавотирлангандек, гўёки айтган гапимдан мен айнаб қолаётгандек, бир шошилишч, қандайдир жилмайиш билан менга:

— Биланларингни айтавер! Яна кимлар ўқиган унинг китобларини, у билан қаерда учрашгансан,— деди.

— 1936—1937 йиллар. Педбилим юртида талабалик вақтим. Усмон Носир ўша йилларнинг энг севикли, машҳур шоири эди. «Юрак», «Меҳрим» каби янги чиққан шеърӣ китоблари ўқувчиларнинг қўлидан, таъриф-тавсифи эса тиллардан тушмасди. Шу вақтда Усмон Носир халқ душмани бўлиб қамалди, деган гап тарқалди. Комсомоллар йиғилишида уни лаънатлаб, кимнинг қўлида китоблари бўлса, ёқиб ташлашни таъкидлашди. Шундай қилдик. Бор билганим шу!

Бунда кишини гуноҳкор қиладиган нима бор! Аммо менинг тўғрикўнгилик билан, ҳақиқатни бўямасдан айтган гапларимдан терговчи ўзича хулосалар чиқариб, етти ухлаб тушимга кирмаган нарсаларни, айтган гапларимнинг бутунлай тескарсини ёзган эди. Ўқиб, ёқа ушлайсан! Ўзингни қаерга қўйишингни, додингни кимга айтишингни билмай қоласан.

«Мен халқ душмани, ашаддий миллатчи, советларга қарши ҳаракатлари учун қамалиб кетган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носирларнинг миллатчилик, ҳаётимиздан нолишдан иборат, пессимистик асарларини севиб ўқиб, уларнинг совет давлатига қарши миллатчилик, тухматдан иборат ғояларини ўтиришларда танишларим орасида техникумда ўқиган давримдан тарғиб қилиб келганман» каби мутлақо тухматдан иборат, ўйлаб топилган уйдирмалар ёзилган эди.

Бунга қандай қилиб қўл қўясан! Бунга қўл қўйиш улар-

га қўйилган гуноҳларни бўйинга олиш билан баробар эди. Демак, Чўлпон, Усмон Носирларга нима айб қўйилган бўлса, мени ҳам шу билан айбламоқчи. Бундан чиқариладиган хулоса битта, яъни уларнинг гуноҳлари билан гуноҳинг, уларнинг тақдири билан сенинг ҳам тақдиринг бир дейиш эди.

Қандай даҳшат! Ахир, уларнинг тақдири нима билан тугаган! Наҳотки!.. Шу куни терговчи менга советларга қарши пропаяндада айблашдан ташқари яна битта айбнома, миллатчи деган моддани қўйди!

Терговчининг ёзганларига қўл қўйишдан олдин, ёзганларини ўқиб чиқиб, бу ердаги қамоқда ётган одамлар бирор жиноят ёки бирор қилган гуноҳлари учун эмас, КГБ ходимлари томонидан олдиндан ўзлари тўқиб-бичиб, ўзлари ўйлаб қўйган уйдирма жиноятларни зўрлаб ўтказиш учун қамалганларига имоним комил бўлди.

Менинг миллатчилигим нимадан иборат? Усмон Носир шеърлари, Абдулла Қодирий асарларини ўқиганнимми? Бу асарлардаги миллатчилик нимадан иборат? Усмон Носирнинг қайси шеърда миллатчилик бор? Бирор мисол борми? Миллатчилик руҳидаги бирор шеър бўлмаса, уни ўқиганим учун нега мен миллатчи бўламан? Бунга терговчи жавоб бермасди.

Ахир, мен Абдулла Қодирийни ҳам, Чўлпонни ҳам, Усмон Носирни ҳам кўрмаган, улар қамалганда мен 16 ёшли бола бўлиб, уларнинг суҳбатларида бўлмаган бўлсам-да, уларнинг миллатчи эканию совет давлатига қарши ғояларини қаёқдан билишим мумкин? Билмаган нарсамни нима деб тарғиб қиламан? Шеърларини мақтаганим учун мен ҳам миллатчи бўладиган бўлсам, бу бутунлай асоссиз! Мен унинг шеърларини кўпчилик қатори ёд олиб мақтаган бўлсам, унинг миллатчилик; йиғлоқи руҳда ёзилгани учун эмас, аксинча, кишиларнинг қалбидаги шодлик ва дардларини ифода этолгани учун, мафтун қилгани учун мақтаганман!

Усмон Носирнинг ёдимда қолган шеърларини хотирамдан ўтказдим:


**Юрак, сенсан, менинг созим,  
Тилимни найга жўр этдинг,  
Кўзимга ойни беркитдинг.  
Юрак, сенсан ишқибозим.**

**Сенга тор келди бу кўкрак,  
Севинчинг тошди қирғоқдан.  
Тилим чарчар, ажаб гоҳи  
Сени таржима қилмоқдан.**

шу мисралари кўнглимдан ўтди-ю, ўзимни тутолмай беихтиёр кўзларимга ёш келди. Хўнграб йиғладим! Ахир ҳаётдан олган севинч ва шодликлари кўкрагига сиғмай, қирғоғидан тошиб кетган бир шоир қандай қилиб пессимист бўлади, қандай қилиб уни пессимист дейиш мумкин! Қандай қилиб бу сўзга тил боради! Бундай ёлғон нега керак бўлган. Шу шеърининг давоми Усмон ўзи айтгандек хотирамда селдек қуйилиб кела бошлади:

**Итоат эт, агар сендан  
Ватан рози эмас бўлса,  
Ёрил, чақмоққа айлан сен,  
Ёрил, майли тамом ўлсам!**

Ёқамни чок қилиб дод, фарёд кўтаргим келди. Ахир Ватанининг ҳар бир хизматиға аскардек ҳаммиша тайёр, уни рози қилиш учун чақмоққа айланиб, ҳаётини қурбон қилишга рози бир оташин шоирни қандай қилиб,



Расми Н. Фуломов ишлаган

қайси инсоф, қай диенат билан душман дейиш мумкин?!

Ахир мен Усмон Носир шеърларини деярли ҳаммасини ёд олгандим. Хаёлимдан қайси шеърида миллатчилик, ҳаётдан нолиш, сиёсатни қоралайдиган ғоя бор экан деб бирма-бир ўтказиб кўрдим. «Юрак» тўпламидан кейин орада бир йил ўтмасдан нашр қилинган «Меҳрим» тўпламидаги шеърларни хотирамдан кечирдим. Тўпламнинг «Меҳрим» деб аталишининг ўзи ҳам, виждон билан айтганда, шоирни ҳаётга муҳаббати нақадар зўрлигидан далолат бермайди! Тўплам Ленинга бағишланган «1870» шеъри билан бошланарди:

**Волга! Волга! Оч руснинг ёши,  
Волга! Волга! Фигонли дарё!  
Қуёш гўё Разиннинг боши  
Кенг бағрида ҳамон мағрур, о!**

**Унутилмас йилларнинг ёди,  
Некрасовни зор-зор йиғлатган.  
Бурлақларнинг аччиқ фарёди,  
Тўбларингга тош бўлиб ботган!**

**О, тили йўқ, сариқ тошларим,  
О, бақрайган совуқ мурдалар...**

Бу шеър эмас, бу мусиқа! Менинг назаримда бу Россия, рус халқининг инқилобдан олдинги ҳаётининг жамулжам ифодаловчи симфония эди. Ахир, бу қисқа мисраларда инқилобнинг моҳияти, унга зарурат ва Лениннинг буюк хизмати шу вақтгача ёзилган асарларнинг бирортасида учрамаган такрорланмас қилиб айтилган бўлса, жўшқин муҳаббат, самимий эҳтирос, қалбларни сеҳрлайдиган даражада ишонарли ифодасини топган бўлса, Усмон шеърларини ўқиган ҳар қандай ўқувчи халққа, ватанга бундан ортиқ яна қандай садоқат, қандай муҳаббат бўлиши мумкин деб айтишдан бошқа нима дейиши керак?

Усмон Носир шеърларини хотирамдан яна бир бор ўтказарканман, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бу айбномалар, бу тўхматларга Усмон ўзи қандай бардош бергани, у қилган оху фарёдлар бутун вужудимни ларзага сола бошлади.

Қандай қилиб мен халқи севган, китоблари қўлдан қўймай ўқилган буюк бир шоирни халқига душман бўлган деб айта оламан!

Усмон!.. Садо бер, Усмон! Бу беқиёс бўҳтон азобларига қандай қилиб сенинг бардошинг етган, Усмон! Сенинг шеърларингдан олган оромим, менинг ижодимга мактаб бўлганинг ҳақи, қандай қилиб сени ўз халқининг душмани, миллатчи дейман! Кўр бўлмайманми! Йўқ, буниинг учун улар нима ҳукм чиқарсалар чиқарсинлар, инсоф бўлса, инсофларига, виждон бўлса виждонларига ҳавола! Кўнглимдаги гапларни терговчига айтдим.

Не учундир шу онда кўз олдимда 24 ёшида қамалган Усмон Носир гавдаланди. Назаримда Усмон Носир худди мен ўтирган шу қора курсига ўтириб, терговчига — мен душман эмасман, барча қўйган айбларинг тўхмат! Халқимга, ватанимга чексиз меҳру муҳаббатимдан ўзга бисотим, дардим йўқ! Ўлдирсаларинг ҳам миллатчилик, давлатга душманликда ўзимни айбдор билмайман, қўл қўймайман, деб нола қилаётгандек туюлди. Наҳот 24 ёшли буюк истеъдод эгаси, келажакнинг гениал шоири Усмон Носирни тўхматларни тан олмаган, ҳақгўйлиги учун ўлдирганлар! Наҳот шу қисмат менда ҳам такрорланса!

Бу даҳшатли хаёлимни терговчининг: сирларингни биздан яширолмайсан, қўлимизда сени фош қилиш учун далил ва гувоҳлар етарли! Усмон Носир, Чўлпонларнинг таъсирида совет халқи ғамда қолган, уни ғамдан кутқариш керак деган ким? Сен эмасми? Хўш, совет халқининг ғами нимадан иборат? Қандай қилиб кутқармоқчи бўлгансан, шу ҳақда гапир!

— Қаерда айтибман?

— Уйлаб кўр!

— Бундай деган эмасман!

Терговчи шкаф тортмасидан мени тўрт йўл 1939 йилда ёзилган (қаердан олган, билмадим), шеъримнинг русчага ағдарилган нусхасини ўқиб берди:

**Вужудимни тилиб тилка-тилка  
Айла, виждонимни сотмайман.  
Халқ дардини жойладим дилга,  
Улдир, ўлимдан ҳам қайтмайман.**

— Бу шеър сеникимми?

— Меники!

— Демак, совет халқи бахтсиз, ғамда қолган, уни ғамдан озод қилиш учун ўлимдан ҳам кўрқмай курашмоқчи бўлгансан? Ким билан курашмоқчи бўлгансан? Қайси йўллар билан, кутқармоқчи бўлгансан?

Баъзан киши ғазабланган вақтда шундай ҳолатлар бўладики, бундай пайтда ўз ҳақлигини исботлаш учун сўз тополмай қоласан. Асабларинг чидамай қолади. Истамаган ҳолда тилинган сўкиш, ҳақорат отилиб чиқади.

Ахир терговчи менинг «Совет халқи, бахтсиз, Совет халқи ғамда» деган шеъримда йўқ сўзларни ўзича қўшиб кўзингга қараб турса, нима жавоб қилишинг, қаҳрингни нима деб ифода қилишинг мумкин! Кўнглингда туғён урган, булар бари тўхмат, бу ифлослик, лаънат сендек терговчига, деган сўзларни айтиб бўладими? Ахир:

#### «Халқ дардини жойладим дилга»

деган гапдан Совет халқи ғамда, бахтсиз деган маъно келиб чиқадими! Халқ дардини шоир дилга жойлаган бўлса, дардини аритиш учун курашса, бунинг нимаси гуноҳ, нимаси!? Шоир ўз халқининг ғамини емаса, унинг юкини енгиллатмаса, ижод қилишининг нима кераги бор! Хўш, халқнинг дарди йўқмиди? Миллион-миллион тўхмат билан қамалган кишиларнинг болачақаси, қариндош-уруғларида дард йўқмиди? Ноҳақ қулоқ қилиниб, аллақайси юртларга кўчирилиб оиласи барбод бўлганларнинг авлод-аждодларида дард йўқмиди?

30-йиллар очарчилигида очликдан шишиб ўлган, болаларидан ажралиб қолган, ўзи эса кунжара еб ўлган оналарнинг, тирик қолган фарзандларда армон, дард бўлмаганми? Буларни айтиш, бу офатларнинг такрорланмаслиги учун кураш совет кишилари ҳаётига тўхмат бўладими? Буни унга қандай тушунтирасан?

У менга:

— Хўш, совет халқини қайси йўллар билан ғамдан кутқармоқчи бўлгансан?— деган савол бериб, қўлга туширмоқчи бўлди.

— Ижод йўли билан.

— Яхши!

— Шеърингда, «Ўлдир, ўлимдан ҳам қайтмайман» деганингда, хўш, кимни назарда тугансан? Қани, айт-чи!— деди-ю, энди қўлга туширдим, дегандек мамнуният билан менга тикилди.

**Вужудимни тилиб тилка-тилка  
Айла, виждонимни сотмайман.**

деб ёзган бўлсам, ҳар қандай ҳолатда ҳам кишиларни қўрқмас, виждонли бўлишга, халқнинг дарди билан яшашга ундаган бўлсам, ҳўш бунинг нимаси, советларга қарши?

«Ўлдир, ўлимдан ҳам қайтмайман!»— деганимда, 1920 йилларда буюк ўзбек қонуншунос ҳуқуқшуноси, қариндошим Убайдиллаҳонни, бегуноҳдан бегуноҳ қамалган поччамни, халқнинг буюк, такрорланмас истеъдодли фарзандлари Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носирларни қамаб, йўқ қилиб юборган сени, сенга ўхшаган жаллодларни назарда тутганман! 30-йиллар очарчиликдан халқни қирганларга қарши ёзганман, дегим келди-ю, аммо бу терговчини фақатгина яна ғазабга келтириб, ўзимга-ўзим азоб сотиб олишлик эканини ўйлаб, тилимни тишладим. Бир умид фақат ҳудодан эди. Бошқа умид қолмаган эди.

Хаёлимдан:

**Тангрим ўзинг, ўзинг ёрлақа,  
Ўзингдан ҳеч ўзга мадад йўқ.  
На дўстим бор, на дард тингловчим,  
Ўзингдан ҳеч ўзгага ҳад йўқ!**

деган 1935-йилда ёзилган шу тўртлик ўтди.

Бу тўртликни ўша вақтда ёзганимдан кейин ёд олиб, ўзини йиртиб ташлаганман. Чунки бу тўртлик ёки шу руҳда ёзилган шеърлар ўша вақтда пессимистик, диний саналиб, муаллифи сўзсиз гуноҳкор қилинарди. Қамаш учун ашёвий далил бўларди. Ваҳоланки, бу шеър ўша даврдаги демократия, сўзлаш эркинлиги йўқлиги, оқни оқ, қорани қора деб айтиш имкони туғилганига қарши ёзилган эди. Бундай нуқсон, камчиликлару адолатсизликка қарши кураш, халқнинг дардини енгиллаштириш учун жон кўйдириб танқид қилиш душманлик саналарди. Мана бундай хатолар, камчиликлар бўляпти, дегудек бўлсанг, бунинг ғамини ейдиган, тўғрилайдиган ҳукумат, раҳбарлар бор, деган жавобни эшитардинг.

Ўша раҳбарлар хатога йўл қўйяпти, деб кўргин, сени раҳбарларга суиқасдда айблашади. Сенинг вазифанг камчиликларни кўрсатиш эмас, агар сен чиндан ҳам Совет давлатининг дўсти бўлсанг, ҳар қандай ҳолатда ҳам, душманларга сир бермаслик учун, ҳаётимиз фаровон, бахтиёрмиз, дейишинг керак. Аксинча эса, ҳаётдан норози, душман саналиб, сенга ишонч йўқолади: шубҳали одам бўлиб қоласан:

18—19 ёшларимда «Сонет» шеърим босилган:

**Халқ — бойлиг-у, Ватан — хазина,  
Мен посбон. О, ноёб касб.  
Хоҳ тун бўлсин, кўраман босиб  
Душман кирса бўлиб бир игна.**

**Севинч тўла бу сийна,  
Чунки шуни менга мўносиб  
Кўриб, халқим айлабди насиб  
Майли, умрим бўлсин ҳадия!**

**Ватан ишқи билан, о, қалбим,  
Денгиз каби тўлуқ, лиммо-лим.**

**Севгим бўлмас асли бегона,  
Ишонтирай қайта онт ичиб,  
Ки, жон берсам жангларга кира!  
Севгим, юрак бут қолур яна!**

Бу шеърни ёзган шоирни совет давлати, халқининг

душмани деб бўладими? Ёки урушнинг биринчи куни ёзилган шеърим:

.....  
**Истайманки, дайдиб келган ёв  
Гулзоримни яқсон этмасин.  
Жангда ўлай, майли, халқининг  
Бир умрлик эрки кетмасин.**  
.....

Ёв ким? Немис фашистларими? Улар ҳужумни қаердан бошлади? Ўзбекистонданми ёки рус ерлариданми? Албатта, у Ўзбекистонни, менинг юртимни эмас, Белоруссия, Россия ерларини босиб ола бошлади. Россия ерларини ёв босиб олса, менга нима, деб қараб ўтирмай, жангда ўзини қурбон қилишга рози бўлган шоирни байналмилалчи демак, миллатчиликда айблаш адолатданми?!

Бундай айбномани қўйиш сен онангни ҳақорат қилгансан, онангдан кечгансан деган тухматдек даҳшатли-ку! Бу маломатни ким бўйнига олади? Ҳақиқий фарзанд бу шармандаликка иқрор бўлиб, эл ичида бош кўтариб юргандан кўра ёқаларини чок қилиб, дод солиб, минг бор ўлимига рози бўлмайдимми?

Бу ҳақорат, тухматлар камлик қилгандек, сен бу шеърларни ўз миллатчилик, советларга душманлигининг ниқоблаш учун ёзгансан, деган жавобни эшитсанг, бунга қандай чидайсан!?

Миллатчилигим нимадан иборат деган бир фикр доим мени қийнарди. Мен бирор миллатни ҳақорат қилибманми? Умуман, миллатчиликнинг ўзи нима? Негизи нимадан иборат? Миллатчилик деган гап ўзи қачон пайдо бўлган, қаердан келиб чиққан? Ўзбек халқи тарихида шу вақтгача бирон шоир, биронта олим, бирор касб эгасини сен миллатчисан деб қамаш у ёқда турсин, айбдор қилинганини билмайсан. Миллатчи деган гап қачон пайдо бўлди? Руслар Урта Осиёни босиб олгандан кейинми, ёки инқилобдан кейинми? Чор Россияси даврида ҳам бирор ўзбек ёзувчиси, олимни миллатчиликда айблаб, ҳозиргидек ялпи қамашгани тарихдан маълум эмас. Халқ душмани деган гап ўзи тарихда бўлганми? Хонга, ҳокимга қарши курашлар бўлган, аммо ўз халқига қарши чиққан, унинг бахтсизлигини истаган зиёлини тасаввур қилолмайман. Яхши ният йўлида ҳар қандай одам ҳам хато қилиши мумкин, аммо ҳеч бир даврда хато қилган одамни халқ душмани деб қамашганини билмайман. Наҳотки, «Ўтган кунлар»дек халқ севиб ўқийдиган асарни яратган Абдулла Қодирий ёки буюк билим эгалари Фитрат, Чўлпонлар ўз халқининг бахтига қарши курашган бўлса! Битта булар эмас, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, улар қатори минг-минглаб қамалган зиёлилар-чи? Наҳотки шундай доно одамлар ўз халқи зиёини ўйлаган бўлса! Бахтига тўғаноқ бўлишни истаган! Буларни ҳақиқатни билмаган нодонлар деб бўладими? Йўқ!.. Йўқ!!! Шундай бўлгач, бир халқнинг истеъдодли фарзандларини душманга, миллатчига чиқариб отиб, ўлдириб, йўқ қилиб ташланса, адолатдан деб бўладими? Буларга ҳеч ким ачинмайди-ми? У шўрликларнинг тақдирини ҳар бир ақли расо, оқ билан қорани ажратишга фаҳми оз-моз етган одамни ўйлатмайди-ми? Масалан, мен ўзим китобларини қўлдан қўймай, кечалари ухламасдан ўқиган, адабиётимизнинг фаҳри, ёрқин юлдузи бўлган 24 ёшли Усмон Носирнинг қамалишига тилимда айтмасам ҳам дилимдан рози бўлганманми? Дилингдаги гапни айтишга нега қўрққансан? Кимдан? Кимдандир, нимадандир чўчиб ҳақиқатни айтолмай яшаш эркинликми? Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и, «Мехробдан чаён»ларини

одамлар яшириб, қўлдан-қўлга бериб ўқиган-у, йиртиб ташламаган. Мен шундай одамларнинг ўлимига қувонганманми? Асло, асло! Уларнинг китобларини ўқиган халқ-чи?! Демак, халқ севган одамларни қамаганлар халқ душманими, ёки бундай адолатсизликдан нафратланганлар душманми?

Хаёлимдан ўтган бу аччиқ ҳақиқатларни айтиб бўлармиди! Айтиш эмас, хаёлингдан ўтказишга чўчийсан! Буни айтиш ўзингни очикдан-очик миллатчи, душман қилиб кўрсатиш бўларди. Додингни кимга айтасан? Ким тинглайди! Тепангда қўлини муштлаб, ўдағайлаб турган терговчими?

Битта чора:

**Тангрим, ўзинг, ўзинг ёрлақа,  
Ўзингдан ҳеч ўзга мадад йўқ.  
На дўстим бор, на дард тингловчим,  
Ўзингдан ҳеч ўзгага ҳад йўқ,—**

деб худога нола қилишу ёки охириги чора — ўзини ўзи камерада қатл қилган Ивановдек бу тўхмат азобларидан қутулиш учун ўз жонингга қасд қилиш.

## Тангрининг қаҳри

Бугун мени шундай бир хонага киргизишдики, худонинг олдида нима гуноҳ қилган эканман, билмадим, камерага эмас, худди дўзахга кириб қолдим деб ўйладим. Бу камера бошқаларига нисбатан бирмунча кенг бўлишига қарамасдан, кириш билан шундай бир қўланса ҳидга дуч келдимки, димоғимни ёриб юборгудек бўлди. Чидаб туриб бўлмас, худди бирор жонивор ўлиб, сасиб кетган эди гўё. Камералардаги махорка тутуни, қирқ даража иссиқдан чиққан одамларнинг тери, бир бурчакдаги ҳожат қилинадиган тувакнинг аралаш сассиғига ўрганган одам ҳам бунга ўқчимай чидаши қийин эди.

Камерадаги цементга қоқилган икки-уч темир каравотлар бўш бўлиб, бир бурчакдагисида кимдир орқа ўгирганича, қимирламай ётар, оёқ томонида мис тувак турарди. Кўрпа-ёстигимни каравотга ташлаб, хаёлга толганча ночор ўтириб қолдим. Сассиқдан ўқчиқ келарди. Қаерга қочасан! Нима илож! Балки мени жазолаш учун шу камерага киргизишгандир? Инсон нималарга кўникмайди, нималарга бардош бермайди! Тутқунлик!

Бу ётган одам ким? Камеранинг бу сассиғига қандай бардош қилиб ётибди? Нега индамайди? Қамоқ одатига кўра камерага бирор янги маҳбус киргудек бўлса, ташқаридан бирор хабар айтармикан, дея янги дардкаш топилганидан кўнгил кўтариларди. Бу одамдан эса садо чиқмасди. Тирик, ўликлигини билиш учун теласига бордим. Ё тавба, бутун сассиқ шу одамдан келарди. Кўзини юмиб олиб ўзича нималарнидир пичирларди. 70—75 ёшлар чамасидаги бу одам ўгирилиб менга қаради-ю, бир оғиз гап айтмасдан яна кўзини юмиб олди. Бир оз жимликдан кейин, йиғи аралаш ўзича нола бошлади:

**Худоё оху вовайло,  
Ўзимдан бўлмадим огоҳ!  
Каромат қилмасанг, оллоҳ,  
Оро йўлларда қолғонман!..**

У буни қандайдир оҳанг билан айтарди.

Менга айтган биринчи гапи:— Сен кимсан?— дегани бўлди. Кимлигимни айтдим. Эшитди-ю, гўё мен унга даво бўладигандек, ёлғиз ётиб йиғилиб қолган ҳасратла-

рини аламли кўз ёшлари билан тўкиб сола бошлади:

— Бир оёғим тўрда, бир оёғим гўрда, етмишдан ошган вақтимда қаёқдан мен душман бўлиб қолдим! Уликларим қаерда қолиб кетади энди? Ўзим саводсиз бир кўкнори, гиёҳванд одам бўлсам, бу аҳволда ажалимдан олдинроқ, суд қилмаслариданоқ ўлиб кетаман-ку! Оёқларим туришга ярамайди. Тургазишга ёрдамлаш, пешонам шўр экан. Қайси гуноҳимга худо бу кунга солди! Тувакка ўтиришимга ёрдамлаш, нима чора, ичим бузилган... Бу аҳволда эрта-индин ўлиб қоламан.

Ҳақиқатан ҳам оёқларининг тиззалари шишиб кетган, ҳасса ёки қўлтиқтаёқсиз юриши қийин эди.

Мен унинг туришига ёрдамлашдим, бутун вужудидан қўланса ҳид келарди. Тувакка ўтқиздим. Ўзини ўзи эпполмасди, уни тозалашга ёрдамлашдим. Мени дуо қилиб, ўз холидан ўзи худога нола қилар, гуноҳлари учун кецирим сўрарди. Мен эса унинг бу нолаларини тинглаб, бу кўргулик, бу хўрликлар менинг қайси гуноҳ, қай шаккокликларимга бўлди, гуноҳларимни енгиллаштириш учун мени бунинг олдига киритдим, деб ўйлардим. Шу хаёллар кўнглимдан ўтаркан, камеранинг кишини ўқчити, кўнглини беҳузур қилувчи бадбўйлари ҳам димоғимдан кўтарилгандек, бу бегона кимса худди аввалдан қадрдондек, ундан жирканиш ўрнига қалбимни қандайдир ачиниш, савоб деган ҳис эгаллай бошлади. Савоб!.. Бу нима дегани ўзи?

Бизнинг энг катта гуноҳимиз савобни унутганимиз эмасми! Савобни билмаган одам холисанлилло бировнинг юкини енгиллаштира оладими? Савоб бу — инсонга меҳрибонлик ҳиссидан туғилган, яхшиликка яхшилик қайтишига ишониш этиқоди эмасми? Савобга ишониш кишини гуноҳдан, шафқатсизликдан қайтармайди-ми? Инсонни инсофга келтирадиган нарса, балки шу савобга ишонишдир.

Мен бу мўйсафидни суяб жойига ўтқаздим. У шундай бир руҳий ҳолатда эдики, мен кимман, нима қилиб бу ерга келдим, ҳатто буни сўраш ҳам уни қизиқтиргани йўқ. Унинг хаёлида нималар кезарди?

Лекин бу одам менга таниш каби туюла бошлади. Эслашга ҳам, сўрашга ҳам улгурмай ўзи гап бошлаб қолди:

— Болам, сенга раҳмат, мени бу аҳволимга чидашинг қийин, нима чора, худо қилди! Бу аҳволдан қутулиб, ўлмаслигим учун битта чора бор. Сендан илтимос, мен ўрисча гаплашолмайман, бошлиқларини чақириб, тушунтир, тинтув вақтида олиб қўйган кўкноримни қайтариб беришсин, булмаса ич кетишини тўхтатиш қийин. Бу ичкетар кўкнорни емаганимдан. Бу аҳволда икки-уч кун ичида ҳолдан тойиб, шиша бошлайман, шис бошландими, ўлиб қолишим тайин бўлади. Шу ерда ўликларим қолиб кетмасин, началнигига тайинла. Кўкнорининг ҳаммасини қўлимга бермасалар ҳам, аввалига етти ичим, эртасига яна камроқ бериб, аста-аста, кундан-кунга меъёрини камайтира борсалар, шу йўл билан бир ҳафта ичида кўкнори ичишдан қутулишим мумкин. Бу шароитда кўкнорихўрликни ташламай иложим ҳам йўқ.

Мен унинг илтимосини қамоқ бошлиқларига айтдим. Билмадим, қамоқ бошлиқлари инсофга келибми, ёки суд қилингунча ўлиб қолмасин деган ўй биланми, чолнинг айтганича ҳар куни унга кўкнори бера бошлашди. Кўкнорини ичиб олиши билан, дунё кўзига тор бўлиб, кўнглига ҳеч нарса сиғмай, гаплашишни ҳам истамай нола қилиб ётган бу одам бирдан тетикланиб, руҳи ўзгариб, тилга кириб, қамоқ азобларини бир дам унутиб, ўзининг ёшликлари, қилган маишатларидан сўзлар, ҳатто «Юсуф ва Зулайҳо» қиссаларидан билганича ривоятлар айта бошларди. Кайфи тарқалиши билан бу кўтаринки руҳ ҳам аста-секин сўнаётган шамдек пасайиб,

яна оху вовайло, яна йиғи бошланарди. Унинг бирдан-бир ташвиши — шу ёшимда, етмишдан ошганимда мени суд қилсалар, ўликларим кафансиз, қай ерларда қолиб кетади, деб қайғуриш эди.

Мен қаердадир уни кўрганимни айтиб, нега қамалганини сўрадим. Таниш кўринган бу мўйсафид шўрликнинг жавоби мени даҳшатга солиб қўйди:

Тошкентнинг Навоий кўчасидаги қадимги Қатортерак деган жойда 1945—1950-йилларда шундоққина кўча юзида маҳалла аҳолиси учун қилинган кичкинагина чойхона бўларди. Чойхонанинг кўчага қараган ойнавандли деразасининг пастки бир кўзига очилиб ёпиладиган тахта эшикча қилинган бўлиб, бу одам, маълум бўлишча, ўша эшикчадан беш-ўн пачка папирос, уни ёнига қурт қўйиб сотиб, шу билан кун кўрувчи Илёс ота бўлиб қиди.

Унинг кимлигини билгач, шу одамни ҳам халқ душмани қилиб қамашганидан ҳайратга тушиб, нима гуноҳ қила қолган эдингиз, нега қамашди, деган саволимга у:

— Мен Совет ҳукуматини ағдармоқчи бўлганман, — деган жавобни қилди. Албатта бу ғазаб ва аламдан айтилган, ҳеч ким ишонмайдиган кесатиқ эди.

Етмишдан ошган, саводсиз, бунинг устига ногирон, гиёҳванд бир одам айтган бу гап кимни ҳайратга солмайди!? Шу одамгаки раҳм-шафқат қилмай, халқ душмани деб қаманган бўлсалар, у маҳалда...

Унинг бу гапига бирор жавоб қилмай, ҳайратга тушганимни кўриб:

— Ахир, мен, кексайган, гиёҳванд, эси кирди-чиқди бўлиб қолган бир одамга, сен чойхонада ўтириб олиб ҳукуматга қарши иғво, тўхмат гапларни айтгансан, деса, хўш, мен нима дейишим керак? Аввало буларнинг ақли бўлса, ҳукуматга қарши гап қанақа бўлади-ю, қаршимаси қанақа бўлишини ўзи билмайдиган бир одамга келиб-келиб шу саволни берадими, ўзинг ўйла!

Чойхона бу — карвонсаройдан ҳам баттар жой. Унга кимлар кириб чиқмайди, нима гаплар бўлмайди. Ким билан нимани гаплашганман, ким нима деган, қайси бири мени эсимда!.. Мен нодон, худо урган бўлмасам, таниш-билиш, яқинларинг ким, деса, ёнимдаги колхоз дўконининг сотувчиси Ҳакимжоннинг, чойхонанинг ёнида турадиган, эрталабдан кечгача чойхонадан чиқмайдиган Ҳамидхоннинг номларини айтаманми!? Шу гапим сабаб бўлиб, мана энди уларни ҳам халқ душмани деб қамашибди! Наҳотки, бизлар ҳукуматни ағдарсак?! Наҳотки, шундай катта давлат, шунча аскар, шунча қуроли билан бизлардан кўрқиб ўтирса!? Бу ёғини сўраб нима қилсан, болам!

Қамоқда ўтирган одамнинг кўнглига кулги сиғмайди. Аммо чолнинг гапларига беихтиёр кулмай иложинг йўқ эди. Ахир, совет давлатини йиқитмоқчи бўлган бу кўкнори чол киму унинг атрофидаги ҳамфикрлари ким?

Наҳотки, халқ шуларнинг таъсирига берилиб, гапига ишониб, кетидан кетса?! Ҳаёлимга Дон Кихот келиб, қамоқдалигим бир дам хотирамдан кўтарилиб, ўзимча кулиб юбордим ва унга таскин бериб:

— Ота, сиз бола-чақа, орзу-ҳавас, бу дунёнинг маишатини кургансиз, ҳукуматга инсоф берса ҳеч гапмас. Сизларни нима ҳам қиларди, чиқариб юборади, мана бизлар дунёга келиб нима кўрдик, бизларга жабр, — десам у:

— Ким билан гаплашмай, қамоққа тушган бадбахт борки, 25 йилдан кам муддат бермайди, дейишяпти. Сенларга 25 йил берганда ҳам, умр берса, ёшсанлар, энди 30 ёшга кирибсан, 55 да қутулиб чиқасан, менинг эса шартим кетиб, партим қолган, сenga эмас менга жабр, ўликларим қай юртларда қолиб кетади! — дея менинг ёш умримнинг хазон бўлишига эмас, ўзининг

ўлиги қай юртларда қолиб кетишидан ўкиниб дийдиё қиларди, гарчи бу мени нафсониятимга тегиб, ранжитган бўлса ҳам, кексайган чоғида унинг бошига тушган бахтсизликларга ачиниб кетардим.

Ахир, мушук ўлса ҳам киши ачинади, уни ҳам кимдир кўмади! Аммо лагерда, тутқунликда ўлсанг, сенинг ит ўлигича ҳам қадринг бўлмайди!

Чолнинг, ўликларим қай юртларда қолиб кетади, деб қайғуришида киндик қони тўкилган ердан, ўз юртидан айрилиш изтиробини, ўз ватанининг бир кафт тупроғини насиб этмаслигидан нолиш бор эди. Ҳа, дарвоқе, озмунча одамлар ўз юртининг бир сиқим тупроғига зор бўлиб, бегона ерларда йитиб кетдиларми!? Чолнинг нолиганича бор эди. Бу ўлимдан кўрқиб эмас, ўз юртига меҳру муҳаббат эди.

Илёс отанинг кайфи тарқаб, руҳи ўзгара бошлар, бунинг устига ҳақсизлик азоби кўшилиб, унинг чексиз бир алам билан худога қилган нолиши юракларни ларзага соларди:

**Худоё, оху вовайло,  
Ўзимдан бўлмадим огоҳ!  
Каромат қилмасанг, оллоҳ,  
Аро йўлларда қолгонман!**

Қамоқ шароити, беғуноҳ одамларга ёғдирилаётган тўхматлар Илёсотанинг бу шеърини ноласида ўзининг шу қадар тўлиқ ифодасини топган эдики, ҳақиқатан ҳам бирор каромат, мўъжиза юз бермаса, бу асоратдан қутулиш мушкул эди.

У ғазаб билан, кимларнидир лаънатлаб, менга васият қилгандек нималардир демоқчи бўлди-ю, бу орада назоратчининг, чиқишга тайёрлангин, деган овози эшитилиб, айтмоқчи бўлган гапларини охиригача етказа олмади.

Илёс отани олиб чиқиб кетдилар. Қаерга?

Қаерга бўларди!? Ё даволаш учун вақтинча касалхонага, ёки судда 25 йилга ҳукм қилиб, лагерлардан бирига! Сен ким бўлма, бу даргоҳнинг чангалига илиндингми, бас, фақатгина битта йўл қолади, у ҳам бўлса лагерларга олиб борадиган йўл! Бу ердан бошқа ёққа йўл йўқ, қолган ҳамма йўллар сен учун берк!

Етмиш беш ёшга борган бу оёқсиз мўйсафидни қаерга олиб кетдилар? Беш кунлик умри қолганми, йўқми? Унинг нимаси душман бўлди? Унинг душманлиги, ўн тийинлик қурт ёки бир парча сигарет олувчи харидорнинг, қуртнинг иккитасини эмас, тўрттасини ўн тийин қилинг, ёки сигаретни арзонроқ сотинг, деган гапига, унинг бу гапини ҳукуматга айт, тагини мўл қилиб, магазинларга чиқариб қўйса, мен ҳам арзон сотардим, менинг ўзим ҳам магазинчилардан устига бериб оламан, менга қоладигани нон пули, холос, деб қилган жавобими!? Советларга қарши тарғиботми шу? Бу шўрлик чол кўчага чиқиб Совет ҳукуматининг дастидан дод деб жар солмаган бўлса, ёки бирон жойга бомба қўйиб, шериклари билан портлатмаган бўлса, 75 ёшга кириб, тирикчилигини бир амаллаб ўтказаётган чолнинг гуноҳи харидорларнинг саволларига, «Ҳукуматга айт, сигаретларни кўпайтириб қўйсин» деганими? Йўқ нарсени йўқ дейиш, қиммат нарсени қиммат деб тўғри гапни айтиш душманлик саналса, унда нима қилиш керак? Йўқ бўлса ҳам бор, оч бўлса ҳам тўқман дейиш керакми? Ёлғон гапириш дўстлик бўладими? Шу бир оғиз гапни айтган ва буни эшитган одамлар, бу хато демаганлари учун ҳаммаси Советларга қарши тўда саналиб, қарилган чоғларида бола-чақа, уй-жойларидан маҳрум бўлиб, бегона юртлардаги қамоқ лагерларида ўликлари қолиб кетишга маҳкум этилса, бу қайси қонун, қайси



инсофга киради! Бир оғиз гап учун 25 йилга ҳукм қилиш керакми?

Илёс ота шўрликнинг «ўликларим қаерларда қолиб кетади» деб оху нола қилишлари киши юрагини ўртарди.

Наҳот, инсонга раҳм-шафқат шу бўлса! Бу ердаги терговчиларнинг инсофи, виждони қаерда?!

Мен Илёс ота аҳволи, унинг тақдирига юрак-бағримдан ачинар эдим, аммо ўзимнинг тақдиримдан, олдинда мени нималар кутаётганидан бехабар эдим. Эртаги кунда бу дунёда нималар бўлади, ким билади? Менинг тақдирим ҳам...

Ўйларим охирига етмай темир эшикнинг туйнукчаси очилиб, назоратчи овқат олиб келганини айтди. Мен бир неча йилдан бери тутилиб, маҳбусларнинг қўлларидан қўлларига ўтавериб, қаерларгадир урилиб гардишлари қийшайган алюмин идишни узатдим. Бир чўмич ёвғонсўк солиб қилинган шўрва қўйиб берди. Арпа эмас бу отларни ажриққа зор қилди худо, деганларидек, ичмасдан иложинг борми!

Ўз айбларингни бўйнингга олмаганинг, яъни Советларга қарши фаолиятингни ўзинг очиб айтиб бермаганинг учун жазолаш мақсадида уйингдан келган озми-кўпми нарсаларни ҳам олдирмас, ёнингдаги бор пулингга харажат қилдирмас, хўш, бу ерда бериладиган бир чўмич сўк оши, сули бўтқани эмасдан нима чора? Яхши, ёмоқчи бўлсанг, «Мен Советларга қарши душман бўлганман», деб айбларингни, шерикларинг ким бўлганлигини тан олиб айтиб бер, шунда уйингдан келган нарсаларни ҳам оласан, буфетлардаги нарсалар ҳам сеники бўлади. Бу виждонни жигилдонга алмашиш эди.

Оч бўлишимга қарамай, бир қошиқ овқат ҳам томоғимдан ўтмади. Илёс отани олиб чиқиб кетган бўлсалар ҳам, тувакдан чиққан сассиқ ҳали камерадан аримаган эди. Назоратчига аҳволни айтиб, тувакни тўкиб келиш керак деган илтимосимга, фақат кечки ҳожат вақтидан бошқа пайт мумкин эмас, мен сени оборолмайман, деган жавобни олдим.

Қўлингдан нима келади!

Орадан кўп ўтмай темир эшиклардан бирининг ғирчиллаб очилиб ёпилган ҳунук овози эшитилди. Овознинг узоқдан келишига қараганда, бу ертўланинг эшиги эди. Киши йиллаб қамоқда ўтиравергандан кейин эшикнинг очилиб-ёпилган овозидан ҳам нечанчи камера эканини тахминан сезадиган бўлиб қолади.

Мен ётган камеранинг ёнида назоратчининг кимгадир «тўхта» деган овози эшитилди. Темир эшик шарақлаб очилиб, менинг камерамга сочлари оппоқ оқарган, ўрта бўйли, ниҳоятда келишган 50 ёшлар атрофидаги маҳбус елкасида юки билан кириб келди.

Бу одам 1919 йилдан коммунистик партия аъзоси, тошкентлик Насриддин Хўжаев эди. Инқилобнинг биринчи йилларидаёқ отилиб чиқиб партияга кирганлардан. Мана энди ҳақиқий озодликка эришдик, бутун орзу-умидларимиз рўёбга чиқади деб, 20-нчи, 30-йилларда ғоят жонбозлик кўрсатган ходимлардан эди. Энди эса қўли орқада, елкасида кўрпа-ёстиқ билан кириб келиб, мен билан пачоқ мискада бўтқа ёмоқда.

Бу содиқ коммунистнинг гуноҳи нима?

Насриддин Хўжаев менинг саволимга ғазаб аралаш:— Сени қайси гуноҳингга қамашди?— деган жавобни қилди.

Шу жавобни эшитдим у бошқа бир нарса ҳақида сўрашга тилим бормади. Тоғамнинг ўғли, содиқ коммунист Баҳоваддин аканинг фожиали тақдири кўз олдимдан ўта бошлади, у ҳам 1918—1919 йилларда шу партия сафига кирган эди-ку! Тақдири нима билан тугади? У қамалмади, аммо... Шу эътиқод билан яшаб, оқибати-чи?..

Насриддин Хўжаев гарчанд менга қамалиш сабабини айтиб ўтирмаган бўлса ҳам, тоғамнинг ўғлининг феълига, эътиқодига қиёс қилиб, бунинг қамалиши-ю Баҳоваддин аканинг нечук қамалмаганидан ўзимга хулоса чиқардим.

Тоғамнинг ўғли Баҳоваддин ака партияга киргач, худди бутун орзу-армонларига етказадиган ҳумо қушини ушлагандек, уй-жой борми, уйланиб бола-чақа қилиш борми, қариндош-уруғ — барчасидан кечиб, ҳукумат нимани буюрса, шуни қилиб, қаерга бор деса, ўша ёққа кетаверди. 1924 йилларда озиқ-овқат отрядига қўшилиб қишлоқма-қишлоқ деҳқонлардан дон йиғди. Босмачилка қарши курашга юборишганида бу ишга ҳам жон-жаҳди билан киришди. Кейинчалик колхоз, совхозларда гоҳ партком бўлиб ишлаб, ҳар ўн-ўн беш йилда бирор сабаб билан Тошкентга келганда, қариндош-уруғлариникига бирров кириб ўтадиган бўлди. Бу йилларда ота-онадан қолган ичкари-ташқари ҳовли-жой қаровсиз, қишда қор босиб куралмай, ёзда сув тошиб қаралмай, уйларнинг томи босиб, ёғоч, эшик, деразаларини ташиб кета бошлади. Қариндош-уруғларнинг, Баҳоваддинхон, ҳовли-жойингизни ё сотинг, ё кўчиб келадиган бўлсангиз, у ёқ-бу ёғига келганларингизда қараб туринг, деган маслаҳатларига у:

— Коммунистларга хусусий мулк керакмас, хусусий мулкчиликка қарши курашишимиз керак,— деган жавобни қиларди.

У Совет давлати манфаатидан бўлак ҳамма нарсадан кечган, ўзи шу ғоя манфаати йўлида қурбон бўлишга тайёр, бахтини шу йўлда топишга ишонган одам эди. Бундан бошқа динни ҳам, худони ҳам, астаффирилло, танимай қўйган эди.

Унинг отаси — менинг тоғам Нуриддин махсум диндор, хаттот бўлиб, ўз маҳалласи Баланд Масчитдаги масчитларнинг пештоқларини Навоий байтлари, қуръон оятлари билан безаган киши бўлган. Бобомиз Зайниддин махсум эса Шайховандаҳур мадрасасининг мудarrisларидан бири бўлиб, Тошкент аҳолиси орасида ўз эътиқоди билан эътибор қозонган табаррук шахс бўлган.

Бобомиз Зайниддин махсум дин ва эътиқодга шу қадар содиқ одам бўлганки, ҳатто халойиқ шаҳар қозилигига тайинламоқчи бўлганда ҳам, эътиқод олдида амалдан кечиб, розилик бермаган. Эътиқодга содиқлик, шахсий манфаатдан кўра кўпга хизмат қилишни афзал кўриш жиҳатидан Баҳоваддин ҳам бувасига тортган эди. Иккаласи ҳам амал, давлатга ҳирс қўймаган эди, аммо умрларининг якуни ўхшаш бўлмади.

Зайниддин махсум бобомиз вафот этганда, эшитишимча, тобутларига ёпилган малла табаррук деб бир парчадан талаш-талаш бўлиб кетган экан.

Баҳоваддин махсум-чи?

У 20—30 йил қишлоқма-қишлоқ, районма-район партия топшириғини бажариб, қаерга юборса, бош тортмай бориб, 1947 йили тўрт қиз, бир ўғил ва мусофирчиликда топган хотини билан бизларнинг уйга кўчиб келди. Бошқа қаерга борарди? Уй-жойи майдонга айланиб, аллақачон кўчага қўшилиб бўлган. Шунча йил хизмат қилиб орттириб келган бисоти бир неча кўрпа-ёстиқ, битта шолча, беш-ўнта пиёла, чойнак эди, холос.

Ёз бағри кенг деганларидек, ёз ойлари бизларникида яшаб, қишга яқин қўшнимизникига ижарага кўчиб ўтишди.

Шунча йил қишлоқларда жонини жабборга бериб ишлаб, ҳовли-жой қилишга лойиқ бирор нарса орттириб келгандир десам, қаёқда, кўтариб келган шолчаю кўрпа-ёстиқдан бўлак нарса кўринмади. Ҳукумат ишга жойлашганидан кейин уй ваъда қилибди.



Омади келиб, унча-мунча одам пул бериб киролмай-диган, жуда даромадли, ёғлиқ жойга, Тошкентдаги гўшт-сут комбинатига бошлиқ бўлиб ишга тайинланди. Лекин бу ерда узоқ вақт ишламади, бир-икки йилга етар-етмас вақт ичида ариза бериб, ўз хоҳиши билан бўшади. Мен ундан:

— Ахир, уйингизга ҳаммага ҳам насиб этмайдиган сариёғ, гўшт, какао, колбаса текинга келиб, тирикчилигингиз ўтиб, маошингизга ёрдам бўлиб турган эди. Шундай жойдан биров кет демаса, нега ариза бердингиз, десам:

— Узим бўшамасам, қамалиб кетишим керак эди. Менинг уйимга директор фондидан деб шофер ташлаб кетадиган улушлар мутлақо қонунда йўқ эди. Бундай қонунсизликлар муовиним ҳам, бухгалтериядагилар учун ҳам одатий иш бўлиб, ҳатто бирор ишчи уйга куруқ қайтмас экан. Ахир, бу давлат мулкни талон-торож қилиш-ку! Ўғрилиқ-ку! Бир айтдим бўлмади, икки айтдим тушунтиролмадим, чора кўришга мажбур бўлдим. Йўқ, аксинча бўлиб чиқди. Энди муовинимлариму инженерлар мени устимдан айб топиб, гуноҳкор қилиб турли идораларга арз ёза бошлашди. Тўхматга ўтишди. Қарасам, булар кўпчилик. Юқори ташкилотлардаги раҳбарларнинг ҳам мени ишдан кетказиш майли бор.

Ҳалоллик, ўғрилиқ, давлат мулкни талон-торож қилиш ҳақидаги айтган гапларимга улар энсаси қотиб қарагандек... Мен бу ерда бўлсам, уларга ҳеч нарса унмайди. Демак, ҳаммасининг тили бир, куни шу ердан ўтиб турган. Битта ўзим қандай қилиб булар билан кураша оламан! Дунё тамом бўлди. Ҳалол одам қолмади! Бу гапни сенга айтдим. Бу гапларни айтсанг, душман кўринасан. Ишдан кетишимнинг сабаби шу!

Мен унга яқин ишончли қариндош бўлганим учун у йиллар бўйи кўнглида йиғилиб қолган дардларини очиқ, яширмасдан айтиб солди:

— Бизлар инқилобни нима учун қилган эдик, укам? Ўғри, муттаҳамларни кўпайтириш учунми? Давлат мулкни ҳамма истаганча талон-торож қилиши учунми? Ҳақиқатни айтсанг, гуноҳкор бўлиш учунми? Шунинг учун инқилоб қилиб, инқилобга жонимизни тикиб хизмат қилдикми?

У ёниб, йиғлагудек бўлиб гапирарди. Ҳар гапининг орасида кимдандир, нимадандир хавотирлангандек, «Гап шу ерда қолсин, бу гапларни бошқаларга айтиб бўлмайди, айтсанг, душман кўринасан»,— деб қўярди.

Комбинатдан бўшагандан кейин бир неча ой хаёлчан юрди-да, кунлардан бир кун мен билан кўришиб:

— Шаҳарда инсоф қолмабди. Раҳбарлар ҳам гапинга қулоқ солмайди, эътибор бериб эшитмайди, ҳаром-хўрлик одатий нарсадек кўриниб қолганми, арзи-додингга чора излаш, куйиниш ўрнига парво қилмай қарайди. Ҳали ҳам қишлоқларда инсоф бор. Мирзачўлдаги колхоз-совхоз қурилиши министрлигига қарашли трестга партком бўлиб тайинландим. Маоши кам бўлса ҳам, соғлиғимга ҳавосининг ёрдами бўлар,— деб қолди.

У ерда ҳам узоқ ишламади. Бола-чақа Тошкентда. Ҳафтада бир келиб-кетиб юрди. Ётар-турар, еяр-ичарда ҳаловат бўлмади. Қишда ўпқасини совуққа олдириб, зотилжам бўлиб қайтди. Касалхонада узоқ ётмай вафот этди. Жасадини олиб келишганда, кийимларининг чўнтагидан битта беш сўмлик, битта уч сўмлик ғижимланган пул чиқди. 40 йил ҳалол ишлаб орттирган бисоти!

Таъна эмас, ахир тобутининг даврасига уйдан икки энлик сурп чиқмади.

Бобоси Зайниддин махсум ўлганда тобути устига ёпилган маллани табаррук деб халойиқ йиртиш қилиб олган бўлса, тобутини бутун шаҳар кўтарган бўлса, дав-

лат хизмати учун жонини аямай, молу мулк, қариндош уруғ демай хизмат қилган бу одамни ўз шаҳрида мусофирдек беш-ўн маҳалла аҳолиси кўтарди.

Иккаласи — бобо ҳам, набира ҳам ҳалоллик ва эътиқод билан яшаб ўлим топди.

Камерада икки муштини тиззаларига тираб, бошини қуйи солганча ўтирган Насриддин Хўжаевга афсус билан тикилиб, Баҳоваддин акамнинг ҳаётини хаёлимдан ўтказар эканман, гарчанд ўзи айтмаган бўлса ҳам, Насриддин Хўжаевни нега қамашганларнинг сабаблари менга аёнлаша бошлаган эди. Бунинг сабаби шуки, Баҳоваддин ака ниҳоятда эҳтиёткорлиги орқасида дардларини мендан бошқача ошкор қилмай, ичида олиб кетди. Қамалмай қолди. Насриддин Хўжаев жамиятимиздаги ноҳақликларга ошқора курашди, ана шу уни қамоққа етаклаб келди.

Насриддин Хўжаев қуйи солинган бошини гўё уни кимдир чақиргандек бирдан кўтарди-да, икки панжасини тиззаларига шашт билан уриб, тавба, адолат йўқ экан дея ўрнидан туриб камерада юра бошлади.

Назоратчи эшик туйнукчасидан ҳожатга чиқишга тайёрланишни буюрди. Эшик очилиб, табаррук ёшдаги бу одам билан, нима чора, руҳан қанчалик қийин бўлмасин, икки ёқдан иккаламиз тувак дасталарини ушлаганча кечки ҳожатга чиқа бошладик.

**Давоми бор**



Мақсуд Бекжон



Қай манзилга элтар бу  
излар?..

\* \* \*  
Деворлар, сиз собит бўлинг ақалли,  
Ақалли сизларни кўраин муқим.  
Коинот турибди амал-тақалли,  
Мен эса инсонман, камтар, камсуқум.

Жисмлар сув каби оқар теграмдан,  
Ҳаммаси муваққат, бари омонат,  
Мен сўраш истайман қодир эгамдан:  
Бу не кўргуликдир, бу не синоат?

Қалам деб ўйласам қўлдаги намни,  
Алам деб ўйласам, у-чи, ҳомуза...  
Тутунни қилсам мен хаёл: санамми?  
Санамни бу иқлим ерга томизса...

Кемадай чайқалиб ташлайман қадам,  
Ҳаммаси омонат, бари муваққат.  
Дунё деб аталмиш бу мулки адам  
Тумандай солланар майин, бешафқат...

\* \* \*

Мен ҳалок бўламан агар бир сатр,  
Атиги бир сатр гапни ёзмасам,  
Менга шу бир сатр йўлни кўрсатур —  
Ҳаётимни давом эттириш йўлин.

Кўнгли очиқ одам

Сиз менинг бошимни қашийсиз,  
Майли, қашийверинг,  
Майли,  
Узимники, деб ўйланг  
Менинг бошимни.

Фақат сиздан ўтинаман,  
Надомат қилгингиз келиб қолганда  
Муштраб юрманг тагин  
Менинг бошимни.

Муболаға

Сен Ҳаётни эмас,  
Ҳаёт сени тушуниб борар тобора,  
Ҳаёт йилдан-йилга улғаяр, ўсар,  
Сен туфайли тажрибаси ортади унинг.  
Сени, яъни оқ-қорани буткул танигач,  
Ҳаёт донишмандга айланар бир кун.

Бекинган...

Сенинг кўзларингда ғазаб бекинган  
Кўксингда бир жаҳл ётибди писиб,  
Миянгда бир қасос яшар чекинган,  
Турқингдан бир кекнинг келмоқда иси.

Тугилган муштингда мудрар адоват  
Кундузи гизланган чиябўридай.  
Тилингнинг учида ухлар бир Даъват,  
Донг қотган элингдай кўнглинг тўрида...

Т у р к и с т о н д а  
м е н к и м м а н ?

Мен валиаҳд — қолган мероссиз,  
Бойваччаман — кийинган юпун,  
Мен ёлғончи — туролмас ростсиз,  
Мен — нафрат-ла севгучи юртин,

Мен ошиқман — айтмай турган васф,  
Мен булбулман — тиллари соқов.  
Мен олимман, — этмай турган кашф,  
Мен сайёдман — қилмай турган ов,

Мен эрклиман — жойдан жилмаган,  
Мен бахтлиман — сезмаган бахтни,  
Мен қувноқман — ҳали кулмаган,  
Мен валиаҳд — кўрмаган тахтни...

М а н т и қ

«Сувга туфла, агар тупугинг ёйилиб кетса, билгин-ки,  
сув — тоза, агар ёйилмай туриб қолса, демак, сув —  
ҳаром.»

(Болалар нақли).

Ҳар ким ўз қудуғига бир марта тупуриб кўрди,  
Ҳар ким бир марта ўз қудуғининг покизали-  
гига ишонч ҳосил қилди,  
Ва сўнгра ҳар ким ўзи тупурган қудуқдан  
бемалол сув ичди. Лекин ҳеч ким, ҳеч ким ўз  
қудуғига иккинчи марта тупуриб кўрмади,  
Ҳеч кимнинг хаёлига келмади бу фосиқ хаёл.  
Ҳеч кимнинг,  
Ҳеч кимнинг...

## Яланғоч деворлар соҳиби

Менинг уйимда шивирлаб гаплашган маъқул.  
Бу деворларнинг йўкотадиган ҳеч нарса  
йўк, улар сўзларингни такрорлаб, сени масхара  
қилишдан ҳам тоймайди.

Менинг уйимда ҳар қандай баландпарвоз  
хитоб кулгили жаранглайди.

\* \* \*

Мантиқ билан девор — бир нарса. Мантиқ  
девор каби мавжуд. Ҳатто, таъбир жоиз бўлса,  
Мантиқ девордан ҳам мавжудроқдир. Девор  
тошдан қурилган бўлса, Мантиқ темирдан  
ясалган. Мантиқ ҳам мана шу яланғоч девор  
каби мени ҳар лаҳзада масхара қилади, кеча  
айтган гапларимни бугун ўзимга қайтаради.  
Мен сиёсатдонларнинг субтсизлигига ҳавас  
қиламан. Улар лаққабалиқ каби суяксиз, эги-  
лувчан. Улар «мантиқ» деб атайдиган нарса  
эса, шилимшиқ бир моддадан иборат. Бу  
шилимшиқ модда ҳам ўзига хос эрк тимсоли-  
дир... Мен баъзан ҳавас қиламан уларга...

\* \* \*

Ёзишим учун сукунат бўлиши шарт эмас. Мен  
товушларга лоқайдман. Менинг тинчимни  
товуш эмас, Овозлар бузади. Соат чиқиллаши,  
ёки деразам олдидан шанғиллаб ўтаётган  
машиналарнинг шовқини ёхуд хонадаги қувур-  
ларнинг оч одамнинг қорнидай қуриллаши  
менинг тинчлигимга раҳна сололмайди. Мен  
гапиришга уринаётган ўғлимнинг гўлдираши-  
дан ёки бўлмаса хотинимнинг унга айтаётган  
алласидан ўз ҳаловатимни йўқотаман. Мен  
уларга «шовқин солманглар» деб танбеҳ бера-  
ман. Чунки уларнинг овозини эшита туриб,  
хотиржам ўтиришга, бунинг устига, яна аллани-  
малар ҳақида хаёл суришга қурбим етмайди.  
«Жим бўлинглар, азизларим, ахир машина  
эмассиз-ки, сизларни лоқайд тинглаб ўтир-  
сам...»

## Узвийлик бандаси

Мени, бинафшаранг сиёҳга ўрганган одамни,  
қора сиёҳ қаттиқ ларзага солади.

Мен кузда қушларнинг иссиқ ўлкаларга учиб  
кетишидан чуқур қайғуга тушаман. Кўкламда  
эса уларнинг қайтишидан изтироб чекаман.

Мен «тиқ» этган товушдан ёхуд узоқроқ  
чўзилган сукунатдан ўз тинчимни йўқотаман.

Янги туғилган фикрни мен изғиринли, ёмғир-  
ли кунда уст-боши ҳўл бўлган ва совуқдан  
дийдираб ўтирган одам каби ўз бошимдан  
кечираман.

Муносабатлардаги зиғирча Ҳорғинлик ҳам  
мен учун хиёнат билан тенгдир.

Ҳеч кимнинг узвийлик ҳақидаги бу номаъқул  
тушунчани ўз зиммасига олиб (тушуниб) менга  
мадад бергиси келмайди.

\* \* \*

Мўъжиза имиллаб рўй берса,  
кунларга,  
ойларга,  
йилларга чўзилса,  
у оддий нарсага айланар албат,  
(менинг садоқатим ҳайратга солмас),

Мабодо кўзингнинг олдида —  
ногаҳон сен айтган фикрдай,  
беихтиёр тушган нигоҳинг,  
ё тилингдан узилган бир томчи сўздай,  
тўсатдан рўй берса ҳодиса,  
муъжизага дўнар у, ишон,  
(менинг садоқатим ҳайратга солар).

\* \* \*

Тўғри,  
Ҳар ким ўзича кўрар дунёни,  
Лекин биз севамиз-ку бир-биримизни.  
Кел, бир хилда кўрайлик бир хил нарсани:  
Мен ахир сочларингни силаяпман-ку, сенинг,  
Қўлларимни артаётганим йўқ-ку сенинг сочингга?!

## Ватандан узоқда туғилган сатрлар

1

Иқлим бошқа,  
Ақлим бошқа,  
Чеҳрам бошқа,  
Овозим ҳам ўзгариб борар,  
У ингичка тортар кун сайин,  
Ватанга боғланган ип каби.

2

Агар яшаётган бўлсак,  
Демак, сабаби бор бунинг  
ҳам.  
Гумроҳликдан иборатдир  
Балки, бу сабаб.  
Эҳтимол, гумроҳлик...  
Нега гумроҳликни сабаб  
демайлик?

## Эҳтиёткор

Кўзларингда  
Орзунинг излари...

Бу излар кетидан  
тушмоққа қўрқаман —  
ким билади,  
мени қай манзилга элтар бу излар...





## Матлуба Аҳмедова



Ез эди. Исфарак ўриқларга қизил югуриб, етилай деб қолган пайт синглим иккимиз энамизни кўриб келгани йўлга чиқдик.

Манзилга етиб, эшикдан киришимиз билан кўзимиз энамизга тушди. Айвонда тоғдек бўлиб ўтирибдилар. Ҳа, тоғ деса арзийди уларни. Шу ўтиришларида қанча ғамни кўтариб ўтирибдилар-у! Икки йил бурун ёшгина ўғилларини тупроққа қўйдилар. Унинг етти боласи чирқираб қолди. Ҳам жувонмарг ўғилларига, ҳам сағир набираларига куядилар.

— Яна Муҳиддин баннисадамиш. Биттанг бориб кўрмабсан,— дея одатдагидек ўпка-гинадан бошладилар гапни.

— Эшитмабмиз, эна...

— Шунақа-да,— дея юзини боғ томонга ўгирди кампир.

— Ўзингиз тузукмисиз, эна?— дея гуноҳкорона бош эгиб, гап бошладик биз.

Тузук бўлганим курсин. Мунчаям умрим узунакан-а. Қачон Нурматимнинг ёнига борарканман.

— Қўйинг, жон эна, ундай деманг,— деди кўнгли бузилиб синглим.

— Десам, демасам — ўлим ҳақ,— дея бош чайқадилар энам.— Пича пул йиққандим. Жон чиқиши билан ўликни нари қўйиб, сандиқ очишади-да, ҳали сизлар ёш, нима ни билардиларинг. Бу кампир карак-карак гапиришни биларкан холос, пули йўқ экан, дейишмасин деб йиққандим. Шуни ҳидини сезишдими, билмадим, Доно (бирга турадиган неварани келинлари): «Гўшт йўқ» деса, эри: «Пул йўқ», деб ғўнғиллайди нуқул. Охири оч анови сандиқни, ол ўша пулни, нима, гўристонда магазин бормиди, ўлсам бир гап бўлар, дедим...

— Қўйинг, эна, бизни кўрқитманг. Оғзингизда нуқул ўлим, ўлим.— Замира синглим йиғламсираб, кўзига ёш олди.

— Ўлим ҳақ, болам. Шоҳниям олади, гадониям...— Муҳайё!— У овозининг борича чеварасини чакирди.

— Ҳе!— деган овоз келди боғ тарафдан.

— Уриқдан қоқиб ке. Ҳалиги катта шоҳига тегма. Униси опоқингга. Келганда ўзинг қоқиб берасан.

Муҳайё «рухсат» текканидан

қувониб, боғ ичига худди қанот боғлагандек учиб кириб кетди. Зум ўтмай бир лаганни тўлатиб ўрик узиб чиқди.

Биз иштаҳа билан ўриққа ёпишдик. Энам эгниларидеги оқ штапель кўйлақларининг ёқасини тортиб, елпиндилар. Назаримда, хаёллари яна узоқларга кетди.

— Муқаддамнинг боласи тагин бўлмапти. Ҳеч бўлмаса шуниси турганда...

— Яна тушдими?

— Саккиз ойлик... Ўлик туғибди.

Шулар тинчимади-тинчимади-да. Шулар тинчиганда...— Энамнинг кўзларида ёш милтиллади.

— Қўйинг, эна, йиғламанг...— Унга кўшилиб йиғлаётган эсамда, юпатган бўлдим.

— Ўзи болаларига бош бўлса бўлмасмиди?! Тагин келиннинг кетиб қопти... Ҳаҳ, болам-а, болам...

— Эна, қўйинг шуларни, озгина ухлаб дам олинг,— дедим мен.

— Кундузиям ухлайдими одам? Нималар деяпсан, қизим. Мен Аъзамнинг (бирга турадиган неваралари) қоровулиман-а. Памилдорилар ҳам пишиб қолди. Маҳаллада бир-икки шумтака бор. Пайт пойлаб юришади. Утган йили боғдаги узумдан узиб қочишарди. Ҳассамни дўқиллатиб, орқаларидан қувай дердим-у, истиҳола қилардим... Муҳайё!— Энам қаяққадир ғойиб бўлган чевараларини чақирришга тушдилар.

— Ҳе,— Муҳайё югуриб ичкеридан чиқди.

— Сандиқни калитини биласан-а?

— Биламан.

— Очиб, ҳалиги тугунларимни олиб чиқ. Аммаларинг кўришсин.

Синглим иккимиз бир-биримизга қарадик: «Оббо, тагин ўша ўлимликлари...».

Муҳайё битта-битта олиб чиқиб, бир нечта тугунни олдимизга ташлади.

— Шошилмай, биттадан очавер. Ўзим нима-нимагалигини айтаман,— дедилар энам менга қараб.

— Муҳайё, дастурхонни йиғиштириб қўя қол,— дея яна уни хизматга буюрдик.

— Ол, анови катта тугунни еч,— дедилар ошиқиб.

Раънон бўлган  
жон энам

ҲИКОЯ



Мен шоша-пиша тугунни олдима тортби, еча бошладим.

— Манови учта калиш-махси, тўн, кўйлак, лозим, рўмол...— ҳам-маса ювғичига.

— У... эна, намунча ювғичига шунча нарса?

— Аввало ўшани рози қилиш керак-да. Охирги марта кишини поклайдиган — ўша. Бу ишни ҳам юраги бор одам қилади. Киши пок бўлиб борса ер ҳам суюнаркан. Харом-ҳарошдан, ювқисиздан ер ҳам ҳазар қиларкан, болам.

Биз чурқ этмай тинглаб ўтирардик.

— Манави — тайпинлик. Икки бўлак. Биттаси ўттиз, биттаси йигирма метр. Ичини оч.

Қўрқа-писа кафанликларни ёздим. Ўттиз метрлининг ичидан кичкинагина, ёнғоқдек тугунча тушди.

— Сени эсинг бор, болам. Ҳали ёшсан, хаёлинг жойида. Тайинлаб қўяй. Ювиб, тайпинликка ўраб бўлишгач, мана шу тугунчадагини устимдан сепишсин... Хўп? Эсингдан чиқмасин.

— Қўрқиб кетяпман, эна... Нима бу ўзи?

— Райҳон билан жамбилнинг уруғи.

— Нимага сепиш керак уларни?— деб сўрадик биз.

— Қўрқаман, қўрқаман дейсанлар-у, сўроврасанлар... Аммо сепиш эсларингдан чиқмасин. Хўпми? Улик қирқ кундан кейин сув бўлиб оқаркан-да, тупроққа сингиб кетаркан. Суяклари қоларкан, холос. Худди ўша қирқим куни мундоқ деб йиғланглар, эшитиб ол:

**Райҳон бўлинг, жон энам,  
Жамбил бўлинг, жон энам,  
Вой, илойим шу кунларда  
Бино бўлинг, жон энам...**

Худди ҳозир энамиздан айрилиб қоладигандек, томоғимизга нимадир тикилди, йиғлагимиз келди.

— Шунақа десаларинг, ажовмас, райҳон бўлиб, жамбил бўлиб, ерни ёриб чиқсам...

— Кўйинг, эна, ўлманг!

— Улим ҳақ. Қош билан қовоқнинг ўртасида. Муҳайё!

— Ҳе.

— Қўйларингга сув бердингми?

— Ҳозир бердим-ку.

— Ишонмайман. Пақир кўтариб сувга ўтганингни кўрганим йўқ. Бор яна бир сув бер. Кун иссиқ.

Муҳайё хушламайгина йўналди.

— Яна битта нарсани айтиб қўяй.— Энам катта пиёладаги яхна чойдан хўпладилар. Биз хушёр тортиб, энамга тикилдик.— Бир ку-

нимни гуллатсаларинг бўлди. Улганимга суюнсаларинг ҳам элни олдида йиғлаб турунглар. Опчиқиб кетгунларича «энамлаб» турсаларинг бас. Хўпми? Барингни елкамда кўтариб катта қилганман. Яна одамлар айтмасин, бу хотин бола боқмаганакан, деб. Ҳа, худо буюрса, сен бор, Замира, Ҳалима, Тожихон, Ҳайринисо, Зулфия, Шоира... У-хў. Худога шукр, тобутимнинг тепаси бўш қолмасакан.

Энам, худди ўша дамни кўз олдига келтиргандек, мунғайиб жим бўлиб қолдилар.

— Болам...— Уларини хиёл ўнглаб, менга қарадилар. Томирлари бўртиб чиққан озғин қўллари билан кафтимни ушладилар.— Сенга яна битта ўтинчим бор.

— Айтинг, эна,— деб унинг сўлғин, бурушиқ ёноғидан беозоргина ўпдим.— Айтинг...

— Ишонганим — сен, болам. Невараларим ичида энг каттасисан. Ҳаммаси сенга боғлиқ...— Энам шундай деб нигоҳларини дарвоза томонга тикканча жим қолдилар.

— Бор гапингиз шуми?

— Йўқ... Болаларимнинг яхши-ёмон ном чиқариши кўпроқ сенга боғлиқ демоқчиман-да. Ахир бари каттадан...

— Эна,— дея уларнинг саратон тафти уфуриб турган юзларини силадим.— Эртага албатта борамиз. Олдин Муқаддамни кўрамиз. Кейин Муҳиддиннинг ёнига ўта-миз...

Барибир чеҳралари очилмади.

— Ишонмайман!— дея туйқус ўгирилдилар бизга. Бирдан кўзларидан ёш қуйила бошлади:— Сизлардан умидим шумиди?— у рўмолининг учи билан кўзларини артди.— Бу бир-бирига қадри йўқларни ташлаб қандоқ кўз юмаман, эй худо?!— Энам астойдил нола қила бошладилар.

Ҳозир уларга бир гап айтиш учун тоғдек юрак керак эди. Чурқ этмадик. Муҳайё ҳеч нарса бўлмагандек ичкарига кириб кетди.

— Муқаррам!

Ерга киргудек аҳволда ўтиргандим, номимни эшитиб, бошимни кўтардим.

— Туринглари!— Энамнинг буйруқлари қатъий эди.— Анови келтирган қанд-қурс, нон-понларингдан олиб, Кумри энангларни кўриб чиқинглари. Уям таварик бўб қолди. Бирёғи қариндош, бирёғи кўшни. Кеча баннисадан обкелишди. Кўзини апараста қипти. Кириб кўриб чиқолмадим. Кошки оёғим бўлса. Зўрға судраб уйдан шатга обчиқиб қўйишади. Донохон барака топсин.

Бошқа келин бўса, худо билади, нима бўлардим.

Биз аста кўзғалдик.

— Кирақолинглар. Сўраб қўйинглари, хўпми!..

Эртасига, уйимизга қайтаётиб, яна энамнинг оғизларини пойладим.— Менга нима гаплари борикин? »

— Эна, хижолатман. Ҳалиги... гапизни айтинг.

Энам жаҳлланиб боқди.

— Шошилма, болам. Вақтисоати келади...

Ташвиш баҳорга яқин ўз оёғи билан кириб келди:

— Энам оғир ётибдилар. Овқат ҳам емаяптилар. Одамниям танимаяптилар...

— Нима?!— ичимда бир нима узилгандек бўлди.— Одамни танимаяпти дейсанми?

Укамнинг гаплари ёлғон бўлишини шунчалар истардим ҳозир...

«Нега? Нега? Нега? Нега шунча ойдан бери ёнингизга шошилмадим?! Балки тузалиб кетарсиз ҳали?...»

Умид билан йўлга тушдим.

Энам кичрайиб, юзлари бир тишлам бўлиб қолган, қийналиб нафас олардилар.

«Наҳот? Наҳот? Наҳот, кечиккан бўлсам, энажон? Менга айтмоқчи гапингиз бориди-ку? Нега мени кутмадингиз?...»

— Эна!!!— дея фарёд чекиб юбордим мен.

— Эшитмайди энди. Энди ҳеч нарса билан иши йўқ, ўзи билан ўзи овора...— деб юпатган бўлди бош томонда ўтирган кўшни кампир ва:— Халча опа, болалариз келишди. Рози бўлинг энди... Ҳаммаси шатда,— дея ҳаммага эшиттириб, энамнинг қулоқларига шивирлади.

Энамнинг тоғдек ўтиришлари, тийрак нигоҳлари кетмасди сира кўз ўнгимдан. Ҳовлига чиқдим. Тўрдаги каттақон боғ ҳам ғариб-лашиб, бош эгиб тургандай эди назаримда. «Энам ҳар битта шохни авайлардилар-а...»

Шу пайт уйдан қий-чув эшитилди. Жонҳолатда ичкарига чопдим.

— Эна-а!!!— Фарёдим уйни тутди.— Кечикдим, энажон, кечикдим! Ишонганингиз мен эдим-ку!.. Йўқ, энг ёмон болангиз мен-ман, эна! Энг ёмон фарзандингиз...

Энам ҳеч нарсани эшитмасдилар. Худди ухлаётганга ўхшардилар улар. Айни райҳон ҳамда жамбилга айланаётган пайларини туш кўраётгандек.



## Турсунмурод Эрматов

Эсимда, ҳаммаси эсимда. Сенинг ҳам эсингдами, Холмурод? Чидаёлмаган, нимадир, қандайдир ногаҳоний бир куч мажбур этганди ўшанда. Отам тенги бўлмаса ҳам ўн ёшлар чамаси катта бир кишини... Узидан ўтди-ёв. Дўкандор бўлса, пулдор бўлса ўзига! Нима ҳаққи бор? Магазин давлатники. Ҳамма кириши мумкин бўлган жой. Шунинг учун ҳам у кирди, Қаноатбобо. Қишлоғимизнинг подачиси. Эгнидаги чопони йиртиқ-ямоқ эди. Кирза этигини чанг қоплагани ҳам тўғри. У пештахтагача келиб улгурмади. Магазинчи Бекқул аканинг кўзи қинидан чиққудек бўлди. Қўлини сермади:

— Чиқинг, ифлосингизни бу ерга олиб кирманг! Молга аралашиб мол бўлиб кетибди бу тоза!

Мен ўзимни тутиб туролмадим. Оғзимдан бир ёмон сўз чиқиб кетди, шекилли. Кейин... Уртага кимлардир тушди. Шунда ҳам барибир-унинг қовоғи кўкарди, менинг оғзи-бурним қонга беланди.

Қаноатбобо, қишлоғимиз подачиси. Одамлар назаридан йироқ, аммо одамларга керак бир одам...

Эсингдами, Холмурод, кўнглимиз тарвуз емоқни тусаб, Қўрғонтовга туташ Ўрқачли қирга — полизга борганимиз. Эсингдами, ўша ғайритабий томоша? Июлнинг жазирамаси. Иссиқдан лоҳас моллар ҳорғин кавш қайтаришади. Чақиб, дам ўтмай безовта қилаётган чивинларни ҳайдашга ҳам ҳоллари йўқдек кўзларини юмиб олишган. Биз яйдоқ тупроқни чангитиб борардик. Пода орасида ивирсиётган одамни кўрдигу беихтиёр тўхтадик. Кейин шошиб эшакларимизнинг бошини ўша томонга бурдик. Ҳали етмасимиздан сен туйқус: «Ўлиб қопти-я, бечора!» деб юбординг. Дарҳақиқат шунга ўхшарди. Ҳа, Анварларнинг тарғили туғибди. Туғибди-ю, бузоғи...

Шўрлик бузоқча. Эндигина тугилган оларанг бузоқ кўкимтир тугеччаларини бир ёнга ташлаб, узала тушганча ётарди. Сигирнинг кўзлари олайган, зўр-базўр маъраб қўяр, тинимсиз бузоғини яларди. Ўша ивирсиб юрган одам Қаноатбобо эди. Унинг ажинли қўлларида қонталаш бир нарса қотиб қолган, кўзларида ташвиш, таҳлика. Дам



ҲИКОЯ



дан сўнгина у ўрnidан турди. Кейин ёдига илкис бир нарса тушгандек биз томон юзланди. Унинг кўзлари энди бутунлай бошқача, самимий алфозда кулиб турарди.

Мартнинг бошлари бўлса керак, қирлардан ола-чалпоқ қорлар ариб, бойчечак ниш урган пайтлар. Кун ора ёмғир ёғади. Бир туни эрталабгача ёмғир эзиб ёғди. Эрталаб Хисор ортидан чарақлаб қуёш чиқди. Подақўшар томондан одамларнинг бақир-чақириқларини эшитиб ҳам молларни ҳайдаб чиқдим. Узоқда Қаноатбобога кўзим тушди. Бугун моллар яна Қўрғонтовга боришини, ўтлаб, емга тўйиб келишини ўйлаб хурсанд бўлдим.

Пешингача осмонда ғубор йўқ эди. Пешиндан кейин ҳаво айниди. Кунботар томондан қуюқ қора булут кўринди. Узоқда чақин чақиб, еру кўкни ларзага солганча момоқалди роқ гумбурлади. Кўп ўтмай булут қуёш юзини тўсиб, заминга ёқимсиз кўла ташлади. Олдинига ёмғир томчилаб қўйди, кўп ўтмай шарриллаб ёға бошлади. Бир зумда қишдан бери қуриб ётган ариқларда лойқа сув тошиб оқди. Жаммики жонзот ўзини панага урди.

Ҳар куни бир нағма кўрсатувчи буқамиздан хавотирланиб, пода олдига илгарироқ чиқиб турмоқчи бўлдим. Ёмғир шашти бир оз босилгач, тут тагида ёмғирдан паналаниб подани кута бошладим. Вақтида чиққан эканман, кўп ўтмай молларнинг қораси кўринди. Шу қадар тез, худди биров от билан

қўллари билан бузоқчанинг оғзини очишга тиришар, дам унинг қулоқларига худди дам солаётгандай пуфлар эди. Қаноатбобонинг ҳаракатлари чаққон йигитларникига хос эди. Гарчи биз унинг шундоқ ёнгинасида бўлишимизга қарамай, у бизни пайқамас, ишини эҳтиёткорлик билан, чаққон бажармоқда эди.

Бир маҳал бузоқча билинар-билинемас қимирлагандай бўлди. Бобо бирдан ҳаракатдан тўхтади. «Кўзимга шундай кўриндим», дегандек синчковлик билан тикилди. Бузоқча яна қимирлаб қўйди. Бунини энди биз ҳам аниқ пайқадик. Қичқириб юбораёздим очиғи ўшанда. Бузоқча оҳиста кўзини ҳам очди. Кейин дармонсизгина қимирлаб ердан бошини кўтаришга уринди. Қаноатбобо чаққон бир ҳаракат билан бузоқчанинг бошини кафтларига олди ва авайлабгина сигирга томон яқинроқ суриб қўйди. Шун-

қувиб келаётгандай чопиб келарди пода. Боёқишлар худди дарёдан сузиб чиқишгандек шалаббо. Ҳар куни бир нағма кўрсатадиган буқамиз бор-у, боласи уйда қолган сигиримиз... Ҳеч хаёлга келмаган иша! Уйдагилар ҳам таажжубда. Кечгача теварак-атрофни ахтардик. Йўқ. Ҳеч қаерда йўқ. Отам ўйлаб-ўйлаб охири менга:

— Эшакни тўқимла!— деди.

Отамнинг орқасига мингашиб олганман. Тоғ томонга кетаямиз. Қош қорайиб қолган. «Ҳадемай қоронғи тушади, бу зулматда нимани ҳам топа олардик», деб норозиланиб бораяпман. Отам ҳам миқ этмайди. Лой, тойғоқ йўлдан эшагимиз қийналиб қадам ташлар, гоҳ сирпаниб, гоҳ йиқилгудек мункиб кетарди. Мен отамнинг елкасига маҳкам ёпишиб олганман. Отам дам ўтмай атрофга аланглайди, синчков назар ташлайди. Бир, икки қир ошиб кетдик ҳамки, сигирдан ном нишон кўринмайди. Отамнинг ҳафсаласи пир бўлди, шекилли:

— Иш!— деди. Тўхтадик.— Бу оқшом дашта қолган мол жондордан тирик қолмас-ов. Қара-я, шошилиб хаёлимизга ҳам келмабди. Подачи молларни қайси қирларда боқдйкин. Шунини сўрамабмиз,— деди отам.

— Подачи моллар билан келмади,— дедим шошиб.— Қаноатбобо уйда ҳам йўқ!

— Балки подадан олдинроқ келгандир?— деди отам ташвишли овозда.

— Мен пода келишидан анча илгари чиққандим, келгани йўқ.

Отам бу гапимдан мени энди кўриб тургандек бир зум юзимга тикилиб турди-да, кескин олдига ўгирилиб, эшакни тоққа томон қичаб ҳайдади. Энди отам аввалгидан ҳам синчиклаб кузатарди атрофни.

Баландликка бир амаллаб чиқиб олдик. Энди пастлаш керак. Чиқишдан туриш қийин. Отам эшакни эҳтиётлик билан ҳайдай бошлади. Шу пайт дафъатан эшакнинг қадам олиши сустлашди. Қулоқлари динг бўлди. Биз сергак тортидик. Отам эшакнинг тўхтаганини ҳам унутиб қоронғилик бағрига кўз тикди.

— Мамат, илғаяпсанми, анави ёқда бир нарса қорайиб кўрингандек?

Отам кўрсатган томонга синчиклаб тикилдим. Ҳақиқатдан ҳам қандайдир шарпани илғагандай бўлдим. Шу дам отам:

— Қаноат ака!— деб хайқириб қолди. Бир зум сукутдан сўнг:

— Хов!— деган қисқа жавоб келди. Отамнинг сабри чидамай

эшакдан сакраб тушди ва ўша томонга чопиб кетди. Мен ҳам орқаман-орқа етиб келдим.

— Қаноат ака, тинчликми?!— деди отам ҳали етмасдан ховлиқиб.

— Ие, Давронқул, сизмисиз? Сигирларингни ахтариб юрибсизларми?— деди Қаноатбобо отам билан қўл бериб кўришаркан.— Тойиб кетибди, жонивор. Туролмаяпти.

— Оббо, Қаноат ака-ей, шундай совуқда ўтирибсизми-я. Уст-бошингиз жиққа ҳўл-ку, ака! Қолса қолар эди шу. Бориб айтсангиз ҳам бўларди.

— Бўлади дейсиз-да, Давронқул, бу тоғу тошда қашқирлардан...



— Узингизни ўйламадингизми, жонингиз кўзингизга кўринмади-ми?

— Менда, мана, қурол бор!— Қаноатбобо киссасидаги гугуртини шақирлатганча жилмайиб кўйди. Отам ҳам кулди.

— Хўп, бўлган иш бўлибди. Бу ёғига нима қилдик, Қаноат ака!— Бирорта мошин ё трактор топмаса бўлмас, Давронқул.

— Мошин-ку бу ёқларга келолмас-ов, бирорта трактор топиш керак,— деди отам ўйлаб.

— Мен яна ўтира тураман, сиз-

лар бориб трактор топиб келинглар.

— Бўлмасам бундай қиламиз, ака. Маматвой сиз билан қолади. Бир кишидан кўра ҳар қалай яхшида. Мен бир илож қилиб трактор топиб, бир-иккита одам билан келаман.

Қаноатбобо иккимиз қолдик. У дам-бадам сигирнинг оёғини ушлаб қўяр, оёғи оғирди чоғи, сигир вазмин қимирлаб безовталанарди. Етти ёт бегона бу чол менга шу кез ҳаммадан меҳрибон, ҳаммадан эъзозлироқ туюлиб кетди. Узимча унга дунёда энг яхши бир гапни топиб айтгим, у билан жуда-жуда гаплашгим келди. Бироқ болалигимми, табиятан тортинчоқлигимми — бунга тўсиқ бўлди, иймандим. Бироқ қачондир албатта айтажогимни дилимга тугиб қўйдим.

Ана, Холмурод, кўрдингми, ўшанда жаҳлим бежиз чиқмаган. Қаноатбобо мол бошча бировники, ҳатто ўша магазинчи Бекқулники бўлганида ҳам ўша кеча ўша ёмғирда ивиб ўтирган бўларди. Менга ишон, Холмурод. Эҳ-ҳей бунга қанча бўлди! Қанча сувлар оқиб ўтди. Қаноатбобо боёқиш ҳозир қаердайкин? Бормикан ўзи бу ёруғ дунёда? Елғиз қизини Сурхондарёга турмушга берган эди. Кампири қазо қилгач, куёви олиб кетган. Шу кетгани...

Тунов куни ишдан келсам, уйимиздагиларнинг кайфияти суст. Товба, тасодифни қараки, яна боласи уйда қолган сигиримиз келмай қолибди подадан. Эртаси азонлаб укамлар тоғ томонга қидиргани чиқиб кетишди. Кун пешиндан оғанда қайтиб келишди. Тарвузлари қўлтиқларидан туришди. Олтинчида ўқийдиганининг йиғидан кўзлари қизариб кетган. Ерга қараб тумшайиб ўтиришибди. Худди айбдорлардек. Арча остидан топишибди. Бўри ёриб кетганмиш. Ҳайҳотдай Қўрғонтовда туни билан мол қолиб кетадию... Дилим қаттиқ чўкди. Кейин бир нарсага имон келтирдим. Буни сенга ҳам айтаман, Холмурод. Нима десанг дегин-у, Қаноатбобо бўлганида бундай бўлмасди, йўқ...

## Қайтиш

Хаёллар бир куни ростга дўнади,  
Еради севинчининг юракларини.  
Учириб ташлайди дилгир кўзлардан  
Қайғу ва ҳасратнинг сувратларини.

Тинар лойқаланган қора хотирлар,  
Қонимизда не бор, бери қайтади,  
Энг олис ўтмишдан нур олар кунлар,  
Диллар нажотимиз эрк деб айтади.

У куни юпатиб бўлмас юракни,  
Елғонлар ҳайратдан қолади музлаб  
Қонларда тирилган унут кўшиқлар  
Ватанига қайтар чоригин судраб.

\*\*\*

Соғинчининг рангида кўраман Сизни,  
Йилларнинг чангида кўраман Сизни,  
Бир узун кечада отмайин қолган  
Висолнинг тонгида кўраман Сизни.

Кўриб қолмасин деб бировлар,  
Тахир изтиробни юбордим ичиб.  
Дил уйи сув тўла ҳалқоб бўлди-ку,  
Нечун гулханларим қолмади ўчиб?..

Тоғларни кезолмас тутқун оҳуман,  
Мени хаёлингиз даштидан қувманг.  
Вужудим ҳасратдан ёшга айланган,  
Ичиб бўлмайдиган бир хўплам сувман...

\*\*\*

Шодликни ипидан ўраб бераман,  
Чинорнинг умридан тилаб бераман,  
Бахтнинг қўлларини сўраб бераман  
Сизга, онажон!

Оқ ғамлар бошлардан нурин эласин,  
Дардингиз меҳрибон қўллар силасин,  
Отанинг покиза руҳи қўлласин  
Сизни, онажон!

Айрилиқ комидан сачратади қон,  
Армон ичра яшар миттигина шон,  
Осилиб турибди ҳилвираган жон  
Сизда, онажон!

Фироқдан чувалган мунгли сўроқ бор,  
Қишлоққа сиғмаган ўжар терак бор,  
Ўзига ўт қўйган бир тош юрак бор,  
Ловуллар ҳамон,  
Бу — мен, онажон...

## Ўктамхон Холдорова

\*\*\*

Деразам чертади тунда аллаким,  
Вужудим парчалар олчоқ бир хаёл.  
Бош уриб йиғлаган сенмисан, ёмғир,  
Дардкашим, ёлғизман, уйга кирақол.  
Эшигим ортида бордек шарпа — кўз,  
Қарайман висолнинг рангин кўрай деб.  
Шамолжон, номуси паймол бўлган қиз,  
Кел, паҳмоқ сочларинг ўриб, берай зеб.  
Кўз ёшим югуриб чиқмайди энди,  
Нигоҳим йўлларда бормоқда тўнгиб.  
Соғинч ҳам оч қушга айланди энди,  
Юрагимни чўқиб қочар ҳар куни.



Мени хаёл даштидан  
қувманг...

Наманган вилоятида туғилган. Наманган Давлат педагогика институти тугатган. «Соғинч қушлари» китоби Ф. Ғулом нашриётида босмадан чиқиш арафасида. Ҳозир жумҳурият телевидениесида муҳаррир вазифасида ишляпти.

## Сендан кетаман

Осмонда ой танҳо қолган бу кеча  
Туйғулар меҳрдан тонган бу кеча,  
Узалган оч қўллар толган бу кеча  
Сендан кетаман.

Тунларга тўкилган юлдуз бенишон,  
Кўпирар азобнинг кўзларида қон.  
Соғинчлар ўлдириб қўяди, ишон.  
Сендан кетаман.

Уйнаб ўтаверар бепарво сур ел.  
Мен қўйган тузоққа илинмади шер,  
Юрак, пешонамиз шунча шўрми, дер,  
Сендан кетаман.

Кўмирга айланиб қолди нигоҳлар.  
Шоҳларда сарғаяр гўзал гуноҳлар,  
Кўкларга тирмашиб кетаркан оҳлар  
Сендан кетаман.

Осмон кўзёшидек турна тизилар,  
Ойдин сукунатнинг кўнгли бузилар,  
Менсиз кунингга минг гуноҳ чизилар,  
Сендан кетаман.







## НИМГОХ

Лиза Рен

## ТИМСОЛ

Бултур кузда америкалик таниқли ёзувчи Грейс Холсел хоним Тошкентга ташриф буюрди. Адиблар, журналистлар, фан ва маданият арбоблари, дин намояндалари билан учрашди. Айниқса, ўзбек хотин-қизларининг бугунги турмуши ва тақдири муаммоларини сўраб-суриштирди. Ватанига қайтиб, ўша суҳбатлари, сафар таассуротлари асосида Америка матбуотида қатор мақолалар эълон қилди. Хуллас, бизнинг турмушимиз ва ташвишларимиз билан ўз халқини таништирди у.

Келинг, азизлар, биз ҳам ўз навбатида муҳтарам Грейс Холсел хоним ҳаёти билан сизни таништирайлик. Шу мақсадда Лиза Реннинг «Форт Вост Стар-Телеграм» ҳафталигида босилган «Тимсол» мақоласини эътиборингизга ҳавола этдик. Жаҳонгашта Грейс Холсел хоним тимсоли ўсиб, шаклланиб келаётган ёш қаламкашларимиз учун яхши ибрат, гўзал намуна бўлур деган умиддамиз.

Грейс Холселга боқиб, кичик жуссали, нозик ниҳол бу аёл бир пайтлар Хонгконгнинг фақир кулбаларида яшагани, Амазонка дарёси бўйлаб, юксак Анд тоғлари оралаб, 2000 мил масофани қайиқда сузиб ўтгани, асримизда кечган қонлиқиронли урушларнинг жонли шохиди бўлиб, ўша даҳшатларни қаламга олгани, Америка Қўшма Штатлари президенти Линдон Жонсонга етук, ёрқин нутқлар ёзиб берганига ишонмайсан киши.

Ана шу оқ танли, техаслик жозибали аёл граждон ҳуқуқлари учун кураш авж олган йиллар негрлар геттоси Ҳарлем ва Миссисипида қора танли жувон, Аризонада эса америкалик ҳинду хотин қиёфасини олиб яшагани, Америка — Мексика чегарасини бир эмас, уч қарра ҳужжатсиз, яширинча кесиб ўтгани ҳам, шубҳасиз, сизни ҳайрону лол қолдиради. Бунинг устига дунёимизнинг энг хатарли нуқталари — Фаластин, Лубнон ва Исроилда бўлиб, мусулмонлар, насронийлар ва яҳудийлар орасида кун кечиргани, кейин бевосита мушоҳадалари асосида қатор китоблар битганини эшитиб, яна ҳайрат ва таважжухингиз ортади. Унинг ҳаёт йўли хавфу хатарлар, меҳнат-машаққатлар билан тўла. У ўз кузатувларини ўн икки китобга жамлади ва бу китоблар жаҳон бўйлаб тарқалиб кетди. Унинг ҳаёт йўлига ҳам, ёзган китобларига ҳам ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди.

Грейс Холсел — ғарбий техаслик бадавлат чорвадорнинг қизи. Отаси Ҳарри Холсел 1957 йилда 96 ёшида Форт Востда вафот этди. У бағри кенг, бағоят олижаноб киши эди. У вафот этганда «Нью Йорк таймс» газетасида таъзиянома — некролог босилди. Табиатан жуда меҳрибон ва тақводор отанинг фазилатлари унинг қизига ҳам мерос бўлиб ўтгани шакшубҳасиздир. Теран инсонпарварлик туйғуси Грейсга ҳамиша

раҳнамолик қилди, у умр бўйи инсонларнинг тенглиги ақидасига суяниб, шу ақидани улуглаб яшади.

Грейс Холсел 1923 йили Техас штатининг Лабок шаҳарчасида дунёга келди. Ҳали ўн олти ёшли талаба экан, маҳаллий газетага мухбирлик қилди. Мактабни битириб, Техас университетига ўқишга кирди. Шу ерда икки йил давомида журналистика илмини ўрганди. Ун саккиз ёшида «Нью Йорк таймс»да ишлаб, Колумбия университетида ўқишни давом эттирди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида «Форт Вост Стар-Телеграм» газетасининг мухбири бўлиб ишлади. 1947 йилда велосипедда узоқ сайру саёҳатга чиқди. Европа қишлоқларини кезиб, у ерда яшовчи одамлар ҳаётидан ранг-баранг ҳикоялар ёзди.

1950 йилда Грес Холсел Узоқ Шарққа жўнайди. У Токио ва Хонгконгда яшаб, Техас газеталарига турли мақолалар, ахборотлар йўллайди, маҳаллий матбуотда ҳам фаол қатнашиб туради.

Олтмишинчи йилларнинг бошларида у Жанубий Америка томон йўл олади. Амазонка бўйлаб, Анд тоғлари оралаб 2000 мил масофани қайиқда сузиб ўтади, Перунинг пойтахти Лима шаҳрида уч йил яшаб, «Ла-Пренса» газетаси билан ҳамкорлик қилади. Олтмишинчи йилларнинг ўрталарида Америка Қўшма Штатлари, Вашингтонга қайтади. Кўп ўтмай уни Оқ уйнинг махсус мухбири сифатида Вьетнамга жўнатишади.

«Мен вертолётда учиб, бомбардимон қилинган қишлоқлар, хонавайрон бўлган одамларни кўриб, кўзларимга ишонмадим», — деб ёзган эди ўшанда Холсел. Уша мудҳиш йиллар хотираси ҳамон уни изтиробга солади.

Холсел 1965 йилда Вашингтонга қайтиб, президент Линдон Жонсонга нутқлар ёзиб берувчи махсус котиба бўлиб ишлаб бошлайди. У Вьетнам урушини ўша жафокаш тупроқ осмонидан ва Оқ уйдан туриб кузатди. Уч йил давомида президент учун нутқлар ёзди. Бироқ юрагида Вьетнам уруши даҳшатларини Оқ уйда ишлаш афзалликлари билан муросага келтириш қийин бўлди.

«Мен Оқ уйнинг ҳашаматли заллари бўйлаб фахрланиб юрардим, — дейди у. — Ва гоҳида, қора танли бўлсам, бунга муяссар бўлармидим, деб сўрардим ўз-ўзимдан. Тўғри, ҳозир аҳвол бошқача, аммо олтмишинчи йилларда буни тасаввур этиш ҳам қийин эди».

1968 йили Холсел Оқ уйни, юксак маошли хизматини, Вашингтондаги шинам уйини тарк этди. У қушдек эркин бўлишни, қора танли аёл қиёфасига кириб, кейин ўз саргузаштларини китоб қилиб ёзишни истарди.

Адиба ўз нияти ҳақида ҳеч кимга оғиз очмади. У докторлар билан гаплашиб, терисини қорайтирадиган дорилар ичди. Виржина ороллари бориб, олти ой давомида жазирама кўёш яллуғи остида танини куйдирди. Кечагина Виржина ороллари-

да қуёшда қорайган, бежирим кийинган оқ танли аёл эртаси кунни мискин кўринишли негр хотин қиёфасида Ҳарлемда пайдо бўлди. У Ҳарлемга келганда озиб-тўзиб кетган, қуёш ялғуи таъсирида оёқларини яра-чақа қоплаган эди. Шунинг учун тўппа-тўғри негрлар геттосининг касалхонасига борди. Шу ерда оқ танли кишининг нафрат, зардасини илк бора татиб кўрди.

«Латталарни еч! — деб буюрди доктор, у оқ танли эди, — Оёқларинг намунча ифлос!.. Сенлар ювинишни биласанларми ўзи?..»

Шундай қилиб, Холселнинг негр хотинлик ҳаёти бошланди. Ҳарлемда қора танли аёл бўлиб кун кечириш бениҳоя оғир эди. Шунинг учун у Миссиссипига — граждон ҳуқуқлари учун кураш авж олган жойга жўнади. Бироқ Ҳарлемда олган сабоқлари озмунча эмасди, улар бир умр ёдида қолди.

Холсел Миссиссипида оқ танли бир кишининг уйига чўри-хизматкор бўлиб ишга жойлашди. Ҳар кунни беш доллар эвазига уйни супуриб-сидириши, хоналарни саранжом-саришта қилиши лозим эди. Унга, биз сув ичадиган стаканлардан сув ичмайсан, идиш-товоққа тегмайсан, деб қаттиқ тайинлашди. Ҳар кунни автобуснинг қора танлилар учун ажратилган бўлмасида ишга қатнардди. Оқ танлилар учун мўлжалланган телефонларда фойдаланиш учун қатағон этилганди. Қора танлилар учун эса телефондан ном-нишон йўқ эди. Бир гал оқ танлилар телефонида фойдалангани учун уни полиция маҳкамасига судрашди. Ибодатхонада оқ танлилар ўтирадиган жойга ўтиргани учун яна полициядан балога қолди, уни тағин жазолашди.

«Оқ танлилар орасида қора танли бўлиб яшашнинг бутун даҳшатини ҳис қилдим, — дейди Холсел. — Бироқ қора танли бўлиш устига яна аёл бўлиш — бундан ҳам даҳшатлироқ».

Бир бадавлат оқ танли уни ёқтириб қолиб, ўз ўйнашига айлантирмоқчи бўлганда, зўрға қочиб қутулди. Полицияга арз этиш фойдасиз эди, бари бир оқ танлининг айтганига ишонишар, қора танлининг сўзи инobatга ўтмас эди.

Холсел негр хотин бўлиб, бошидан кечирганлари ҳақида 1969 йилда «Кўнгил ҳамшираси» деган китобини ёзди. Китоб ўқувчилар орасида шухрат қозонди, кўплаб тилларга таржима этилди.

1971 йили Холсел иккинчи «тажрибаси»ни бошлади. У энди америкалик ҳинду жувон қиёфасига кирди. Болалигида отасидан Техас даштларида яшовчи ҳиндулар ҳаёти ҳақида кўплаб ҳикоялар эшитганди. Отаси кўшиларнинг болаларини ўғирловчи, учқур отларда учиб, оқ танли келгиндиларга кун бермовчи жангари каманчилар ҳақида кўп марта лаб сўзлаб берган эди. Ҳарри Холсел Американинг асл ерли халқини чин юракдан ҳурмат қилар эди.

Улар камбағал, ўта қашшоқ яшашади, дейди Холсел. У бир йил ҳиндуларнинг каталакдек хароб кулбаларида кун кечирди. У ерда на сув қувури, на газ, на ҳавосовутгич, на электр, на мебель бор, аммо улар бир-бирларига меҳрибон, бир-бирларини астойдил севишади, деб эслайди адиба.

Унинг Наважо ҳиндулари ҳаётига бағишланган китоби «Малласоч Бесси» деб аталди. Китобда Холселнинг ҳинду хотин кийимларини кийиб, сочларини узун ўстириб, уларни ҳиндувона ўриб юргани, Калифорниядаги бадавлат бир хонадонда ҳинду оқсоч бўлиб хизмат қилгани ҳикоя этилади.

«Резервациядаги кулбалар қип-яланғоч, аммо меҳр-муҳаббатга тўла. Калифорниядаги хонадонда мол-жиҳоз кўп, лекин меҳр-оқибат йўқ» — дейди Холсел.

1972 йили у учинчи «тажриба»сига ўтади. Адиба ғоят хатарли ишга қўл уради ва Бунинг натижаси ўлароқ «Махфийлар» китоби дунёга келади.

У муҳбир сифатида бир неча ой давомида АҚШ — Мексиканинг 2000 мил масофасига чўзилган чегарасини кезиб чиқади, ўтиш учун қулай жой излайди. Ниҳоят, кунлардан бир кун у чегарани яширинча кесиб, Мексикага ўтади. На пули, на паспорти, на ҳайдовчилик гувоҳномаси, на визаси, на бошқа бирор ҳужжати бор эди. Бир неча кийим-бошини тугунлаб олганди, холос. У мексикаликларга қўшилиб, далаларда помидор теради ва битта мексикалик ёрдамида яна яширинча Қўшма Штатларга қайтади. Мексикаликларнинг ҳаётини яқиндан ўрганиш учун чегарани нари-бери уч карра кесиб ўтади. Биринчи бор Рио Гранде дарёсини Мкаллен яқинидан сузиб ўтишга тўғри келади. Иккинчи гал дарёни Эл-Пасо яқинидан кечиб ўтади. Учтинчи марта «йўл бошловчи» ёрдамида ташландиқ сувлар оқадиган қувурлар орқали ўтиб, чегарачиларни чалғитади.

Холсел етмишинчи йилларнинг ўрталарида бир гуруҳ докторлар билан Жанубий Америкага бориб, Анд тоғлари бағрида яширинган овлоқ бир қишлоқда яшайди. Бу ерда улар узоқ умр кўрган (айримлари 130 ёшга кирган) қарияларнинг турмуш тарзини ўрганишади. Бу кузатувлар кейин «Лос Вилжис» («Қариялар») китобида тасвир этилади.

1979 йилда Грейс Холсел араб-исроил тўқнашуви оловланган Яқин Шарққа отланади ва Бунинг учун Жо Видал, президент Жимми Картер ва Қўшма Штатларнинг БМТдаги собиқ элчиси Жорж Болдан таъна-дашномлар эшитади. Ана шу сафарнинг самараси ўлароқ 1981 йилда унинг «Еврисалимга саёҳат» китоби нашр этилди. Унда муаллифнинг Қуддусдаги насроний, яҳудий ва мусулмон оилаларда яшаб, бевосита билан қизиқувчи доираларда юксак баҳоланди. Шу асарнинг давоми ўлароқ «Пайғамбарлик ва сиёсат» китоби 1986 йилда chop этилди. Муаллиф Исонинг дунёга иккинчи бор келиши ҳақидаги Инжил ривоятини замонавий сиёсат кўзгусига солиб, чуқур таҳлил қилади.

«Рухонийлар томонидан Инжил ривоятлари қанчалар шовшув кўтариб, нотўғри талқин этилиши ва сўнгра улардан сиёсатчилар ўз ниятлари йўлида фойдаланишлари китобда кескин фош этилган», — дейди доктор Е. Боринг.

Холсел ирк, миллат айирмайди, барча инсонларни баробар севади. Одамлар ҳамма жўйда бир хил, дейди у, мен уларда камроқ тафовут, кўпроқ ўхшашлик кўраман.

Адиба ўз ишига умрини фидо қилди. Бир карра турмушга чиқиб, эридан ажрашди. Бу ҳақда гапиришни хуш кўрмайди. Фақат, дунё кезишни одат этган киши эр ва бола-чақани ўйлаши кийин экан, дейди у.

Холселнинг дўстлари ким, дейсизми?

Улар дунё бўйлаб сочилиб ётибди: ҳар шаҳарда, ҳар бир мамлакатда учрайди.

Адибанинг умр йўли худди дарёга ўхшайди. Дарёдек тўлқинлиб, тармоқлиб, нари-бери буралиб, ўқтин-ўқтин оқинини ўзгартириб, уммонга томон оқади.

Уммонда не бор?

Унинг янги ёзаётган китоби... Бироқ янги китоби нима ҳақда эканлигини Холсел очиқ-ойдин айтмайди. Жиндек ишора қилади: курама тасвир, турли саёҳатларнинг олақуроқ таассуротлари, турмуш тажрибалари, ҳаёт сабоқлари...

Инглиз тилидан ЖАМОЛ КАМОЛ таржимаси

## Фулом Мирзо



1963 йилда Қарши ноҳиясида туғилган. Тошкент Давлат дорилфунунининг ўзбек филологияси факультетини таъмомлаган. Айти пайтда дорилфунунининг таржима назарияси кафедрасида ишлайди.

Тушкунлик тумандек тарқалур,  
Умидлар ўт каби ям-яшил.  
Комронлик елида чайқалур  
Кўнглимда кўллаган кўзёшим.  
Бошимдан булутдек ғам арир,  
Бахт келар кўёшдек бус-бутун.  
Рухим бир қалдирғоч сингари  
Вужудимга қура бошлар ин.

Ун иккита тўсин билан тўсилган тулпор —  
Ун иккита рақам ичра депсилади Вақт.  
Шу от сени олиб қочиб кетди-ю, дилбар,  
Шу от мени висолингга айлади илҳақ.

Энди, кўнгил — дастурхонда нон каби синик,  
Пиёлада соғинчимдек занглаётир чой.  
Мен оҳ урмай, кўкайимда қолсин хўрсиник,  
Мен оҳ урсам қоқигулдай тўзғиб кетар ой.

Овозимни муҳаббатга жўрлайвераман,  
Ҳали минг бор ошиқ бўлиб қолурман! Кулма.  
Мен сени, мен сени чорлайвераман.  
Сен эса келма...

Тошкент — сўлаётган азим гул,  
Сен унга кўрк, сен унга руҳсан.  
Кўчаларни варақлайди дил,  
Бу шоҳ асар ичра сен йўқсан.

Овозимни муҳаббатга  
жўрлайвераман

Тун ва ёмғир, Осмон — мажнунтол  
Кокилларин ёяр заминга.  
Кўнгил — Тўмарисдек тошдийда аёл,  
Бошимни ботирар ғамимга.

Кўчалар — ивиган варақлар  
Хувиллайди Сенсиз юракдай.  
Сендан қолган излар — дарахтлар  
Кўтарилиб кетмиш йўлакдан.

Оқшом ҳавосида туманли ғубор,  
Чироқлар шаҳарга қўймас кечани.  
Юзлаб машъалчалар ёкса-да гулзор,  
Исита олмайди кўчани.  
Кеча. Ман. Сани...

Челаклари тўлмай халқ оқимидан  
Чархпалак гир-гир айланаётир.  
Ҳилол қилич янглиғ чиқиб қинидан  
Ва қайта қинига жойланаётир.  
Ке, Чаман, сани...

Заррин либосингда ой нури синиб,  
Келасан тўлғониб ва тўлиб борҳо.  
Қучсам қучоғимдан ошмаган эни,  
Бўйи бўйларимга етмаган Дарё, —  
Кечаман сани...

Киприкдай тўкилар тикани,  
Тўкилар ўсмаранг қош каби.  
Ҳаммани алдагач,  
Арчанинг  
Иззати, эъзози бошқадир.

Аввало тарк этар безаклар,  
Сўнг вафо қилмайди бошпана.  
Ҳовлини кўқитган тезакдай  
Кўчага супуриб ташланар.  
Ташландиқ яратган қояда  
Турса-да туғ каби тик ҳарчанд,  
Қонларга ғарқ бўлган ғоядай  
Иргангирар энди бу арча.  
Юз ўгириб ўтади барча.

Пойгак — хувиллаган бандаргоҳ,  
Оқшом гавжумлаша бошлайди.  
Бўғкемалар сингари оппоқ  
Туфличалар лангар ташлайди.  
Умид — елкан, орзулар — байроқ,  
Ҳаёт — уммон, кундуз — қасирға.  
Яши ҳамки тун бор. Тун — қирғоқ  
Сизни кўриб қоларга, дарға!..

Виктор Алимасов

# МАДАНИЯТ, ДИН ВА «БИР ҚОИЗ МИКЕЛАНЖЕЛО»

Бундан бир неча ой илгари «Мовий гумбаз» хиёбонида уч-тўрт ёшлар билан танишдим. Улар баптистлар экан. Шу пайт-гача ҳеч қандай диний қарашлар билан, уларнинг тарғиботчилари билан яқинроқ мулоқотда бўлмагандим. Дин ҳақида эса ҳозирги ёшлар қатори бир жумлага жо бўлгудек тасаввурга эга эдим, холос. Янги танишларимнинг афзақат насроний, шу билан бирга ислом, будда, конфуций ва дунёвий муаммолар ҳақидаги қарашлари менда аввалига шубҳа аралаш қизиқиш уйғотди. Улар менга «Инжил»ни, — ўша пайтда у ноёб китоблар дўконига 125 сўм турарди, — совға қилишди. Кейин уларнинг яқшанбаллик йиғинига бордим. Тўғриси айтсам, диндорларнинг бир-бирига ҳурмати, туғишганларникидан ҳам юксакроқ муомаласи, йиғинни ўзидаги руҳий бирлик, ҳозир турмушимизда ниҳоятда кам учраётган иттифоқ ва биродарлик мени дин ҳақидаги ўша бир жумлага жо бўладиган тасаввуримни бутунлай ўзгартириб юборди. Мен уларнинг йиғинига ҳозир ҳам ҳеч бўлмаганда ойда бир марта бориб тураман. Бу билан мен диндор бўлиб қолганим, уни муккадан кетиб тарғиб қилаётганим ҳам йўқ. Аммо улар менга аждодлар руҳини тушунишга, уларнинг энг пок ўйлари билан ён-атрофимда бўлаётган ҳодисаларни таққослашга, энг асосийси эса шахс маънавий оламини эзгулик туйғулари билан қандай қилиб бойитиш ҳақида фикрлашга ундайди. Очиғини айтсам, биз атеизм байроғига кўр-кўрона сиғиндик, маънавий бойликлардан воз кечиш кишиларни ҳеч қачон камолатга олиб келган эмас. Маънавий тубанлик билан охират ораси бир қадам. Қадимгилар «Молини йўқотган гадо, динини йўқотган адо бўлар», деб бежиз айтишмаган. Шу ўринда тарихдан бир мисол келтиришга руҳсат беринг.

Мамлакатимизда биринчи бўлиб Нобель мукофотида сазовор бўлган Иван Петрович Павловнинг диндор И. П. Богоявленский деган ўртоғи бўлган. Бир кун у Павловдан «Иван, мана сен илмининг чўққисига чиқдинг, киши мияси ва жони сақланадиган жойни ўргандинг, менга айт-чи, нариги дунё борми? Фақат сенга ишонаман, айт-чи, бизни нариги дунёда нима-лар кутяпти?» деб сўрайди. Павлов ўзига хос тўпорилик билан: «Сен врачсан, бўлмағур нарсаларни гапиришингни қара, қанақа нариги дунё, ҳаммамиз ўламиз, танимиз тупроққа қоришади, тамом», деб жавоб беради. Богоявленский ҳеч нима демайди, руҳий тушқунликда уйига қайтадию ўз-ўзини ўлдирди. Кейинчалик у бу ҳақда мулоҳаза юргизиш айтиди: «Мен ундаги янқаю яғона ишонччи йўқ қилдим. Унинг ҳаётда бошқа илинжи қолмади...»

Талабаларимдан биттаси «дин афюндир» дегани диннинг зарарли эканлигини исботлашга ҳали асосли далил бўла олмайди, биз нима учун диндан воз кечишимиз керак? — деб сўраб қолди. Тан олишим керак, бу саволга асосли жавоб беришга у пайтда мен тайёр эмасдим. Соҳам бошқа бўлгани учун ҳам дин билан шуғулланишимга тўғри келмаган. Яқинда «Инжил»ни ўқиётим, ана шу саволга жавоб топгандек бўлдим. Авлиё Петрнинг битикларида Исо кишиларга: «Мен мусаффо-ман, сиз ҳам мендек беқусур бўлинг», дейди. Яна у кишилардан бировнинг топганларига кўз олайтирмасликни, бир-бирларини чин дилдан севишларини талаб қилади. Аслини олганда буларнинг ҳеч бири кишидан қандайдир ғайритабиий куч талаб қилмайди. Аммо жамиятда батамом беқусур бўлиш асло мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Исонинг бу мурожаати дунёвий

кишилар учун нодунёвий талаблар бўлиб кўринган. Улар бошқа йўлни танлашган ва динни ҳам ғайри дунёвий деб эълон қилишган. Охир натижада ҳозир биз қаерга келиб қолганимизни билолмай, руҳий қашшоқлигимиз боисларини тополмай оворамиз...

Майли, буни истисно дейлик.

1979 йили Тошкент Давлат Маданият институтининг ўша пайтдаги ректори А. П. Қаюмов ташаббуси билан Наманганда факультет очилган эди. Ҳақ гапни айтиш керак, факультет мутахассислар тайёрлашда асосий институтдан кўп жиҳатлари билан устун турарди. Энг асосийси, ўқитувчиларда ҳам, талабаларда ҳам изланиш, интилиш кучли эди. 1987 йили жумҳурият Вазирлар Кенгаши ва Маданият вазирлигининг факультетни беркитиш ҳақидаги буйруғи чиқди. Мазкур қарорга кўра факультет ўқувчилар қабул қилишни тўхтатиши, 1990 йили эса батамом тугатилиши шарт эди. Ҳанузгача эсимда, факультет ўқитувчилари 1990 йилгача ишлар эканмиз, бу муддатда бошқа иш топамиз, албатта, деган режа билан хотиржам йиллик дам олишга чиқиб кетишди. Икки ойдан кейин қайтсак факультетнинг ярми шошилнч беркитилган, унинг декани М. Х. Иброҳимов талабаларни асосий институтга, Тошкентга ҳайдаб юрибди. Ҳамма ҳайрон: 1990 йилгача ишлаши керак бўлган факультет нимага шошилнч, ҳатто ўқитувчилар ҳам огоҳлантирилмай беркитилди? Ким қилди буни? Бу саволларга жавоб бериши зарур бўлган ва ўқитувчиларни ишга жойлаштириш вазифаси юклатилган М. Х. Иброҳимов бирорта кишининг тақдири билан қизиқмади. Энг ажаблანарли жойи ҳам шундаки, факультет беркилиши маълум бўлганда ўша пайтдаги жумҳурият Маданият вазири М. Аҳмедова ташриф буюрган эди. Лекин у ўқитувчилар билан учрашиб факультетнинг нима боисдан беркилаётганини айтиб беришга, яхшими-ёмонми мутахассислар тайёрлашга куч сарф қилган кишиларга кўнгул учун икки оғиз ширин сўз айтишга ўзида на журъат, на фурсат тополди. Мана шунақа шахслар кутлуғ даргоҳларни бошқариб келишди.

Соҳамиздаги пала-партишлик, асосланган аниқ бир дастуруламалнинг йўқлиги, мутахассисларимиздаги маданий савиянинг пастлиги, муассасаларимизнинг ярим ташландик ҳолати мени юқоридаги ишлар учун бевосита жавобгар бўлганларни беаёв саволга тутишга мажбур қилади. Нима учун мутахассисларимизнинг кадрига етмайпмиз? Нима учун ҳар бир вилоят, ноҳия қанча ва қандай мутахассисларга муҳтож эканлиги илмий асосланган ҳужжатга эга эмасмиз? Нима учун жумҳуриятимиз маданиятини мустақил ривожлантириш ҳақида бош қотирмайпмиз? Маданий соҳада мустақил бўлмай туриб жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаб бўладими? Ёшларнинг маданий қизиқишлари, бўш вақтни қандай ўтказиши нега тадқиқ қилинмаяпти?

Саволлар, саволлар, саволлар...

Эсингиздами Макаар Чудранинг ўғити: «Ҳаётдан кўнглим қолмасин десанг ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалардан қоч. Уйлаб ўйингга етсанг ҳаётдан кўнглинг совийди». Бир томондан Макаар Чудра ҳақ. Аммо ҳаёт ҳақида фақат телбаларгина ўйламайди. Уларнинг бахтиёрлиги ҳам ана шунда. Бизнинг бахтиёрлигимиз эса беором мулоҳазаларимизда, чекаётган азиятларимизда.

Маданият вазирлиги ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳозиргача эъти-

борли бирор иш қилгани йўқ. Бундан кейин ҳам аҳвол ўзгар-маса керак. Бизнинг фикримизча, ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан маданий-маърифий ходимлар жамиятда шуғулланса яхши бўлади. Бундай жамият яқинда Маданият институтида тузилди. Унинг ташаббусчиси маданий-маърифий ишлар кафедраси бўлиб, ҳозир у жамиятни жумҳурият миқёсида тузишни мўлжалламоқда, бундай уюшма ҳозир жуда зарур. Чунки маданият муассасаларининг барчаси шу йил охиригача ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтади. Бу табиий равишда иш жойларининг қисқаришини ҳам келтириб чиқаради. Бундай пайтда энг аввало ёш мутахассислар жабр кўради. Шунинг учун ҳам уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ҳозирданок кўриб қўйишимиз керак.

Мутахассисларни иш билан таъминлашнинг яна бир йўли бор. У ҳам бўлса уларга маданий-маърифий ширкатлар, ўз-ўзини қопловчи ижодий уюшмалар, аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи даргоҳлар очишга ёрдам беришдир. «СССРда Кооперация ҳақида» қонунда бунга рухсат берилган. Аммо ўтган йили Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг жумҳурият ҳудудида байрамлар, томошалар, концертлар ва шунга ўхшаш маданий-маърифий тадбирлар уюштирувчи ширкатлар очишни тақиқловчи қарор қабул қилгани ҳаммамизни ҳайратга солди. Маданий-маърифий ширкатларнинг шу пайтгача давлатга қарши ёки ёшлар ахлоқини бузувчи фаолият билан шуғуллангани ҳақида ҳали эшитганимизча йўқ.

Маданий-маърифий ширкатлар ҳақида, минг афсус, батафсилроқ тўхталиш имкониятига эга эмасмиз. Аммо бир нарсани айтиб ўтишимиз шарт. Маданият устидан ҳозир давлат ва фирка ҳукмронлиги давом қилмоқда. Фирка, давлат бошқарувчи маданият муассасаларига шунчалик сингиб кетгани, яқин йиллар ичида улардан кутулиш ҳақида ўйламасак ҳам бўлади. Аммо ҳозир биз хур фикрликча, ижодий мустақилликка эришишнинг реал имкониятига эгамиз. У ҳам бўлса мустақил маданий-маърифий муассасалар ташкил қилишни кенгайтиришдир. Бир пайтлари Хитой Халқ жумҳуриятида ҳозир худди биздагидек иқтисодий танглик, маданий ҳаётда орқага қайтиш бошланганида хусусий қорхона ва муассасаларни кенгайтириш йўлига ўтилди. Ҳозир Хитойда хусусий кутубхоналар, оммавий-бадий тадбирлар ўтказувчи уюшмалар, санъат тўғараклари, ҳатто оилавий пудратда ишлаётган Маданият саройлари ва уйлари каби муассасаларнинг кенг тармоқлари мавжуд. Соҳамиздан озгина хабардор кишилар худди мана шу хусусий муассасалар Хитой маданий ҳаётида жиддий ўзгаришлар қилаётганини тасдиқлаш мумкин.

Ўқув даргоҳлари учун ҳозир асосий буюртмачи Маданият вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳисобланади. Вилоят маданият бошқармалари ўзларига қанча мутахассис зарурлиги Маданият вазирлигига, вазирлик эса ўз навбатида ўқув даргоҳларига буюртма беради. Мантиқан бу тўғри. Аммо биз мутахассислар тайёрлашда, юқорида айтганимиздек, мутлоқ ҳоқим — давлат таъинида қолиб кетаётганимиз йўқми? Менга айтишлари мумкин: ўқув даргоҳларини давлат таъминлапти, табиий равишда унга қарам бўлиш керак. Эътироз тўғри, аравага ўтирсанг, қўшигини ҳам айтсан. Агар «ҳақини» колхоз ширкатлари, маҳаллақўм ёки бошқа жамоат ташкилотлари тўласа-чи? Марҳамат, имтиҳонларни топширсин, ўқисин! Яшанг, саҳийлигингиз учун раҳмат! Аммо кириш имтиҳони деган нарсанинг айнан давлат томонидан ўрнатилган қўлида автомати бўлмаса-да, тўппонча билан қуролланган «соқчи» эканини эсдан чиқардингиз. Мана шу «соқчи» ҳозир Маданият институти бўлимларига ўн-ўн бештадан талаба кириш мумкин эмас деб ҳукм қилмоқда...

Бизнинг фикримизча, ўқув даргоҳлари ва давлат мутахассисларга муҳтож бўлган ташкилотлар билан мустақил шартномалар тузиб ишлаш тартибига ўтказилиши лозим. Қанча ёки қайси йўналишларда мутахассислар тайёрлаш кераклигини буюртмачиларнинг ўзи белгиласин. Ана шунда ортқича мутахассислар тайёрлаш, давлат маблағларини ноўрин сарфлашга чек қўйилади. Ўқув юртларидаги таълим-тарбия жараёнини керакли савияга кўтариш имконияти пайдо бўлади.

Академик А. Д. Сахаров ўзининг «Тараққиёт, тинч ҳамкорликда яшаш ва маънавий хурлик ҳақида мулоҳазалар» («Вопросы философии» журналы, 1930 йил, 2 сон, 15-бет) асарига оммавий маданият таъсирида кишининг лақиллатилиши шахс камолотига тўғридан-тўғри таъжовуз қилувчи, уруш, қашшоқлик ва зўравонликдан қолишмайдиган кучга эга эканини таъ-

кидлайди. Ғарб «оммавий маданияти» миллий анъаналарни, халқ ижодиётининг асрлар давомида сақлиниб келаётганларини йўққа чиқариши мумкинлиги ҳақида олимларимиз, мутахассисларимиз ташвишланиб ёзмоқдалар. Мен унинг ҳатто экологияга ҳам таъсир қилаётганини кузатаман. Яқиндагина, 50-йилларнинг бошларида маданият ва истироҳат боғларида майна, тўғрай, булбул каби қушлар истаганча учарди. Ҳозир эса улар ноёб. Бунга маданият ва истироҳат боғларидаги овоз ёзиш студияларининг эртадан кечгача қулоқни қоматга келтирадиган даражада ғарб куйларини тарғиб қилаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Мантиқсиз кийкириқ, темирларнинг ғашга теғувчи ғинг-ғинглашига ўхшаш товушлар онгсиз жониворларга шунчалик таъсир қилар экан, у ёшларда, уларнинг халқ ижодиётига муносабатларида қандай из қолдиришини ўзингиз тасаввур қилишингиз мумкин. Менинг назаримда, биз ҳозир миллий маданиятимизни давлат миқёсида ҳимоя қилишга муҳтожмиз. Миллий маданиятни ҳимоя қилмасдан, унинг мустақиллигини таъминламасдан туриб ўлкамизда иқтисодий мустақиллигини тасаввур қила олмайман. Шунинг учун зудлик билан ҳозир халқ анъаналарини, санъати, адабиёти, оғзаки ижодиётини сақлаш ва тарғиб қилишнинг кенг дастурини ишлаб чиқиш зарур.

Шу пайтгача биз шахснинг ижод қилиш имкониятлари битмас-туганмас деб келдик. Яқинда Андрей Вознесенский: «Одам 60 фоиз кимёвий моддалардан, 40 фоиз ёлғон ва вайсашлардан, бир фоиз эса Микеланжелодан ташкил толган, деди. Бизга нима бўлди? Наҳотки инсоннинг илоҳий хусусиятлари шунчалик пасайиб кетган бўлса? Ёки шоир адашяптими?»

Эсингиздами, Офелия нима деган: «Биз кимлигимизни яхши биламиз, аммо ким бўлишимиз мумкинлигини билмаймиз». Бенаф ўтган умрларнинг, очилмай қолган талант ғунчаларининг фожиаси ҳам ана шунда — ўзини ким бўлиши мумкинлигини билмагани ва бу ҳақда ўйлаб ҳам қурмаганидир. Маданият, шахс камолоти кишини келгусида ким бўлиши ва ўзидаги «бир фоиз Микеланжело»ни ривожлантириш мумкинлигини билганидан бошланади. Демак, шоир инсон ижодий қобилиятининг кенглигини шубҳага олмайди, балки ана шу бир фоизнинг ҳали қанчалик озлигини, ҳеч бўлмаганда уни ўн фоизга чиқариш учун қанчалик машаққат ва азият чекиш кераклигини айтмоқчи.

Маданий камолот билан бўш вақт ўзаро боғлиқ. Бенаф кетган вақт шахс камолотини секинлаштиради, ҳатто маънавий инқирозига сабаб бўлади. Бенека: «Бехуда кетган вақт бизнинг ҳалокатимиздир», деб бежиз оғоҳлантирмаган.

Биз маданият муассасалари ёшларнинг бўш вақтини ва ҳаваскорлик ижодиётини ташкил қилишни қандай олиб бораётганлигини билиш мақсадида савол-жавоблар ўтказдик. Унда саккиз юздан зиёд киши иштирок қилди. «Сиз бўш вақтингизда нималар билан шуғулланасиз?» деган саволимизга қуйидаги жавобларни олдик. «Рўзнома, журналлар ўқийман» — 42 фоиз, «телевизор қўраман» — 33 фоиз, «магнитофон ёзувларини тинглайман» — 30 фоиз, «кечки ёки сиртки бўлимларда ўқийман» — 23 фоиз, «концертларга тушаман» — 22 фоиз, «дўстларим билан учрашиб кафега бораман, меҳмонга бораман» — 21 фоиз, «физкультура ва спорт билан шуғулланаман» — 20 фоиз, «табиат қўйнида дам оламан» — 19 фоиз, «шахмат-шашка, нард ўйнайман» — 17 фоиз, «кино-фото санъати билан шуғулланаман» — 15 фоиз, «театрга тушаман ва жамоат ишларида қатнашаман» — 13 фоиз, «қизиқувчилар клубига аъзоман» — 8 фоиз, «мустақил билимимни ошираман ва боғдорчилик билан шуғулланаман» — 7 фоиз, «овга чиқаман» — 6 фоиз, «туристик саёҳатларга чиқаман» — 5 фоиз, «балиқ овига бораман» — 4 фоиз, «бадий ҳаваскорлик ижодиёти билан шуғулланаман» — 3 фоиз, «ҳаваскорлик, техника, тасвирий санъат, адабий-бадий ижод турлари билан машқ қиламан» — 2 фоиз. Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга йўналтирилган иxtирочилик билан шуғулланишни ҳеч ким қайд қилмаган. Олинган жавоблар ёшлар ўз бўш вақтини қандай ўтказаяётганлиги ҳақида маълум бир хулосалар чиқариш имконини беради.

Шуни айтиш керакки, ёшлар орасида нофаол дам олиш тури ҳамон етакчи ўринда туради. Масалан, рўзнома ва журналларни ўқиш шулар жумласидандир. Мамлакатимизда 70-йилларда ўтказилган тадқиқотлар ҳам ана шу дам олиш турлари ёшлар орасида кенг тарқалганлигини, бу уларнинг жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини, шунинг учун ёшлар орасида фаол дам олишни ёйиш зарурлигини

кўрсатган эди. Минг афсуски, бу борада маданият масканлари бирор ўзгариш қила олмаганлигини кўраемиз.

Худди шунингдек, ёшларнинг жамоат ишларида ва бадий ижод жараёнида иштирок қилиши ҳам камайиб кетган. Агар 1981 йили Тошкентда ўтказилган социологик тадқиқотда 24,4 фоиз ёшлар доимий равишда жамоат ишларида иштирок этишини айтишган бўлса (Қаранг: Усмонов М. Ёшларнинг бўш вақтини ташкил қилишнинг айрим масалалари. — «Ўзбекистон коммунисти», 1981, 6 сон, 38—44-бетлар), биз олган жавобда у 13 фоизни ташкил қилади. Аслида ошкоралик, демократия ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириши зарур эди. Агар 1981 йили ёшларнинг 15 фоизи техника ва бадий ҳаваскорлик ижодиёти билан шуғулланган бўлса, биз олган жавобларда эса улар энг охириги ўринда туради. Бу ёшлар орасида истеъмолчилик майли ошиб бораётганидан далолат беради. Лекин бу нарса ёшларнинг адабиёт ва санъатга бўлган қизиқиши камлигини билдирмайди. Уларнинг матбуотда, телевизор ва магнитофонга ёзилган куйларни эшитишга бўлган қизиқиши ҳам буни кўрсатиб турибди. Демак, бу ўринда маданият муассасаларининг вазифаси ёшларнинг адабиёт ва санъатга бўлган реал қизиқишларидан келиб чиқиб, уларни фаол ижодкорлар даражасига кўтаришдир. Бироқ шу нарсани ҳам эсда тутиш керакки, маданият муассасалари қанчалик кутлуғ даргоҳ бўлмасин, истаган кишини у истаган қиёфага киритиш қудратига эга эмас, бу ўринда энг аввало ёшларнинг фаоллиги зарур. Эрамининг IV асрида яшаган Александр Афанасий айтганидек, «Худонинг қудрати ҳар нарсага етади, аммо у одамни одамнинг ўзисиз халос қила олмайди».

## Тоғликлар дарди

Бизнинг ноҳия гарчи чорвачиликка ихтисослаштирилган бўлса-да, бу ерда гўштнинг нархи 7 сўм! Нега шундай? Йил давомида ойлик маоши ўртача 13-17 сўмни ташкил қиладиган мавсумий ишчилар бор. Уларнинг ҳам гўшт ейишга ҳақлари борми, ё?..

Туркистон тоғ тизмасининг шимоли-ғарбий тармоғи Қоратоғ, Оқтоғ деб юритилади. Табиий муҳити қулайлиги учун бу тоғларда ота-боболаримиз қадимдан чорвачилик билан шуғулланиб келишган. Қишнинг қаҳратон совуғида тоғ ёнбағирларига кўчиб чиқиб, ёз келиши билан қўйларини тоғолди яйловларига ҳайдаганлар. Бугунги Қўшрабат ноҳияси ушбу ҳудуднинг асосий қисмини ташкил қилади. Бундан етмиш йил олдин бу ерга чўпон қўйларини қишдан беталофат олиб чиқиб, унинг наслини яхшилаш, гўшт маҳсулдорлигини ошириш, қоракўл тери сифатини яхшилаш натижа-сида ўзининг моддий аҳволини кўтариш ҳақида қайғурган бўлса, бугун ҳам шу ниятда қўлига таёқ тутиб яйлов кезади, қир-довон ошади. Қизиғи шундаки, ҳануз қозони кунда эмас, кунора қайнайди, атом асри бўлса-да ўтовиди жинчи-роқ милтиллайди. Бугунги кунда ноҳиянинг 50 миллион сўмга яқин давлатдан қарзи бор. Бу қарзлар чўпоннинг қоронғи ўтовига чирок, уйнинг деворига оҳак, зах ўриндиғига пол, фарзандлари учун мактаб, маданият уйи, кутубхона, клуб, овлоқ қишлоғига телефон, асфальт қурилиб, атобус қатнагани туфайли бўлса кошки эди. Афсуски, афсуски ундай эмас.

1985 йилгача шахсий хўжаликлардан 80 килограммдан гўшт олинарди. Ҳеч ким лом-мим демас, ваҳоланки хўжаликда битта сигир, ўнтадан ортиқ қўй сақлаш мумкин эмас эди. Моли йўқдан 200 сўм солиқ мажбурий олинарди. Агар шу пулни бермаса райком, қишлоқ совети, район халқ маорифи бўлими тазйиқ ўтказарди. Қайта қуриш, ошкоралик туфайли турмушимиз фаровонлигига зид бундай иллатларни, хўжалик юри-тиш услубининг ҳаётимизга номутаносиблигини, кишиларимизнинг моддий аҳволи ночорлигини баралла айта бошладик. Ижтимоий ҳаётимиз яхшиланиши, унинг равнақи йўлларини қидира бошладик. Чорвачиликка ихтисослаштирилган бўлса-да, бу воҳада ҳали айтганимиздек гўштнинг нархи 7 сўм! Нега шундай?

Аввало бизда ем-хашак дегани ниҳоятда тақчил. У мўл бўлиши учун сув керак. Жумҳуриятимиз деҳқончилиги олдида Орол муаммоси кўндаланг турган бир пайтда Қўшрабат хашак майдонларига сув чиқариш ҳақида фақатгина орзу қилиш мумкин. Бутун умид табиатдан — баҳор серёғин келса қозон тўла сут-қатиқ, сурув-сурув дуркун қўй-кўзи, баҳор нотанти келса — чорвадорнинг ҳам, ерли аҳолининг ҳам шўри. 1987 йил Қўшрабат ноҳияси ташкил этилганда 270 минг бош қўй мавжуд эди. 1988 йилда тугатилиб, Нурота ноҳиясига 140 минг бош қўй билан ўтказилди. Бир йилдан сўнг ноҳия қайта тикланди, қўйлар сони эса 80 мингта-

гача тушиб кетди. Бир пайтлар баҳорги ёғингарчилик ва қори узок муддат ётмайдиган тоғларнинг жилға сувлари ҳисобига бир неча жойда сув омборлари қуриш (шу жумладан Окчобсой сув омбори) режалаштирилган эди. Бу тадбир суғориладиган ҳашак майдонларини кенгайтириш, улардан олинган юқори ҳосилдорлик ҳисобига қоракўл қўй туёқ сонини ошириш имконини берарди. Лекин ҳали ҳануз сув омборлари қурилиши бошлангани йўқ, бошланганлари ҳам ўлда-жўлда ташлаб қўйилган. Бугунги кунда-лалмикор ерлардан олинаётган ҳосилнинг фойдасидан зарари кўпроқ. Эргаш Жуманбулбул ўғли номли совхоз мисолида олинса, 1986 йилгача бир гектар ерга экилган 110-120 кг.буғдойдан 2 центнердан ҳосил олинар эди. 1986 йилда бригада пудрати жорий қилиниб, ҳосилдорлик 7 центнерни ташкил этди. Уруғлик буғдой давлатдан 40 тийиндан олиниб, сифатсиз ҳосил эса 9 тийиндан сотилди. Ана сизга ҳосилдорлик, ана даромад. Шу совхозда 30 минг бошдан зиёд қоракўл қўй боқилади. Агар чўпонлар сони 60-70 тани ташкил этса, 22 минг аҳоли асосан шу чўпонларнинг даромади ҳисобига яшайди. Йил давомида оладиган ўртача ойлик маоши ўртача 13-17 сўмни ташкил қиладиган мавсумий ишчилар бор. Уларнинг ҳам гўшт сотиб олиб ейишга, одамларга ўхшаб ҳаёт кечиршига ҳаққи бор-ку. Ҳозир оммавий равишда деҳқонларга ер бериляпти. Бизда ерга талабгорлар жуда кам. Сабаби оддий, қақроқ майдонларда янтоқдан бошқа нима ҳам ўсарди? Баҳор серёғин келса, далаларда етиштирилган ҳашак давлатнинг қўйи-га зўрға етади, аҳоли эса шахсий томорқасидан оладиган ем-хашакка яраша мол қилишга мажбур. Матбуотда 1991 йилда одам бошига гўшт истеъмол қилиш бир йилга 32 кг. бўлади дейилган эди. Агар ўзбек оиласида ўртача 10-12 киши бор деб олсак, бир йилда бир оила 380-420 кг. гўшт истеъмол қилиши керак. Бу маҳаллий зот қорамолдан 3 та ҳўкиз ёки сигир деганидир. У ҳолда кишилар уйдаги бор-йўғи битта сигирдан ҳам воз кечишларига тўғри келади. Уртача гўшт истеъмол қилиш учун бизнинг шароитда 3 та сигир сақлаш, уч йилдан кейин бола-лар-ни сўйиб ея бошлаш керак. Демак, ўз-ўзини гўшт, ёғ билан таъминлаш учун бир оилада 3та сигир, 3 та ғунажин, 3 та бузоқ бўлиши лозим. Уни боқиш осон эмас. Ҳозир даладан ҳашак ўрганлиги учун 150 сўм жарима олинади, 50 кг. ғалла учун 3—4 йил Россияда ўрмон кесишга юборишади... Хўш, одамлар нима қилиши керак?

Аҳоли асосан булоқ бўйларида яшашади. 6—7 сўтих еридан мева-сабзавот олмадан деса, мол қилмаслиги керак, мол қилса мева-сабзавотни сотиб олишга тўғри келади. Шу ўринда бир нарсани айтиш керак. Ем-хашак муаммосини енгиллаштириш мақсадида ноҳиянинг бир қанча жойларида артезиан қудуқлар қазилган эди. Қудуқлар ем-хашак учун ишлатилмай четдан келган гектарчиларга деҳқончилик учун берилди. Аҳолининг сабзавотга эҳтиёжини қондириш учун эмас, мўмай пул топиш иштиёқида келган гектарчилар амофос, селитра ва ҳар хил химикатлар эвазига юқори ҳосил ола бошладилар. Халқ сабзи, шолғом, пиёзнинг арзонлиги, кўринишига учиб сотиб олишар, заҳарланган сабзавотни истеъмол қилиб сариқ касалига чалинишини билмас эди. Етиштирилган маҳсулот эса тиббий назоратдан ўтказилмай тўғридан тўғри аҳолига сотилди. Натижада 1987—88 йиллари биргина Эргаш Жуманбулбул ўғли номли совхоз аҳолисининг 30 фоизи сариқ касаллиги билан оғриди. Бунинг устига артезиан қудуқлари туфайли ер ости суви камайиб, тоғ ёнбағрида яшовчи аҳоли истеъмол қиладиган кўпгина булоқлар суви қуриб қолди. Тоғларда бодомлар қовжираб, гиёҳлар ту-

ри йўқола бошлади. Бу ўз-ўзидан яна сув муаммосига олиб келади. Сув омборлари қурилмагач, артезиан қудуқларидан фойдаланмасликнинг иложи йўқ. Тоғ зоналарини муҳофаза қилиш ноҳия раҳбарларининг ҳаёлига ҳам келмайди. Биз қудуқлар сувини ем-хашак тайёрлаш учун сарфланишини таклиф қиламиз. Шундай қилина уруғлик тон сотиб олинмай ноҳия ёки хўжалик иктисодий аҳволи анча яхшиланади. Ем-хашак мўл бўлса аҳолига сотиш имкони тўғилади. Тўғри, бизда шахсий хўжаликларга ем сотиш йўлга қўйилган, аммо у жуда оз миқдорда. Масалан, бизнинг совхозда бир йилда 56 тонна кепак сотилади. Бу совхоздаги барча аҳолининг эҳтиёжини қондиролмайди. Ноҳияда камида 1000—2000 тонна ем сотишни йўлга қўйиш керак, бошқача қилиб айтганда хўжалик бошига ем 0,5—1 тоннани ташкил этсин, шу жумладан ҳашак ҳам. Шунда одамлар шахсий томорқасига беда экмай, ундан сабзавот-мева олиш учун фойдаланар эди. Натижада гўшт арзон бўлади, аҳоли ўз-ўзини сут-қатик, ёғ билан таъминлайди, мева-сабзавотга бўлган эҳтиёжи қондирилади. Мактаб ўқувчилари 5—6 соатлик дарсдан сўнг қўлига кетмон ушлаб кечгача янтоқ, шувоқ чопмасдан, чуқур ва ҳақиқий билим олишга киришади.

Статистика маълумотларига кўра, мамлакатда етиштирилдиган қора майизнинг қарийб ярмини Самарқанд вилояти берар экан. Бу ҳосилда Қўшработнинг салмоқли ҳиссаси бор. Кези келганда шуни айтиш керакки, жумҳуриятимизда пахта майдонларини қисқартириб боғдорчиликни ривожлантириш керак деган таклифлар тушганда раҳбарларимиз бизда мева маҳсулотларини сақлайдиган махсус омборлар йўқлигини рўқач қилиш-япти. Ун минг тонналаб узум, помидор маҳсулотлари завод ва комбинат эшиклари олдида навбат кутиб, бузилиб, исеъмол даражасини йўқотаётганлигини ойнаи жаҳонда кўрсатишди. Табиат бизга бошқа жумҳуриятлардан кўра қулай иқлимни инъом этиб қўйибди. Уша узум, помидор ёки меваларни етиштирган хўжаликларда қуритса бўлади-ку. Бунинг учун япон қуритиш ускунаси шарт эмас. Қўшработлик боғбонлар қўиш ва шамолдан оқилона фойдаланадилар. Узумларни қирларнинг шамол тегиб турадиган кунгай бетларига ёйишади. Майизи сояки, ширали бўлади, бундай майизни бугунги кунда Олой бозорида килограммини 11—12 сўмдан ханрид қилиш мумкин. Бундай майизларни ҳали-ҳануз одамларимиз магазин пештоқларида кўришни орзу қилишади, ваҳоланки, бунинг учун жумҳуриятимизда имкониятлар бор-ку. Шунингдек, помидор, олма, ўрик, шафтоли, олхўри, ҳатто қовунларни ҳам қуритиб, сақлашни муддатини узайтириш, кейинчалик улардан компот, ичимликлар тайёрлаш мумкин. Қолаверса, тўғридан-тўғри ёки банкалаб хорижий элларга ҳам чиқарса бўлади, ахир биз Булғория олхўриларини магазинлардан оляпмиз-ку.

Шу ўринда биз Қўшработ ноҳиясида нафақат жумҳуриятимизга, балки жаҳон бозорига тўғридан-тўғри майиз ҳамда қоракўл тери сота олувчи комбинат ташкил этилишини таклиф қиламиз. Майиз ва қоракўл тери нархи унинг навларига қараб белгилансин. Бу иш йўлга қўйилса давлатдан 50 миллион сўм қарз бўлган ноҳиянинг иктисодий муаммоси, кишиларнинг моддий аҳволи бирмунча яхшиланган бўлар эди. Қолаверса, бу машақатлар эвазига давлатга қоракўл тери, гўшт, жун майиз етказиб бераётган аҳолининг ҳақли талабидир.

**Б.ИСАЕВ.**  
31-ўрта мактаб ўқитувчиси  
**Ж. РАСУЛ,**  
ТошДУ журналистика факультети талабаси.  
Қўшработ ноҳияси.

# Хикматлар анъанаси

Туркий адабиётда хикмат жанрига асос солган шоир Аҳмад Шайх Иброҳим ўғли Яссавийдир. У ўзининг содда, пур-хикмат шеърлари билан фақат Мовароуннаҳр ва Хуро-сон аҳолиси орасидагина эмас, балки Кавказ ва Кичик Осиё халқлари орасида ҳам машҳур бўлган.

**Эрким бўлса, Шохимардон бўлғой эрдим,  
Бу илкимга олмос қилич олғой эрдим,  
Бу кофирлар барчасини кирғой эрдим,  
Иложим йўқ! Таю армон колди кўрунг.**

**Нокас, хасис, бедиенат қуллар хоким,  
Манманлиги ҳаддан ошиб бўлди эolim,  
Халқ ичида хор бўлдилар дарвиш, олим,  
Жамоати халқни кофир бўлди, кўрунг.**

Бу мисралар Аҳмад Яссавий ижодининг халқпарварлигини, эл-юрт дарди ва аламлари билан йўғрилганлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Аҳмад Яссавий ижоди бизгача асл нусхада етиб келмаган. Тошбосма китоблар ва кўплаб қўлёзмалар эса бир-бирдан кўчирилган. Табиийки, бундай ҳолларда ҳар хил чалқаш-ликлар, ноаниқликлар бўлади. Масалан, бир хикматда: «Менинг шеърларимни ўқи, улар «Қуръон» билан тенг, ҳадислар билан баробар», — деган ақида олға сурилади. Бизнингча, Аҳмад Яссавий бундай даъво қилмаган бўлса керак... Эҳтимол, котибларнинг ишидир.

Лекин бу машҳур, қатор халқлар томонидан эътироф этил-ган шоир асарларнинг текстологик тадқиқотини тўхтатиб қўйиш дегани эмас.

Биз асл манбани кутиб тура берсак, ўтмишда яратилган жуда кўплаб маънавий бойликларимизни қўлдан чиқариб қўямиз. Шота Руставели, Абай, Шевченко тадқиқотчи-ларидан ўрнак олсак бўлмайми? «Москва» журналининг муҳаррири М. Н. Алексеев «Халқ тарихининг илдиэларидан онгли равишда маҳрум қилиб, ватанпарварлиқни тарбиялаб бўлмайди», — деб ёзади («Советская культура», 14 январь 1988). Бу гапда қатта ҳақиқат мавжуд. Аҳмад Яссавий ижоди-ни қадимий, адабиётимиз ва улкан халқимиз тарихининг узвий бир қисми сифатида илмий ўрганишни йўлга қўйиш лозим. Марҳум олим, профессор Эргаш Рустамовнинг «Аҳмад Яссавий хикматларида тарих ва ҳаёт садоси» тадқиқотини ва яна бирикки мақолани ҳисобга олмаганда бу соҳада бошқа бирор эътиборлироқ, салмоқли илмий иш адабиётшунослигимизда хозиргача амалга оширилмаган.

Аҳмад Яссавий ўз фикрларини кўпни кўрган, донишманд бир ижодкорнинг ўқувчи ёки тингловчига насихатлари тарзида баён этади.

Поэтик шаклнинг ўзига хос бу йўсини Аҳмад Яссавий шеърларининг халқчиллигини, оммавийлигини таъминлаган. Бу шеъринг усулни Яссавийдан кейин Сулаймон Боқиргоний ва бошқа ижодкорлар ҳам давом эттирганлар. Жумладан,

XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган, кўқонлик Бердиёр номли бир халқ ижодкори нафс бандаси бўлган айрим тоифа кишиларни ҳажв қилиб шундай хикматлар яратган:

**Пайшанба кун бозор бориб, савдо қилдим,  
Кимни кўрсам, пулим бор, деб даъво қилдим,  
Шолғом олиб, уйга бориб шўрво қилдим,  
Шўрво ичиб, сувсаб-чанкаб ўлдим мано.**

**Улуғ пирим хонақода ҳўкиз сўйди,  
Шўрвасига муридлари ичиб тўйди,  
Ёғлик ерин ўзларига олиб кўйди,  
Чандирларин чайнаб-чайнаб толдим мано!**

Кейинги давр адабиётимизда ҳам хикматлар анъанаси давом эттирилган. Жумладан, Фафур Ғулом шоир Ҳабибий-нинг 70 ёшга тўлиши муносабати билан ёзган табрик шеърда хикматлар шаклидан ўринли фойдаланади:

**Ёшлигимда Хўтанарик сувин кечдим,  
Этигимни ўтдан-сувдан кўркмай ечдим,  
Кўшиқ ёзиш хунарини эзиб ичдим,  
Шул сабабдан етмиш ёшга кирдим мано...**

Энди мақоламиздан кўзлаган яна бир муддао ҳақида фикр баён этайлик. Яссавий хикматлари усулидан фойдаланиб ҳажв яратиш тожик шоирлари ижодида ҳам учрайди. Чунон-чи, XIX аср охири ва XX аср бошларида ҳаёт кечирган Мухам-мадсиддик Ҳайрат ижодида бундай ҳолатни кузатиш мумкин. Шоирнинг «Боз дар ҳажви саррофони мазкур ва равиаи Ҳожа Аҳмад Яссави» сарлавҳали ўзбекча шеърда судхўрлик-ни ўзига касб-кор қилиб олган очкўз ва олчок шахслар ҳажв остига олинади, даврнинг корчалонлари ўз сўзлари оркали фош этилади:

**Сарроф бўлиб бул фирқада ора кирдим,  
Ҳар кимсадан танзилий пул олабердим,  
Неча қунлар бул пешада даврон сурдим,  
Бул жаҳонда ўзумман деб юрдим мано.**

**Минг етти юз хизматкорим қолиб ҳар ён,  
Пахта учун Метан кетиб, Каттакўрғон,  
Фикр этмайин ҳар ерларда уриб жавлон,  
Карки, Чоржўй терисини олдим мано.**

**Қирқ ёшимда овозамдан жаҳон тўлди,  
Ғурур ила айшим кўриб фалак қулди,  
Хали билман на эрдио нелар бўлди,  
Ҳубоб эрдим бу дарёда синдим мано.**

Юқоридаги фикрларга суянган ҳолда шуни айтиш мумкин-ки, ҳамма даврларда ҳам шоирлар, асосан, ҳажвий асарлар ёзганларида иложи борича халқ орасида кенг ёйилган поэтик шакллардан унумли фойдаланганлар. Бу эса ўз навбатида шеърларнинг омма орасида тез тарқалишига сабаб бўлган.

Ақбар АСРОРОВ,  
Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат  
дорифунуни аспиранти.

<sup>1</sup> Азиз Каюмов. «Кўкон адабий мухити». Тошкент, 1961 йил, 164-бет.



Адабий-тарихий ёдгорликларимизнинг ҳар бир зарварагида, кексаларимизнинг икки гапини бирида халқ мақоллари ва ибратли сўзларга дуч келаверасиз. Бу тушунарли, албатта. Чунки турмуш тажрибалари асосида шакланган мақоллар тарбия масалаларида ҳамisha муҳим ўрин тутган. Бугун эса қалин-қалин китобларда ҳам, замондошларимиз нутқида ҳам улар жуда кам қўлланиладиган бўлиб қолди. Айни пайтда андишасизлик, имон-этиқоднинг йўқлиги каби ғайриинсоний хислатлар кўпайди. Бу икки ҳодисанинг бир вақтга тўғри келиши тасодифми ёки уларнинг оз бўлса-да, ўзаро боғлиқлиги борми?

Биз биламизки, мақоллар маълум давр ва шу давр одамлари хатти-ҳаракатига, этиқоду тушунчасига мос тарзда юзага келади. Масалан, Октябрь инқилобигача ибратли мақоллар билан бир қаторда хотин-қизларга пасти назар билан қарашнинг натижаси бўлган: «Хотин киши уйнинг чўриси», «Олтин бошли хотиндан бақа бошли эр яхши» каби мақоллар «ижод» қилинган. Сўнгги йилларда эса «Қишлоқда яшайсанми, техникани бил», «Дала шийпони — дехқоннинг иккинчи уйи», «Қирғиз халқи мол билан, ўзбек халқи боғ билан», «Рус тили — она тилим, ўз тилимга қондош тилим», «Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади» каби иборалар оммавий равишда ишлатила бошландики, уларнинг маъносини келажак авлодларимиз қандай изоҳлаши бизга қоронғу.

Бундай мантиқсиз, шиорнамо гапларни «мақол» деб тан олинди ўзбек халқ мақоллари тўпламига киритилганлигини қандай изоҳлашни билмайсан киши. Ахир, қардошларимизнинг мақоллар тўпламларида бунақаанги «катталар»нинг оғзидан илиб олинган гаплар йўқ-ку! Нега энди биз бу сўзларни қишлоқлик ва дала ишчиси кўнглини ҳисобга олмасдан қўлайверамиз?

Фикримизча, шу ўринда топганларимиздан йўқотганларимиз аф-

## Муҳаммад Аҳмад

залроқ эканлиги ўз-ўзидан сезилиб турибди. Куйида халқ жонли сўзлашув тилида пайдо бўлиб, оғиздан-оғизга ўтиб келган, аммо бизнинг давримизга келиб юқорида айтилган сабаблар боис асосиз равишда унутилган (баъзилари «Ўзбек халқ мақоллари» тўпламида ҳам қайд этилмаган) халқ мақолларини изоҳлашга, (чунки уларнинг баъзилари матбуотда илк бор эълон қилинган), улар ҳақидаги баъзи фикрларимизни баён этишга жазм қилдик. (Мақолларнинг маъносини аниқлашда Учкўрғон районидаги «Коммунизм» колхозида яшовчи Салтанатхон ая Уралова ҳам ўз фикрларини айтганлар).

«Хотинларда хотин бор, бошларида олтин бор. Эркакларда эркак бор, ҳисобда йўқ тентак бор».

«Хотинларда хотин бор...» — «Хотинлар орасида ҳам шундайлари (мақтов маъносида) борки... «Эркакларда эркак бор» — «Эркаклар орасида ҳам шундайлари (ёмон маънода) борки».

«Қиз бола ўнга кирса, тентак хотин сонга киради».

Бу мақолда қиз боланинг оиладаги ўрнига баҳо берилади. Қиз бола улғая борган сайин, унга эътибор орта боради. Унинг чиройи, ақли-ҳуши ҳақида гап кетади. Ошиқу беқарорлар, келин қилишга иштиёқмандлар пайдо бўлади. У ҳақидаги гап-сўзларда онаси ҳам тилга олинади, эл назарига тушади, яъни у ҳам сонга киради.

«Жонимнинг жононаси — хотинимнинг қайнонаси».

Бу мақолда эрнинг мустақил

эмаслиги, хотинининг ҳақ-ноҳақлигидан қатъий назар фақат ўз онаси томонга оғиб кетиши (қайнона ва келин муносабатларида) назарда тугилади.

«Аёлнинг кўнгли бузилгунча сихти бузилсин».

Азалдан беҳаёликни катта фожеа деб билган халқимизнинг бу мақоли, аслида беҳаё аёлга мос жазо — ҳукми суровдир. Яъни аёл хаёлида беҳаёлик туйғулари пайдо бўлгандан кўра, бунга сабаб бўлган юзи, қадди-қомати бузилиши раво кўрилади.

«Кампир айтар қиз бўлай деб, бақа айтар мен олай деб».

Бу мақол ўз ёшига мос тарзда иш кўрмайдиганлар устидан аччиқ кулгу, киноянинг образли ифодасидир.

«Бир қизга қирқ уйдан тиюв».

Мазкур мақолдаги «тиюв» сўзининг — маслаҳат, кўз-қулоқ бўлиб турувчи, жавобгар каби сўзлар маъносига тўғри келишини билиб олсак, унинг асл маъноси аён бўлади-қолади. Нафақат мазкур мақол, балки шу мақол ифода этган ҳолатнинг орамиздан йўқолиб бораётганлиги ачинарли ҳол. Ҳа, илгари бир балоғатга етган қизга — ота-она, ака-ука, қариндош-уруғ, қўни-қўшини... хуллас ҳамма панднасиҳат қиларди, унинг тақдирини учун ҳамма ўзини масъул ҳисобларди. Энди-чи... Энди кимнинг ким билан иши бор, оқибат эса ҳаммага аён.

Ҳозирга келиб айрим мақоллар мазмуни нотўғри талқин қилинмоқда. Масалан, ҳозирги ёшлардан «Отангни ўлдирганга онангни бер» мақолининг мазмунини сўраб кўринг-чи. Албатта, ҳамма, ҳатто сенга душманлик қилганга фақат яхшилик қил, деган жавобни айтишади. Афсуски, бу борада кексаларимиздаги фикр тамомила ўзгача.


Умуман, мақоллар ва воқелик ўртасидаги ўзаро мутаносиблик тасодифий бўлмайди. Жумладан, сўзимиз аввалида тилга олинган икки ҳодисанинг ўзаро боғлиқлиги ҳам тасодифий эмас, қонуний ҳол. Шу боис бу тўғрида жиддий ўйлайдиган пайт келди.



ЎШЛИК

Элимизнинг ардоқли қўшиқчиси Муножот Йўлчиевнинг ички қудратга тўлуғ жозибали овози эндиликда бутун дунё бўйлаб янграмоқда. Борлиқни ларзага солиб «муножот» қилаётган бу ҳассос юрак садолари севимли шоиримиз Абдулла Орипов айтмоқчи, қадимий обидаларимиз Самарқанд, Бухоро ва Хива миноралари каби улўғвор ва бетакрордир. Унинг қўшиқ кўйлаётган ўйчан ҳолати кишини беихтиёр хаёл денгизига ғарқ қилади.

Тилагимиз, ҳофизамизнинг санъат оламидаги парвози ўзининг орзуларидан-да баландроқ бўлсин!



# Муножот Йўлчиева





Муслиҳиддин Муҳиддинов



Бахт ва бахтиёрлик Амир Хусрав Дехлавий ва Алишер Навоий ижодида махсус масала қилиб кўйилган эмас. Аммо, шунга қарамай уларнинг асарларида «саодат», «саодатманд», «ком», «комронлиг» каби тушунчаларни учратиш мумкин. Буюк шоирлар инсон бахтини унинг молу дунёси, бойлиги билан ўлчамаганлар. Ҳеч қаерда, масалан, шох ёки вазирни бахтиёр киши деб таърифламаганлар. Аксинча, уларнинг назарида қаноатли гадо шохдан бахтиёрроқ. Бахт ва бахтиёрлик қатор белги-хислатларни жамловчи тушунча сифатида талқин қилинади. Қисқаси, хушхулқ, хуштавозеъ, бошқаларга озор бермайдиган, кўлидан келганча ўзгалар ҳожатини чиқарадиган, дўстга, ёрга содиқ одам — комрон одам. Бирок Дехлавий ва Навоийда саодатманд бўлишнинг яна бир шarti ҳақида гап боради. Бу — одоб. «Одоб» тушунчасининг доираси кенг. Амир Хусрав дўстлик, ёрга вафо, садоқатни ҳам одоб шартларидан ҳисоблаган.

**3-он ҳамма к-одоби накўкорист,  
Поёи аввал адаби ёрист**

(Яхшилик одоби ичида ёрлик, дўстлик одоби биринчи ўринда туради).

Амир Хусрав суҳбат одобига ҳам кўп эътибор берган. Ким билан яқинлашиш керак, кўнгил сирини кимга айтиш керак? Шоир ёмон ниятли одамлардан узок юришни маслаҳат беради. Одам ўз сирини ҳар учраганга айтмаслиги лозим, деб таъкидлайди.

**Суҳбати он кас, ки ба сидку сафост,  
Домани ў гир к-аз ахли вафост.**

(Садоқатли, сафоли одам билан суҳбат қур, вафо аҳлидан бўлган кишининг этагини ушла). Амир Хусрав манманлик, такаббуриликни қоралайди. Бировга салом берсанг, аммо у алик олмасдан ўтиб кетса, ундай одамдан яхшилик чиқиши гумон: «Саломингга жавоб бермаган одамдан тош яхши, чунки тошни савоб йўлида ишлатиш мумкин». Қўпол, маданиятсиз одамни шоир девга ўхшатади. Ўз бойлиги, шавкати билан керилиб юрганлар эса бамисоли ўткинчи шамол, «шамол мянани тўлдирган бўлса, ундан умид йўқ», уни ҳамсуҳбат қилиб бўлмайди — Амир Хусравнинг панди шунақа. Улуғ шоир «Матлаъул анвор» дostonининг тўққизинчи мақолотида «боли такаббур» калласини тўлдирган кимсаларнинг кўпини кўрдим, улар вайсаб-вайсаб ўтиб кетдилар, дейди.

Умуман, Амир Хусрав бир томондан, яхши хулқ-одобни, эзгуликни тарғиб этади, яхши хислатларни эгаллашга даъват қилади, иккинчи тарафдан, агар зоти, насли насаби асл бўлмаса, одам тарбия билан яхши одам бўлиши қийин, деган фикрни баён этади.

Яхши одам, Амир Хусравнинг фикрича, ўз қариндош-уруғларини ҳам хафа қилмайди. Ота-она, қариндошлар рози бўлса, киши ўз ҳаётидан рози бўлиши мумкин. Ота-онага қаттиқ гапириш, сану манга бориш ғоят беадабликдир, деб огоҳлантиради, Дехлавий. («Ўз отанг билан сану манга боришни хом каллангдан чиқариб ташла. Сенинг вужудинг отангинг жонидан бир парча, унинг чашмасидан қатрасан»). Одам фарзанди ота-онасига жонини фидо этмоғи даркор, агар сен нонни қизгансанг — юз афсус! Шоир, айниқса, оналарни катта ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади, онанинг фарзандга меҳри, фарзандни вояга етказишда чеккан уқубатлари ва фарзандларнинг оналар ҳаққини адо этиши хусусида куйиниб, зўр эҳтирос билан сўзлайди.

Амир Хусравнинг аёлларга муносабатида айрича илиқлик, туганмас бир муҳаббат бор. Буни шундан ҳам билса бўладики, «Дувалроний ва хизрон» номли ишқий-романтик дostonига ўз онасининг вафоти муносабати билан таъсирчан бир марсия ёзиб илова қилган. «Матлаъул анвор»нинг охириги мақолотларидан бирини эса севикли қизи Мастура насиҳатига бағишлаган. У аёлларни хонадоннинг чироғи, наслу насаб пойдевори, қалб рўшнолиги деб таъриф этади. Онасига бағишланган марсияда шоирнинг меҳр-муҳаббати нечоғлик чексиз эканини кўрамыз.

Яқин кишиларга муносабат масаласи «Матлаъул анвор» дostonининг ўн биринчи мақолотида таъсирчан баён этилган. Бунда оила аъзолари, хотинга, болаларга меҳрибон бўлиш, лутф қилишга даъват бор.

**Лутф ба жоест, ки дўре бувад,  
Бар зану фарзанд зарурий бувад.**

(Бошқаларга лутф кўрғазиш яхши, аммо ўз хотинига ва фарзандига бу зарурийдир). Эр киши ўз болаларига намуна бўлсагина, болалари ҳам яхшилик йўлида тарбияланадилар. Емон бўлсанг — фарзандларинг ҳам ёмонликни ўрғанади.

Болани ёшлигидан тарбиялаш, одоб ўргатишни маслаҳат беради Амир Хусрав. «Қатта бўлгандан кейин қойиш ортиқча», дейди у. Отасининг сўзига қулоқ солмаган ўғил бошқа улуғлар сўзига ҳам эътибор қилмайди. Фарзанд азиз. Фарзанднинг азизлиги шу даражадаки, мабодо у ота-онасини қийнаб «икки кўзини қонга тўлдирса» ҳам уни уйдан хайдаб чиқариб бўладими? Лекин болага ёшлигидан одоб ўргатиш, таълим бериб, тарбиялаш зарур. Амир Хусрав Дехлавийнинг бу ўғитлари «Бола азиз, аммо одоби ундан ҳам азиз» деган ўзбек халқ мақоли маъносига ҳамоҳангдир.

Шунингдек, шоир қариган ота-оналар, уларнинг фарзандларига қарам бўлиб қолиши, бахтсиз кексалик сабаблари тўғрисида фикр суради. Дарбадар ота-оналарни кўрган шоир ачинаб ёзади:

**Даҳ писар аз як падар осуда гашт,  
Як падар аз даҳ писар афтад ба дашт.**

(Ўнта ўғил бир отанинг химояси, қармоғида осуда яшайди, лекин битта ота ўнта ўғил даргоҳига сиғмай, чўлга чиқиб кетади). Нақадар замонавий фикрлар. Ахир, ҳозир ҳам қариган ота-онасини йўқламайдиган, унутиб юборган одамлар кам дейсизми? Бундай кишиларни Амир Хусрав баднафс итлар, фақат ўз ғамини ейдиган шум кимсалар сифатида нафрат билан «таърифлаган». Ана шунақа бадкирдор одамларни саодатли деб бўладими? Йўқ, албатта. Бундай одамларнинг ўзлари бахтсиз бўлганидай, яқинларига ҳам ситам етказиб, уларнинг бахтсиз бўлишига сабабчи бўладилар.

Амир Хусравнинг ўзинчи мақолот охирида келтирган хикояси ҳам ибратлидир. Хикоя «ўз биродарини ўлдиришга қасд этган биродаруш киши ва унинг жазоланиши» ҳақида. Хикоя бизга таниш, уни Навоийнинг «Ҳайратул аброр» дostonида ўқиганмиз. Навоий уни дўстликка садокатни кўрсатиш учун келтирган. Дехлавий эса меҳр-шафқат, инсоний раҳм ҳақида гапириб, мазкур хикояни мисолга олган.

Амир Хусравнинг «Матлаъул анвор» асарида жавонмардлик қондалари, ҳиммат, мардлик каби юксак инсоний хислатлар ҳақида сўз боради. Беғараз ёрдам, ожизларга ҳамдард бўлиш, моддий мадад етказишни шоир биринчи даражали инсоний бурч ҳисоблаган.

**Дасти жавонмард бувад ганжбор,  
Дасти нигун ҳеч нагирад қарор.**

(Жавонмард — сахий одамнинг қўлидан ганж ёғилиб туради, очик, пастга қараб турган қўл ҳеч тўхтамайди.) Бахил, ҳасис одамлар эшигини биров қокмайди, бахил яққа дарахтдай саррода кўқариб, сувсизликдан куриб кетади, сахий эса мевали дарахтдай ҳамма вақт ҳослидан эл баҳра олади. Сахийлик — бу фақат пул сочиш эмас, саховат — аввало, қалб ҳарорати, бошқаларни бахтиёр кўриш истаги. Сахий қалби одам бoғ кўқартиради, ер ҳайдаб, омборларни ғаллага тўлдирди, эл-юртни обод, фаровон қилиш, одамларнинг хожатини чиқариш учун интилади.

**Вой бар он мардию комоварий,  
К-аз ту ба ғайре нарасад оварий.**

(Агар бирор бошқа одамга ёрдамнинг тегмаси, ундай мардликка юз хайф).

Муаллифнинг эътиқодига кўра, золим, жафокор одамларнинг умри узок бўлмайди. Одамзот учун шафқат, меҳр ва pushаймонлик ҳам фазилат. Pushаймонлик ўз айбини англаш ва уни такрорламасликка ҳаракат қилишдир. Жафокорлик ғазаб, гина, ҳасад каби номақбул ахлоқий белгилардан туғилади. Содадиллик, ҳалимлик, раҳмдиллик каби инсоний хислатларни улуғлар экан, бундай кишиларда жафо, жабр қилиш одати бўлмайди, деб қатъий ишонади.

Улуғ гуманист шоирнинг ҳозирги одамларга маъқул тушадиган хисматли байтлари анча. Айниқса, камтаринлик, хоксорлик юзасидан айтилган пурмазмун байтлари ёқимли жанранглайди. Ҳаётда одам ўзини шундай тутиши керакки, барча ундан рози бўлсин, бировни қийнаш эвазига иш битириш, атайлаб жабр қилиш ҳато. Ҳатто кулларни ҳам, деб таъкидлайди Амир Хусрав, «андоза билан», инсоф доирасида ишлатиш керак. Хуллас, феодал замонаси шоири ва мутафаккирининг ёркин инсонпарварлик гоялари бугунги ўқувчиларимиз учун ибратли эканлиги шак-шубҳасиздир.

Хусрав Дехлавийнинг XIII аср охирида Ҳиндистонда баён этган ахлоқий-таълимий қарашлари XV аср Ҳирот муҳитида ҳам эскирмаган эди. Алишер Навоий ўз устозининг адаб ҳақидаги кўп фикрларини ижодий ўзлаштириб ривожлантирган. «Ҳайратул аброр»нинг олтинчи мақолоти адаб мавзусига бағишланган. Сарлавҳадаёқ Навоий нима хусусида гап боришини қайд этиб ўтган: «Адаб дабъидаким, кичикларга мўжиби саодатмандлик, ва улуғларга боиси сарбаландлиғидурр ва тавозуъ вассфидаким «дол»дек қаддини ҳам қилгон қадамин давлат фарқиға ва ҳаё зиёсидаким, ҳар киши кирса раҳмат ёғинлари бирла сероб бўлур». Мазмуни: «Адаб расми ҳақидаки, кичикларнинг бахтиёрлигига сабаб ва катталарнинг бошининг баланд бўлишига боисдир. Тавозеъ таърифидаким, қаддини «дол» харфидай эғиб юрган одамнинг қадамини давлат бошига чиқаради ва ҳаё нури ҳақидаки, ҳар ким бу нурга чўмилса, раҳмат ёғини билан сероб бўлади». Демак, Навоий адабни саодатмандлик — бахтиёрлик қалити, энг кўп кадрланадиган ин-

соний фазилат деб ҳисоблаган ва ҳаё билан хуштавозеликни одобнинг асосий шартларидан деб билган. Шуниси ҳам борки, Навоий бу хислатларни «талаб уйида нишаст айлаган», яъни маърифатга талабгор одамлар учун зарур, деб ҳисоблайди. Ана шу фазилатларни ўзида шакллантирган одамнинг одоби ҳам гўзал бўлиши керак. Одоб эса тавозедан бошланади. Хуштавозе одам камол топади, кадрланади.

**Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,  
Лек шараф келди ҳаёю адаб**

деб ёзади Навоий. Бунинг маъноси шуки, одамни мансаб ва наслу насаб эмас, балки ҳаё ва адаб улуглайди, эл кўзига шафтли қилиб кўрсатади.

**Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,  
Паст этар ул хайлини чархи баланд.**

Яъни: беадаб кишилар азиз, бахтиёр бўлмайди, адабсизларни баланд осмон охир пастга уради. Қизиқки, адабсизликнинг биринчи белгиси сифатида ўзбек шоири қулгу, ҳазил-мазаҳни кўрсатган. Кишининг устидан қулиш энг катта беҳаёлик, дейди Навоий. Унинг наздида қулги аралашган танкид — ҳажвиёт, қулгили томошалар, таклидчиларнинг ишлари, хайвонларни ўйнатиб, одамларга дилхушлик келтирувчиларнинг иши ҳам мақбул эмас. Масхара — инсон шаънини ерга уради, деб ўйлаган шоир.

Навоий одамлардан адаб талаб қилганда, ўзи яшаб турган жамиятнинг иерархияси — мартаба — жоҳга тақсимланишига қатъий риоя этади. Масалан, унинг ёзишича, бек қулга тавозе кўрсатиши, гадога эғилиб салом бериши ножоиз. «Ҳар кишининг таврига лойик» ва «сурати холиға мувофиқ» муомала — одоб қоидаси бўлиши лозим. Хизматкор ўз хўжасига, аъёнлар султонга, фуқаро аъёнлар, боёнларга тавозе бўлсин, кексалар ёшларга эмас, ёшлар кексаларга одоб саклаб туриши талаб қилинган. Еш болага жойдан туриб салом бериш адабдан эмас. Шундай қилинса, бола бора-бора керилиб, такаббур бўлиб етишади. Ҳар бир одам мартабаси, даражасига қараб иш кўрсин. Мана шу тартибларни ота болаларига ҳам ўргатиши даркор, дейди Навоий насихат қилиб.

Инсон олдида турган зарурий вазифалардан яна бири отаона ҳақини адо этиш — уларнинг хизматини қилиб, розилигини олишдир. Бу ҳақда Навоий қуйидаги оташин сатрларни битган:

**Бирн эрур макруматн волидайн,  
Билки, мунунг қилмоғидур фарз айн.  
Бу икнининг хизматини бир бил,  
Ҳар неча ифрот эса, тақсир бил.  
Бошни фидо айла ато қошиға,  
Жисми қил садқа ано бошиға.  
Икки жаҳонингга тиларсен фазо,  
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.  
Тун-қунунгга айлагали нур фош,  
Бирисин ой англа, бирисин куёш.**

Бу фикрлар Амир Хусрав фикрларига ҳамоҳанг, аммо Навоий байтларида эҳтирос баландроқ. Навоий ота-онадан кейин қариндош-уруғ, ака-ука ва опа-сингилларга яхши муносабат борасида ҳам тўхтаб ўтган. Умуман, инсон ўз яқинларига раҳмдил бўлиши лозим. Ўз яқинларига раҳмдил бўлмаган одам бегоналарга ҳам раҳм-шафқатли бўлмайди. Навоийнинг тушунчаси шунақа. Улуғларга хизмат, кичикларга шафқат. Шарқ кишилари учун асосий ахлоқ низомига айланган мазкур қондани Алишер Навоий ҳам таъкидлайди.

Алишер Навоий боб охирида пирга қўл берган дарвешлар ахлоқ-одобини ҳам баён этиб ўтади. «Факр уйига» қадам қўйган одамнинг бутун инон-ихтиёри пир қўлига топширилган, шу учун у пир нима деса шунга кўниб, азобларга индамай, тавозе билан итоат қилиши шарт.

**Етса ғаму ғусса юки тоғдек,  
Бўлмоқ анинг остида туфроқдек.**

Ҳаё, хоксорлик, итоаткорлик — дарвеш одобини белгилайдиган хислатлар, дейди Навоий.

Алишер Навоийнинг адаб хусусидаги фикрлари «Маҳбул кулуб»да яна ҳам солдарок ифодаланган. «Маҳбул кулуб»

нинг иккинчи қисмига кирадиган олтинчи боби «Тавозуъ ва адаб зикрида» деб номланган. Навоий «Хайратул аброр» достонида айтган фикрларини бу ерда ривожлантиради. «Махбубул қулуб»даги афористик насрий жумлалар, ўзаро қофияли насрий гаплар халқ мақолларидай маъноли ва пурхикматдир.

Шундай қилиб, одоб, хуштавозели одамлар кўпчилигининг хурматига сазовордирлар, улардан яхши дўст, бамаъни улфатлар чиқади. Одоби одамлар душман кўнглига ҳам йўл топа олади. Тавозели кишининг муомаласидан уятсиз, ҳаётсиз мутакаббирлар ҳам инсофга келиб, яхши йўлга қайтиши мумкин. Хуштавозе кишиларга бировга бир дирам бермай, хурсанд қила оладилар, уларнинг ширин тили дилга қувват, нозик ҳаракати руҳга мадад. «Адаб кичик ёшлиқларни улуглар дуосига сазовор этар ва ул дуо баракати била умрдин бархурдор (бахраманд)». Одоби бола киши кўзига улугсифат кўринади, меҳру муҳаббатингиз ортади. Одоб муҳаббатнинг пайдо бўлиши ва тараққий топишида катта роль ўйнайди, дейди шоир. Чунки муҳаббат ўзаро хурмат асосида вужудга келади. Шоир одобни, тавозени кенг маънода тушунган, уни инсон зотининг ҳаёт тарзи, хулқ-рафторига асос қилиб кўрсатган. Навоий хуштавозеликка қарама-қарши қилиб, манманлик, кўрслик ва такаббурликни тилга олади. Унинг назарида бундай одатлари бор кишилар яхши одамлар эмас. Зеро, одобу тавозе — кишининг ўзини ерга уриши эмас, балки ўзгаларни хурмат қилиши, одамийлик равишини пухта эгаллаганини билдиради. Қамтаринлик, хоксорликни мутеълик, лаганбардорлик деб юрганлар адашади. Аксинча, хоксор одамларда ички инсоний гурур, ўз қадрига ва ўзгалар қадрига етиш устуни ривожланган. Хоксорлик кўп ўқиш, кўп билиш ва ҳикмат — донишга эҳтиром белгиси:

**Ақлу ҳикмат нишидир бўйла маошу оини,  
Қайта толқай мунн ҳар нафспарасту худбин.**

Манманлик эса — нодонлик ва худпарастликдан келиб чиқади («худписанд — нохирадманд... Мутакаббир — малъун, худпараст — бутпараст»).

Алишер Навоий «Махбубул қулуб»да худпараст мутакаббирларга танбех берар экан, уларнинг тонфалари, қилиқлари ва психологиясини ҳам очиб кўрсатади. Худписандларни Навоий умумлаштириб, икки гуруҳга бўлган. Биринчи гуруҳга у ўзининг номақбул аҳволига кўнган, аммо ундан қутулолмаган кишиларни киритган. Бундай кишилар «ўзининг аҳволи ва афъоли» элга ёқмас ва ўзларига «махбубу марғуб кўрингай» ва улар шу билан қаноатланадилар. Аммо шундайлар ҳам борки, бу одамлар «жамии ҳолоти ва нохуш ҳаёлоти»ни пиндан ва шоиста ҳисоблаб, ўзларини энг азиз ва муҳтарам кишилар қаторида кўрсатиш ва бемаза қилиқларини мазкур, маъқул фазилат деб жар солишни қанда қилмайдилар, бошқаларни шунга кўндирмоқчи бўладилар. Навоий буларни иккинчи гуруҳга киритиб, энг хавфли ва жамиятни бузувчи нохуш кишилар деб баҳо беради. Уларнинг бири, дейди адиб ғазабланиб, ўзини ҳусида Юсуфи Қанъоний, иккинчиси мусика ҳунарида Юсуфи Намангоний қилиб кўрсатишга интилади; лақма суҳбатларини жон озиғи, бемаза ашъорини Салмоннинг қасидасидан баланд деб мактаниб юрадилар. Жаҳолат шунча, фаросат шу қадар! «Ҳақнинг ҳеч амрига бўюн қўймағай ва шайтоннинг барча буйруғин бажо келтирудин тўймағай». Худпараст, беҳаё одамдан ҳар нарсани кутиш мумкин, чунки уларнинг кўпи ношаръий, ифлос ишлар билан шуғулланиб, бадном бўладилар. Бирок, афсуски, шунда ҳам ақлу ҳуши жойига тушмайди, кибр отидан ерга қўнмайди, булар. Алишер Навоий бундайларнинг кўпини ўз кўзи билан кўрганини, аксар қисмига насихатлар қилгани, аммо фойда бермагани, охир-оқибатда уларга насихат қилувчи азизларни ҳам ҳақорат этиб, дилини ранжитганини ёзган. Бу «мурдорлар» кирган уй ҳаром, бу «нохуш меҳмонлар» ҳозир бўлган базмхона азахонага айланади, дейди шоир.

Биз Хондамир, Восифий ва бошқа замондошларининг асарларидан биламизки, Навоий ғоят табиати нозик, пок, хушхулқ ва ўта назокатли кишиларни яхши кўрган, ўзи ҳам жуда нозикмижоз одам сифатида ном қозонган. Шу сабабли у «Махбубул қулуб»даги «танбех»ларида ҳаё, хилм, қарам каби сифатларга алоҳида урғу бериб таърифлади. «Қарам ва мурувват ота ва онадурлар, вафо ва ҳаё — икки ҳамзод фарзанд», деб ёзади у. Вафо ва ҳаёни эгизак деган шоир «вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ» деб таъкидлайди. Демак, бу тушунчалар бир-биринга жуда вобаста. Чунки маърифатли, комил инсонлар ҳаё-

ли ва вафодор кишилардирлар. Вафосизнинг жабри қанча бўлса, ҳаёсизнинг шаллақилиғи, бетга чопарлиғи, беандишалиғи ҳам шунча озор келтиради; шоир бунн ўзи бошидан ўтказган: «Замон аҳли бевафолиғдин кўксумга туганлар ва даврон хайли беҳаёлиғидин бағримда тиканлар... ҳар қайсиға рақам урай десам Айюб сабри анга вафо этмас ва қалам сурай десам, Нух умрида тамомға этмас». Шоир алам билан ёзган:

**Ё марҳамат ул хайли ситамқорага бергил,  
Ё сабру таҳаммул мени бечора бергил.**

Хилм, яъни ҳалимли ҳам Навоий назарида кишининг мақбул сифатидир. «Хилмни хаводис дарёсида кишилиқ кемасининг лангари деса бўлур ва инсоният мезони тошига нисбат қилса бўлур». Демак, ахлоқий камолот учун мулоим, ҳалим бўлиш ҳам зарур. Аммо, афсуски, замон бундай одамларга муносиб эмас. Ҳалим одамлар хору саргардон. Ҳалимларнинг «камчилиғи» шуки, улар ростгўй, ҳақталаб бўладилар, қаерга борсалар ҳақиқатни айтадилар, бу эса аксар одамларга ёқмайди: «Ҳақгўй кушнинг тамкин билан зикр айтири қошида қарлуғочнинг бемалол янгшамоғи малолат келтирур». «Аммо ел агар кўкка етсун-сабукбордур ва бемикдор (бекадр) ва тоғ агар туффорокка ботсунки, соҳиб викордур, хилмшиор». Шундай бўлгач, барибир ҳақгўй, батамкин одамнинг кадри баланддир.

Амир Хусрав ҳам, Алишер Навоий ҳам одоб-хулқ масаласига, кишининг ахлоқий сифатларига катта эътибор берганлар. Ҳар икки шоир ҳам яхши хислатлар, одамийлик сифатларини улуғлаганлар. Қисқаси, яхши одоб, яхши хулқ — саодат қалити. Донишманд шоирларнинг фикри шу.

## Сўз қўланиш мароми

Жумҳуриятимиз ҳудудида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан адабий-нутқий фаолият қонун ечимларини рўёбга чиқаришнинг амалий ҳаракати фаоллик билан киришиб кетди.

Адабий тил имкониятларини янада кенгайтириш, унинг бир қолипга тушиб қолган турғун маром (норма)ларини янгилаш, қайта ташкил этиш давлат тили мақоми мезонларига ҳам зид эмас. Аммо сўз қўллаш борасидаги изланишларни «бош-бошдоқлик», тил маромларини бузиш сифатида баҳолаётган овозлар ҳам йўқ эмас. Улар бу ишларни умумхалқ муҳокамасидан сўнгина амалга ошириш керак деб ҳисоблашмоқда.

Фикримизча, масалани бу тарзда қўйишнинг ўзи ажабланарли. У ёки бу сўзни, сўзлар гуруҳини луғатга кириштириш киритмаслик масаласини умумхалқ муҳокамасига қўйиб, биргаликда ҳал этиш мумкинлиги, балки. Аммо бу тартибни бевосита тил амалиётига (муомала жараёнига) татбиқ этиш эриш туюлади кишига. Алоқа асносида сўз танлаш ва қўллаш эрки ҳар бир кишининг ўз ихтиёридаги нарса. Ўзбек тили луғатидаги сўзларнинг ёмони йўқ. Аммо уларнинг мавжудлиги, келиб чиқиши, маънавий, услубий тавсифи билан нутқ жараёнида қўлланиши ўртасида доимий ва мутлоқ мослик бўлавермайди.

Сўз танлаш ва қўллаш мезонлари ижтимоий омиллар, нутқ соҳалари ва услублари, алоқа шароитлари талабига мувофиқ ўзгариб туради. Уларни яхши ёмон, ўринли-ўринсиз, яроқли-яроқсиз, маромли-маромсиз тарзда баҳолаш ҳам, энг аввало, тилнинг луғат бойлигига эмас, балки тил амалиётига яъни алоқа жараёнига дахлдор. Бу жараёни маълум гуруҳларнинг хоҳиш-иродаси билан тўхтатиб қўйиш ёки истаган бир йўсинда ўзгартириш мушкул. Чунки тил амалиёти умумий ижтимоий муносабатлар савияси билан боғлиқ ҳодисадир.

Сўз қўллашнинг қатъий-мажбурий мароми тарафқашлари матбуот тилида фаоллаштирилаётган, жонлантирилаётган «эски» сўз ва атамаларнинг маълум қисми ўзбекча эмас, балки форсча, арабча эканлигини рўқач қилишмоқда. Тўғри, сўзнинг келиб чиқиши, этимологик маъноси тил тараққиётини кузатиш нуктаи назаридан, ҳақиқатан ҳам, қизиқарли. Аммо ҳозирги тил амалиётида уларнинг асли қайси тилга мансублиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Биз учун муҳими бу олинма

сўзларнинг ўзбекча тил амалиётидаги одатий қўлланиши ҳисобланади.

Тилимизда сурати ҳам, сийрати ҳам, қўлланиш тарзи ҳам ўзгартириб олинган сўзлар кам эмас. «Ғалва» сўзининг «Ғалаба» лафзидан келиб чиққанлиги, «басир» калимаси араб тилида «кўзи очиқ» маъносида ишлатилиши алоқа жараёни учун аҳамиятсиз. «Ҳолва» — «ҳаловат», «хабар» — «муҳбир», «китоб» — «кутубхона» каби арабча сўзларнинг бир ўзакдан эканлиги ҳаммага ҳам маълум эмас. Муомалада ишлатиш учун уларнинг «қариндош»лигини билишга унчалик эҳтиёж ҳам йўқ.

Муҳими, сўзга эҳтиёж бор экан, амалда ишлатилаётган экан, бу сўз бизники, ўзимизники.

Ўз навбатида, тилимизга «дам олиб қайтган» сўзларнинг барчаси ҳам ижтимоий гуруҳлар томонидан бир хилда қабул қилинавермайди. Бироқ сўзларнинг маълум нутқ соҳасида, муайян ижтимоий қатлам тилида кенг ишлатила бошланганлигининг ўзи уларнинг адабий тил луғатида ўтиш учун даъвогарлигидан далолат. Бундан бу сўзларнинг барчаси фаол луғат қатлами қаторига ўтади, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта.

Фаол қўлланишга даъвогар барча сўзларнинг тақдирини бир хил бўлавермайди. Бунда тавсиялар, чақириқлар ҳам иш бермаслиги мумкин. Масалан, 60-йилларнинг ўрталарида «талаб», «толиба» сўзларини мактаб ўқувчилари учун қўллаш тавсия қилинган эди. Ҳозир биз уларни «студент», «студентка» сўзларининг маънодоши сифатида ишлатишга одатланиб қолдик. Шунингдек, «химия»нинг ўзи бўлади, «кимё» сўзининг кераги йўқ, деган гаплар ҳам бўлган эди ўша пайтлари. Шунга қарамай, кимё, кимёгар сўзлари ишлатилапти.

Демак, янги (ёки эски) сўз рақобатда ғолиб чиқиши ҳам, омонатлигича, даъвогарлигича ўтиб кетиши ҳам, ёки ўз муқобили билан «бир битимга» келиб, ёнма-ён яшаш ҳуқуқини қўлга киритиши ҳам мумкин. Адабий тил луғатини таъкид ва фармойишлар билангина қарор топтириб бўлмайди. Бўлмаса, атамалар кўмитаси ўзи лозим топган сўзлар рўйхатини тавсия этмагунча ҳар қандай янги сўз қўллаш ҳаракатини тўхтатиб туриш ҳақидаги даъват-чақириқларни қандай тушунмоқ керак?

Фикримизча, бунинг асосий сабабларидан бири кўп жиҳатдан тил таълими ва тил ташвиқининг ягона ва мажбурий маромлар асосига қурилганидир. Чунки барча учун ягона, доимий

ва мажбурий маром моҳият эътибори билан нутқ амалиётидаги ранг-барангликни, услубий товланишларни инкор этади.

Қатъий, ягона маром фақат адабий тил чегарасини тайин этиш нуктаи назаридангина зарур. Чунки адабий тил барча шева вакиллари учун тушунарли бўлиши керак. Адабий маромлар аслида нутқ жараёнидаги маромсизликлар (аномал, анорматив қўлланишлар) муҳитидагина шаклланади ва қоида тусини олади. Шу жиҳатдан, одатдаги услубий маром маълум маънода, маромсизлик (антинорма)дир, десак муболаға бўлмас. Услубий маромларни лисоний планда қатъий белгилаб бўлмаслиги ҳам шундай дейишга имкон беради.

Шу ўринда таниқли тилшунослар В. А. Богородицкийнинг нутқ амалиётидаги «хатолар — тил тараққайтининг йўли», Л. В. Шчербаннинг «хатолар устахонасида эртанги кун тили яратилади» деган фикрларини эслаш ўринли. Албатта, бу ерда сўзловчи ва тингловчи учун унча сезиларли бўлмаган нуқсонлар ҳақида гап кетмоқда. Хато сифатида фаҳмланмаган нуқсон кенг тарқалиш имкониятига эга.

Чунончи, «иккиланиш, ўйланиш» маъносидаги «тараддуд» сўзи ҳозир «тайёргарлик, ҳозирлик кўриш» маъносидаги «тарадди» сўзи ўрнида қўлланидан бўлиб қолди.

Ғайриодатийлиги 30-йиллардаёқ кўрсатиб ўтилган «йирик шохли қорамол» (асли «қорамол»нинг ўзи кифоя) атамаси ҳануз кенг қўлланиб келиняпти. Демак, айрим маромсиз қўлланишлар ҳам ўз истиқболига эга бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам фақат умумий, доимий ҳодисалар, қонуниятларининггина эмас, тилдан фойдаланишдаги субъектив ҳолларни, айниқса, индивидуал ижодий хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Тилни ҳаракатда, фаолиятда ўрганиш шуни тақозо этади. Қатъий маром мезони эса буни тан олмайди.

Тил халқнинг сўйлар сўзигина эмас, кўрар кўзи ҳам. Шоир уёвчилар, журналисту ноширлар мана шу кўзнинг гавҳари-жавҳари саналади. Халқ билан бақамат муомала қиладиган сўз усталари шулар.

Шулар туфайли халқимиз тил сандиғидаги жуда кўп сўз гавҳарлари миллионлар тилидан, адабий тил луғатидан жой олади. Шулар туфайли тилимиз қатламларида яшириниб ётган, бошқалар илғаб ололмаган имкониятлар юзага чиқади.

Адабий тил тақдирига жавобгарлик ҳам, биринчи навбатда, шулар зиммасида.

Ирисали ТОШАЛИЕВ,  
филология фанлари номзоди,  
доцент.



## «Унутилган соҳиллар»

Езувчи Нурали Қобулнинг «Унутилган соҳиллар» романи журнализмда эълон қилинганига уч йилдан ошди. Бу орада роман китоб ҳолида ҳам чоп этилди. Бироқ асарни кизиқиш билан кутиб олган ўқувчилар оммасидан ҳамон хатлар келиб турибди. Биз уларнинг талабларини инobatга олган ҳолда айрим мактубларни қискартириб беришга қарор қилдик. Куйида роман ҳақида фикр билдирилган хатлардан ўқийсиз.

Салом Нурали ака!

Гапнинг очигини айтадиган бўлсам, халқ оғзига тушган баъзи ижодкорлардан жуда ихлосим қайтган эди. Бундай ижодкорлар, ҳозирда халқнинг тавқилағънатига

учраган собиқ раҳбарларни ўз китобларида, гоҳида баланд минбарлардан туриб кўкларга кўтариб мақтагани ҳеч кимга сир бўлмай қолди?! Мени кечирсинлар-у, мен уларни «Сарой шоирлари» деб атагим келади. Хайрият, сизнинг «Унутилган соҳиллар» роман-монологингизни ўқиб чиқиб, бу фикрим бир оз ўзгарди. Асарни ўқий туриб, беихтиёр даҳшатга тушасан: «Наҳотки, халқимиз ўзи беҳабар шунча кўргуликларни бошидан кечирган бўлса?!» Мен яна бир нарсага амин бўлдимки, бу асар кўп эмас, 10 йил илгари ёзилганида, муаллифнинг тақдири фожеали кечиши аниқ эди. Нурали ака, асар яратилиш давридаги сизнинг изтиробу ҳаяжонингизни, бедор ўтказган тунларингизни оддий ўқувчи сифатида, яққол ҳис этдим. Бу асар, адабиётимизда, ўзига хос «уйғониш» даврини бошлаб берди, десам хато бўлмас.

Нурали ака!

Асарингиз «Ёшлик» журналада эълон қилинган кунлари бир ғалати воқеанинг шохиди бўлдим. Пахтазор четидаги кекса толнинг остида пиқ-пиқ йиғлаб ўтирган кекса сувчиға кўзим тушиб қолди. У кишининг яқинига борсам, «Ёшлик» журналадаги «Унутилган соҳиллар» роман-монологни ўқийдиган экан...

Нурали ака, халқимиз ҳали қалбидаги эзгуликка, ҳақиқатга бўл-

ган туйғусини йўқотгани йўқ, ҳолбуки, у минг марта топталиб ҳақоратланган бўлса ҳам. Сиз каби ижодкорларнинг яратаётган асарлари халқимиз ўзини англашига маънавий таъсир кўрсатаётгани учун ташаккур.

Маҳмуджон НУРМАТОВ,  
Фарғона вилояти,  
Охунбобоев ноҳияси,  
28-мактаб ўқитувчиси.

Бадиий асарлар муболағасиз бўлмайди, дейишади. Агар Нурали Қобулнинг «Унутилган соҳиллар» роман-монологи хусусида сўз кетса, мен «муболағасиз ёзилган асар», деган бўлардим. Асарни «у жойи ёқди, бу жойи ёқди», деб ўтирмайман. Романни, ҳамма ўқиб, тўғри хулоса чиқариб олишини жуда-жуда истайман.

Иноят ҲАЙДАРОВА,  
Андижон шаҳри.

«Унутилган соҳиллар»ни овоз чиқариб қишлоғимиз қарияларига ўқиб бердим. Улар ҳам қаттиқ таъсирланишди. «Шундай ўғилни тарбиялаган отасига раҳмат», дейишиб дуо қилишди. Келгусида Нурали акадан халқнинг дилидаги сўзлар битилган янги асарлар кутамиз.

Кифия РУСТАМОВА,  
Тожикистон ССР.

## Тил сандиғи



**Серсолмоқ** — синчиклаб қарамоқ.  
**Қаптолида** — ёнида, биқинида.  
**Кеванак** — уст кийим, ятак ҳам, чопон ҳам эмас, ҳозир кийилмайди.  
**Тевана** — игнанинг бир тури, қалин, дағал матоларини, асосан, оёқ кийимларни ва гиламларни тикиш учун ишлатилади.

### З. КАРИМОВА.

Косон шаҳридаги Ҳ. Олимжон номили мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

**Чағат** — қирнинг майда тошли қисми.  
**Марпўч** — кийим солинадиган қоп.  
**Эргачак** — кўрпа-тўшак йиғиб қўйиладиган ёғоч таглик.  
**Хўпкалак** — ишёқмас, дангаса.  
**Туранчик** — қора уй туйнугини очадиган таёқ.  
**Чакар** — чўпон ёрдамчиси.

**Жолпин** — бир ярим яшар эчки.  
**Уриш** — сурув юрадиган йўл.  
**Сарда** — 3—4 киши бир кўйнинг гўштини пишириб бўлиб олиши.  
**Қимтўз** — шўр.  
**Ликиви** — кичик тол коса.  
**Башбайлар** — рўмол.  
**Ҳалламчак** — дарёдан ўтиш учун қўйилган тошлар.  
**Таррак** — майда қовун.  
**Қулоқ** — сув тараладиган ариқча.  
**Кармак** — ўрик томирининг пўсти.  
**Қолиқ** — ёмғир суви тўпланадиган жой.  
**Қачғак** — сут соғадиган кичик идиш.  
**Такаки** — махсус ошланган серка териси.  
**Қоптол** — совуқ.  
**Бўрвой** — оёқнинг пастки қисми.  
**Уйнамкўч** — чуқурчалар ичига тошчалар солиб ўйналадиган ўйин.  
**Тапис** — йирик, ясси тош.  
**Кўган** — улоқ, кўзи боғланадиган ҳалқа.  
**Солоқ** — тошли сой.  
**Елвагай** — куйлакчан.  
**Чатқал** — муаммо.  
**Жумур** — мой солинган кичкина идиш.  
**Бошиғи** — қурт.  
**Довдук** — кўрқмас.  
**Мослиқ** — ҳаром ўлган қўй ёки эчки.  
**Чинак** — меҳнат ҳақи.

Тўхтамиш ШОДМОНОВ,  
Сурхондарё вилояти, Шеробод шаҳри.





Дилмурод Қуроноф



# ХОТИРАДАН ЎЧМАС КУНЛАР



Ҳикоя

Асли ўзи аҳмоқ: «йўқ!» деганида тили кесилармиди?! Командирнинг сиёсий қисм бўйича ўринбосари — майор Медведев гапни узоқдан бошлаб, охир мақсадга ўтганида, рости, йўқ, дейишга ботинмади — сукут қилди: «айтди-қўйди, эсидан чиқиб кетар...», деган ўй билан овуниб юрди. Сукут — аломати ризо: кеча майор чақиртириб, қўлига ўқиб бериши лозим бўлган тайёр айбонмани тутқазганида, ўзидан хато ўтганини англади — бефойда: энди оёқ тирашга на қулай жой ва на имкон топди...

У қаршисида ёйилиб ётган қоғозларга тикилди: кўзи тинди, ҳарфларга жон киргандай бўлди назарида. Уларнинг дадилроқлари тап тортмай устига босиб кела бошлашди, жангарироқ бириси кўллари палса қилиб ўдағайлади: «Сен — қулсан! Бизнинг қўлимиз, қани, йўқ деб кўр-чи?» Мунгайиб, кўзларини мўлтиратиб тураверди у: ҳадик аралаш умид тўла кўзларини унга қадаб шамдай қотган ҳарфлар музаффарона қийқиришиб, бир-бирларига мингашиб ўйин туша кетдилар, бамисоли жинлар базми, юракни эзадиган, музлатадиган шодиёна...

У қоғозлардан кўзини олиб қочди, залдагиларга қаради, лекин юртдошларининг нигоҳларига дош беролмади. Бирон юз жуфт қора кўз — ҳеч бирида лоқайдлик асари сезилмайди: нафрат, мазаҳ, ўкинч, гина — баридан бор-у, излагани йўқ!..

— Жамоатчи қораловчи! — Ҳарбий трибунал аъзосининг залворли овози уни ҳушига келтирди, қутқарди азобдан. — Фамилиянгиз, исмингиз?..

— Қосимов Қодир...

— Ҳарбий унвонингиз?..

— Сержант...

Котиб Қодир ҳақидаги керакли маълумотларни қозга туширгач, унинг ўзига сўз беришди. Қодир ўридан турди, минбар томон юрди, юз жуфт қора кўз таъқибини туюб борди у. Қоғозларини минбар тоқчасига қўйди; ҳарфлар жонлангандай бўлди яна, бир-икки то-

моқ қирди, босиб келаётган ҳаяжонни жиловлаб, гап бошлади... Вужуди — бир бўшлиқ, бу бўшлиқ тубидан чиқаётган сўзларнинг ўзига заррача бўлсин алоқаси йўқдай...

— ...унинг қилмиши совет солдатидан деган шарафли номга доғ бўлиб тушди. Мен қисмимиз аскарлари номидан... — шу ўринда овози титради, секин эшитилди жуда, — судланувчи Бахтиёр Узоқовга қилмишига яраша... — у гапдан тўхтади, қоғоздан бош кўтариб, залдагиларга қаради: бошлар эгик, нигоҳлар ерга қадалган, энди улардаги ифода ботин, лекин у сезди, ўзининг хато кетаётгани, ҳозир ёрилмаса бўлмаслигини, ҳозир гапирмаса дилида умрлик армон бўлиб қолишини ҳис этди...

— Йўқ! Мунақаси кетмайди! — беихтиёр бўғзидан отилди бу гап ва шу лаҳзанинг ўзидаёқ ажиб энгил тортди, чеҳраси очилиб залга юзланди, бирваракай қадалган юз жуфт қора кўз тубидаги умидни ҳис қилди, шундан қувват олди, аввалгидек қисинмасдан, дадил гапирди:

— Судланувчининг қилмишини баҳолашда биз уни бу жиноятга бошлаган сабабларни назардан қочирмаслигимиз керак. Акс ҳолда...

...«Хизмат кўрган» ҳангоматалаб йигитлар гузардаги сўрида ўтирволиши-иб гапни олишади: «Шу десанг, ка-атта ҳаммом, бу тарафидан кириб, нариги тарафидан чиқасан, қарабсанки — балодай солдатсан...» Қодир куларди: «Бу зовутмидийки...» Бир-бирларига сирли им қоқиб, давом қилишарди: «Гапти рости-и, дедлар Қодирбой қачон келади-ю, биз уни қачон одам қиламиз, деб жонлари ҳалак, кўзлари тўрт бўли-иб...» Қодир эътибор бермасликка тиришгани сари улар авж олишарди: «Ўзиям роса-а қайраб туришгандир?» — сўридагилар мийиқда кулиб маъқуллаган бўлишади. — Ке, сенга бир акалик қилай, хоҳла — гапимми ол, хоҳлама — олма. Тошматип (военком)ди олдига кириб, бормайман, знам унамаяпти, дегин, ажовмас...» Қодирнинг энсаси қотарди: «Бу сизларга ўхшаган лавашларди гапи!»

«Йўқ, қурғурлар, билиб гапиришган экан: айтганлари-

дан ортса орткиди, кам бўлмади — бошидан ўтган табиб, деганлари ҳаққаста рост! Карантин дан чиқиб, қисмга келганларининг биринчи куниёқ кўзи очилди. Ишнинг чаппа кетгани шу-да: машинада келишаркан, «катталар»дан ҳеч ким йўқлигига ўзини эркин сезибми, ёқасидаги илгактугмани ечганди, манзилга етиб сафланганларида шошганидан унутибди; старшина уни сафдан чиқариб, навбатдан ташқари нарядга қўйди. Тумбочка ёнида турганди кечга томон сержант Кушнер иккитасини эргаштириб кириб келди: Қодир ғоз туриб, ўнг қўлини чаккасига юборди.

— А-а, сына! — сержант унинг қаршисида тўхтаб тиржайди, кейин беҳосдан кафти билан Қодирнинг бошига туширди: пилоткаси ажабтовур шаклга кирди. Кушнер хахолади: — Што это у ты на голове?! Пилотка или ...

Қодир қизарди, бир муддат каловланиб, нима қилишни, кўзларини қайга яширишни билмай қолди: «Ҳазилими бу ё чини?» Унинг бу ҳолатига «дед»лар ичкалари узилгудай бўлиб кулишди. Шериклари завқидан жўшган Кушнер Қодирнинг камаридан тутиб тортди, қорни билан тўқа орасига кафтини суқди, кўзлари олайди: «Надирки сен мишиқи камарни бўш тортдинг...»

— Оберзел, сына, — тишининг орасидан туфлади у. — Ну-ка, сыми<sup>1</sup>.

Қодир камарини ечди. Кушнер камарни унинг ияги остидан олиб, бошига ўлчади-да, сиқиб тортди.

— Вот так в норме! — шундай дея камарини зўр бериб Қодирнинг белига боғлашга тутинди.

— Не надо, отвязись!<sup>5</sup> — йигитнинг соф рус тилида гап қотгани сержантни андак шоширди: «Сотиб қўймасмикин?» — лекин гишт қолипдан кўчганди, у зуғум қилишда давом этди: «Айтса нима қилариди?!»

— Борзеешь, сына! — Кушнер унинг иягидан тутиб кўтарди, шерикларига юзланди. — Видали, какой?! Ор-рёл<sup>6</sup>...

Қодир кутмаган эди: қорнига тушган зарбдан нафаси бўғилди, энкайганча қотиб қолди.

— Служба мёдов показалаь, да? — ғижинди сержант. — Я т-тя<sup>7</sup>...

Қодир тез ўнглиниб олди, бировдан мушт еб кетаверадиганлар хилдан эмасди у: қайрилиб туриб мушт солди. Кушнер учиб тушди, хахолаётган шериклари қотиб қолишди... Сержант турди, иягини силаганча Қодирга яқинлашди-да, тепди, яна доғда қолди: коса синмагани — гумон...

— Шо стоите?! — ялпайиб ўтирган жойидан шерикларига қичқирди сержант. — Бейте п-падлу<sup>8</sup>...

Шериклар ўзларига келгандай бараварига Қодирга ташланишди. Муштлашининг хўб ҳадисини олмаганми, биринчи рўбарў бўлганини чўзилтирди, иккинчисини... Кўпчилик — кўпчилик-да: ортидан кимдир зарб билан тепди, илиги узилиб кетгандай бўлди, йиқилди. «Эҳтиёт бўл, эҳтиёт!» — хаёлидан чақиндай ўтди унинг, ётган жойида ғўжанак бўлди: қўллар бошни, чиғаноқлар буйрагу жигарни, оёқлар бўлак нозик жойларни ҳимоя этишга шайландилар...

У ойнадаги аксига тикилиб қолди: бурни бироз шишинқираган, чап юзи кўкимтир тусга кирган. Қодир аксини мазохлаб кулди: «Ҳолинг шу экан-у, чемпион! — калтаклангани, хаёлларининг сароб бўлиб чиққани алам қиларди унга. — Ҳалол муштлашганларида-ку, кўрсатиб қўярдим-а! — афтини буриштирди. — Ҳалиям гўлсан, ғирромлик аралашмаса зулм зулми?! «Ёвузликка қарши зўрлик ила курашманг...» Нима қилишим керак эди, граф, қуллуқ қилсам бўлармиди?!»

— Дневальный!!! — Сержантнинг таҳдидли овози хаёлий суҳбатнинг белига тепди, Қодир шошиб қолди.

— Где шляешься? — дея ўдағайлади сержант. — Ну-ка, марш на тумбочку! Стой! — Қодир тўхтади. — До утра будешь здесь стоять, а в пять — на кухню! До пяти никакой смены, усёк?! Я т-тя, грамотея, по уставу загною...

«Ана битта душман ортирдинг, — алам билан ўйлади Қодир. — Бошланиши чаккимас, ҳавас қилгудек...» Тумбочка ёнида қаққайиб туриш хуш келмасди унга, карантиндаёқ безганди бундан. Хаёл билан ўзини чалғитишга, овунишга уринди: «Хўш, Толстой жаноблари, ёвузликка қарши нима...» Ногоҳ аёл кишининг ишвали кулгиси хаёлини бўлди, рота бўйича масъул навбатчи офицер бир танноз билан суйкалишиб ўтиб кетди. «Айишни нодон суриб, кулфатни доно тортадур... — ўзича хиргойи қилди Қодир. — Айшингни суриб юрибсан, сенинг ишингни энанг қиладимми? Нонингни ҳалоллаб емайсанми, номард!...»

Қанчалик ўзини чалғитишга уринмасин, ярим тундан оққанда уйку ғолиб кела бошлади. Бешгача туришим керак, деган ўйгина уни ҳушига келтирар, хаёлга берилмоқчи бўлар — қўлидан келмасди. Охири кўргани, кўраётгани, кўришни орзулагани — бари қалашиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетди-ю кўзи илинди...

...Қодир зинага урилаётган нағал товушидан чўчиб ўғонди: хайрият, худо бир асради, сезмай қолганида борми?! Ширакайф «дед»лар қаторлашиб кириб келди, улардан бири Қодирнинг рўпарасида тўхтади:

— Кто это тебя так разукрасил?

— ...

— Хорош малый, — дея шерикларига юзланди у, — не стучит! Видать ты кому-то крепко насолил, сынок. Несладко тебе буде-ет, ой, несладко-о! Крепись, сынок, не то... бери брючной ремень, да вешайся!

Унинг сиртдан кўпол гаплари замирида ачиниш, шафқат ботиндай туюлди Қодирга. «Тузук йигит экан-у, кўраверганидан кўзи пишиб кетганга ўхшайди, — дея ўйлади у. — Чидаш мумкин-а, лекин ўникиш...»

Келганлардан бири чироқни ёқди, ўртага чиқиб овозини баралла қўйди: — Сыны-ы!..

— ...

— Не слышу ответа, сыны-ы!..

Йигитлар биринчи йўқловдаёқ ўғонишган эди, балога қолмаслик учун карантинда ўргатишганидек:

— Мы-ы... — деб овоз беришди.

— День прошёл!..

— Слава богу не убили-и... — дея яна жўр бўлишди йигитлар.

Нимаики буюрсанг — бажарилса, шунча, шунча одам оғзинга қараб турса-ю, ўзини осмонларда сезмасинми

<sup>1</sup> Аскарликка қақирилганларни асосий хизмат жойига жўнатишга тайёрлайдиган ёрдамчи қисм.

<sup>3</sup> Махсус хизмат вазибаларини ёки хўжалик ишларини бажариш.  
<sup>3</sup> — Ҳа-а, ўғлим!.. Бошинга илиб олганинг нима, а?! Пилотками ё анови...

<sup>4</sup> — Ҳаддингдан ошибсан, ўғлим... Қани, еч-чи муни.

<sup>5</sup> — Кўй, элакишма кўп!

<sup>6</sup> — Ҳаддингдан ошялсан, ўғлим!.. Қаранглар-а қанақа! Лочин-н...

<sup>7</sup> — Хизмат осон кўриндими сенга, а?! Мен сени...

<sup>8</sup> — Нега қаққайиб қолдинглар?! Уринг ғалчани...

<sup>1</sup> — Қаерда санқиб юрибсан?! Қани тумбочка ёнига жўна-чи! Тўхта! Азонгача шўтта турасан, бешда — ошхонага! Бешгача ҳеч қанақа алмашимиш йўқ, ўқдинг?! Мен сендақа билағонни устав бўйича мулла қиламан, ҳали...

<sup>2</sup> — Ким сени бунақа қилиб бежаб қўйди?

<sup>3</sup> — Ҳа, дуруст, чақмаяпти! Кимнидир арпасини хом ўрибсан, чоғи. Қийин бўлади сенга, қийин-ей! Бардам бўл, ўғлим, йўқса... камарингни ол-да, ўзингни ос-қўй!

киши: «дед» амри вожиблигидан завқланиб, каравотлар орааб юрди. Юриши рота командирига ошкора таклиддан ўзга нарса эмасди. У овозини ҳам ўхшатишга тиришиди:

— Главное для солдата, — кўрсаткич бармоғини юқори кўтариб, бир муддат тўхталди, — умение хорошо ходить в строю. Верно говорю?

— Не слышу ответа!

Йигитлар яна жўр овозда қичқаришди:

— Так точно-о!..

— Хорошо! Раз так, будем маршировать! — у томоқ қирди, овозини созлаган бўлди. — Сыны-ы! На месте шаго-ом арш!..

Йигитлар ётоқ жойларида оёқларини қимирлата бошлашди, ётоқ каравотларнинг ғичирига тўлди.

— Бего-ом!..

Ғичирлаш кучайди.

— Стой! — Бирдан жимлик чўкди. — Нап-ра-во!

Ғичир...

— Нале-ево!.. Кру-у-гом!..

Бу бепул томошанинг гувоҳи бўларкан Қодирнинг бир кулгиси қистар, бир хайфи келиб бўғиларди: «Келишда қариллашларинг оламни тутганди, қани энди ўша мардлар? Хайф-э, йигитлик! Одаммасакансан ҳаммангам!..»

«Дед»лардан биттаси оқ ич кийимдаги бир йигитни олдига солиб келди.

— Вот, — дея йигитга ишора қилди у, — возмнил себя дедом, вишь — команды его не касаются! — У йигитга хезланди. «Шукр, — ҳаёлидан ўтди Қодирнинг, — битта бўсаям боракан...»

— Что ж, придётся перековать<sup>3</sup>, — дея ҳалиги «дед» — ефрейтор Буренин юзига амирона тус берди. — Рота, подъём! Выходи, стройсь!

Йигитлар сакраб туриб шоша-пиша эгниларига кийимларини ила бошладилар. Буренин бетоқат қичқирди: — Отставить! Форма одежды... — ҳарчанд уринмасин, тартиб номерини эслай олмади. — В кальцонах!<sup>4</sup>

Гапи ўзига нашъа қилиб, ефрейтор мастона кулди. Зум ўтмай йигитлар ич кийимда саф тортдилар. Буренин бармоғини ҳалиги йигитнинг кўзига тиқиб олгудай нуқиди:

— Ты кто такой?

— Узакков...

— Я спрашиваю, ты кто? — тутақди ефрейтор.

— Рядовой Узакков...

— Ух ты, чмо! — Буренин жаҳлга минди. — Майна!<sup>5</sup>

Ҳалиги йигит — исми Бахтиёр эди чамаси, истар-истамас тақир бошини эгди. Ефрейтор чертишнинг хўб ҳавосини олганди: «тақ» этган овоз анча қаттиқ эшитилди. Бахтиёр бошини кўтарди, кўзларида ўт ёнарди унинг.

— Не слышу?! — дея ўшқирди Буренин. Бахтиёр жим тураверди. — Майна!!!

Бахтиёр яна бошини тутди: «Тақ!» Сафда турганлардан бири эшитилар-эшитилмас пичирлади: «Спасибо, дедушка, денг... спасибо...»

Бахтиёр овоз келган томонга ўгирилди, шунақанги нафрат билан тикилдик, пичирлаганнинг дами ичига тушиб кетди.

— Борзой! — дея тишларини ғичирлатди Буренин. —

<sup>1</sup> — Жуда-э яхши! Шундай экан, машқ қиламиз!

<sup>2</sup> — Муни қаранглар, ҳалитдан ўзини «дед» фаҳмлабди, қаранг-а, бўйруқ ҳам қор қилмайди бунга!

<sup>3</sup> — Ҳм, илож қанча, тарбиялашга тўғри келади, чоғи...

<sup>4</sup> — Тўхталаринг! Кийиниш тарзи (ҳарбийда шароитга, қандай иш билан машғул бўлишга қараб кийиниш тарзи рақамлар билан ифодланади).

<sup>5</sup> — Ҳа сен, ўлакса! Майна (қурувчилар термини: «майна» — тушир, «вирра» — кўтар; бу ерда «бошингни эг» маъносид).

Посмотрим на сколько хватит тебя! Ну-ка, марш на разведку!<sup>6</sup>

Бахтиёр жойидан жилмади. Буренин чидаёлмади, дуч келган жойига кетма-кет мушглай бошлади унинг. Бахтиёр ҳар мушт тушганида бир-икки одим тисарилар, сал ўзини тутиб олиб рақибига тик қарар, унинг йиқилмагани ҳарифининг жазавасини баттар кўзитарди. Бахтиёр тисарилганида сафдагиларга тегиб кетар, ёрдам беришга ҳам, кўз олдиларида юз бераётган ҳодисага қарашга ҳам ожиз... ожиз юртдошлар кўзларини олиб қочишга уринишарди.

Буренин чарчади, лекин енгилганини тан олишга бўйни ёр бермасди сира.

— Не хошь на разведку, так?! — Бахтиёрга еб юборгудай ўқрайди у. — Что ж, посмотрим!

Ефрейтор сафдагиларга ўгирилди:

— Ложись! — Уларнинг каловланиб турганини кўриб, яқинроқдаги биттасининг оёғига ўхшатиб тепди: бешолти киши олдинма-кейин ётди. Буренин саф бўйлаб юраркан бетоқат қичқирди яна:

— Ложись, чурки!<sup>8</sup>

Ҳамма ётди: «Ётиб туриш нима деган гап, биринчи бўлиб мен ётмадим-ку?» кўнгилни овутовчи таскин ҳам топила қолди. Буренин енгил тин олди: анайми, шунча одамни измига бўйсундирди-я! Синиқдан бошқаси юқади, дейдилар, ҳаммаси анавинга ўхшаб оёқ тираб туриб олганида нима қиларди?! Эгилишдими — бас, энди ўнганмайдиған қилиб синдириш керак, токи уни кўрганларида зир титрашсин:

— Встать!.. Лечь!.. Встать!.. Лечь!..

Йигитлар сўзсиз итоат этишар, юзларда тунд бир ифода қотиб қолган — ҳаммаси бир қолипдан чиққандай нурсиз, фақат кўзлар... кўрқув, мутелик бижғиб ётганларимас, беадад нафрат чақнаётган кўзлар сафдагиларнинг тириклигидан нишона берар, не тонгим... Эҳтимол кўпчилик шундай ўйлагандир, лекин биригинасининг ўйидаги тилига кўчди: — Айтганини қилсанг ўласанми, сени деб...

— Бўлди! — Бахтиёр чидаёлмади. — Разведка пойду.

У буйруқни ҳам кутмай каравотлар тагига кириб эмаклай кетди: «разведкага» жўнади. Берган жазоси оз кўринди чоғи, Буренин уни тўхтатди. У йигитларга пастки қаватдаги каравотларга ўтиришни буюрди. Бахтиёр эмаклар, Буренин у билан тенгма-тенг юриб, ўтирганларни сакрашга мажбур қиларди...

Қодир ҳеч йўқ биттаси йигитлигига борар, сакрамас, деган ўйда охиригача умид билан кутди — қаёқда! Юзини ўгириб йиғлаб юборди...

Соат бешга бонг урди, Қодир ошхонага йўл олди. Ошпаз йигит — «Полтораиван» лақабини олган икки метрли Марченко уни кўриб «сенга нима керак?» дегандай ҳайрон қаради. Қодир тушунтирди. Ошпаз бекор эшак бўлса қишда Бухородан муз ташитаман, дейдиганлар хилидан эди: Қодирни картошка тозаланадиган хонага бошлаб кириб, чинни плитка урилган деворни, полни артишга буюрди. Қодир ишга уннади...

Бугунги воқеалар унга тинчлик бермасди сира. Ҳалиги ҳолат: эмаклаб бораётган Бахтиёр, сакраётган... бир-икки шапалоқ ейишдан чўчиб жон-жаҳди билан сакраётган йигитлар келди кўз олдига — сесканди. Кўз олдидан кўрқув акс этган юзлар бир-бир ўтди, назарида, ётиб-

<sup>6</sup> — Борзой (бўйсунмас, қайсар маъносид)! Қани кўрамиз, қайгача чидаркансан! Қани, марш разведкага!

<sup>7</sup> — Хў-ўш, разведкани ҳохламаяптиларми?! Бўпти, кўрамиз!

<sup>8</sup> — Етларинг, тўнкалар (аслида «чурка», «ғўла» дегани)!

тураётган йигитларнинг бари жўр бўлишиб «спасиба, дедушка, де...» дея ҳайқираётгандай бўлди — қулоқлари шангиллади... Шуури ўзига бўйсунмаётгандек, хаёллари айқаш-уйқаш — бири боғдан, бири тоғдан... мисоли бир гирдобу уни комига тортиб кетаётгандек...

Лоф эмас, этикларда ўз аксини кўрди у, бир нафас маҳлиё қолди-да, бош кўтарди: тепасида сигаретни қийшиқ тишлаб юртдоши Асқар Жумабоев турарди. У — «черпак», яъни хизматни бир йилга етказиб қўйганлардан; кийимини ўзига ярашган, хушбичим бу йигитга Қодирнинг ҳаваси келганди.

— Бўтам, пол ювиш мунақа бўмейди, — дея салмоқлади у. — Шуниям бовенг ўргатиши шартми?!

Қодир тўлиб турганди, унинг гапига парво қилмай, дилини ёрди: — Асқар ака, бизда нима қасди бор уларди? Нима учун...

— Ўзбеклигинг учун! — дея шарт кесди Асқар. Бу ҳақда гаплашгиси йўқ, қисқа қилмоқчи эди, Қодирнинг тушунмай турганини кўриб изоҳлади. — Ўзбек боллар буларди тоза-а эннасини кўрсатган, энди сенлар тўлашасан хунини.

Асқарнинг ўзига юқтирмай гапиргани оғир ботди унга. Қизиқ-да, «ўзбек боллар» деб оғзини тўлдириб гапирди — ўзиям ўшаларнинг бири, энди эса... «Кечаси бўлганида буям сакрариди» — хаёлидан ўтди Қодирнинг.

— Сизлар-чи? — Қодирнинг овози таҳдидга мойилланди. — Сизлар беш-олти кишисизлар, йўлга солсейлар, қовуштирсейлар бўмейдими?!

— Сен бизи тинч қўй! — чўрт кесди Асқар. — Ўзингни ўйла! Кушнерни бекор...

Эшик очилди-ю, иккиси баравар ўгирилишди: бўйнига сочиқ ташлаган иккита «дед» кириб келди.

— Этот? — кирганлардан бири Қодирни кўрсатиб Асқарга қаради. Асқар «ҳа» дегандек бош ирғади-да, хижолатомуз кўзини олиб қочди.

— Встать!

Қодир турди. «Дед» унинг қўлидаги латтани ирганибгина олди-ю... кўққисдан юзига отди. Қодир ўзини ўнглаб олгунча бўлмай қўлчи зарбдан деворга қапишди. Торгина хона; униси урса у деворга, буниси урса бу деворга қапишади — кинолардагидай... завқланиб уришди!..

— Чтоб никаких следов, ясно?!<sup>1</sup> — пўписа қилди бириси чиқиб кетишаркан.

Қодир турди, муздай сувга юзини чайди. Сўнг... девор ва полдаги қон изларини артишга тутинди. Шу аснода эшик очилиб, старшина — прапорщик Пчелинцев мўралади.

— Что с тобой? — Қодир жавобга тараддудланганди, старшина гапиргани қўймади. — Упал?! Скользко ведь, надо осторожнее...

«Жигириғ-эй, — ғазаб билан ўйлади Қодир уни кузатиб қоларкан. — Билиб туриб сўрайсан-а! Шама қилмасангам чақмайман... Артист-эй булар! Асқарди киришиям бежизмасакан! О, хунаса-ей! Мен унга дардимми айтиб ўтирибман-а...» Қодир «дед»лар билан Асқар орасидаги бир дамлик мулоқотни хаёлида жонлантирди-ю, унинг қандай кун кечириётганини фаҳмлади, хайфи келди. Жонининг ҳузурини ўйлаб бунчалар паст кетиш... «Ўлганинг яхши-е! «Ака»ларингам бошлашди, сенинг кимлигингни билдириб қўйишди! Хиёнатнинг ку-

шандаси — хиёнат, лекин... сопини ўзимиздан чиқаришгани ёмон... жуда-а пихи қайрилган-да буларди...»

Қодир латтани жаҳд билан ғижимлади-да, бусиз ҳам ярақлаётган деворларни шаҳд билан арта кетди.

Старшина нонуштага бориш учун сафланганларни кўздан кечирди: сафда фақат янги келганларгина туришарди. У мийиғида кулди, билдики, «дед»лар аллақачон ошхонага жўнашган, янги келганларнинг нонини туя қилишга ҳам улгуришган. Энди у ошхонага боргудай бўлса, тартиб ўрнатиши керак, беҳуда асабийлашгани қолади: «дед»ларни қайтариш қўлидан келмайди унинг. Старшина бошқаришни сержант Кушнерга топшириб, ўзи казарма томон юрди. Фармонбардорликни жондек суйган Кушнер шуни кутганди ўзи, дарҳол жиловни қўлга олди:

— Рота-а! С места строевым шагом арш!..

Саф тенгдан кўзғалди.

— Песню запе-е-вай!

Кимдир бошлади, бошқалар унга тездан жўр бўлишди: «Не плачь, девчо-о-онка, пройдут дожди...» — узоқдаги қизни юпатмоқчи бўлишади-ю, ўзлари овунишади...

Сержант ошхонанинг рўпарасида сафни тўхтатди.

— Справа по одному в столову бего-ом арш!

Ошхонага кирганларнинг хатти-ҳаракати томоша қилгудек: йигитлар кира солиб қўлига кирган нарсани юлиб қолишга тиришар, шошилишар, сабабки, андак кеч қолинса, ё сариёғдан, ё қанддан маҳрум бўлишлари тайин... билишадики, столда рисоладагининг ярми ҳам йўқ, «дед»лар аллақачон «каллакляб» улгуришган; ошхонага етиб келгунча бўлмай каллаклангани умид билан бола-чақа ўстираётган бошиқлар виждонига ҳавола... То столда ҳеч вақо қолмагунча талашиб тортишишади, ошхонани бошларига кўтаргундай бўлишади... Бир-бирига ўқрайган кўзлар, чимирилган қошлар, ғичирлаган тишлар, пичирлаб, юракдан сўкишлар... — чинакам махлуқий одат: емиш олдида ҳаммаси бир пақир, сержантнинг тартибга чақириб бақиришлари ҳам ундан ортиқмас!

Кушнер уларни тинчита олишига кўзи етмади чоғи, «дикари...»<sup>1</sup> дея болахонадор қилиб сўкинди-да, ўз столи томон юрди. Ҳамма овқат талашиб билан овора, Кушнернинг сўкишига зътибор ҳам беришмади. Қодирга оғир ботди жуда. «Ҳа, столингда ҳамма нарса муҳайё, «културний»лигингни ҳар қанча намойиш қилсанг бўлади — сенга хулал. Кўз-кўзла... кўз-кўзлайвер бирорди рисқини қийиб ортирган маданиятингни...»

Қодир йигитларга қараб тураркан бир ҳўрлиги келди-ю, ич-ичидан хуруж қилиб келаётган ғазаб уни босиб тушди. «Энағарлар, — ғижинди у. — Барибири етмаслигини билишасан, муроса қилиб бўлишсанг ўлишасанми?! Бойёнғоқдай сариёғ қадрингдан баландми?! Бирингдан биринг юлиб, зўрлигингни бир-бировингга кўрғазиб, хор бўлиб юришаверасан, хунасалар!..»

Шу дам ўртарақдаги столда жанжал бошланди. Кушнер ўрнидан туриб учиб келди.

— В чём дело? Как люди не можете вести себя?! Басмачи... вашу мать! Чурки!..<sup>2</sup>

Тўполоннинг айбдори деб ҳисоблади, шекилли, сержант Бахтиёрни турғизди-да, чеккадаги ҳаммага кўринадиган жойга ўтқазди.

<sup>1</sup> — Бирорта из қолмасин, тушунарлими?

<sup>2</sup> — Сенга нима бўлди? Йиқилдингми? Сирпанчиқда эҳтиёт бўлиш керак...

<sup>1</sup> Еввойилар.

<sup>2</sup> — Нима гап? Одамга ўхшаб ўтиришним билишмайсан?! Босмачилар, ҳе-е, энангни... Тўнкалар!

— Я т-тя накормлю! — дея вишиллади у. — Так накормлю — век сытым будешь!

Сержант ошпази қақириб, унга нимадир деди. Зум ўтмай ошпаз туйнукдан ярим килоча сариеғ узатди, бир нима деб кулди. Қодир тушундики, столдагилар сариеғни бўлиша олишмаган. Сержант Бахтиёрнинг олдига ёғ билан икки бўлак нон қўйди:

— Ешь!

Бахтиёр қимирламади.

— Ешь, сука! — дея унинг бошига муштлади сержант. — Ешь!!!

Бахтиёр ҳамманинг ўзига қадалган нигоҳини туйди, эти жимирлади. Эл ичида сазойи бўлган ёмон! Ҳар ким ҳар хил ўйлайди: биров нафсингни тийсанг бўларди-я, дея ачинган бўлса, бошқаси бу кунингдан баттар бўл, дея севинади... «Ғуноҳим нима? Ўзимнинг тегишимни олганимми?!» — Бахтиёр шартта нон билан ёғни қўлига олди-ю, намойишкорона қайсарлик билан ея бошлади. Кушнер буни кутмагани, ноилож жойига бориб ўтирди.

Бахтиёр ёғнинг учдан бирини еди — ўзини ҳар қанча зўрламасин, бошқа ўтмади. Ундан кўз узмай ўтирган Кушнер қўлига чўян чўмични олиб, қаршисига келиб ўтирди.

— Хавай! — дея бошига чўмич билан туширди.

Бахтиёр қимир этмади. Унинг қайсарлигидан тутаққан сержант кетма-кет ура бошлади. Бахтиёр иккиланар, бир кўнгли ёғни олиб Кушнернинг башарасига отмоқчи бўларди-ю, журъати етмасди. Унинг кўзларида ёш халқаланди... ғайриоддий катта, зилдай оғир ёшлар юзларини ювиб тушди-ю, вужудида бир бўшашиш, энгиллик туйди... чойу сувсиз, кўз ёшларига омихта қилиб ея бошлади...

«Нега ейсан? — дея изтироб билан ўйлади Қодир. — Емасанг ўлдириб юборармиди сени?!»

Қўлидаги бурда нонни тугатолмади у: ўтмади...

Ошхонадан чиққач, ҳовлида саф тортдилар. Энди рота командири келиб маъруза қилади, кейин мусиқа садолари остида ишга жўнашади. Командир негадир кечикарди, сафда шивир-шивир бошланди.

— Рота-а, смир-р-р-но!

Ҳамма овози ўчиб, ғоз турди: юзлар дарвозадан кириб келган командир истиқболга ўғирилди.

Тангри уни атай ҳарбий хизмат учун яратган, анча ҳафсала қилгани: оёғида — хушбичим хром этиклар, эгнида — ўзига қуйиб қўйгандай ярашган ҳарбий энгил-бош, бошида — хиёл қийшайтириб, чапанчасига кўндирилган фуражка... баданни жимирлатиб, ўзига рому тобеъ этувчи овоз, куйдирувчи, музлатувчи нигоҳлар, юздаги жиддийлик — бари уни ажиб сирли, жозибали кўрсатарди. У ўзига яраша, эҳтимолки орзулаганидан ўн чандон ортиқ бахтидан мамнун: йигирма бешга чиқмай алоҳида ротага командир — ўзига хон, ўзига бек бўлди; бирга ўқиган дўстлари «туф» деса туфук музлаб тушадиган, жазирамада тухум пишадиган жойларда юришибди, у эса — одамлар бир боришни орзу қиладиган жойларда: жануб қуёши, денгиз...

Қанча яширмасин, ўзидан ўн ёшлар катта, унвони ҳам улуғ ўринбосари ғоз туриб ҳисобот берганида, юзларида, кўзларида мамнунлик жилва қилди.

— Здрасть, товариши! — Мамнунлик оҳанги овозида бир парда юқори жаранглади.

— Здра... жела... та... ста... тнат!

Унинг нигоҳи сафни ўнгдан чапга бир қур сийлади — юрт айлангани чиққан шоҳ қўл очиб турган ғарибу ғура-

боларга танга сочди! Ким билади, шу дамда ўзини сафдагиларга қиёсландир, боши булутлардан ошиб, ёнвериди улардан биронтасини ҳам кўрмагандир?!.

Гаплари дона-дона — ипсиз тизилган маржон, кулоққа қўйилади, шуурга сингади — биронтаси тушиб қолмайди... «Биз — Ватан ҳимоячиларимиз!.. Биз бормизки, ота-оналаримиз, ака-ука, опа-сингилларимиз хотиржам ухлашади!.. Биз ҳар қандай қийинчиликка чидашимиз, ҳар қандай тўсиқни энгиб ўтишимиз керак!..»

«Қизиқ, — ўйлади Қодир, — ўзи ишонармикин шунга? Балодай артист экан-у бу ҳам...» Тасаввур қилди: рота куракларни кўтариб ҳужумга ўтди, олдинда ка-атта курак кўтарган командир... Пиқ этиб кулиб юборди. Кулди-ю, дарров атрофга аланглади: хайрият, биров эйтибор бермади.

— ...нам слезники не нужны! Армия без дедов — это не армия!

Бу гапларни у саф олдида турган икки йигитга қарата айтди. Чамаси, унга арз қилишган, қизик, қачон улғуришди экан? Хаёл билан бўлиб уларни қачон саф олдида чиқаришганини ҳам сезмай қолибди-я. «Бахтлилар гунгдирлар, бахтсизлар оҳини эшитмаслар улар...» — Қайдадир ўқиганда Қодир, шу топда хаёлига келди. — Билиб айтган экан! Омма, ўзбекди бир гапи бор, бунданам ўткир: «Энангни қози...» Командир сиру жозибасини тамом йўқотди, назарида ҳеч бир фарқи йўқ эди энди унинг бошқалардан... Кушнердан...

Қурилиш бошлиғининг елкаларини учириб-учириб айтган гапларидан тушундики, уларнинг чекига тушгани — Қора қоя, — қурилишдаги «энг муҳим ва долзарб» жой; қояни ёнлаб йўл ўтади, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш учун қояга ёнлаб тўрт газли бетон девор қурилади. Уларнинг вазифаси — қоянинг йўлга туртиб чиққан жойларини йўниб, йўл ёқалаб бир газ чуқурликда ҳандақ қазиш, токи, тунда келувчилар бетон қўя олсинлар.

Атрофни мотор шовқини тутди: кучли компрессор ишга тушди. Компрессорчи Буренин зумда ишини дўндириб, четга чиқди. Этиклари ярақлатиб тозаланган, шимининг қирралари қўлни кесгудай, оқ ёқасига гард кўнмаган — ишга келганга ўхшамасди сира. «Беш қўл баравар эмас, — деб ўйлади Қодир унга қараб тураркан. — Неча замонлардан бери инсон тенглик учун курашади, ўйламайдики, том маънодаги тенглик унинг табиатига мутлақ зид... Файласуп бўл кет-э!..» — Қодир куракни олиб ишга унади.

Йўл четидаги дарахтга суюнганча оёқларини чалиштириб бамайлихотир писта қақаётган Буренинни ўзларига — ҳарбий энгил-бош таёққа олиб қўйгандай беўхшов ўтирган, арчилган тухумдай бир тусдаги тақирбош йигитларга қиёсларкан, тарих дарслигидаги сурат кўз олдига келди: «Қуллар плантацияда...» Қоя тепасидаги вақтинчалик сўқмоқдан тинимсиз ўтиб турган дам олувчиларнинг қизиқсиниб қарашлари дилида тушунарсиз бир оғриқ ҳосил қилди Қодирнинг, назарида, Буренин атайин кўзга ташланадиган, қиёслашга мажбур қиладиган жой танлаганди — ёмон кўриб кетди уни. Бу нима? Ҳавасми, ҳасадми — тушунишга ожиз эди. Вужудида бош кўтарган оғриқли ҳис уни атрофга ўзгача назар солишга ундар, гумонларининг тасдиқланиши азобга солар, ўртарди уни...

Йўловчилар сийраклашди. Ўтган-кетган қиз-жувонга гап ташлаш билан овора бўлган Буренин зерикди, шеклли, бошқа эрмак истаб қолди. Излаган — топади, дейдилар...

<sup>1</sup> — Мен сени бир тўйдирай! Шундай тўйдирайки, тўқсон кун тўқ орасан!

<sup>2</sup> Овқат ейишга қўполлик билан ундаш.

<sup>1</sup> — Бизга йиғлоқилар керакмас! Дедларсиз армия — армия эмас!

— А-а, зёма, и ты здесь?! — дея гап қотди у астойдил ишлаётган Бахтиёрни энди кўргандай. — Стоишь, зевашь?! Ну-ка, поди со мной!..

У Бахтиёрни эргаштириб компрессорига яқинроқ жойга олиб борди, тўрт қадам ер ўлчаб ажратди.

— Это тебе до вечера, понял?! Возьми кирьку! — У нарироқда ётган чўкичга ишора қилди. — Вкальвай, сынок, Родина тя не забудет!<sup>1</sup>

Буренин ортига қайтган жойида, бир нима эсига тушгандай тўхтади.

— Слушай, — дея яна Бахтиёрга юзланди, — чтоб под каждый счет кирькой махал, былдым?! Начали!.. Раз... два... три...

Буренин санашда гоҳ тезлашар, гоҳ секинлар, Бахтиёр шунга мос равишда теша урарди. Топган эрмаги ўзига маъқул тушди чоғи, анчагача шунга андармон бўлди.

— Раз! — Бахтиёр зарб билан тешани урди: қоядан шапалоқдай тош кўчиб тушди. Сўнг тешани боши узра кўтарганча Бурениннинг «два» дейишини кутди. Лекин Буренин тиржайганча писта чақиб тураверди.

— Слышь, Вовк, — дея чақирди уни шерикларидан бири, — а вон тот, борзой. Помнишь? Кушнер же г-рил?<sup>3</sup>

— А-а, хорошо напомнил.

Икковлон Қодир томон юришди, Бахтиёр эса анчагача ҳалиги кўйи туриб қолди. Буренин гапни чўзмади, Қодирнинг қўлига ҳам теша тутқазиб, Бахтиёрнинг ёнидан жой ажратди: «трудотерапия» — командир айтмоқчи — энг яхши тарбия воситаси.

— Это те до обеда, чтоб излишек энергии выработал. Ясно?<sup>4</sup>

Қодир жим тураверди.

— Вкальвай! Что встал как...

Қодир қилт этмади.

— Что ты выступаешь, а? — Бурениннинг жиғибийрони чиқди. — Ты чем-то недоволен?<sup>5</sup>

— Отстань от меня!<sup>6</sup> — Қодир унга тик қаради. Овозидаги хотиржамлик эса Бурениннинг ўтига мой бўлиб қуйилди: эфрейтор кулочкашлаб туширди. Қодир қаққонлик қилди, рақибининг қўлини ҳавода тутиб қолдию, жонини оғритиб қайирди.

— Давайте по доброму, — деди унинг қўлини бўшатаркан. — Не то я вас обоих...<sup>7</sup>

Қўли бўшатилаган Буренин нима қилишини билмай бироз каловланиб турдию, эгардан тушгиси келмади чоғи, пўписа қилган бўлди:

— Так, не хошь, да?! — у ожизлигини пардалаш учун овозига зўр берди. — Что-ж, посмотрим!

Буренин шошиб бориб компрессорни ўчирди.

— Всё, поломка! — дея музаффарона тиржайди-да, йигитларга қараб дўқ урди. Всем кирьки в зубы, и погна-али! А ну-ка поживей!!!<sup>9</sup>

Йигитлар нима гап, деб суриштириб ҳам ўтиришмади, сўзсиз тешаларини олиб ишга тушишди, Қодир уларни

ғазаб билан кузатиб турди. Буренин энди қалайсан дегандай ишшайиб унинг ёнига келди.

— Ты — подлец! — Қодир ғазабини босиб, ҳарифини ошкор мазахлаб гапирди. — На чувствах решил поиграть?! Ну и, мразь же ты. Заводи шарманку свою, буду работать...

— Мы ещё вернёмся к этому разговору<sup>11</sup>, — дея огоҳлантирган бўлди Буренин.

— Да иди же ты... — энди Қодирнинг жаҳли чиқди, — Это и дураку ясно, известный почерк...<sup>12</sup>

Қодир тешасини олиб ишга тушгач, Буренин компрессорни юргизди.

Анчагача жим ишладилар. Қисмат куни кеча бир-бировага бегона икки юртдошни туташтирган, иккаласининг ҳам бир-бирига айтадиган гаплари кўп-у, нимадир имкон бермасди оғиз очишга. Вақт тўхтаб қолгандек бўлди Қодирнинг назарида, чидаёлмади охири:

— Бахтиёр... — унинг овозида алам зоҳир эди. — Нимага уларди айтганидан чиқмай қолдийиз?

Бахтиёр бир зум ишдан тўхтади.

— Болларди аҳволини кўрдийиз-у... — овози титраб кетди, аламини қоядан олмоқчидай зарб билан урди теша. Қодирнинг кўз олдига қаравотлар тагида эмаллаётган Бахтиёр, бир-икки шапалоқ ейишдан чўчиб жонжаҳдлари билан сакраётган йигитлар келди-ю, тили калмага келмади бошқа.

Бахтиёр туйқус ўгирилди:

— Ҳисобли дунё... Ҳамма нарсанинг вақти соати бор, — гапида ўжар қатъият зоҳир эди, кўзларида бир ўт ёнарди, бир ўтки, наннки «дед»ларга, бутун оламга татийдирган, баники башарни куйдирадиган.

Қодир сесканди, бутун вужудини муз қоплади гўё. Эрталабданоқ шаҳар айлангани жўнаган «дед»лар қайтишди.

— Ҳорманлар! — йигитлар ўгирилишиб Жорани кўришди. У қўйнидаги учи ялтираб чиқиб турган «ярим-тани кўз-кўз қилмоқчи бўлибми, бурилиб тўхтади. «Кўриб қўй аканг қарағайни, яшаш дегани мундоқ бўпти-да!» — дегандай мамнун, мастона боқарди унинг кўзлари.

— Қийналмаяпсизларми? — бошқа жўялироқ гап тополмаганидан ҳол сўраган бўлди Жора.

— Сенга нима?! — Бахтиёр ғазабини яширмади. — Бор, йўлингдан қолма!

Жора хижолат бўлиб ўтирадиганлар хилидан эмасди, ажабтовур тиржайганча ҳомийлари кетган томон жўнади.

— Жалолдинам «дед» бўп қолди... — деб киноя қилган бўлди биров.

— Жалолдин деманг уни! — Қодир унинг гапини бўлди. — Жора у, билдийизми, Жора!.. Эстикина исм!.. Тирилиб келганида Жалолдин... чатаноғини йириб қўярди мунинг!..

Жорани бошданоқ жини суймагани Қодирнинг. Жора қисмга келишлари билан Асқарнинг этагидан маҳкам тутди, у орқали «дед»ларга яқинлашишга тиришди: наша билан сийлади, тишининг ковагида асраган пулига зиёфат қилди, хуллас, ҳафта ўтмаёқ уларнинг «брату-ха»сига айланди. «Халоватингни деб онангни сотишдан ҳам тоймайсан, палид!» — хаёлидан ўтди Қодирнинг.

Тоштан деган қирғиз йигит дилини ёзгиси келдими ё орадаги оғир жимликни кўтармоқчи бўлдими, хиргойи бошлади:

**Ун саккизга кирип-п,  
А-армияга барип-п,**

<sup>10</sup> — О, аблаҳ! Ҳисларимга тегинмоқчи бўлдингми?! Қанчалар палидсан, а?! Юргиз зормандангни, ишлайман...

<sup>11</sup> — Бу тўғрида ҳали гаплашамиз яна...

<sup>12</sup> Э, бор-е... Аҳмоғам билади мунни, маълум одат-ку...

<sup>1</sup> — Ҳа-а, ҳамюрт, сенам шундамисан?! Эсна-аб турибсан? Қани, мен минан юр-чи!

<sup>2</sup> — Бу сенга кечгача, уқдингни?! Тешани ол! Ишла, ўғлим, ишла, Ватан сени унутмайди!

<sup>3</sup> — Вовка, қарагин-а, ҳу ана, ҳалиги борзой. Эсингдами? Кушнер айтганди-ку?

<sup>4</sup> — Бу сенга тушгача, кучинг ошиб-тошиб ётибди, ахир, ишлат ўшани, Уқдингни?!

<sup>5</sup> — Нимага ирғишлайсан, а?! Бирон нимадан норозимисан-ё, а?!

<sup>6</sup> — Мени тинч қўй!

<sup>7</sup> — Келинглар, яхшиликча гаплашайлик, йўқса икковингизни ҳам...

<sup>8</sup> — Хохламайсан, шунақами?! Бўпти, кўрамыз!

<sup>9</sup> — Бузилди, тамом! Ҳамманг тешаларингни чангалла, бошларинг, ҳа! Қани илдамроқ!



Расмларни Н. Гуломов ишлаган.

Истариқдан калтак жедим, а-по-о...

Кулишди. Тоштан ўзини хафа бўлгандек кўрсатди: «Неси кулғили?!» Унинг болаларча бу қилиғига яйраб кулишди: «Ажойиб йигит-да, бу Тоштани тушмагур!..»

— Тағин бир айт! — Жоранинг ширакайф овози кайфиятини бузди.

— Консет тамом! — Тоштан терс ўгирилиб ишга унади. Жора ҳамон хиралигини қўймабди:

— Тузуккина ирдейсанакан-ку, жолдаш?! — қирғизчани бузиб гапирди у.

Унинг ҳазилига биров рағбат билдирмади: кенг яйловларнинг бағри кенг боласи ҳаммасининг дилидан жой олиб улгурганди. Шундагина Жорада са-алгина хижолатчиликка ўхшаш бир ҳол кўрилди.

— Қодир, сени чақиршайтти, — деди-да, кўзини олиб қочди.

— Нима, қуйиб беришаканми?!

— Унисини ўзинг сўрайсан! — Қодирнинг мазахидан жаҳлланди у, бурилиб кетди.

Қодир тешасини ташлаб, вагонча томон юрди. Кираверишда винодан бўшаган шишаларни осмонга отиб, тош билан уриб парчалаётган Буренинга кўзи тушди.

— А-а, явился, не запылелся! — дея масхараомуз тиржайди у. — Ведь я же г-рил?!

— Ҳа-а, кептилар-да! Сенга айтмабмидим?!

Қодир ичкарига кирди, кимга мурожаат қилишини билмай бир муддат тараддулланиб тургач, бор-э, деб энди оғиз жуфтлаганди — улгирмади: ортидан пусиб келган Буренин гарданига туширди. Қодир йиқилди, ўзига келгунча бўлмай ёғилган устма-уст тепкилардан гангиб, кўз олди қоронғилашди...

Калтаклаганлар олдида чўзилиб ётишдан ор қилди у, қийналиб бўлса-да ўрнидан турди. Буренин ҳали хумордан чиқмаганди чоғи, рўпарасига келди.

— Это тебе в прок. Выше пупа не прыгай — надорвешься!<sup>2</sup> — дея мамнун илжайди-ю... нозик жойига тушган зарбдан афти буришиб, пилдираб қолди. «Дедлар баравар Қодирга ташланишди. Олишув иштиёқи қолиб келди, Қодир аъзои бадани зирқираётганини ҳам унутиб, кираверишдаги йўлак сари интилди: «У ер қулай, туриб олсам биттадан ортиги келолмайди...» — хаёлидан ўтди унинг, лекин... улгуролмади...

Тамом ҳолдан кетган Қодирни курсига ўтқазишди.

— Хорошо бы иметь такого друга, — маъноли қилиб сўзланди кранчи йигит Купаев.

«Ал қасосул мин ал-ҳақ. Золимлар мазлумлардан

<sup>2</sup> — Бу сенга бир дарс бўлди. Қарға юришини қиламан, дема — бўтинг йирилади!..

<sup>3</sup> — Шунақа бир дўстинг бўлса...

кўрқиб яшайдилар...» — Хаёлидан ўтди Қодирнинг, олишгани зое бўлмаганини ўйлаб, кўнгли ўсди.

Бурчакда буларга қўшилмай, тунов кунни унга раҳми келгандек бўлган йигит — Виталий Тайбан турарди. У иккита стаканга яримлатиб вино қуйди-да, келиб Қодирнинг қаршисига ўтирди.

— Будем друзьями? — у стаканни узатаркан, Қодирга синовчан тикилди.

Қодир лом-мим демай унинг қўлини четга сурди.

— Терпи, казак... — Тайбан шундай деб ўрнидан турди-да, шерикларига юзланди. — Не трожьте его, хлопцы. Иди!..<sup>1</sup>

Қодир ташқарига йўл олди. Тайбаннинг орқасидан: — Мужик — что надо! — деб қолганини эса эшитмади.

Шу аҳволда йигитларга кўрингиси келмади унинг: юзини чайди, кийимларини тузатган бўлди, бироз дам олиб, нафасини ростлагач, ясама ўктамлик билан иш жойига қайтди.

Йигитлар ундан кўрққандек, хижолат бўлгандек, бош кўтармадилар. Қодир нима гаплигини тушунмай, атрофга аланглади — тушунди. Келаётиб эътибор қилмаган экан: қоя биқинидаги ёлғиз дарахтга суяниб Асқар турар, Тоштан унинг ёнгинасидаги харсангтошда ўтирганча хиргойи қиларди. Қўшиқнинг «Старикдан калтак жедим, апо-о» деган жойида Асқар мастона қийқариб кулар, яна айт, деб қистарди ҳадеб...

— Ака, чанқадим, сув ичволай, — зорланди Тоштан. Чамаси сув ичиш баҳона, озроқ бўлса-да дам олишни кўзлаганди — бўлмади, Асқар компрессор ёнида ётган (Буренин мой келтирган шекилли) косачани олди, йигитлардан бирини сувга юборди.

— Талабларига биоан — Тош-тан! — дея хиринглаб чапак чалди, Тоштан ноилож давом этди.

Кўп ўтмай сувга кетган йигит қайтди.

— Ол, ич! — буюрди Асқар.

— Ҳаром-ку?! — Тоштан унга мўлтираб тикилди.

— Оббо кўнгли нозик кал-ей! — дея мазахлади Асқар. — Қачондан бери ҳалол ҳаромди парқиға борадиган бўлдинг?! Ол, ич!.. — дея косани зўрлаб оғзига тутди.

«Ўзингникини ур — бошқалар кўрқади, дейсан-да, о, ҳароми, акаларингдан яхши таълим олибсан» — бир чеккада тек кузатиб турган Қодирнинг жони бўғзига келди.

— Асқар! — унинг овози кўрқинчли хирллаб чиқди. — Ўзингни босиб ол, бола, бу кетишда хор бўласан!..

— Кўрқитма мени! — деб ўдағайлади Асқар, лекин чўчиганини яширолмади.

— Катта кетма, ўй-й! — Қодир бир-икки одим ташлаганди, Асқарнинг юраги дов бермади чоғи, бурилиб кета бошлади. Бир неча одим юргач тўхтаб, ўгирилди: — Абитга ўзларинг кетишавер, мен бормайман.

Йигитлар тездан йиғиштириниб, эмин-эркин қисмга йўл олдилар. Йўлда кетишаркан, Абдужаббор — танглайи кулгу билан кўтарилган йигит, уларни кулдирмоқчи бўлди:

— Бўталарим! — деди бўлинма командири Асқарга тақлидан. — Ашуллани олларинг қани!..

Кулишди. Абдужаббор қўшиқ бошлади:

**Пойизингни жилдирган  
Ўтхонаси билан дўнғалаги,  
Двинска кетди Андижоннинг  
Мард йигитини бир бўлаги...**

<sup>1</sup> — Сабр қил казак (...атаман бўласан)... Тегинманглар унга, йигитлар. Боравер!..

<sup>2</sup> — Ас йигит!

Хаёл Қодирни юртига — Андижон кўчаларига етаклади, қайдадир кўргани — Худойберди шоир сурати кўз олдига келди. «Мардикорда бўлган... — дея ўйлади у. — Қизик, оқпошшо осиеликларга қурол бермаган — ишонмаган, энг оғир ишларни қилдирган. Эшакнинг кучи ҳалол-у, ўзи ҳаром, дегандай! Ҳозир-чи? Икки йил хизмат қилиб, автомат ўшламадим, деб келаётганлар озми? Нега шундай...» Негагини ҳам аниқ-тиниқ айтишгандай: тил билмаслик, жисмоний заифлик. Шугинами? Кўнглида гулу солган недир имкон бермасди бунга ишонишга! Ахир, улуғ юртнинг пойдевори — дўстлик, дея ўқдиришмаганмиди?! Қани ўша дўстлик?! Бир-бирини навбатма-навбат хўрлаётганларми «дўст»?! Асқарнинг пинак бузмай: «Ўзбекигинг учун!» — дегани ёди-га тушди ва бошқача таъсир қилди ҳозир... Бобоси бир ҳикоятни айтгучи эди: улуғ бир зот ғайридинлар билан олишди, қўли паст келди, худога нола қилдики, «Эй, парвардигор, қудратинг чексиз, нега буларди ўзинг жазоламайсан?» Яратгандан фармон келди: «Куллик қил!» Ҳалиги зот куллик ила машғул бўлди. Ҳафта ишлади, косаю товоқ, кўзаю хум ясади, кўб ва хўб ясади, қараб кўзи қувонди. Буюмларини бозорга олиб чиқди, бир майдонга ёйди, иттифоқо, бир отлик қуюндай елиб келдию молини чил-чил қилди. Ул зот нола қилдики, «Эй, худованди карим, бу не синоатдур?» Яратган айтди: «Сенки, кўзаларингга шунча куясан, мен нечук яратган бандаларимга қатлиом буюрай?!» Ҳалиги зот чандон тавбалар қилди...

«Эй, парвардигор! Бормисан?! Бўлсанг кўзинг қайда? Кўзаларинг синди-ку!..»

...Ўт ўчириш анжомлари орасидан болтани қандай суғуриб олганини эслаёлмайди. Эсида қолгани — жон ҳалпиди қочиб бораётган Кушнер, «ҳай-ҳай»лаганча уни тўхтатмоқчи бўлган йигитлар... — бундан бошқасини идрок тарозисига қўйиб кўрди, — тоши етмади!

«Чопиворармидим?» — кўз олдига даҳшатли манзара келди: думалаб бораётган калла... қотиб қолган кўзлар ўқрайган; бошсиз тана типирчилайди... қўллар ерга тиралганча титрайди — иложи бўлса-ю, ўрнидан турса, нақ ҳикилдоғидан олса; бўйиндан тирқираб отилаётган қон атрофни тўқ қизил рангга бўяган, дақиқа сайин қорайиб боради... — кўз олди қоронғилашди, бошини қўллари орасига олди, сочини юлғудай чангаллади... Тўйнуқ шарақлаб очилди.

— Ўтирилмасин! — Соқчининг овози аллақандай бўғик, узоқлардан келаётгандек элас-элас эшитилди. Қодир ўрнидан турди, турди-ю, тиззасига сирғалиб тушган шимини ушлади. Камарини олиб қўйишган, ўзини бир бало қилиб қўймасин дейишганми... Буларнинг ҳам билгани билган: торгина хона — икки қадам ташласанг, учинчисига бошинг қолади; хира ойна ўрнатилган деразадан тушаётган нур ҳаминқадар... Шуниям бориға шукр, лаҳадда эмаслигини, тирик эканлигини ҳис қилиб турасан-ку ҳеч йўқ! Ким билади ўйлашга ўйи, лаёқати бўлмаганда... эгилармиди, қирсиллаб-қирсиллаб синармиди...

Қамаб қўйишгани алам қилмайди унга: қилмиш-қидирмиш, деганлар, анави, куппа кундузи болта кўтариб одам боласини қувалаб юрган бўлса?! Лекин... нима бўлганини бошдан оёқ айтиб беришса-да, фақат уни жазолашди: «Нега?» Хаёлида ҳануз шу савол чарх урар, энди ўйининг тубига етдим деганида қаршисидан тагин бир «нега?» чиқиб, хаёллари чувалашиб кетарди... Яна бир бошдан, нечанчи бор экани ёлғиз худога аён, ўша кунги воқеаларни эслашга тушарди...

...Теккан — икки-учтадан, тегмаган — битта-яримтадан тухум еди: ҳафта оёқлади — якшанба! Пули борки



«дед» шаҳарга жўнаган, толеи келишганини қаранг буларнинг: кичкинагина шаҳарча, нари борса икки юз аскар бор, «сен нима қилиб юрибсан, рухсатноманг қани?» дегувчи топилмайди. Қисмда қолганларнинг ё пули йўқ, ё — борар жойи, — юраги задалар... Қисмда бирон бошлиқ йўқ: офицерлар қўйни бўрига топшириб, эрталабдоноқ пляжга жўнашган, «дед»лар — пошшо!

Ювиниш хонасидан чиқиб, аячч бир манзаранинг гувоҳи бўлди: белигача яланғоч Бахтиёр мук тушиб ётган, устида ястаниб Кушнер ўтирарди... Бахтиёр гавдасини устидаги сўлоқмонга қўшиб кўтарди: машқ бажаради — «отжимание» дейишади отини. Ҳовлига ҳали асфальт ётқизиб улгуришмаган, тегирмондан чиқарилган майда тош — шағал ёйилган холос. Шўрлик Бахтиёр... машқни бажармай деса, қиррали тошлар кўксига ботади, бажарса — кафтларига; юзлари хунук буришган, зўриққандан томилари отилиб кетай дейди — турган битгани азоб!..

Қодир сўзсиз тикилиб турар, ҳеч нарсани кўрмас, шуурига ҳеч нима сингмас, тошлар унинг кўксига ботар, кафтларига ботар... У ўзларини юмди: икки томчи қайноқ ёш думалади... Ўт ўчириш анжомлари орасидан болтани қандай суғуриб олганини билмайди. Эсида қолгани — «ҳай-ҳай»лаганча уни тўхтатмоқчи бўлган йигитлар, жон ҳалпида қочиб бораётган Кушнер.

Қодир ўриндиққа ўтирди. Бахтиёрнинг ўша кунги рафтори кўз олдиға келди яна. «Эҳ-х, Бахтиёр! — алам билан ўйлади у. — Кучинг бор, юрагинг бор — нега чидайсан? Юрагингга зардоб йиққандан нима фойда, сочмайсанми уни?! Вақти келганда ўчимни оламан, дейсан, ўзингни овутасан — худбинсан! Ҳаммамизам худбинмиз, ўзимиздан бошқани, бурнимиздан нарини кўрмаймиз... Нега?»

...Командир воқеанинг туб моҳиятига етмоқчидай қатъий буюрди: «Бир бошдан гапир!» Бахтиёр тушунтиришга қийналди жуда, тил билмаганидан эмас — ўзи ҳам тушунмаганидан! Устига-устак, командирнинг салобати босдими, русчани ўзбекчага қориштириб алмойи-жалмойи гапларни тахлаб ташлади. Хуллас калом, ғайрати жўш урганми, томошаталаб йигитларни ҳаваслантириб, турникда ажабтовур машқлар бажарган, — сал нарида кузатиб турган ғайир нигоҳларни сезмаган! Кушнер келиб у ёқ бу ёғига туртиб-шапатилаб, мушакларини чамалаб-чоғлаб кўрган — бозордаги от жаллобдай: «Здоров бугай!» — дея шум тиржайган. Шу холос...

«Нимага қийнаган? Синаб кўргиси келганми? Муте кимса кучли эканини ҳис қилишидан чўчиганми? Зўрини топиб ур, қолганлари ўз-ўзидан эгилади, деганми? — Қодир тушунишдан ожиз эди. — Ҳўкизнинг шохига урсанг, туёғи зирқирайди, дейдилар. Биз-чи? Ҳўк-кизданам баттармизми? Шуни билади у? Нега...»

...Четдан қаралса, командир Бахтиёрнинг гапини гўё зўр диққат билан тинглаётгандек: чап қўлини иягига тираганча ўйчан ўтирар, қошлари чимирилган, юзида тунд бир ифода қотиб қолган. Қодир унга тикилиб ўтирар, сиртини эмас, ичини кўриб турарди: сездики, командир Бахтиёрнинг гапларини тинглаётгани йўқ, хаёли бутунлай бошқа ёқларда. «Ҳаммасини билади, ҳукми ҳам тайёр... Нима кераги бор бу томошанинг?!» — ву-жудига недир бош кўтара бошлади.

Командир Бахтиёрга рухсат берди-да, торгина хонада — бир қўли билан ҳамон иягини чангаллаб, иккинчисини чўнтакка жойлаб — у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Оёғи полга тегмаётгандек, девордаги соат чиқиллашини айтмаса — сукунат. Командир бечоранинг кичкина бошига худди олам ташвиши тушган-у, ҳозир айтадиган гапи башар тақдирини ҳал қиладигандек.

У туйкус тўхтади, Қодирга ўгирилди.

— Нима қилиб қўйганингни биласанми? — Командирнинг гапида шафқатсиз бир таҳдид зоҳир эди: гўё у чўққида арқоннинг бир учини тутиб турибдию, бу тармашиб юқорига ўрляпти — қўйиб юборса... — айни шундай муомалани кутган бўлса-да, Қодир бир лаҳза эсанкиради. Командир нишонни тўғри олганини сезиб, янги зарбага шошди. — Бунинг учун қамашади, ахир!

Улганинг устига тегган, Қодир баттар шошиб қолди: кўз олдиға ота-онаси, укалари келди-ю, энтиқди, аввалига аниқ-равшан кўринган сиймолар бир-бирига чаплашиб кетди.

Командир эса аллақандай кўкиштоб китобга бармоғини нуқиб гапирар, унинг қилмиши қайси моддага тушиши-ю, қандай жазога мустаҳқиқлигини зўр бериб ўқидирарди. Бунга сари Қодирнинг қарахтлашган шуури тиниқлашиб борарди. «Муридларинг эголмади, энди сенми?! Мана...» — дея жаҳл билан ўйлади у, командирга илкис ўгирилиб, тик қаради. Айтдики, «Майлингиз, истасангиз беринг трибуналга, лекин мен безабон махлуқ эмас, дилимдагини айтаман!»

Кўтариб урган полвон ўзини рақибининг тагида кўрса, нес бўлиб қолади: командир ишнинг бунақа чаппа кетишини кутмагани, шошиб қолди. Салобатли, виқорли одамнинг кўзида қўрқув кўрган ёмон: инсон боласининг ожизлигига имон келтирасан киши, ўзинг ҳам шу тоифадан эканингни ўйлаб эзиласан. Ҳартугул командир тез ўнглини олди: «Қаматаман!» — қўрқитмоқчи эди — бўлмади, мишиғини оқизиб кетаётган боланинг «кўрасан...» деганидай ожиз эди пўписаси. Қодирнинг ўзига қадалган кўзларида заррача бўлсин қўрқув кўрмади, нима қилишини билмай каловланди-ю, эшикни қарсиллатиб уриб чиқиб кетди. «Йиқилиб бошини эгмаган полвон... белбоғни фақат майдонда боғлаган полвон!» — хаёлидан ўтди Қодирнинг, мийиғида мазахлаб кулди, ўзини туюлмай пиқиллади, хонани унинг асабий қаққаҳаси тутди.

«Нега Кушнерни лоақал тилга олмади? Қўйиб берса, уни оппоқ қилиб мени қаматгиси бор-а, молдай хўшшайиб турганимда шундай қилардиам, жипириқ! Оббо хунаса-ей, у — туққанинг, мен боқиманданг бўлдимми?! Ифлос, байналмилал деб оғиз кўпиртирасан — аста ўз билганингни қиласан, муридларингга фатво берасан! Асли сендан, сенлардан бош ҳаммаси!»

Бу каби ўйлар Қодирни қийнаб ташлаганди. Қодир уларни чипакка чиқарадиган далиллар истаб хотирасини кавлаштирар — баттар эзилар, зарра тоққа айланиб тобора босиб борарди уни.

Офтоб чарақлаб турганда момақалдироқ гумбурлади — бўри болалади... Сал илгарироқ йўлланма билан прапоршчиклар тайёрлайдиган мактабга жўнаган Кушнергина қутулиб қолди, қолганлари...

Сафнинг этагида бораётган Бахтиёр узоқда ўзи хон, қўланкаси майдон бўлиб келаётган Буренинни кўриб тўхтади. Нега тўхтаганини, нима қилишини дурустроқ идрок ҳам қилмагани ҳали — чала битган иморат панасига ўтиб кутди.

Буренин, ҳар доимгидек пўрим, икки юзи денгиздан эсаётган шамолдан қирмизи тусга кирган, қўлидаги хивчан билан этиги кўнжини савалаганча қайсидир куйни ҳуштак қилиб, беғам-бепадар келарди.

— Тўхта-чи, ўй-й...лоқ! — Бахтиёр у томон юрди.

— Што-о? — чўзди Буренин ҳайрон бўлгандек қошларини чимириб.

Бахтиёр чўзиб ўтирмади: бор аламини муштига тукканми, бир зарбаёқ рақибни ағдарилиб тушди, чўзилиб қолди. Бахтиёр уни тепкилай-тепкилай чарчади, ҳансираганча бориб сал наридаги ҳарсангтошга ўтирди, тер-

ларини артди. Буренин ихраб ўрнидан кўзғолди, кафти билан оғзини артди — қон! — рўмолчасини чиқарди. Бахтиёр бироз кутди: «Майли, қон-понини артиб олсин...» — вужудида шафқат бош кўтараётганини сезиб шошди:

— Встать!

Буренин нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди-ю, кўзи Бахтиёрнинг кўзига тушди, ундаги ўтдан бадани музлаб кетди, билдики — иш чатоқ! — юзвошгина бўлиб ўрнидан турди.

— Майна! — Бурениннинг каловланганини тархашликка йўйди чоғи, тиззасидан пастроғига ўхшатиб тепди: «дед» оёғини чангаллаганча букчайдию, мувозанатини сақлаёлмай мук тушиб йиқилди.

— Вста-ать! — Бахтиёрнинг овозидаги ваҳшат кўрқинч эди, Буренин базўр ўрнидан турди. — Майна! «Ишқилиб ҳозир қутулсам бўлди, кечқурун...» — дея ўйлади-ю, ночор бошини тутди Буренин. Биринчи чертишдан Бахтиёрнинг кўнгли тўлмади, қайтариб чертди — барбир! Жаҳл билан «дед»нинг сочидан чангалладию, бир-икки силталади:

— Сиводня стиричса қил, билдим?! — дея дўқ урди у. — Лисий қилиб!

Буренин тушундим дегандай бош ирғади. Бахтиёр бино ичкарасига қараб юраркан, унга қараб:

— Суда иди! — дея буюрди-да, энгашиб этигининг кўнжидан пичоқ чиқарди, Бурениннинг кўзлари бежо ўйнади. — Ҳолинг шуйкан-у, ирғишлаганингда ўлайми?! — дея мазахлади уни Бахтиёр, ёқасидан тутиб ичкарига итарди.

Қайтиб чиқишганида Буренинни таниб бўлмасди: кийимлари чокидан сўкилиб аслига қайтган — эғнида қопдай шалвирайди; бино қўйган «гармошқаси ўрнида Бахтиёрнинг «иш кўрган» этиклари, пилоткаси бошига ажабтовур алфозда кўндирилган, камари жуссасини қоқ иккига бўлган — куладиган.

Бахтиёр уни олдига солиб кетаркан, пўписа қилди: — Айтганимни қилмасанг, зарежу! — қўлидаги пичоқни ўйнатди у. — Билдим?!

Буренин сўзсиз бош ирғади.

Иш жойига келдилар. Йигитлар кечагина даҳшат солиб юрган кимсанинг абгорлигини кўриб бир муддат лол қотдилар, сўнгра аллақандай бир қониқиш туйдилар: «Ҳайрият-э!..»

Бахтиёр Бурениннинг қўлига курак тутқазди.

— За сибя и за миня пахат будиш, понил?! — тасдиқ ишорасини кўргач, четга чиқди, нарироқда кимгадир гап уқтираётган Асқарни кузатиб туриб қолди. Сабри чидамади шекилли, қичқирди:

— Уй-й, Асқар! Бияққа ке!..

Асқар ялт этиб ўғирилди-да, ёмон бир қараш қилди, хотиржам гапини тугатгачгина, аста яқинлашди.

— Тинчлийми, ука?! — ҳеч гапдан хабари йўқ, бечора, ўзини ҳамон от устида сезарди.

— Ука дема, қанжиқ! — бу гапдан Асқар шошиб қолди. — Неччига кирдинг?

— Йигирма бир...

— Акам қаторийкансан-у, молдай ўсовурганакансан, ома! Қани айт-чи, акаларингни кетини ялаб нима маза топдинг?!

— Оғзингга қараб... — Гапини тугатолмади, гурсиллаб кулади.

— Эшитвол, командир, — деди Бахтиёр унинг устига энгашиб, — бугундан одделейяга хотин бўласан: кирини ювасан, этигини тозалаясан — нимаики буюришса шуни қиласан? Тушундингми?

Асқар чурқ этмади — кўрқди: шўрлик ўзининг аҳволини, отдан тушганини тамом англаганиди.

— Бор! Турма бу ерда қулдикидай қалтираб, куракни ол! — дўқ урди Бахтиёр. Асқар бошини елкалари ичига олиб, сал нарида ерга санчиғлик турган курак томон йуналди.

Йигитлар шод эдилар... Юраklarига сиғмаётган шодлик аллақандай хижолатга йўғрилган, шу боис ҳам кўзларидagina жилва қилар, кўзлар фош этмасин учунми, бир-бирларига қарамасликка тиришишарди. Дилларини яйратган эркинлик ҳисси уларга садақадай туюлар, эҳтимолки шу дамда мияларини «илгарироқ қайда эдик? Садақа кутиб ўтирмай ҳаракат қилсак ўлармидик?!» деган ўй кемирарди... Улар гоҳ-гоҳ Бахтиёрга ўғринча назар ташлашар, кўзларида ҳайрат, яна... мутеликками, тил қисикликками ўхшаш недир акс этарди. Бахтиёр сезмай қолмади буни, лекин... Қодирнинг беписанд бепарволиги уни эзар, ғашини келтирарди.

Шу аснода шаҳар томонда, ўзи айтмоқчи, «ширин бўли-иб» келаётган Жора кўринди; акаларигаям илинганми, қўйнида шиша дўппайиб турибди.

— Жора-а, кил мунда! — дея мазахлади уни Бахтиёр. — Асқар аканг жувобингни беради, энди менга хотин бўласан, тузуйми?! — Кулиб туришга ортиқ бардоши етмади, шекилли, Жорага ўқрайди. — Ш-шани ол бияққа!..

Бахтиёр шишани тортиб олди-ю, кучининг борича кафти билан тагига урди — пўкак отилиб кетди. Бир кўтаришда шишани яримлатди-да, итқитиб юборди, Жорага қараб:

— Сениям ошна-оғайнинг борми, Жора, ё қизлар билан тўптош ўйнаб юраверганмисан, а?! — деди, овози йиғламсирашга яқин эди, ўзидан жаҳлланди. — Йўқол кўзимдан!..

Қодир бўлаётган ишларнинг ўзига заррача алоқаси йўқдай жимгина ишлар, бунга сари Бахтиёрни хижолатга ўхшаш бир ҳис чулғаб борарди. Бахтиёр қилаётган ишини Қодир маъқулламаслигини сезар, унинг тушунишини... маъқуллашини жуда-жуда истарди. Ялинаётганга ўхшаш туюлса ҳам, ғурурини енги Қодирнинг ёнига келди у.

— Қалей, ўхшабдимми? — дея қулди Бахтиёр нарироқда ишлаётган Буренинга ишора қилиб.

— Ухшатибсиз!.. — Қодир мийиғида қулди, сўнг жиддий оҳангда қўшиб қўйди. — Шуни олдинроқ қилиш керагиди, энди нима фойдаси бор?!

Бахтиёр гаплари қовушмаслигини англаб етса-да, унинг ҳақлигини ичдан ҳис қилса-да, ҳамон умидини узмасди.

— Нима қил дейсан бўлмаса? — деди жаҳл билан у. — Ялло қилиб кетишовурсинми?!

— Билганингни қил! — Қодир гапнинг бефойдалигини билиб қўл силтади, ишга унади. Унинг ҳаракати Бахтиёрга оғир ботди, кетишга чоғланди-ю, кетолмади:

— Сенам мундай ўйлагин-да! — дея ялингандай гапирди у. — Битта ўзим нияям қилолардинг?! Бор, ана, сен қўшиларидинг, бошқалар тураверарди, молга ўхшаб хўш дейишингни кути-иб... — Қодирнинг эътиборсиз ишлаётганини кўриб жаҳлга минди. — Олдин қилиш керагиди деб ақл бўласан-а, сен нима қиволдинг?! Узиб олдингми?! Ҳе ақлли бўлган... — дея қўл силтаб нари кетди.

«Буниям гапи тўғри, — деб ўйлади Қодир, ётиғи билан гапирмаганига ўкинди. — Уюшилмаса, яқдил бўлинмаса қийин! Лекин... уюштирсак бўларди-ку, ахир?!...»

Хижолатдан қутулишинг синашта усули — ҳазил, кулги, гурунг! — Бова, яхши-яхши олинг-да-а энди! Узийиз айтардийиз-у, «бери больше, кидай дальше» миди?! — Абдужаббор ҳамманинг ичагини узиб Асқарни гап билан ўлдирарди.

Асқар бир нима дейишга ботинмай, куйиб пишиб ишларди.

— Хапа бӯменг-у, Асқар бова, — Абдужаббор тинчимасди. — Бахтиёрдиям гапи тўри — молдай ўсўвурганакансиэ! Бир йил бўлиб-бўлмай ўпкейиз ишиб бизи эшак қиламан деганийизи қаранг-а?! Уйламабсиз-да, кейин шулар билан қолишим бор, эсларига тушганда...

— Эсга тушди! — Тоштан гапни шарт кесди-ю, куракни ташлаб жарлик томон юрди. Йигитлар нима гаплигини билмай ҳайрон қолавердилар. Кўп ўтмай Тоштан қайтди. Қўлида ўша, бир пайтлар Асқар уни сув ичишга мажбурлаган коса, тўлатиб сув ола келганди. У ўта жиддий қиёфада, ҳеч ким бирон сўз аралаштиришга ботинмади, жим кузатдилар: «буёғи нима бўларкин?..»

— Асқар, чиқ бияққа! — деб буюрди Тоштан. Асқар йигитларга мўлтираб қаради, нажот истаган кўзларда «бўл энди» деган ифодани уқди-ю, ноилож куракни ташлаб тепага чиқди.

— Утир! Ашулла айтасан! — Асқар итоаткорона унинг ёнига чўкди, тавба қилишга ҳам ботинмади.

— Қани бошла! Талабларига биноан Асқар... — дея чапак чалди Тоштан, йигитлар ҳам кулиб қўшилдилар. Асқар ноилож бошлади:

**Ун саккизга кирип,  
Армияга борип,  
Старикдан...**

Тоштан унинг бошига муштлади:

— Молодойдан, де!

Асқар такорлади:

**Молодайдан калтак едим, апо-о...**

Ҳамма ичаги узилгудай бўлиб кулар, фақат Тоштангина жим эди.

— Ҳа, балли! Энди чанқадинг, сув ич! — Тоштан сувни тутди, Асқар тўхтади. — Ич!!!

Сувни зўрлаб ичкизди, сўзсиз бурилиб жойига келди. — Бўлди, армоним қолмади, еган калтакларимга минг мартадан розиман! — сўзлари қасамдай янгради, ишга уннади.

«Шу оққўнгил боладаки шунчалар кек, ҳали ўх-ху... хаёлидан ўтди Қодирнинг. — Жон-жонидан ўтиб кетган экан-да...»

Кун қайтди, қисмга жўнадилар.

Олдинда бораётганлардан бири чўнтак қовлаганми, ерда бир парча қоғоз ётарди: Қодир энгашиб қўлга олди — мўъжазгина календарь. Кўздан кечираркан беихтиёр жилмайди; келганларидан бошлаб то шу чоққача ўтган кунларнинг бари игна билан эринмай тешилган — изсиз йўқотилган. «Ҳафсалангга балли-е!» — хаёлидан ўтди Қодирнинг.

— Мана кимники? — Ҳамма унга ўгирилди.

— Ташаворинг-э! — Абдужабборнинг қувноқ овози жаранглади.

«Ҳа-а, — Қодир мийиғида кулди, — гузарда ўтирволи-иб оғиз тўлдириб айтиб бериладиган ишлар олдинда! Бунгача бўлгани... Пуф — учиб кетди! Бўлмаган ҳисоб!..»

Қисмда ўзгача руҳ ҳукм сурарди: «Бахтиёр дедларни урибди» деган хабар аллақачон етиб келганди. Йигитлар тунни аллақандай орзиқиб, юраклари пўкиллаб кутишар, зимдан катта тўқнашувга ҳозирланишарди.

Бахтиёр уларга ўхшаб «катта жанжал» бўлади, деб ҳисобламасди — тузиб қўйган режаси пухта эди-да! Уясига чўп суқилгандай гувлаётган йигитларни осонгина

тинчитди у, айтдики, фақат «дембил»<sup>1</sup> лар билан ҳисоблашинг, бошқаларига тегманг!»

Бахтиёр янглишмаганди — «дед»ларни куч қилиб турган бирликка раҳна солинганди. Ҳамманинг жони ўзига ширин: бир йил хизмат қилганнинг дарди бошқа-ю, эрта-индин кетаман деб турганники — бошқа! Бурчак-бурунларда аёвсиз калтакланаётган «дембил»ларнинг оҳ-воҳлари ҳаммаёқни тутиб кетди... на бир «дед», на бир «черпак» ўрнидан қўзғалди — жуда чидаёлмагани бошини чойшабга буркади!..

Ярим тундан оқанда Бахтиёр «дембил»ларни сафлантирди. Йигирма чоғли сўлоқмондай йигит, юз-кўзи моматалоқ, шумшайиб турарди.

— Деды-ы! — дея уларни калака қилиб қичқирди Бахтиёр. — До дембил картишка чистиш, пол драиш, понил?

— ...

— Понил гаварю?

— Так точно!

Бахтиёр қониқиш ҳосил қилган чоғи, оғзининг таноби қочиб илжайди.

Ҳеч ким ухлашни хаёлига ҳам келтирмасди. Бахтиёр — соқий, интиқом майидан босиб-босиб сунди у. Маст эдилар — ўзни унутарлик даражада маст!..

Буренин аранг ютинади, ютинганида кўзларидан ёш тирқирайди. Унинг ёнида — Бахтиёр.

— Ешь, сука! — деб чўмич билан уради у Буренинни.

Буренин ихраб кўзларини юмади, ўгирилишга қўрқарди, ўгирилмаса... — қаршисида муштдай сариеғ, қарган сари ўқчигиси келади.

Беш-олти йигит давра қуриб, бир «дембил»ни ўртага олишган. «Дембил» этигини гармон қилиб чалиб қўшиқ айтади:

**У солдата выходной...**

Яна иккиси бошқа бирини ўртага олган, қўлларида гугурт:

— Подъём!

«Дембил» ирғиб туриб, ўла-топа кийинишга тушади: гугурт донаси ёниб битгунча улгурса улгургани, бўлма-са... Юзларидан тер қуйилади, ҳансираб елкасидан нафас олади...

Қодир ухлай олмас, ётган жойида тўлғанар, атрофни кузатиб даҳшатга тушарди. «Эх, боллар, боллар!...Қулликка ярашдинг — кўрдим, бекликка ярашдинг — кўрдим... Нечун оддий инсонликка, ўзингни, ўзлигингни, қадрингни ҳимоя қилишга ярамайсан-а, боллар?! Ҳаммангнинг дилингда ўч, қасдинг бор — бирлашдинг, нега аввал, ундаям ўзингни ўйлаб чеккаладинг-а, боллар?!..»

Уйку — ҳаром...

\* \* \*

Умр — сув, дейдилар... эмишки, вақт тошқин дарёдай тошади. Мезонларнинг нисбийлиги — умрнинг қисқалигидан, инсон боласининг ожизлиги — оёғи заминда собит туриб, орзу-умидлари осмонда эканидан! Муқим мезонлар бўлгандами, ҳай-ҳай, худо кўрсатмасин, — кўпчилик юраги ёрилиб ўларди!..

Умр — сув, вақт — тошқин дарёдай шошади, дейди-

<sup>1</sup> Армиядаги табақаланиш номлари турли қисмларда турлича. Уларнинг кенг тарқалганларини келтирамыз: «салабон», «сынок», «дух» — хизматга қақирилгандан бошлаб, мудофаа министрининг биринчи буйруғигача; «молодой» — иккинчи буйруққача — «черпак», «фазон», «фрайер» — учинчи буйруққача; «дед» — учинчи буйруқдан кейин; «дембель», «ветеран», «гражданин» — сўнгги буйруқ чиқишга юз кун қолгандан кейин (баъзи жойларда буйруқ чиққандан кейин).

лар, лекин... кимга қандай? Йигитларнинг наздида вақт жуда тез ўтиб кетди — бир ой бир кун мисоли; «дембил»лар наздида шу бир ой бир йилдай туюлди-ёв... Бирови онадан туғилганига, бошқаси кетини ўйламай иш қилганига пушаймон еди. Қазармада ётишдан бе-зиб, иш жойида тунаб юргани қанча?!

Сўнгги «дембил» қисмини тарк этиб улгурмасиданоқ янгиларини — «салабон»ларни келтиришди. Мўйлаби эндигина сабза урган йигитлар. Ҳамма нарсага ҳадик аралаш қизиқиш билан қарашади. Командир уларни етаклаб юриб, ўзи айтмоқчи, «хўжалиги» билан таништирди. Тушликдан сўнг у «эски»ларни Ленин хонасига тўплади, ваъз айтди: «Хизматни бошлаш осон эмас, бунини сизларга айтмасам ҳам бўлади... Бир-бирингизга меҳрибон бўлинг, билмаганини ўргатинг... Армия — интизом демак, қаттиққўл бўлишни ҳам унутманг...» — шу билан у вазифасини ўтади: хоҳласалар ундоқ, хоҳласалар бундоқ тушунишсин — унга иссиқ-совуғи йўқ!

Биринчи кундаёқ Бахтиёр салабонларни сафлантирди — темирни қизиғида бос, деганлар, ахир! Нима гап-лигини билмай ҳайрон, ҳали уйқуси очилмаган ўттиз чоғли йигит йўлакда дилдираб турарди.

Бахтиёр саф олдидан қўлини орқасига қилиб юриб ўтди-да, ортига бурилди — ҳе йўқ, бе йўқ бошлаш осонмас! Қайтишида тўхтади, бир елкаси иккинчисидан пастроқ, бўш қопдай шалвираб, қунишибгина турган сепкилдор йигитни олдинга чиқарди, бундайроқ қараган шекилли, — ҳамманинг кўзида дўппослади. Хумордан чиққач тўхтаб, буюрди:

— На разведку марш! Бего-ом!

Ҳожатбарор Жора талмовсираб турган йигитни қўлидан тутди-да, силтаб тортди, каравотлар томонга итарди; товоқ тутиб ўрганган одамга ҳам яхши-да: товоқ бор, шунга яраша... топилса бас!

Йигит эмаклай кетди. Бахтиёр сафдагиларни каравотларга ўтиргизиб, сакрашни буюрди. Биноидай сакрашаётган эди, бир пайт кимдир бош тортди. Бахтиёрнинг имоси билан Жора ишбузуқини ҳозир қилди. Бу қозоқ йигит Қайрат эди.

— Нима, сенга касатса қимейдими?! — Бахтиёр унинг иягидан тутди. — Сакра!

— Жўқ! — Қайрат унга тик қаради. Бахтиёрнинг жазаваси тутди, юзи-кўзи демай дуч келган жойига мушталай бошлади — дабдала қилди.

— Эй-й, бола, кўзингни оч, ёмон бўлади омма! — Бахтиёр ғижинди. — Сакра!!!

— Жўқ!

— Жа-а борзийаканми?! — Жора у томонга ҳезланганда, Бахтиёр бармоқларни жуфт қилиб кўрсатди: «Хап тур!» Бахтиёр Қайратни ўз ҳолига қўйиб, ортига ўгирилди, навбатдагиларга буюрди. Буёғи силлиқ кўчди: ҳеч ким Қайратнинг ўрнида бўлишни истамасди. Ишини тугатиб, яна Қайратнинг олдига келди.

— Кечир, жўлдас, — дея Қайратни бағрига босди, ўпкаси тўлди. Шерикларига юзланди. — Биттанг шунга тегсанг... — жуда хунук гап қилди, шериклар сўзсиз бош эгдилар — тиллари қисик! Бахтиёр Қайратни бағридан бўшатиб, яхшироқ кўриб олмоқчи бўлди, бир одим тисарилиб, сўзсиз тикилди унга, сўнг Қайратнинг елкасига дўстона қоқди.

— Қайрат, мен минан оға-ини бўласанми? — жавобни кутмаёқ қўлини узатди. — Бешти таша!

Қайрат буриб каловлашиб турди-да, қўл ташлади... Отсиз чавандозга ўншаб қолган сержантлар қолиб, Қодирни — оддий аскарни янгилардан тузилган бўлинмага командир этиб тайинлашди. Рота командири мўлжалли бехато олди: қисмда ҳоқим мавқеъни эгаллаган «молодой»лар орасида Қодирнинг обрўйи баланд, ке-

йин унинг феълени яхши билади — «салабон»ларни имкони борича ҳимоя қилишига ишонади. Демак, ҳамма нарса меъёрида бўлади, ҳар хил кўнгилсизликларнинг олди олинади. Кейин... истасистамаса — шуларга ишониши керак энди, дадил-дадиллини ёнига тортмаса бўлмайди.

Қодир бўлинмасини емакхонага олиб кирганида, столда бўтқаю қора нондан бошқа ҳеч вақо қолмаганди. Ҳар кун шу аҳвол: Жора сал илгарироқ қиради-ю, тўрдаги столни «тузайди». Жаҳли чиқди: «Са-ал инсоф ҳам керак-да, энди!» Шарт туриб тўрдаги столга борди-да, бир сўз демай ликопчадаги сариёғ билан қандни олиб изига қайтди. Стол атрофидагилар анграйиб Бахтиёрга қарашди: у гезарганча ўтирар, жим эди...

Қодир ҳамон ўзига келолмас, крушка тутган қўли асабий титрар, хаёлан «Ҳом чорифингни қуритма» дея такрорларди, гўё шу билан ўзини тўхтатмоқчи эди. Бир пайт кимдир унга яқинлашган бўлди. Бошини кўтариб, шундоққина бурнининг тагида:

— Манови сенга экан! — деганча тиржайиб бир ликоп сариёғни чўзиб турган Жорага кўзи тушди.

Қодир даст ўрнидан туриб:

— Йўқол, ҳароми! — дея ёнидаги бўтқа тўла косани кўтарди, лекин отмади — увол. Тор таранг тортилди...

Ишдан қайтдилар. Кечки овқатга ҳали анчагина бор: Қодир йигитлар ҳангома қилиб сигарет тутатаётган шийпача томон юрди. Абдужаббор қизиқ-қизиқ гаплари билан ҳамманинг ичагини узмоқда эди, «Ажойиб бола!» — дея хаёлидан ўтказди Қодир даврага қўшилarkan.

Бир пайт Бахтиёр пайдо бўлди, авзойи бузуқ. «Қаттиқроқ гап эшитган шекилли» — дея ўйлади Қодир. Ишдан қайтишлари билан уни командир чақиртиргани ҳаммага маълум эди. У юриб келиб тўғри Қодирга рўпа-ра бўлди:

— Сен етказдингми? — деди ҳе йўқ, бе йўқ; қаҳрли тикилди.

Бу жуда хунук айблов эди, йигитлар ўтирган ерида қотиб қолишди: «Наҳотки?!» — Тўхмат таёғи зарбидан гангиб турган Қодирга тикилишди. Бахтиёр буни ўзича тушунди, шекилли, жирканиб қаради унга:

— Ялайвер-чи, бир нимали бўп...

Гапини тугатолмади, чаккасига тушган муштан гурс этиб қулади. Йигитлар енгил нафас олишди: «Ҳайрият, бу эмас экан-э!..»

Бахтиёр ўрнидан турди, жаҳлнинг зўрлигидан титраб-қақшаб гапирди:

— Сен нимага буларди ёнини оласан-а, нимага?

— Узимизи бир эсла...

Йигитлар хижолат бўлгандек бош эгишди. Бахтиёр унамади:

— Мени хор қилишган, мен баттар қиламан!

— Уй-й, инсон, — деб тутатди Қодир. — Сени хор қилганлар кетиб бўлди!

— Ҳаммаси бир гўр буларинг!

— Э, бор-э! — деб қўл силтади Қодир. — Билган...ингни емайсанми?!

Қодир бурилиб кета бошлади. «Мени — улар, мен — буларди... Чархпалак! Адоғи борми бунинг?! «Ёвузликка қарши зўрлик ила курашманг!» Ҳа, бир тарафи, сиз ҳақсиз, граф! Лекин...» — Мактабда Толстой дунёқарашининг чекланганлиги-ю, фалсафасининг кони зиёнлигидан ёниб гапирганлари, кекса ўқитувчисининг ўзига сирли жилмайиб қараганлари кўз олдига келди. Назарида бир жуфт кўз бўшлиқ ичидан унга сирли жилмайиб турар, у кўзларини яширишга жой топмасди...

Бахтиёр гапида турди: охириги бир йилни шоҳона ўтказди. Жора йўқни йўндириб ичкилигу наша топиб кел-

тирар, ақли тиниқлашган Бахтиёр хўрлашнинг, азоблашнинг теша тегмаган усулларини ўйлаб топарди...

Уша мудҳиш ҳодиса юз берган кун Қодир қисмда бетобланиб ётганди. Фожиа тафсилотини Қайратдан эшитиб билди. Ҳаммани топширилиш муддати яқинлашган иморат чаласини битказишга ташлашган, ит эгасини танимайди. Юқори қаватдаги хоналардан бирига кириб, энди Жора келтирган винони ичиб ўтиришганда, ўқишни битириб қисмга қайтган прапоршчик Кушнер кириб келган.

— Здорово, сынки! Как поживаем? Кайфуем, да?<sup>1</sup> — дея беозор кулган, кўришмоқ учун қўл узатган; мясига қон тепган Бахтиёр қўлидаги шиша билан унинг бошига туширган, «сынки» дегани ўтмишни эслатган-да, хумордан чиққунча тепкилаган... Қайратнинг айтишича, Кушнер ўзига-ўзи қилган: калтакни еб жим кетаверганда ҳеч нарса бўлмас эди. Оғзидан боди кириб, шоди чиққан: «...твою мать, чурка! Я т-тебя...» Бахтиёр пичоқ чиқариб унга ташланган, Кушнер балконга қочиб чиққан, у орқасидан... Кейин нима бўлганини билмайди, фақат қулаётган Кушнернинг жониқиб қичқирганини эшитган... Улар саккизинчи қаватда ўтиришган экан...

— ...Акс ҳолда чиқарилган ҳукм адолатга зид бўлади. Армиядаги маънавий қашшоқланишнинг илдизи...

— Аниқроқ гапиринг! — дея луқма ташлади ҳарбий суд раиси.

— Хўп бўлади! Стройбатдаги, аниқроғи, қисмимиздаги маънавий инқироз сабаби нимада? Бизга Ватан ҳимояси, фидойилик, қаҳрамонлик ҳақида гапиришадияю, қўлимизга курак тутқазишадия! Аччиғи келмайдими одамнинг?! Узини камситилган, иккинчи даражали одам ҳисобламайдими у?! Бунақа хизмат маънавий асосдан маҳрум, шунинг учун ҳам аламзада аскарлар орасида уставка зид муносабатлар, хўрлаш, зўрлаш авж олади.

— Узингизни шарманда қилманг, сержант! — Рота командири чидаёлмай ўтирган жойидан луқма ташлади.


— ...бу бошқаларга ёмон таъсир қилади, — дея берво давом этди Қодир. — «Онглилик, онглилик» деб кўп гапирасизлар, — Қодир офицерларга қаради. — Хизматнинг маънавий асоси бўлмагач, онглилик ҳақида гапириш кулгили эмасми?! Онглилик бўлмагач, бошқариш қийинлашади, шунинг учун ҳам аксарият офицерлар фақат «дед»ларга таяниб иш кўришга ўрганишган, демакки, расвогарчиликнинг бошида ҳам ўзлари...

— Тухмат! Бас қилинг! — деган ғазабли хитоблар ёғилди залдан. Судья кўнғирғини чалди:

— Иш юзасидан гапиринг, бўлмаса сўздан маҳрум қиламан!

— Судланувчининг ишини яхши биласиз, — Қодир трибунал аъзоларига қараб гапирди. — Агар ҳалол ёндашилса, жабрланувчининг қанақа одам бўлгани ҳам яққол кўринади. Шулардан келиб чиқиб айтаманки, судланувчининг ёнида ноқобил офицерлар, умуман, айтилган шароитнинг юзага келишига айбдор бошлиқларнинг бари ўтирмас экан, адолат номидан гапириш, ҳукм чиқариш бориб турган адолатсизлик бўлади. Бу шарт бажарилмас экан, мен Бахтиёр Узоқовни айблашга ўзимда маънавий ҳуқуқ сезмайман, шу боис айблов нутқидан воз кечаман! — Қодир қоғозларини олиб минбардан тушиб кетаркан, ўзига қадалган миннатдор, ҳамдард, ҳамфикр нигоҳларини туйди, ҳаммани бирдан қароғига жойламоқчидай қаради залга... улардан ўзини тортганига, кўпроқ холис томошабин бўлиб қолганига ўкинди... улар билан бирга, уларнинг ичида бўлиши зарур эканига имон келтирди...

<sup>1</sup> — Салом, ўғилларим! Аҳволлар қалай? Кайф қиялсизларми?!



## Сирождин Рауф



1966 йили Қарши шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика факультетида III курс талабаси.

## Армон

Уйғондинг,  
Рухингда гуллар очилган  
Ишониб киприклар тўқиган тушга.  
«Рост бўлса, аҳдига умр бер, ўзинг» —  
Ер бўлиб ёлбординг самандарқушга.

«Шамолдек елсам-у, пойини ўпсам,  
Кўксимга бош кўяр унут дард мисол», —  
Кўзларингда тинсиз айланаверар  
Райҳоннинг сувига тўйинган хаёл.

Умидни орқалаб, чопасан бахтли,  
Еллар йўл бўшатиб, ҳайрон боқишар.  
Қанотинг йўқлиги сўндирар шаҳдинг,  
Ҳар қалай, қувончинг узоқроқ яшар.

\* \* \*

Кўм-кўк майсалардан кўрпача тўшаб  
Қуёшни куйманиб чорлаган далам,  
Бағрингда яйрасам гўдакка ўхшаб  
Қалбимни тарк этар  
балки оҳ-нолам.

Еки тун зулматин эгнимга кийсам,  
Боқий сукунатнинг тутсам баридан  
Халос этарманми  
кўксимни бир дам

Севгининг муқаддас азобларидан?  
...Садақа тиллаган тиланчи каби  
Мен жавоб кутаман саволларимга,  
Жавобга очилмас тоғларнинг лаби,  
Дарёлар қайрилмас асло зоримга.  
Ноилож  
Жавобни ўзим излайман —  
Елвориб ўйларга:

«мени тинч қўйинг...»  
Хотирам деворин тирқишларидан  
Сизиб кираверар  
хаёлинг, ўйинг...



Муҳаммадали Қўшмоков

# ЯҒОНА ОЛАМ: ГҮРҮҒЛИ-ФИРКҮКҲ- ЧАМБИЛ

Ўзбек халқ достонларидаги гўзал, бой, мураккаб, бетак-рор гоёвий-бадиий оламни ҳосил қилишга ёрдам берган уни-версализм, айниқса, бугунги жаҳон адабиёти контекстида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ч. Айтматов, Г. Маркес каби жаҳоний нуфузга эга бўлган адибларнинг ҳаётни тасвирлаш усуллари билан танишар эканмиз, беихтиёр «Гўрўғли» шеърӣй эпопеясига хос кўпгина бадиий ўзига хосликлар эсга тушади. Чунончи, асотир, фантастика «Гўрўғли» достонларида бадиий оҳанрабо каби хаёлни ўзига тортади.

Чамбилнинг қандай пайдо бўлиши ҳақидаги ўринларни шу нуқтаи назардан ўрганиш кўп жиҳатдан мароқлидир.

Чамбил тўғрисида дастлаб Хизр «Гўрўғлининг тугилиши ва болалиги» достониде сўзлайди.

Хизр — мифологик персонаж.

Хизр ҳузуриде Гўрўғли ва Фиркўк бир косадан антахур мойи ичиб, соҳибқиронликка эришади. Антахур майи — фан-тастик тафаккур маҳсули. «Антахур майи — илоҳий май. Мажозий — ишқ-муҳаббат уйғотувчи май. Аслида сўфийлик талқини бўлса ҳам, фольклорда реал ҳаётни севиш кайфиятини ифодалаш учун ишлатилади» (Х. Зариф изоҳи).

«Антахур майи» тушунчаси сўфийлик таълимотидан аввал ҳам мавжуд бўлган.

«Антахур майи» — «оби ҳаёт» (шарбати зиндагоний), «Исо нафаси», «майи азалий», «майи ваҳдат», «майи муғона», каби ҳаётбахиликни ифодаловчи тушунчалар билан уйкашдир.

«Хизр — ҳикоя, афсоналардаги қаҳрамон номи, — дейди биз билан суҳбатда шарқшунос олим Абдусодиқ Ирисов. — Адабиётда Хидр сифатида келади. Луғавий маъносига кўра, у «яшил» деган маънони билдиради. Диний ривоятларга кўра, у — пайғамбар бўлган. Ҳатто манбаларнинг кўрсатишича, Хизр билан Илс иккови бир шахс. Тасаввуф аҳли наздида ҳар бир даврнинг ўз хизри, улуғ кишиси бўлади, у мавжуд ҳаётга ўзгартишлар киритади. У истаган вақтда кўриниб, истамаса кўринмайди. Диний ривоятларда келишича, у тангри динини халқ орасига ёйиш ниятида ишга киришиб, ўлмас-ликка эришган эмиш».

Техронда ҳижрий 1860 — мелодий 1981 йилда нашр этилган «Фарҳанги Амид» луғатида Хизр алайҳиссалом деб пайғамбарга айтилиши, у ҳазрати Мусонинг ҳамсуҳбати бўлганлиги, обиҳаёт ичганлиги — абадий умрга эришганлиги, гумроҳларга йўл кўрсатиши айтилади.

«Гўрўғли» достонларида Хизр қадам босган ҳар бир бадиий иқлим қадимдан эсиб турган фантастик шабадалардан яшнайдди.

Гўрўғли жуда кўп жойларда қаландардек кезиб, Фиркўкни излайди. Ую-хаёли, ўнгу туши — Фиркўк. «Тойим», деб фарёд айлаб, сарғайиб Гўрўғлининг юзи очилмайди». «Зор-зор йиғлаб, кўзи уйқуга кетганда» туш кўради: «қизил юзли, оқ дасторли, юзларидан нур томан нуруний бир гуруҳ одам атрофига йиғилиб келди. Буларнинг ичидан каттаси ўзининг хизматкори бўлган бир кишига қараб:

— Э, бобо Қамбар, шу бола тойининг ихтиёрини тилаб келган. Ҳамма муддаосини бергин! Ҳар нима бўлса, Гўрўғли-бекни ноумид қилма. Гўрўғлибек менинг фарзандим бўлди, — деди».

Худди шу туши давомида отларнинг пири — Бобо Қамбар Фиркўкнинг омон-эсонлигидан хабар беради. Гўрўғли мақсадага ўз меҳнати орқали — «ширин жонни сотиб» етишини уқтиради; бу туш замирида илоҳий ёрдам билан амалга ошадиган ҳеч қандай сир яширин эмас: -----

Умиди туш бўлиб кўзига кўринган ёш йигит хурсанд бўлиб, кучга кириб уйғонади:

**Фиркўкни мингандай бўлиб Гўрўғли,  
Юраги ёрилиб турди жойидан.**

Аmmo тушига кирган Хизр, отларнинг пири Бобо Қамбар унинг мушқулини енгиллаштирмайди.

**Кўхна дунё Гўрўғлини бўзлатти.  
Бора-бора куйиб, кул бўпти Гўрўғли...**

Гўрўғли Фиркўкни ахтариш жараёнида руҳан камолга етади, ўзини Ёзи, Фарҳод, Вомиқ каби қаҳрамонлар сафига муносиб кўра оладиган даражага етади. Ёш идеал қаҳрамон Фиркўкни «иқбол» деб таърифлайди:

**Гўрўғли айтар ҳолини:  
Фалак бузди икболини...**

Мақсад йўлида эътиқод билан курашиш, «фалак бузган иқболи»ни яна асли ҳолига келтириш унинг ҳаёт матлабига айланади. Тақдир қаршисида бўйин эгмаслик ҳислати фольклор қаҳрамони бадиий талқинидаги янгиликдир. Эсингизда бўлса, Сурхайил мастон алдаб-авраб маст қилгач, қалмоқлар томонидан зиндонга ташланган Алпомиш етти йил озодликка чиқмайди. Устидан «етти кўза захар» қуйилган Якка Аҳмад ҳам «тақдир» белгиланган муддатгача — Бахил пари «Хончорбоғнинг устида кўниб, одам суратли — бир барно қиз бўлиб» келгунгача тирилмайди. Фантастик аралашувдан кейингина:

**Жандаларин шпириб олди эйнидан,  
«Ё пирим», деб, Аҳмад турди жойидан.**

Шундай қилиб, фольклорга хос маълум муддат қаҳрамонни воқеалардан четлаштириб туриш шартли усули «Гўрўғлининг тугилиши ва болалиги» достониде истифода этилмайди, эпос драматизмини кучайтиришга хизмат қилувчи — Фиркўкни излаш мотиви моҳирона қўлланилади.

Кўрғон достончилик мактабининг ривожига Шарқ ёзма адабиётининг катта таъсири тўғрисида кўп уқтириб ўтилган.

Кўрғон мактаби намояндalarининг, хусусан, Эргаш Жуманбулбул ўгли, Раҳматулла шоир Юсуф ўгли каби халқ шоирларининг гоёвий-бадиий талқинидаги анъанавий дostonларда илгор Шарқ шеърятининг андозасини сезиш қийин эмас. Назаримда, Гўрўғлининг Гиркўкни ахтариши мотиви Мажнун, Вомиқ, Фарҳод образларидаги маъжозийлик билан муайян даражада ҳамоҳанг Гўрўғли — Гиркўк — Чамбил маънавий салосаси ҳам мажозий мазмунга моликдир. Бу мажозийлик кейинча киритилмаган, балки тугмадир. Мазкур ҳодисанинг сабабини эса эҳтимол, Гўрўғли — Гиркўк — Чамбил маънавий салосаси марказлаштириб турадиган анъанавий дostonлар туркумининг гоёвий-бадиий ҳомилиси Шарқ Уйғонishi юраги остида ҳосил бўлган ва дунёга келгани билан изоҳлаш жоиздир.

Аммо классик Шарқ шеърятисидаги мажозийлик билан «Гўрўғли» дostonларидаги мажозийлик ўртасига тенглик қўйиш керак эмас. Юқорида «ҳамоҳанглик» истилоҳини қўлаганимизнинг боиси шунда.

Гўрўғли Гиркўкни Шарқдаги жуда кўп мамлакатлар ва шаҳарлардан «ўтдай тошиб» излайди.

**Етиб борди энди Миср шаҳрига,  
Мисрнинг излади баланд-пастини,  
Тополмади кўнгилда ҳавасини.  
Кўрингандан етим тойни сўрайди,  
Гўрўғлибек унутганди эсини.**

У Мисрга, Маккага етганида ҳам, ҳожини бўлишни ўйламайди, балки Гиркўкни излашда давом этади, хаёлини хурофот эмас, ўз ҳаётини мақсадларини амалга оширишда йўлдош бўладиган энзот, хоназот тулпорини тезроқ топиш истаги банд этади. Гўрўғлининг Гиркўк ишқисида Мажнун, Фарҳод, Тоҳир сингари жўш-хўрушга кирган қалби нокаслар, жоҳил оломни, мутаассиблар муҳитига ўт қўяди, бу бадбин оламни инкор этади, шунинг учун «жинни» деган таънага ҳам дуч келади.

**Хўтан элнинг кўчасида сўрашдим,  
Сен — жиннисан, деса, тинмай курашдим, —**

дейди Гўрўғли.

Миср, Макка билан боғлиқ воқеаларни хотирлаб, Гўрўғли:

**Кўплар кулди, мен изза бўлиб кетдим,  
Овсарнинг тоғига ғайрат кин етдим, —**

дейди, бу ерда ҳам юксак қалб «мўмин бандалар» кулгуси — қаҳрига дучор бўлганини айтиб ўтади.

Гиркўк — Гўрўғлининг шундай эзгу муроди, бу юксакликка етишни йўлида ҳеч қандай тўсиқдан ҳайиқмайди. Идеал қаҳрамон ғурур билан айтадики:

**Хизир билан талаштирган Гиротсан.**

Албатта, бу ўринда Гўрўғли — Гиркўк — Чамбил учлигини ташкил этувчи тулпорни тарбиялаш жараёни бош қаҳрамоннинг ҳам камолга етиш жараёнидир. Шу жараён ниҳоясида бу иккисини марказлаштирувчи эпик ватан — Чамбил пайдо бўлади.

Гўрўғли — Гиркўк — Чамбил учлиги ҳақида ўйлаганда бошқа бир гоёвий-адабий салосани: Хазрат Али — Дулдул — Алининг қиличини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. (Бу икки салосани қиёсий ўрганиш алоҳида тадқиқотни талаб этади).

Хизр — «Гўрўғли» туркуми бадиий ривожини таъминловчи образлардан. У гўрда туғилган қаҳрамонни асраб қолади, Гўркўкни «ўғирлайди» — Гўрўғли тулпорини излаш мотиви шу воқеадан бошланади; қаҳрамон отини ахтариб, Кўҳи Қофдан топади. Лекин бу эпизод Гўрўғли тақдирини катта йўлни ҳосил қиладиган Кўҳи Қоф, кейинчалик унинг хотинлари бўладиган Юнус пари, Мисқол пари билан боғлиқ воқеаларга уланади. Еш қаҳрамон муҳаббат дунёси билан рўбарў келади. Оғзаки шеърини эпопеянинг ишқий-романтик йўналиши намён бўлади. Хизр ўз умрининг чошгоҳига етиб келган Гўрўғли ва Гиркўкни антахур майи воситасида соҳибкоронлик даражасига етказди. Гўрўғли ва Гиркўк образларининг фантастик фазилатларини ҳосил қилувчи бадиий асос яратилади.

Уша фантастик мазмунли мажлисда Соқибулбул соқий бўлиб, май берганда, Гўрўғлига мурожаат қилиб:

**Ёшлик қилмай, бу мажлисдан  
Муддаони катта тиланг!..  
Давлат тиланг, фарзанд тиланг,  
Тиланг, аллаёр-аллаёр, —**

дейди.

Гўрўғли қуйидаги муддаоларни тилайди:

**Мен сизлардан Гиркўк отни тилайман...  
Сизлардан сўрайман икки парини,  
Шул парини хотин қилсам бўлади...**

Парини хотинликка сўрашининг боиси кўнглида уларга нисбатан туғилган муҳаббатдир.

Гўрўғли фожией — трагик образ бўлиши шу нуқтадаёқ белги беради.

**«Армонли бўлдинг, Гўрўғлибек», — деб,  
Эр Хизр бобоси турди жойидан.**

Халқ ўз қаҳрамони — Гўрўғли зуваласини ўз лойидан ийлар экан, унга жанговар оти билан биргаликда қариш тақдирини, яъни бутун умри мобайнида ўзи эгарда, оёғи узангида бўлишни лойиқ кўради.

Албатта, ҳар қандай идеал қаҳрамон бадиий мағзини муболағавийлик ташкил этади, аммо Гўрўғлига бир асрдан кўпроқ вақт ичида «доим Чамбилнинг гули» бўлишни амр этган халқ иродаси ақл бовар қилмайдиган даражада муболағавийдир.

**Бир ёғи Аскардир, Ҳовдакнинг қўли,  
От чопса чанғийди Чамбилнинг йўли.  
Мажлисда сўзласин Соқининг тили,  
Тонг отгунча мажлис бергин, Гўрўғли!**

**Бек бўлиб мингайсан отинг толмасин,  
Ҳазола кун белга бойлаб олмасин.  
Эса отинг қолсин, зотинг қолмасин  
Дунёдан зурёдсиз ўтгин, Гўрўғли!**

Бинобарин, Гўрўғли образи моҳиятан охиригача босиб туриб қўйиб юборилган пружина каби шиддатга тўлуғдир ва бу бетийиқ шиддатни секинлаштириш уни сохталаштиришдан иборат бўлар эди.

Мазкур фантастик эпизодда — Хизр даврасидаги суҳбатда Чамбил тўғрисида ҳам сўз бўлади.

**Хукуматли тилинг бўлсин, Гўрўғли!  
Чамбил, Чортоқ элинг бўлсин, Гўрўғли!  
Ёв олмасин, қиёматда сув олсин...**

Бу, қиёматгача — дунё тургунча завол билмайдиган Чамбил қандай мамлакат бўлди? Бу утопик мамлакатни Хизр ўз сўзида шарҳлаб бермайди. «Гўрўғли» дostonлари силсиласи давомида Чамбил адолат, тинчлик, меҳнат, тенглик, биродарлик ўлкаси сифатида бадиий жонланади. Бу ҳодисани бадиий, фалсафий, сиёсий нуқтаи назардан ўрганиш ҳануз келгусидаги вазифалардан бўлиб келмокда.

Хизр Гиркўкка юз йигирма беш ёшни каромат қилади:

**Юз йигирма бешга кирсин Гиркўкинг,  
Икковгинанг бирдай қари, Гўрўғли!**

Аммо Гўрўғлининг ўлимга бағишланган «Шаҳиднома» деб аталган дostonлардан маълумки, Чамбил ҳам Гўрўғли ва Гиркўк билан биргаликда оламдан кечади, қиёматгача — дунё тургунча заволга юз тутмайди, деган башорат тўғри бўлиб чиқмайди.

Чамбилнинг пайдо бўлиши ва унга от қўйилиши билан боғлиқ воқеалар ҳам илк марта дostonнинг шу эпизодида баён қилинади.

«Ёвмит элингда, тоғнинг пастидан бир шаҳар пайдо бўлади, — дейди бобоси. — Бу шаҳарни қиёматгача ёв ололмайди, қиёмат бўлганда, сув олиб кетади».



Бу, албатта, фантастика. Аммо бу фантастикани бадиий асословчи тафсилотлар дostonда келтирилмайди. Хизр Гўрўглига қуйидагича уқтириш билан чекланади: «Пайшанба кунни кечқурун, жума оқшоми пешин вақтида бир талатўп гала-гул шовқин бўлиб, ерларни симобдай эритади, ерлар қимирлаб кетади... Шу кунни, шаҳарнинг ичиди бир мажлисхона бино бўлади, ҳамма одамлар йиғилади, мажлис бўлади. Соқибулбул сўзни айтиб, сoзни чалади, соқий бўлиб майни ҳаммага бўлади; қўрғонингга от қўйилади. Соқибулбул нима деб от қўйса, шаҳарнинг оти шу бўлади. Соқибулбулнинг айтгани айтган, билгани билган, қилгани қилган бўлади».

Аммо дoston воқeалари давомида Хизрнинг айтганлари гоийбнинг қудрати воситасида эмас, фантастик кучлар — девлар кўмагида амалга oшади. Раҳмат пари билан Қария пари — Юнус парининг ота-онаси маслаҳатлашиб:

**Катта дарё тўлиб-тошиб турсин,  
Юнус кизим тейганиман карисин,  
Яхши ҳовли, яхши ватанлар қилсақ,  
Вой аттанг-а, кўнгилсизлик қурсин, —**

деган қарорга тўхтадилар. — Ана энди Раҳмат парига бу гап хуш келиб, ҳар ранг усталарни йиғдириб, ҳовли, иморат, гул томларини қилдириб, Юнуснинг кўнглини тўлдириб, ҳар иморатлар қилди, устунлари пўлатдан, вассалари зумраддан, машғаллари ёқутдан, нақшлари марвариддан, қирқ эшикли маслаҳатхона том қилди. Қирқ қатор хўжра қилди. Иморат ҳеч ақлга тўғри келмайдиган бежой яхши бўлди. Беш юз тевахона қилди. Уч юз тўпхона қилди. Икки юз саксон ошхона қилди. Тўқсонта мол сифадиган қўшхона қилди. Икки юз ўттиз битта мирзалар битадиган ишхона қилди. Яна қизлар ўқийдиган бир мактабхона солди. Энди қайси бировин айтилик, подшоликда даркор нарсанинг бари бўлди».

Қария пари дев, париларга бир подшоликка етарли мана шунча нарсани Ёвмитга бешикаст етказишни буюради:

**Ҳар қайсингиз даркорлигини кўтаринг,  
Неча тоғдан ихлос уриб ўтқаринг,  
Ёвмит элга пошшоларинг етқаринг!  
Қизик қилиб Юнусжоннинг тўйини,  
Беш-олти кун юриб тўйни ўтқазинг! —**

Юнус парининг тутинган акалари, Гўрўглининг қайноғалари — Ҳасан Қўлбар, Ҳасан Чопсон, Яқдаста ҳам воқeалар оқимига келиб қўшиладилар. Қария пари уларга дилдорлик кўреузиб:

**Ҳасан Қўлбар, Ҳасан Чопсон, Яқдаста,  
Юнус кетса, мен бўларман бекарор,  
Ўзинг бўлгин Юнусжоннинг акаси! —**

деб ўтинади. Қария парининг кўнглидаги иш бўлади. Бири-биридан гўзал фантастик манзараларни тасвирлайди бахши:

**Ҳасан Қўлбар, Ҳасан Чопсон, Яқдаста  
Беш юз пари билан бирга узалиб,  
Жўнайверди Така Ёвмит юртига.**

**Қулок солинг гапнинг ёлғон ростига:  
Ҳовли, иморатларини, ёронлар,  
Кўйиб олди Ҳасан Қўлбар устига.**

Халқ даҳоси фантазия кучида жуда ёрқин намоён бўлади. У Юнус парини канизлари, кузатувчилари билан биргаликда, шунингдек, унга аталган бир подшоликка етарли ҳовли-жойни Қўҳи Қофдан Така Ёвмитга учуриб етказишни тасаввурга келтиради. Мислсиз, лекин равшан ҳаёлот!

Лекин шу қадарли — ҳаёлни танг қолдирадиган лавҳаларни бадиий жонлаштириш пайтида ҳам халқ шоири ўзининг асосий мақсадини — оширку маъшуқанинг алангаланаётган қалбини, уларнинг интизор муҳаббатини унутмайди:

**Гўрўглибек париларнинг тилида...**

Бу мисралардан сал кейинроқ, Гўрўглининг Юнус пари ҳажрида ўртанаётгани акс этган қуйидаги сатр келади:

**Йигит куяр дилбарининг хилига...**

Халқ шу тариқа муҳаббатнинг бунёдкорлик қудратини бадиий тасвирлайди. Гўрўгли ва Юнус пари муҳаббати сабаб бўлиб, Қўҳи Қофдан Така Ёвмитга само орқали келин туширилади: халқнинг оширку-маъшуқанинг мурод-мақсадга етишуви ҳақидаги азалий орузуи ижтимоий масалалар билан — ўз ҳаётини яхшилашга ёрдам берадиган техник кашфиётларга эҳтиёжмандлиги билан узвий равишда чатишиб кетади.

Бир мамлакат учун етарли кўч билан келаётган Юнус пари самовий карвонини халқ ва унинг истеъдодли бахши-си ғоят аниқ тарзда кўз ўнгига келтиради:

**Ой Юнуснинг бу ҳайбат-ҳашаматига  
Туман тушиб қолди Ёвмит элига.**

Ҳасан Қўлбар ва Ҳасан Чопсон ўз ишларини тартиб, маҳорат билан бажарадилар:

**Аста-аста бу фалакдан эндириб,  
Тушлик ёқдан Юнусжоннинг ҳовлисин,  
Ҳасан Чопсон хатларини ўқиди,**

**Хатин ўқиб, ёзгандай кип кўндирди...  
Яхши қилди ҳовлисима жойини...**

**Ҳасан Чопсон хўп ўхшатиб нақшлади...**

Айтиш жоизки, пайдо бўлган бу «работ қалъа» Чамбил эди. Аммо ҳозирча унга от қўйилгунича йўқ. Шаҳарга, мамлакатга от қўйилиши учун унинг одамлари маънавий жиҳатдан тайёр бўлиши керак. Гўрўгли ва Юнус пари оила қурғач, бундай тўқислик юзага келади.

Кўрғон мактаби дostonчилари, жумладан, Жоссоқ шоир, унинг шогирди Пўлкан шоир Юнус парини Гўрўгли билан биргаликда Чамбил мамлакатининг маънавий тўқислигини таъминлайдиган образ сифатида бадиий жонлантирганлар. Қуйидаги тасвир ҳам худди шундай деб ҳисоблашга асос беради:

**«Умригинанг узок бўлсин, келин», деб  
Ой Зайдин никобини олди юзидан.  
Ой Зайдиннинг гулдайн ранги сўлди,  
Чиройи четилиб, қадди букилди.  
Юнусжоннинг юзин кўриб ой Зайдин  
Бехуш бўлиб бирдан ерга йикилди.**

Ҳар қандай шоҳ асарнинг гултожи бўла оладиган коллизия, драматизм! Гўзалликни идрок қилишдаги бу қадар бадиий теранлик фольклор ва классик адабиёт бағридаги Мовароуннаҳр — Кўрғон дostonчилики мактаби учун хосдир.

«Гўрўглининг туғилиши ва болалиги» дostonига ва, умуман, бутун наслий туркумга Юнус парининг кириб келиши билан Гўрўгли маънавий муҳити шаклланиб улгуради. Буни Кўрғон дostonчилари чуқур билганлар.

Айни ҳақиқатни Пўлкан шоир қуйидагича бадиий таъкидлайди:

**«...келган хотинлар маст бўлиб, Юнуснинг олдидан кетгиси келмай қолди. Эри, бола-чақаси эсдан чиқиб кетди. Ана энди Гулқиз Юнусни далага олиб чиқиб маслаҳат қилди:  
— Ҳеч буларнинг кетгиси келмай қолди. Энди гап қандай бўлди? — деди, Юнус айтди:**

**— Буларнинг бола-чақасини олиб келтиришлик даркор. Энди бориб ёппа-ёвлик айтиб келавер! — деди. Ой Зайдин ҳам ўлзи подшонинг қизи эди. Илми сипойшарчиликни билар эди. Энди ой Зайдин билди, Ёвмитга давлат келди. Ой Зайдин каниз Чиннихонга айтди:**

**— Замон энди бошқа замон бўлди. Бориб хўп тайинлаб айтнинг, юртга эга келди, — деди».**

«Келган янги замоннинг» асосий мазмунини янги маънавий камолот соҳиблари — Гўрўгли ва Юнус пари ўзида мужассам этади. Улар сабаб ўлароқ эпик утопик Чамбил — мустақил ва бедахл Ватан гуллаб-яшнади, ватанпарварлик, инсонпарварлик, дўстлик қарор топади, бундай ижтимоий-маънавий қадриятлар идеал мурод-мақсадларни амалга ошириш йўлида қилинган меҳнат натижасида шаклланади. Фантастика қобиғидаги ҳаётини эҳтиёжлар бадиий ёрқин жонланади. Меҳнат ва қаноат Гўрўгли, унинг муҳити учун хос фазилатлар бўлиб қолади.



Гўрўғли ва Юнус пари муҳаббати бутун дostonлар силсила-сини тугиб турувчи маънавий устунлардан. Бу муҳаббатнинг талқинида фантастик бўёқлардан кенг фойдаланилса ҳам, унинг моҳияти соф инсоний ҳис-туйғулардан иборатдир. Чунончи, Гўрўғли Юнус парини ахтариб йўлга чиқаетганида, кўз ўнгидан ёрининг сиймоси ўтади: «... ой Юнуснинг бодом қовоқлари, бўланинг кўзидай кўзлари, шакардан ширин сўз-лари, хол ярашган ойдайгина юзлари... Гўрўғлининг ёдига тушиб, ўлари кўзига кўринмай, ҳар кўзи йўлбарсининг кўзидай бўлиб, ҳар тарафга қараб, бир сўз айтаётгани:

... Билмайман кай ерда ой Юнус пари,  
Қачон кетар юрагининг губори...  
Юнус пари, кайтай, давлатга лойик...  
Ёвмит элга келсин Юнус паризот...

Муҳаббат можаролари тасвиридан сўнг Гўрўғли ва Фиркўкнинг қудратини бадиий қабариқ ҳолда намоян қилган воқеалар бошланади. Фиркўк Тўхтамиш девнинг кўзини кўр қилади. Қора девнинг қулогидан тишлайди, «туёғиман тўбасига муш-лайди», «Девлар олти оёқли бало» келибди, деб қочади. Фиркўкнинг товушини эшитиб, Гўрўғли хуш бўлиб, яширинган жойидан чиқади, ўткир ханжарни белига бойлайди, олмос найзасини қўлига олади.

Шу ўринда воқеага, анъанавий дoston сюжетининг шакл-ланишида муайян аҳамият касб этган фантастик персонаж — Самандар дев келиб қўшилади. Дарвоқе, персонажларнинг анъанавий дostonлар миқёсидаси иштирокини уларнинг харак-тер мантиқини ёрқин мужассамлаштирадиган равишда бедахл, табиий таъминлаш Кўрғон дostonчилик мактаби муҳити учун типик хусусиятдир. Гўрўғли Самандар девнинг жунини тута-тади ва у: «Биз худога даркор бўлибмиз» деб кунжуртни синжит дегунча Бало тоғдан етиб келади. Гўрўғли зўр суян-чиққа эга бўлади. Самандар дев ўзининг биз учун таниш хуро-фий «фалсафаси»ни бу ерда ҳам сўқади, девларни ваҳимага солиб, Гўрўғли душманларини саросимага тушириб қўяди. Шундай қилиб, Самандар дев «Юнус пари» дostonи сюжетида муҳим бадиий аҳамият касб этади, қарама-қарши кутбларни яққолроқ кўришга восита бўлади. Дарвоқе, хурофий ақл кел-тирадиган даражада зарарни ҳеч қандай душман еткази олмайди. Хурофий ақл тўқиган ваҳималар соғлом ақл назари-да кулгели, аянчли бўлса ҳам, улар ўз «муҳити»да қудрат касб эта олади. Бинобарин, нодон дўст қилган иш ақлли душ-ман қўлидан келмайди.

Соғлом ақл мантиқига кўра, Самандар дев балога қарши-лик кўрсатишга даъват этиши, ўз қаватидаги девлардан куч олиб, «олти оёқли худою унинг балосига» ҳужум бошлаши керак. Аммо, хурофотга берилган ақлнинг шарти шундайки, у қаршилик кўрсатмасликка чақиради, тақдирга тан беради, маънавий ва ижтимоий қулликни беихтиёр равишда ёқлайди. Самандар дев ҳам жанговар дўст эмас, маънавий қул сифати-да иш кўради:

#### Ўлдиришлар, қилинган жоннинг ҳийласин!

«Жоннинг ҳийласин қилиш» — маънавий жиҳатдан ўлиш эвазига жисман тирик қолиш — дину хурофотнинг тантанасини таъминловчи шартдир. Мудҳиш, инсонни ҳақоратловчи шарт! Шунинг учун ҳам халқ асрлар давомида бу машғум ғояга қарши: «Тиз чўкиб яшагандан тик туриб ўлган афзал!» деган шiorни олға суриб келган.

Халқ девларнинг қора куч сифатида ҳаракат қилишининг сабабини уларнинг хурофотга берилганида деб тушунади, яъни ўз салбий эпик персонажларига ташқи томондан эмас, балки ички — маънавий жиҳатдан ёндошади. Қажрамон-лик эпосида, чунончи, «Алломиш» дostonида қалмоқ алпларининг ташқи қиёфаси муболағали тарзда ишланган эди. Гарчи унда маънавиятга тегишли ишоралар мавжудлигига қарамай, ёвуз душманнинг ички моҳияти руҳий тадқиқ қилин-маган эди. Кўрғон дostonчилик муҳитида, қажрамонлик эпо-сидан кейинги — ишқий-романтик дostonлар муҳитида руҳий тадқиққа эҳтиёж яққол сезилади. «Юнус пари» дostonида Самандар ва бошқа жами дев, «Ҳасанхон» дostonида арвоҳ ва руҳ ҳақидаги уйдирмага ишониб чув тушган ваянганлик-лар тасвири ана шундай сифати — халқ дostonчилиги муҳи-тида қора кучларнинг ички маъносини равшан бир тарзда жонлантирувчи бадиий янгилги билан эътиборга молик.

Бинобарин, эпос тараққиётидаги янги босқич — ишқий-романтик дostonлар ўзида бетакрор, даврий хусусиятларни мужассам этади. Ишқий-романтик дostonлар сарчасмасин бўлмиш Кўрғон дostonчилик мактабининг бобокалони — Ёдгор бахшидан бошлаб, унинг сўнги вакили, замондошимиз Раҳ-матулла Юсуф ўғлигача бўлган жуда кўп вакиллари-ни алоҳида тарзда, сўнг эса, ҳаёлан биралликда тасаввурга келтирасак, улар ягона симфония сифатида кўз ўнгимизда гавдланади.

Бундай улғувор симфониюни ҳосил қилувчи ғоявий-бадиий асослар теран ва бақувват илдизларга эга. Айни пайтда эъти-боримизда турган Чамбил улардан биридир.

«Гўрўғлининг туғилиши» дostonида Хизр башорат қилган воқеа рўй беради. «Соқибулбул сўзни айтиб, созни чалади», кўрғонга от қўяди:

Гўрўғлибек эга бўлсин Чамбилга,  
Бу элнинг отини кўйдим Чамбилбел!  
Чамбил-Чортоқ жойинг бўлсин, Гўрўғли!  
Юнус пари ёринг бўлсин, Гўрўғли!

Гўрўғли шу тариқа бағри бутун бўлиб, Фиркўк тулпорига, Юнус пари ёрига, Чамбилбел ватанига, «эл билан баиттироққ подоболик»жа (Пўлкан шоир ибораси) эришади. Аҳмадбек қувониб, Гўрўғлини қутлайди, мана унинг сўзлари замиридаги янги замонга хос белилар: а) поштонинг бошига эл йиғилиб жиға санчиши; б) унда атаб ҳаёнда ҳам тошмай-диган кўрғон солиниши; в) Чамбил юртининг бунёдга келиши; г) похтақтнинг барпо бўлиши; д) идеал қаҳрамон тўй ва шону шавкатга муносиб эканлиги; е) Гўрўғли Соқибулбулдек маслаҳатчи ва ҳамкор топиши; ж) Юнус парига уйланиши, шунингдек, Аҳмадбек сўзида учрамайдиган, лекин бутун дoston воқеалари ривожидан аён бўлган уч қудратли маънавий куч: Гўрўғли — Фиркўк — Чамбил бирлигининг шаклланиши. Бинобарин, «Юнус пари» анъанавий дostonи сўнгида «Гўрўғли» туркумига хос ғоявий-бадиий муҳит шаклланиб улғу-ради. Пўлкан бахши уқтирганидек, «Замон, замон — Гўрўғлиники», деб жарчи қичқиртди». Шу жумлада «Гўрўғли-нинг туғилиши» ҳамда «Юнус пари» дostonларининг бадиий хулосаси мавжуд.

Гап келганда, Чамбилнинг пайдо бўлиши билан боглик башорат ҳамда унинг вужудга келишидаги амалий ҳолатла-рининг қанчалик мутаносиблиги тўғрисида айрим кузатишлар-ни баён қилиб ўтмоқчи эдик.

«Гўрўғлининг туғилиши» дostonида Хизр Чамбилни каро-мат қилган эди. Аммо, кўраётганимиздек, бу каромат ғойиб кучлари ёрдами билан эмас, дев, парилар парвоз қилиб, Юнус парининг анжом, ҳовли-жойларини кўчириб олиб келиниши тарзида бадиий амалга оширилади. Бу ечим ғоя-вий-бадиий жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик. Аввало, унинг замирида халқнинг даҳосини ҳаракатлантирувчи куч — улғу эътиқод эканлигини кўрсатувчи далил мавжуд. Халқ ҳамшиша ўз ақли, туйғусини эътиқод йўриғи билан юргизади ва уларни шу тариқа камолга етказади. Эътиқод тарбиясини кўрмаса ақл жамият учун зарарлидир. Халқнинг эътиқоди адолат, ҳурлик, тенглик, ободлик, фаровон ҳаёт, зулмдан озоод меҳнат орзусидан иборат бўлган. Мана шу эзгу мурод-мақсадларнинг эпик мужассами Чамбилнинг ақлу за-коват ёрдамида бунёдга келтирилиши ва Боғи Эрамдан парвоз қилган ҳолда — ҳеч бузмай, шикаст етказмай кўчи-риб келтирилган кўрғон, мажлисхона, ҳовли-жойларнинг халқга кўрсатилганидек қилиб ўрнатилиши жараёни «Юнус пари» дostonида моҳирона тасвирланганига гувоҳ бўлдик.

Чамбилнинг қандай пайдо бўлганини шарҳловчи яна бир бадиий талқинни Фозил Йўлдош ўғли куйлаган «Балогардон» дostonида учратамиз:

«Илгари бу ер чангиган бел эди. Бун «Чортоқли Чамбил», дер эди. Гўрўғли янги чиққан вақтида, икки хоннинг чегараси эди. Чортоқли Чамбил деган — Гўрўғли тўрт айри кўйиб, устига гилам ёйиб, чортоқ қилиб соясида турар эди. Шунда ўтган савдогарларнинг молини қайтариб бож қиларди... Ҳар мамлакатдан одамлар келиб, қўшилиб кўпайиб кетган эди, Юнус, Мисқолни олгандан кейин Чамбил қалъасини солдирган эди. Ундан кейин теварагига халқ ўрнаб, кўпайиб, Чортоқ-ли Чамбил обод бўлган эди».

Бинобарин, Пўлкан шоир ва Фозил шоир бадиий талқин-ларида ўзига хосликлар, фарқлар мавжуд бўлса ҳам, Гўр-

ўғли — эпик қаҳрамон образи моҳиятини белгилашда муштараклик яққол. Ўзбек халқ шоирлари Гўрўғлини халқ қаҳрамони — озодлик, адолат курашчиси, Ватаннинг қурувчиси ва ҳимоячиси, бунёдкор инсон — Чамбилни барпо қилган. эзилганларнинг бошини қовуштириб, уларни эркин ҳаётга муяссар этган, ариқлар қазиб, сув чиқариб, юртни обод қилган меҳнаткаш сифатида тасвирлайдилар. Чамбил қалъаси Гўрўғли этикоиди, иродаси натижаси ўлароқ бунёдга келтирилганлиги — бу, идеал қаҳрамоннинг ижтимоий маънавияти — бунёдкорлигини яққол ифодалаши нуқтаи назаридан ғоят муҳим эпизоддир.

Дарҳақиқат, Чамбилнинг бунёдкори ғойиб кучлар эмас, балки ер фарзанди, инсон — Гўрўғли, деган ғоя дostonлар силсиласи бўйлаб бадиий намоён бўла боради. Мазкур ҳодиса ўзбек, туркман, озарбойжон, тожик гўрўғлиномаларида ҳам хосдир. Шу ўринда Усмон Маматқул ўғли айтган «Шоҳдорхон» дostonида «юртнинг саломатлик меҳнати» раҳнамоси сифатидаги фаолияти Гўрўғлини маънавият қаҳрамони рутбасида яна ҳам теран идрок этиш учун имкониёт яратади. Гўрўғли ва юртнинг ҳаммаслақ, ҳамкорлиги айниқса, диққатга сазовор. Гўрўғли расмий соҳиби — подшоси йўқ халққа маънавий раҳбар бўлади, «юртнинг саломатлик меҳнати»ни йўлга қўяди, чўлистонда шаҳар бунёдга келади, етимлар, ғариб-бечоралар биргаликда ариқ қазийди, шаҳар қалъаси, қўрғонини қуради, «тилсим суратда»ги «бир улуг шаҳар»ни барпо этади. Гўрўғли яшаётган ижтимоий муҳитнинг вакиллари юрт камбағаллари, етим ўғиллари, ғариб-бечоралар — демократик унсурлардан иборат бўлгани каби, уларнинг ўзларида бошиқ сайлашлари ҳам демократик руҳда амалга ошади. Чамбилни бунёдга келтиришда ва қуришда энг бообрў сиймо бўлмиш Гўрўғли «юрт ихтиёри билан» бек қилиб кўтариллади. Бу утопик саҳна Фозил Йўлдош ўғли айтган «Рустамхон» дostonида Тоғай ва унинг одамлари билан боғлиқ воқеаларни маълум даражада эслатади.

Гўрўғли образида халқнинг дунёқарашини, ижтимоий этикоидидаги тадриж яққол намоён бўлади. Халқ гўрда туғилган, чўпоннинг қўлида тарбияланган етим Гўрўғлини бутун бир шеърый эпопеянинг бош қаҳрамони қилиб танлайди. Бу ўзбек дostonчилиги муҳитидагина эмас, жаҳон фольклори миқёсида ҳам янги ҳодисадир. Идеал қаҳрамон сиймосида муяссамлашган мазкур теран драматизм халқ бадиий даҳосининг абадий ва ҳар бир даврда долзарблигидан далолат. Маздак, Кова, Маҳмуд Торобий, сарбадорлар, сонсиз-саноқсиз халқ қўзғолонлари тимсоллари халқ бадиий тафаккурда марказлашгани, ҳаёт ҳақиқати эпик ҳақиқатга айлангани табиий. Лекин бу пайтгача эпик ҳақиқат кўйла керакли даражада кенг қамраб олинмаётгани сабабли, унинг чинакам ижтимоий аҳамияти тўла-текис идрок этилмапти, деб айтиш мумкин.

Гўрўғли таржимаи ҳолига доир маълумотлардан аёнки, бу, идеал қаҳрамоннинг ота-ониси ватанидан жудо этилган, камситилган кишилар бўлган, яъни синчи Равшан, унинг хотини Биби Ҳилол, гўрда туғилган болани тарбиялаган чўпон Рустам демократик муҳитнинг вакиллари эдилар.

Гўрўғли халқ некибинлигининг, мустабид феодализм қўрғони тош деворларига урилиб чил-чил бўлса ҳам, яна қайтадан оёққа туриб, кураш майдонига кираётган демократик мурод-мақсадлари, халқ руҳининг мислсиз қудратини чинакам бадиият асосида — муболага кўзгусида намоён қилувчи образдир. Муболага негизини ташкил қилувчи ҳаётий ҳақиқат теранлигини қаранеки, синчи Равшаннинг ёри Биби Ҳилол Шоҳдорхон зулмига дош бера олмай ўлади (худди шу нуқта Пўлкан бахши талқинида суйайтирилгани афсусланарлидир), фольклорда, халқ дostonларида ёр қандай маънавий мавқе тутишини яхши биласиз: у фақат қаҳрамоннинг эмас, балки Ватаннинг, эл-юртнинг номус-ори сифатида намоён бўлади, эпос коллизиясини ҳосил қилади. Демак, Биби Ҳилолнинг Шоҳдорхон зулми таъзиқи остида ўлиши — Така-Евмит диёрининг энг эзгу маънавий бойликлари гўрда тиқилиши билан баробар эди. Аммо халқнинг маънавий қудрати қиш изидан келувчи баҳор сингари мўъжиза яратишга қодирдир: ўлик Биби Ҳилол гўрда ўғил туғади... Шундай қилиб, «Гўрўғли» сўзининг луғавий маъносини ҳосил этувчи ижтимоий замин бутун миқёси билан намоён бўлади. Гўрўғли — эл-юртнинг номус-ори бўлмиш аёл, ёр, она — «ор билан оламдан ўтган Ҳилол»нинг гўрда туғилган ўғлидир, аждоднинг, зулм қўли билан лаҳадга тиқилган — чириб йўқ бўлишига маҳкум бўлган умидларининг ўлмаган жони, халқнинг юрагидаги

имонидир. Гўрўғлининг туғилиши билан боғлиқ бир неча бадиий талқинлар мавжуд. Чунончи, улардан бирида Биби Ҳилол кўпик ютади, шундан сўнг у ҳомиладор бўлиб, Гўрўғлини туғади. Бу, албатта, идеал қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилишига доир қадимий тасаввурлардан. Аммо Қўрғон шоирлари мазкур қадимий-мифологик бадиий талқини янгилайдилар, халқ қаҳрамонининг пайдо бўлиш тарихини ҳаётий, демократик майларни сарҳисоб қилувчи ғоявий-бадиий босқичда турган ҳолда тасвирлайдилар. Улар Гўрўғлини оддий одамлар — синчи Равшан ва Биби Ҳилолнинг ғойибнинг кучларида тобе бўлмаган — инсоний муҳаббати меваси сифатида кўрсатадилар.

Гўрўғли ва Чамбил ҳақидаги халқ тасаввури теран демократик мазмунни ўзида муяссам этган. Идеал қаҳрамон ва унинг Ватани тўғрисидаги халқ этикоиди ва орзуси аниқ, қўйма, айна пайтда, идеал пардага ўралган ҳолда тасвирланган. «Гўрўғли» сўзининг маъноси «гўрда туғилган ўғил» деган мазмун билан чегараланмайди. Гўрўғли ва Чамбил номлари халқ дунёқарашининг демократик шиддатини, барча эзгу мурод-мақсадларининг энг юксак нуқтасини ўзида аён қилиб туради. Уларда эзувчиларга, босқинчиларга душманлик, меҳнаткашларга дўстлик, раҳнамолик намоён. Гўрўғлининг гўрда туғилиши ҳодисасида халқнинг некибинлиги яққол акс этган. Яъни, Гўрўғли аждодининг лаҳадга тиқилган орзу-армонлари бағрида туғилади ва йўқлик зимистонига қамалган умидларни қўёшдек юксалтиради. «Чамбил» сўзининг луғавий маъноси эса, — юқорида «Балогардон» дostonидан келтирилган мисолда кўрганимиздек, — «камбағал юрт»нинг «чочилган халқ»ни «жамлагани учун тилсим суратидаги бу улуг шаҳар»нинг исми «Чамбил» бўлади, яъни у «жам» «бел»-жамбел тарзида пайдо бўлган. Бинобарин, Чамбилнинг — утопик пойтахт ва мамлакатнинг луғавий маъносидаяқ «Гўрўғли» эпопеяси ғоявий моҳиятини ташкил этувчи демократик йўналиш ўз тажассумини топган.

«Гўрўғли» дostonида Чамбилни аниқ, ҳаётий, ишонарли тарзда киши кўз ўнгига келтирувчи эпизодлар мавжуд. Жумладан, Усмон Маматқул ўғли айтган «Шоҳдорхон» дostonида Чамбилнинг беандоза, гўзал қилиб бунёд этилгани ишонарли тасвирланган «Чамбилни ҳар бир кўчасидан кирган киши шаҳарни ўттиз икки марта айланмасдан ўрта бозорга етмас эди. Намозгарда кирганича қуни билан йўл бошлаб, тонг отди. Уч пой остонадан ўтиб, Гўрўғлининг ҳузурига етар эди».

Адир пастига қурилган бу шаҳарни, «Гўрўғли» дostonларидаги сифатлар асосида тасаввурга келтирсак, ҳақиқатан ҳам, мислсиз бир макон кўз ўнгисизда жонланади. «Гўрўғлининг туғилиши ва болалиги» дostonида Чамбилнинг ибтидосини кўрган бўлсак, «Шоҳдорхон» ва бошқа асарларда бу азим шаҳарни камолот нуқтасида учратамиз.

Исломо шоир куйлаган «Гулихиромон» дostonида «Чамбил» сўзининг луғавий маъноси ўзига хос тарзда талқин этилади: «Бир белнинг устига бир чам деган дарахт пайдо бўлиб, шу тўғридан Чамбил овозаси кетди». Демак, чам (дарахт номи) ва «бел» — адир сўзлари қўшилувидан, қадирдаги дарахт деган маънода «Чамбил» сўзи ҳосил бўлади.

«Гулихиромон» дostonида Чамбилнинг жўғрофий ўрни «Евмитнинг элида», «Бухоронинг қибла» томонида деб кўрсатилади.

Шомурод бахши Тоғаев бизга парчалар куйлаб берган «Шаҳиднома» дostonида айтилишича, (Тошкент, 7 июль, 1987 йил) Чамбил «шаҳри аро қарвонсарой» бўлиб, унинг атрофида Сулдуз, Бало, Бадбахт, Асқар тоғлари ва Бешбулоқ дашти мавжуд.

«Гўрўғлининг туғилиши» дostonининг туркман бахшиси Худойназар Жума ўғлидан ёзиб олинган бобида: «Қадим замонларда Чандибек деган бир юрт бор эди. Ул юртда баланд-баланд тўрт тоғ бор эди. Ушанинг учун уни Чортоқли Чандибек деб эдилар», дейилади. Чандибек халқининг кўпчилиги чорвадор бўлиб, туя, от, қорамол боққанлари, улар Орол деңизи бўйида яшаганлари уқтирилади». Чамбил таърифлари ҳар сафар янги бир жилава билан учрайди.

Исломо шоир куйлаган «Гулихиромон» дostonида: «Саксон сардобали Чамбил, тўқсон тўпхонали Чамбил, тўрт минг те-

1—2. Қаране: Б. А. Кабриев. Эпические сказания о Кер-Огли у туркоязычных народов. М., 1968, стр.148.

тоқли Чандибек деб эдилар», дейилади. Чандибек халқининг кўпчилиги чорвадор бўлиб, туя, от, қорамол боққанлари, улар Орол денгизи бўйида яшаганлари уқтирилади. Чамбил таърифлари ҳар сафар янги бир жилва билан учрайди.

Ислом шоир куйлаган «Гулихиромон» дostonида: «Саксон сардобали Чамбил, тўқсон тўйхонали Чамбил, тўрт минг тевахонали Чамбил, ўн минг меҳмонхонали Чамбил, оти овозали Чамбил, олтиш дарвозали Чамбил...»

Бекмурод Жўрабой ўғли куйлаган «Авазнинг арази» дostonида: «Чамбил бўлганда, Чамбил обод бўлганда, қирқ йигитнинг егани қанд билан новот бўлганда ва қандай Чамбил эди: олтиш ошхонали Чамбил, етмиш тевахонали Чамбил, оқ дарвозали Чамбил ва кўк дарвозали Чамбил, ер юзига овозали Чамбил. Кўк дарвозадан келган киши Ҳасан Қўлбар, қирқ йигит, Гўрўғли султон, Авазхон ва яна Ҳасанхонга борган. Оқ дарвозадан келган киши Юнус пари, Мисқол пари, Гулнор париға борган...»

Пўлкан шоир куйлаган «Авазхон» дostonидан: «Олтиш ошхонали Чамбил, уч юз тевахонали Чамбил, саксон сардобали Чамбил, тўқсон тўйхонали Чамбил...»

Чамбилнинг пойтахт, мамлакат сифатидаги тасвирлари Гўрўғли ватани адолат туфайли гуллаб-яшнаб, улғуворлик касб этганини бадиий намоён қилади.

Гўрўғли — Ғиркўк — Чамбил бирлиги дoston — эпопеянинг бошидан охиригача давом этади. Улар биргаликда пайдо бўладилар. Биргаликда ғойиб бўладилар. Бош қаҳрамоннинг ўлимига бағишланган «Шаҳиднома» ёки бошқа номлар билан аталадиган якуновчи дostonларда Ғиркўк Чамбил аҳолисига сўйиб етказилади, Гўрўғлининг бошини Хунхоршоҳнинг жаллодлари кесиб кетади, Чамбил ғойиб бўлади...

Фольклор идеал қаҳрамоннинг ўлимини тан олмайди. Алпомиш ўлмайди. Ойсулув ўлмайди. Эртақ қаҳрамонлари ҳам ҳар доим ениб чиқадилар. Шундай экан, «Гўрўғли» туркумига хос фожией якуни қандай изоҳлаш керак? Фольклор муҳитида бундай талқин қайси сабабларга кўра вужудга келди? Албатта, шу саволларга тўғри жавоб топиш учун «Гўрўғли» туркумининг барча миллий версияларини чуқур ўрганниш ва уларни бир-бирига қиёсий тарзда тадқиқ қилиш жоиз.

«Гўрўғли» туркумининг эълон қилинган дostonлари, шунингдек, фольклоршуносларнинг мавжуд тадқиқотларига суянган ҳолда, Гўрўғли ўлимининг бадиий талқини билан боғлиқ муайян хулосаларни айтиш мумкин. Аввало, шунини таъкидлаш керакки, бундай фожией якун дostonчилик муҳитида рўй берган ғоявий-бадиий юксалиш босқичига хос самарадир. Халқ дostonчилиги ўз ривожини давомида «катарсис» — руҳий покланиш ҳосил қила оладиган трагедия насибаси бўлмиш маънавий натижага эришишга яқинлашиб келгани ажойиб. Бу ҳодисанинг ўзига хос қонуниятларини, фалсафий-эстетик жиҳатдан текшириш, бизнинг назаримизда, фарз ва қарзидир.



**Абдурашид Қосим**

**1449 йил.**

**Самарқанд. Куз**

Дарвозага солинган занжир,  
Қалъа сари борар йўл ҳам берк.  
Ингранади қиндаги шамшир,  
Ингранади Мирзо Улуғбек.

Тўкилмоқда ўрик барглари,  
Боғни қоплар сарғайган армон.  
Кўзларида оғир дардлари,  
Юлдузларга термулар гирён.

Салтанатни булғаган риё,  
Лекин қалбни тарк этмас шафқат.  
У оғзи қон бўридан, эвоҳ,  
Кутган экан меҳр, мурувват.

Макка томон борар бари йўл,  
Олис эди ҳали манзилгоҳ.  
Кимдир ордан силтаганча қўл  
От чоптириб келарди ногоҳ.

Чопар дейди: «Топдим излардан,  
Хув, қўрғонда кутишингиз шарт.  
Ғам-аламдан толган кўзлардан  
Отилади аламли фарёд:

«...Ўлдирсинлар она еримда,  
Хоҳ пичоқлаб, хоҳ дорга осиб.  
Мангу ётай, майли, гўримда  
Юлдузларни бағримга босиб...»

## **Муҳаббатнинг туғилиши**

Қиз жилмайиб боқди ойнага,  
Ланг очилди сўнгра дарчаси.  
Кенг чорбоғдан чопди хонага  
Тентираган туннинг парчаси.

Бирин-кетин келдилар кириб  
Парча булут, юлдуз ва дарахт.  
Шамол шошар кенгликдан кечиб  
Ва хонада бошланар суҳбат.

То тонггача қолдилар уйғоқ,  
Унсизгина сирлашди юлдуз.  
Шивир-шивир қилганда япроқ  
Кўзларини юммади илдиз.

...Ой ҳам ботар, тонглар ҳам отар,  
Туйғуларга тўлади кўкрак.  
Тошойнада кўриниб турар  
Қорачиғдан талпинган юрак!..

1—2. Каранг: Б. А. Кабриев. Эпические сказания о Кер-Огли у тюркоязычных народов. М., 1968, стр. 148.

Раҳмат Эров

# ЮПИТЕР ОДДИЙ САЙЁРА ЭМАС

XIX асрнинг иккинчи ярмидаёқ табиатшунослик фанларида инсоният келажигидан умидсизлик пайдо қилувчи бир қатор илмий фаразлар мавжуд эди. Ана шулардан бири улўф файласуф Иммануэль Кантнинг «Небуляр назарияси» бўлиб, унда қуёш системасининг муқаррар ҳалок бўлиши, Ернинг Ойга ўхшаб қолиши тасвирланган эди. Бундай тахминларнинг асосиз эканлигини исботлаш учун эса марксизм таълимоти табиатда юлдузлар системасида органик оламни сақлайдиган табиатнинг ўз диалектик қонуни бўлмоғи эҳтимол деб ҳисоблайди. Камина 1978—1980 йилларда дунё миқёсида зилзила ва Урта Осиё миқёсида об-ҳаво тахминлари билан шуғулланиб, 1980 йил 20 сентябрида «Бухоро ҳақиқати» ва 20 декабрда «Совет Ўзбекистони» газеталарида берилган мақолаларимда қайд қилган эдим: «Гап шундаки, ҳанузгача табиатда, аниқроғи Ой, Қуёш ва сайёраларда содир бўладиган ҳодисалар шакл нуқтан назаридан кузатилган. Бироқ уларнинг мазмунига етарли даражада эътибор қилинмади. Аслини олганда, табиат ҳодисалари, улар қаерда содир бўлишидан қатъи назар, шаклан турли-туман бўлиб кўрингани билан мазмунан табиатнинг асосий қонуни — «Юлдузлар системасининг ўз орбитасида мувозанатини сақлаш қонуни» ёки умумий қилиб айтганда «Табиатда мувозанатнинг сақланиш қонуни» асосида содир бўлади. Бу қонуннинг ҳаётдаги аҳамияти чексиздир. Яъни шу қонун асосида нафақат табиий ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларини билиш мумкин, балки табиат эволюциясини тушунтириш, табиий ва ижтимоий офатларни олдиндан билиш ҳамда олдини олишга кенг имкон яратилади».

Юқорида баён этилган табиат қонуни асосида Юпитернинг оддий сайёра эмаслигини исботламоқ учун Олам табиати тарихини қисқача бўлса ҳамки, билишимиз лозим.

Ф. Энгельс «Табиат диалектикаси» асарида — «Сийсий иқтисоднинг табиатга татбиқ этилиши», деган иборани қўллайди. Бу гапнинг маъноси шуки, К. Маркс ўзининг «Капитал» асарида диалектиканинг инкорни инкор қонунини исботлаб берган эди, энди эса табиатда ҳам шу қонуннинг амал қилишини исботлаш керак.

Бутун оламни каттақон бир дарахт деб фараз қилсак, Қуёш системасини бир шох деб англамоқ жоиздир. Бутун олам фазо ва вақтда чексиз. Дастлаб бирламчи материя — элементларнинг турли ҳажмдаги ўзаро зич жойлашган молекулаларидан иборат бўлган. Ҳарорат пастлигидан атом оғирлиги енгил бўлган элементларнинг молекуласи газ ҳолатида эмас, суюқ ҳолатда эди. Элементларнинг атом оғирликлари ошган сайин, уларнинг молекулалари ўзаро бирлашиб, қаттиқ жисм (қуруқ) эмас, муз ҳолатига кирдилар. Бирламчи материяда табиатнинг мувозанат сақлаш қонуни — молекулаларнинг чекланган фазода таъсир ва акс таъсиридан иборат бўлиб, молекулалар ўзаро ўрин алмашиш турар, фан бу жараённинг қанча вақт давом этганлигини аниқламаган.

Бутун олам фазода чексиз дедик, лекин бу чексиз оламнинг маркази — ядроси бор.

Физика фани исботлаганидек, радиоактив элементлар атоми ҳар қандай шароитда ҳам ўзларидан уч хил нур — альфа, бетта ва гамма нурларини чиқариб туради. Олам марказидаги босим, унинг ташқи қаватидаги нисбатан анча юқори бўлади. Шу икки сабабга кўра, бирламчи материя — бутун олам марказида мавжуд бўлган мувозанат бузила бошлади. Ҳарорат аста-секин кўтарилди. Муз ҳолатидаги молекулалар эриб, юқори ҳарорат таъсирида физикавий-химиявий хусусиятлари

яқин бўлган молекулаларнинг ўзаро бирикиши кучайди. Янгитдан пайдо бўлган жисм-моддаларнинг ҳаракатланадиган фазоси тобора кенгая бошлади.

Ана шундай бир шароитда радиоактив элементларнинг молекулалари, уларнинг атом оғирлиги катта бўлганлигидан маълум чекланган янги фазолар марказларида бирикиб, катта ҳажмдаги турли ядроларни ташкил қилди. Шу билан бир вақтда магнитли темир молекулалари бирикиб, катта ҳажм билан радиоактив элементларнинг ядроларини ўраб олди ва икки қутбли магнит қаватини ҳосил қилди. Бир қанча элементларнинг молекулалари (темирдан кўра енгилроқлари) бирикиб магнит қаватини ўраб олишди. Металлмаслардан бир қисми бирикиб туман шаклидаги қаватни ташкил қилди. Атом оғирлиги енгил бўлган моддаларнинг молекулалари бирламчи сайёралар атмосферасини қоплади.

Шундай қилиб бутун олам марказида ҳар хил ҳажмдаги сайёралар пайдо бўлди.

Оламнинг қоқ марказини тўртта бўлакка ажратсак, унинг ҳар бир қисмида иккитадан энг йирик сайёра пайдо бўлди. Ядронинг ҳар қайси қисмидаги сайёралар ўз магнит қутблари орқали бир-бирига боғланиб, жуфт-жуфт бўлиб чекланган фазода ҳаракат қила бошлади. Сайёраларнинг ҳажми олам марказидан узоқлашган сайин кичрая борди. Ҳар қайси сайёра ўз ҳажмига тенг сайёра билан магнит қутблари орқали боғланиб, ўз жуфти билан ҳаракат қила бошлади. Шу тариқа сайёралар пайдо бўлиш жараёни муайян вақт давом этгач, бутун оламнинг ядроси сайёралар билан тўлишди.

Олам ядросининг марказий қисмидаги сайёралар ҳажм жиҳатидан йирик бўлганлиги ва уларда марказга интилма кучга нисбатан марказдан қочирма куч катта бўлганлиги, аини вақтда ядро марказидан узоқдаги сайёраларнинг ҳажми кичик бўлганлиги ва уларда марказга интилма куч кўпроқ бўлганлиги боисидан, марказдаги сайёраларнинг тенг ярми ядронинг шимолий қутби томон ва тенг иккинчи ярми ядронинг жанубий қутби томон аста-секин ўз жуфтлари билан силжий бошладилар. Уларнинг аввалги фазовий ўрнини ҳажмлари кичикроқ сайёралар жуфти эгаллади, яъни олам ядросида сайёралар жуфтнинг ўрин алмашиш жараёни кучайди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Олам ядросида сайёраларнинг ўрин алмашуви жараёнида ўта кичик сайёрачалар жуфтлари йирик сайёраларнинг таъсирига бардош беролмасдан, жуфти ўртасидаги боғланиш узилди ва ҳар қайси кичик сайёра йирик сайёраларнинг йўлдошига айланиб қолди.

Бутун олам ядросида пайдо бўлган ўта кичик сайёралардан то энг йирик сайёраларгача тузилиши бир хил, ҳар қайси сайёранинг ядро қисми радиоактив элементлардан, асосан урандан иборат бўлиб, иккинчи-мантйа қавати магнит, магнитдан юқори бошқа хил металллар қавати, сўнгги қаватда эса металлмасларнинг бирикмаларидан — туманли буғ-газлардан иборат атмосфера сайёрани ўраб олган эди. Сайёралар атмосферасининг асосий қисми водороднинг изотопларидан иборат бўлган.

Шундай қилиб бутун олам ядросида эволюцион йўл билан сайёраларнинг пайдо бўлиши биринчи инкор эди. Чунки сайёралар бирламчи материядан пайдо бўлган бўлса-да, ундан фарқ қиладиган ўз ядросига эга бўлган сфералар эди. Бу вақтда ҳам олам ядроси қоқ-қоронғи бўлиб, ёруғлик нурлари йўқ эди. Олам ядросида табиатнинг қонуни-сайёралар жуфти, мазкур фазода марказга интилма куч ва марказдан қочирма

куч мувозанатга келгунга қадар ўзаро ўрин алмашиш қонунига амал қилди.

Олам ядросидаги ушбу сайёраларни юлдузгача сайёралар деб атаймиз.

Маълум вақт ўтиши билан Олам ядросида сайёраларнинг қутбланиш жараёни тугади. Бу вақтда иккита буюк ҳодиса юз берди. Биринчи ҳодиса шуки, сайёралар жуфтнинг орбита фазоси кенгайиши ва ҳаракат тезлиги ошиши натижасида, уларнинг ядросида ҳарорат аста-секин кўтарила бошлади. Ҳароратнинг ошиши шу даражага бордики, энди сайёра портлаши керак эди. Бироқ сайёраларнинг портлашига ташқи таъсир етишмас эди. Иккинчи ҳодиса эса сайёралар жуфт-жуфти билан энг йириклари олам ядросининг қутбларида, кичиклари ядро экваторида занжирдек тизилиб, ёнғоқнинг тўрт қават пўчоқлари ўртасидаги чизиқларга ўхшаш бир чизиққа келиб қолишди. Бунинг устига сайёралар ўз жуфтидаги сайёрадан узоқлашди ва қўшни жуфтнинг сайёрасига яқинлаша бошлади.

Ана шундай вазиятда табиат каромат кўрсатди. Бутун оламнинг ядросида кучли ўзгаришлар бошланди.

Сайёралар олам ядросининг икки қутби ўртасида, бир вақтнинг ўзида ўз жуфтлари билан алоқани узди ва ён қўшнисининг сайёраси билан алоқа ўрнатди. Бу ҳодиса қутблардан бошланиб ядро экваторини қамраб олди. Қутблар томон тортиш кучи катталигидан экватор марказидаги сайёралар биринчи бўлиб, қоқ ўртасидан портладилар. Сайёраларнинг портлаши экватордаги кичик сайёралардан бошланиб, навбати билан қутблардаги йирик сайёраларнинг портлаши билан тугади.

Олам ядроси экваторида биринчи бўлиб портлаган сайёранинг портлаш тафсилоти қуйидагича: сайёра экватор чизиғидан тенг икки қисмга бўлиниб, унинг бўлаклари қутблари томон — қўшни сайёралар томон маълум тезликда тортила бошлади. Сайёра қисмлари бир-биридан бирмунча масофага узоқлашган, ҳар қайсидаги магнит қавати совуб, ядрони ўрай бошлади ва ўзи ҳам қутбланиб, сайёра портлаган нуқтада, сайёранинг бу икки қисми катта тезлик ва катта босим билан бир-бирига келиб урилди (сайёра илк марта портлаганда термоядро реакцияси бермаган эди). Энди сайёранинг иккига бўлинган қисмлари келиб бир-бирига урилган вақтда, табиат каромат кўрсатди — термоядро реакцияси содир бўлди. Ниҳоят, юлдуз пайдо бўлиши Олам ядросининг экваторида бошланиб, унинг қутбларида тугади.

Шундай қилиб, бутун оламнинг ядросидаги юлдузгача бўлган сайёралар юлдузларга айланди. Уларнинг пайдо бўлиши — бу иккинчи инкор ёки инкорни инкор қонунининг тўла амалга ошиши эди. Бошқача қилиб айтганда, юлдузгача сайёралар пайдо бўлиб, бирламчи материяни инкор этган бўлса, юлдузлар пайдо бўлиб, юлдузгача сайёраларни инкор этди.

Бироқ Олам ядросидаги барча юлдузгача бўлган сайёралар юлдузга айлانмади. Ута кичик сайёралар катта сайёраларнинг йўлдошига айланиб қолганлиги сабабли улар сайёраларнинг юлдузларга айланиш жараёнида қатнаша олмадилар. Улар қайси сайёранинг йўлдоши бўлган бўлсалар, сайёра юлдузга айланган, унинг йўлдоши бўлиб қолдилар ва шу тариқа юлдузлар системасининг аъзоси бўлдилар. Қуёш бизга энг яқин юлдузидир.

Бутун олам ядросида юлдузлар пайдо бўлган, ёруғлик нури ва иссиқлик таъсирида ядронинг устки қаватида юлдузгача сайёраларнинг пайдо бўлиши тезлашди ва узоқ муддат давом этди. Бу қаватда ҳам ядро қаватида бўлганидек, турли ҳажмдаги сайёралар пайдо бўлиб, ўз жуфти билан ҳаракат қила бошлади, массаси ёки ҳажмига мувофиқ фазода ўз ўрнини эгаллади. Оқибатда улар ҳам юлдузларга айланди. Лекин мазкур қаватда юлдузлар пайдо бўлиши олам ядросида кечган дастлаб жараёнга нисбатан фарқлидир.

Умуман олганда Бутун оламнинг тузилиши қуйидагича: юқори қават — бирламчи материя бўлиб, у вақт ҳамда фазода чексиз; юлдузгача сайёралар қавати; сайёралардан ядрога — шартли равишда мантя қавати десак, у юлдузлар қавати ва олам ядросидан иборат ўз орбитасида мувозанатни сақлаш қонуни асосида ҳаракат қилади. Бу қонун таъсирида бўлган барча юлдузларнинг яшаши (жумладан, бизнинг Қуёш) абадийдир.

Қуёш Олам ядросининг экваторидаги юлдузлардан бири бўлиб, энди Қуёш системаси тўғрисидаги илмий қарашлар баёнига кўчайлик. Чунки Ердаги муаммоларнинг сабабларини тушу-

ниб олиш ва тафаккур ила ҳал қилиш шу системага боғлиқдир.

Қуёш системасининг пайдо бўлиши ва ривожланишини библишга бутун инсоният чанқоқ.

Юлдузгача сайёралардан юлдузларнинг пайдо бўлиши мураккаб жараён. Олам ядросининг экваторида илк бор портлаган сайёра тенг икки қисмга бўлиниб, бу қисмлар эса бир-бирига тескари томонга, ядронинг қутбларида ҳали портламаган сайёралар томон, чекланган фазогача ҳаракат қилиб бориб, ҳар қайси қисм мустақил сайёрага айланди. Бунда қисмларнинг магнитлари устки қаватлари билан биргаликда ўз ядроларини маълум даражада ўраб оlishди, магнит совуб қутбланди, шу лаҳзадан бошлаб тескари ҳаракатдан тўхтади. Чунки мустақил сайёралар магнит қутблари орқали алоқа ўрнатиб, бир-бирини тортади. Энди улар ўртасида портлаган нуқта томон ҳаракат бошланди. Бу вақтда мустақил сайёраларнинг портлаган томони гумбазсимон шаклни олди. Шу гумбазсимон томонлари билан катта тезликда, портлаган нуқтада келиб бир-бирига бениҳоят куч билан урилдики, гумбазсимон айлана бўйлаб катта чақмоқ қақририлиб, олов алангаси пайдо бўлди. Бу алангадан гумбаз ичида қолган атмосфера буг-газлари катта босимда сиқилиб, қизиб ёна бошлади. Юқори ҳарорат ва босимдаги бу муҳитга ядролардан кучли босим таъсирида отилиб чиққан нейтронлар оқими муҳитдаги водород изотопи дейтерий атомларини бомбардимон қилиб, илк бор термоядронинг занжирли реакцияси бошланди. Мазкур муҳитда ҳарорат ва босим шу даражага етдики, натижада гумбазсимонлар айланаси бўйлаб яна кучли қайта портлаш юз берди. Мустақил сайёралар яна бир-биридан ажралишди, чекланган фазога узоқлашиб, яна бир-бирига қайта урилди. Термоядро реакцияси таъсирида бўлаётган портлашлар, ажралишлар, қайта урилишлар жараёни натижасида магнитлар устидаги қаватлар ҳисобидан сайёралар ўртасида алоҳида ҳимоя қавати пайдо бўлиб, термоядро реакцияси сайёралар сиртига чиқди ва бутун сайёралар сиртини ўраб олиб, сайёралар мувозанатга келган, ана шундан кейин улар яхлит бир юлдузга айланди, Қуёш ҳам шу тариқа пайдо бўлди. Юлдузлар пайдо бўлиши Олам ядросининг экваторида бошланиб қутбларида тугади.

Юлдуз — Қуёшнинг тузилиши тубандагича: радиоактив элементлар, асосан уран ва трансурани элементлардан иборат иккита ядро; ядро нурларини ютадиган ва қайтарадиган моддалардан тузилган гумбазсимон иккита юлқа қават; гумбазсимон шаклидаги иккита магнит қавати; юлдуз экваторида ядро ва магнитларни бир-биридан ажратиб турган ҳимоя қават; магнитлар ва ҳимоя қават устида юқори ҳароратга чидамли элементлардан таркиб топган юлдузнинг умумий устки қавати. Атмосфера уч қаватдан иборат: Водород изотоплари ва гелийдан иборат пастки қават; термоядро реакцияси тугаллайдиган ўрта қават; Водород молекуласидан иборат устки қават.

Юлдуз-Қуёшда термоядро реакцияси жараёнининг бориши қуйидагича: Қуёшнинг экваторида, ўртадаги ҳимоя қаватда реакция ўчоқлари жойлашган бўлиб, уларда ядролардан отилиб чиқаётган нейтрон оқимлари водород изотопи-дейтерийга учраб, уларнинг атомларини бомбардимон қилади. Бу ҳодиса занжирли реакция ўчоқларидан бошланиб, қуёшнинг қутбларигача бориб етади. Атмосферанинг қуйи қаватида бошланган реакция ўрта қаватга кўтарилиб, унда тугайди. Икки атом дейтерий ўзини бомбардимон қилган нейтронларни олиб, бир атом гелийга айланади. Бу гелий атмосферанинг қуйи қаватида қўни гелий булутларидан иборат қаватни ҳосил қилади. Гелий қавати ўз навбатида Қуёшнинг устки қосимини термоядро реакцияси нурларидан ҳимоя қилиш ва ойнадек бу нурларни қайтариш функциясини бажаради. Бомбардимон натижасида дейтерийлардан чиққан «ўз нейтронлари» водороднинг энгил изотопи-протийларга ўтади. Натижада протийлар дейтерийларга айланиб, қуйи атмосферага, реакция ўчоқларига тушиб, янгитдан ядролардан чиқаётган нейтронлар оқимида дуч келади. Шу тариқа термоядро реакцияси доимий ва абадий давом этаверади.

Қуёшдаги ўртача ҳарорат қуйидагича: ядроларнинг устки қаватида 1100, марказида 2000—3000 даража, энг паст ҳарорат магнит қаватда; атмосферанинг ўрта қаватида 6000 даража. Қуёшнинг ядроларида босим юқори бўлади. Муаллиф ёлғиз Юпитерни деб, бизни Бутун олам савҳатига олиб чиқди деб ўқувчилар мени айбламасинлар.

Қуёшга айланган юлдузгача сайёра илк бор портлаган

вақтда ва айниқса қайта портлашлар даврида, сайёранинг то юлдузга айланганига қадар, унинг экватор қисмидан кўп миқдорда моддалар сайёра фазосига кўтарилди. Фазога кўтарилган моддалар ичида радиоактив моддалар ҳамда, радиоактив нурларни сақлай оладиган антитрансурон моддасидан оз миқдорда, темир-магнит бўлақларидан, шунингдек, магнитдан юқори қаватлардаги турли моддалардан кўп миқдорда ва дастлабки ҳаётнинг материалидан иборат моддалар бор эди. Бу моддалар сайёра портлаган нуқтадан фазога, ҳар хил масофага, юлдуз атмосферасининг юқори атмосферасигача кўтарилган (учиб чиққан) эди.

Мана шу моддалар магнит бўлақлари таъсири билан қуёш атмосферасининг юқори қаватида моддаларнинг бирикиши ва қайта бирикишларини тезлаштиради. Ҳар хил шаклда, ҳар ҳажмда пайдо бўлаётган жисмлар кўп сонли орбиталари билан турли масофада Қуёш атрофида айлана бошладилар. Ҳазор бирикишлар, қўшилишлар давом этиб, ҳажм ва массалари орта борди. Айрим жисмлар сфера шаклини олди, йирик сфералар кичикларини ўзларига йўлдош қилиб олди. Қуёш «болалар» ўрқасида гоҳида ўз йўлдошлари учун «жанг»лар бўлиб турди. Бунда йирик кучли сфералар ўзидан кичик — камқувватини ўз ўқи атрофида айлантиради мажбур қилди. Айрим сфералар ҳажми ва массаси (йўлдошлари билан биргаликда) ошган сайин Қуёшдан узоқлашди.

Қуёш пайдо бўлганидан бери орадан ўтган 4,5—5 миллиард йил мобайнида юқорида баён этилган жараёнлар натижасида қуёш сайёрасининг материалидан Меркурий, Венера, Ер, Марс, Плутон сайёралари, барча сайёраларнинг йўлдошлари, астероидлар ва ҳоказолар пайдо бўлди ва ривожланиб бугунги тугал шаклини олди.

Қуёш системасида сайёраларнинг ундан узоқ-яқинлигини ва ўз ўқлари атрофида ҳамда Қуёш теварагида айланиб туришларини таъмин этувчи куч — улардаги магнитдир. Сайёранинг магнит массасини унинг умумий массасига (йўлдошлари билан биргаликдаги массасига) бўлган нисбати Қуёшдан шу сайёрагача бўлган масофани белгилайди.

Юқорида баён этганимиздек, Қуёш ядролари устида иккита алоҳида гүмбазсимон магнитлар бўлиб, 4 та магнит қутбига эга. Шулардан иккитаси экваторга яқин ва иккитаси унинг қутбларида. Қуёш ўзининг шимолий ва жанубий магнит қутблари орқали иккита қуёшнинг юлдузларнинг магнит қутблари билан боғланган ва уларнинг (қўшнилари) таъсирида ўз ўқи атрофида соат стрелкасига тескари йўналишда ҳаракат қилади.

Барча сайёралар ўзларининг магнит қутблари билан Қуёшнинг тўртта магнит қутбларига ҳар хил боғланганлигидан, қуёш ана шу тўртта магнит «қўллари» билан сайёраларни ўз ўқлари атрофида ва ўзи атрофида, ўзи айланаётган йўналишда айлантиради.

Сайёраларнинг магнит қутблари билан Қуёшга боғланиши куйидагича:

Меркурий Қуёшнинг экваториал магнит қутбларига боғланган. Ҳар ўқи атрофида секин айланишининг боиси — унинг магнитлари Ерники сингари ядросида тўпланган эмас. Сайёранинг сиртидаги тоғлар ҳам асосан магнитли бўлиб, сиртида магнит қутбларининг кўпчилиги, уни ўз ўқи атрофида айланишига ҳалал беради. Умуман, бу сайёрани «пишмаган» магнитдан иборат деса бўлади.

Венера ҳам магнитга бой. Лекин бу сайёрада магнитдан бўлак моддалар ҳам кўп. Бу сайёрада ҳам магнитлари тўла «пишиб» ядрони ташкил қилмаган. Шунинг учун ўз ўқи атрофида секин айланади. Венеранинг ўз ўқи атрофида Ер сингари эмас, тескари айланишининг боиси шундаки, унинг битта магнит қутби қуёшнинг шимолий қутбдаги ва иккинчи магнит ўқи Қуёшнинг экваториал магнит қутби билан боғланган.

Ернинг магнит қутблари Қуёшнинг ҳар иккала экваториал магнит қутблари билан боғланган.

Марс, Юпитер, Сатурн ва Нептун сайёралари Қуёшнинг қутбларидаги магнит қутблари билан боғланган. Урanning Қуёшга боғланиши Венераники сингаридир. Қуёшнинг қутбларига нисбатан экваторида магнит қутбларининг айланиш тезлиги катта. Уран ўз ўқи атрофида тескари ҳаракат қилади ва йўлдошларини ҳам тескари йўналишда айлантиради. Плутон ҳам Уран сингари ўз ўқи атрофида тескари айланади.

Барча йўлдошлар магнит қутблари билан ўз сайёраларининг магнит қутбларига боғлангандир. Уларни ўз сайёраларига ҳаракатга келтиради.

Улкан сайёраларнинг ўзлари аслида юлдузга айланмасдан

қолган юлдузгача сайёралардир. Булар қуёш пайдо бўлишидан олдин Қуёшга айланган сайёранинг йўлдоши бўлиб, кейинчалик унинг йўлдошлигича қолмадилар. Бироқ ҳозирги йўлдошлари ва метеоридлар ҳисобидан уларнинг массаси ортиб Қуёшдан узоқлашган. Бунга Юпитер сайёраси ёрқин мисол.

Қуёш системасидаги сайёралар ўзларининг йўлдошлари билан Қуёш атрофида, ундан ҳар хил узоқликдаги масофаларда ўз орбиталарини белгилаб, ғарбдан Шарққа томон ёки соат стрелкасига тескари йўналишда ҳаракат қилдилар. Фанда сайёраларнинг Қуёш атрофида айланиши бошланғич нуқтаси деб, кузги тенг кунлик вақти — 23 сентябрда Гринвич меридиани (нолинчи меридиани) уфқида турган вақтга биноан ҳисоблаш бошланади. Ҳар бир сайёранинг Қуёш атрофида бир марта айланиб чиқиш даври, унинг Гринвич меридиани ортида турган вақтдан бошланиб, қайта ана шу меридиан уфқига етиб келиши учун ўтган муддатдан иборат.

Астрономларнинг эътироф этишларига кўра, Юпитер — Қуёш системасидаги Сайёраларнинг энг каттаси ва улкан сайёралар орасида узоқ асрлардан буён мунтазам кузатиладигандир. Юпитернинг диаметри Ерникидан 11 марта, массаси 318 марта, ҳажми 1300 марта каттадир, унинг зичлиги ерникидан деярли тўрт марта кичик.

Бироқ, астрономлар Юпитер сайёрасининг на фақат ички тузилиши, шу билан бир қаторда унинг Қуёш системасида мувозанатидаги аҳамиятини ҳам ҳанузгача обдон ўрганмаганликлари маълум.

Аслида Қуёш системасида Юпитер бир қанча функцияларни бажариб, Қуёш орқали ва бевосита Ер табиатига ўз таъсирини ўтказиб туради. Юпитер бажарадиган асосий функция — Қуёшнинг 11 йиллик активлиги бўлиб, ушбу активлик кучайган йилларда Ерда ёғингарчилик нормадан ортиқча бўлиб, дарёларда сув сероб бўлади. Активлик пасайган йилларда эса, ёғингарчилик нормадан пастроқ бўлиб, дарёлар йиғадиган ҳавзаларда муз, ер остида кам тўплаш оқибатида қурғоқчилик бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги пасаяди ва озуқа базасини етишмаслигидан чорва молларининг маҳсулдорлиги камаяди.

Кузги тенг кунлик вақти 23 сентябрдан бошлаб ҳисоблаганда, Юпитер 4018 суткада ёки 11 йилда Қуёш атрофини бир марта айланиб чиқади. Бироқ, Ер ҳам Қуёш атрофида айланиб турганлиги боисидан, Юпитер Ердаги кузги тенг кунлик вақти — 23 сентябрда Гринвич меридиани уфқига етиб келмоғи учун яна 304, 59 кеча-кундуз ёки 0,86 йил муддат керак бўлади. Шу сабабли Ердаги инсонларга Юпитер Қуёш атрофини 4332,59 кеча-кундузда ёки 11,86 йилда яъни қарийб 12 йилда бир айланиб чиққандек туюлади. Юпитернинг ички тузилиши юқорида зикр этилган юлдузгача сайёраларники сингаридир. Юпитердаги қизил доғнинг боиси — унинг ядросидан доимий отилиб чиқаётган гамма вулканидир. Қуёш нури спектридаги ранглардан фақатгина қизил нурни қайтара олиши туфайли содир бўлади.

Ер табиатига бошқа сайёралар ҳам Қуёш орқали ва бевосита таъсир кўрсатадилар. Ер сайёраси ҳам ўз навбатида бошқа сайёраларга, айниқса Венера ва Марс сайёраларининг табиатига таъсир кўрсатади.

Она табиат — Ер табиатининг моҳиятини тушунмоқ учун ернинг пайдо бўлиши, унда органик оламнинг пайдо бўлиши, тарихга кенг тафаккур ила бир назар ташлайлик. Чунки Ер табиатининг тарихини билмасдан туриб, унинг қадрига етиб бўлмайди ва келажаги учун қайғуриб, амалий ишга кириша олмаймиз.

Қуёш пайдо бўлган замонда унинг атрофида айланиб юрадиган тўртта гигант сайёра бор эди. Бу гигант сайёралар қуёш ҳали юлдузгача сайёра пайтида, унга йўлдош эдилар, ҳолок. Қуёш пайдо бўлган вақтда, гигант сайёраларнинг массалари ҳозирги массаларига қараганда бир мунча өнгил эди. Уларнинг йўлдошлари йўқ эди, ҳали метеоридлар ва метеорлар томонидан бомбардимонга учрамас, шунинг учун ҳам уларнинг Қуёшдан ўртача узоқлиги масофаси ҳозирдагига нисбатан анча яқин бўлган. Бундан 4,5—5 миллиард йил муқаддам гигант сайёраларнинг Қуёшдан узоқлиги неча километр эди деган саволга аниқ жавоб йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Сабаби уларнинг йўлдошлари массасини ҳисобга олиб, ушбу саволга жавоб бериш мумкин эди. Бироқ, мазкур сайёралар сатҳларига қанча метеор ва метеоритлар бориб тушган ҳамда қанча астероидлар ўзaro тўқнашиб, орбиталаридан чиқиб, уларнинг сатҳларига тушганлигини, бу сатҳларга



қулаган жисмларнинг массасини ҳеч ким билмайди. Бу масаланинг бир томони — гигант сайёраларга оид. Энди масалани иккинчи томонига фикримизни қаратайлик.

Қуёшга айланган юлдузгача сайёра илк бор портлаганда, унинг портлаган экватор қисмидан фазога отилиб кўтарилган моддалар — темир-магнит бўлаклари ва унинг устидаги қисмлардан ҳозирги Меркурий сайёраси ва Венеранинг ядроси пайдо бўлди. Чунки бу вақтда портлашдан учиб чиққан магнит бўлаклари эриган ҳолатда бўлмай, бор-йўғи қизиган ҳолатда эди. Шунинг учун улар бир-бири билан бирикиб Меркурий сайёрасини ҳосил қилганда, тез совуб, қотишган. Венеранинг ҳам ички қаватлари ўшанда пайдо бўлиб, қотиб қолган.

Ер эса, Қуёшга айланган сайёранинг термоядро реакцияси натижасида қайта портлашлар бўлганда, сайёра экваторидан отилиб фазога чиққан моддалардан пайдо бўлди. Бунда магнит бўлаклари эриган ҳолатда бўлганлиги учун, улар ўзаро бирикиб Ер ядросини ташкил қилишди, Ер мантияси ва устки қаватини ташкил қилган моддалар ҳам эриган ва қизиган ҳолатда эди. Айни вақтда Ер билан унга яқин бир қанча сфералар пайдо бўлди. Бу сфераларнинг ҳам бир қанчасида Ерники сингари эриган магнит уларнинг ядросида тўпланиб, магнит устида бошқа қаватлар пайдо бўлди. Ушанда Венера ҳали Қуёшга яқин бўлганлиги боис унинг устки қаватига эриган магнитлар ва Ерни ташкил қилган моддалар келиб туташди. Бироқ ядросида совуван магнит ва тоғ-тош қатламлари борлиги учун, улар сатҳига келиб тушган эриган магнит ядрога тўплана олмайди, сайёра сиртида қотиб қолди.

Ер пайдо бўлган вақтда магнитлари кутбланиб Қуёшнинг экваторидаги магнит кутблари билан боғланиб ва дарҳол ёнидаги икки сферани ўзига йўлдош қилиб олган, ундан узоқлашди ва Юпитер орбитасига томон силжий бошлади.

Плутон ядроси эриган магнитлардан (Ер сингари) иборат бўлиб, ядро-магнит энгил, устки қават қалинлигидан, яъни магнит массасининг сайёра умумий массасига нисбатан энг оз бўлганлигидан, пайдо бўлиши билан оз Қуёшдан энг узоқ масофага силжиб, ўз орбитасини белгилади. Бу системада Ер ғуруҳига кирувчи сайёралар пайдо бўлган вақтда ва уларнинг Қуёшга нисбатан узоқликларига қараб 3,5 млрд йил илгари қуйидагича жойлашган эдилар: 1. Меркурий. 2. Венера. 3. Ер. 4. Юпитер. 5. Сатурн. 6. Уран. 7. Нептун. 8. Плутон. Гигант сайёраларнинг ҳозирги йўлдошлари, астероидлар, метеорлар ва метеоритлар Қуёш билан Ер ўртасидаги фазода айланар эдилар.

Ер ўзининг икки йўлдоши Ой ва Марс билан биргаликда, Юпитерга «кўшни» бўлиб турган биринчи тинч даврида, унинг сатҳида ва атмосферасида туб ўзгаришлар содир бўла бошлади. Бу ўзгаришлар олдин Ернинг устки қаватида Қуёшга пайдо бўлиб, қайта портлашлар пайтида эриган магнит бўлаклари билан биргаликда отилиб чиққан бирламчи ҳаёт материаллари, қисман радиактив моддалар ва турли жинслар мавжуд бўлиб, атмосфераси таркиби Венеранинг ҳозирги атмосферасига ўхшаш ва унга нисбатан тўйимли газларга бой эди. Бу вақтда ҳозирги барча океан ва денгизларнинг ўрни қуруқ, Шимолӣ Муз океанини ўрни чуқурлик, уфдан кўз ташлаганда гумбазсимон шаклнинг ички қисмига ўхшар эди. Антарктида қитъаси қуруқ ва гумбазсимон шаклнинг сиртига монанд ёки қавариқ эди. У вақтда тоғлар ҳозиргидан баланд ва океанларнинг туби ҳам чуқурроқ эди. Ернинг устки қавати турли хил жинсларга бой, атмосферасини турли газлар қоплаган ўзга сайёрадан қараганда ҳатто тоғлар ҳам кўринмас эди. Бу вақтда Ернинг экватори билан орбита текислиги ўртасидаги бурчак 13—15 градус оралиғида бўлиб, ана шу вақтдан бошлаб Ер табиатида янги саҳифа очилди. Ернинг йўлдошлари ядроларидаги магнит массаси ҳозирги миқдорида бўлса-да, умумий массалари ҳозиргидан кам бўлганликлари учун, ерга яқинроқ орбитада айланишар, Ер уларни ўз магнитининг кучи билан ўз атрофида айлантирар эди. Ерга кеча-кундуз 15—17 соат ўрталигида бўлиб, Қуёш атрофидан айланадиган даври ҳозиргидан анча узун эди.

Шундай қилиб, Ер — Ой, Ер — Марс ўрталарида бўлган магнит куч чизиқлари таъсири остида, Ернинг атмосферасида сув буғлари — қора булутлар пайдо бўлиб, чақмоқлар устига чақмоқлар қақилиб, паст-текисликларда ёмғир, баланд тоғлар ва қутбларга қор ёға бошлади. Сувда дастлабки ҳаёт нишонлари пайдо бўла бошлади. Бора-бора шундай вақт келдики, сувдан тўлган океанларда ҳайвонларнинг турлари кўпайиб кетди. Қуруқликда дастлабки ўсимликлар ўса бошлади, улар

бутун ер юзини қоплаб олди. Сўнгра ҳайвонот олами пайдо бўлди. Усимлик ва ҳайвонлар олами шимолий ва жанубий кенгликларнинг 70—80 градусига қадар тарқалишди. Океанларда ҳайвонларнинг ҳажми планктонлардан бошлаб улкан китларга тараққий қилди. Ҳаво ва атмосферадаги ҳарорат баҳор ҳароратига ўхшаш (24—25 даража) бўлганлигидан океанлардаги йирик ҳайвонлар экваторга қадар тарқалишди. Қуруқликда тупроқ пайдо бўлгач, ундаги ўрмонлар кўпайиб айрим дарахтлар бўйи 250—300 метрга етди. Бу вақтда инсон йўқ эди. Бироқ сезгир ҳайвонлар бор эди. Ана шу сезгир ҳайвонлардан кейинроқ одам пайдо бўлган. Албатта ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсида ўртача умр кўриш бор эди. Яъни пайдо бўлиш, ривожланиш ва ўлиш жараёни такрорланиб турар эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, ўша вақтда Ер гидросферасидаги сув миқдори ҳозирги миқдоридан анча кўп эди. Чунки Марснинг магнит куч чизиқлари таъсирида Ой атмосферасидаги газлар Ерга келиб, бир қисми сувга айланган эди. Шунингдек, Марснинг атмосферасидаги газларнинг бир қисми Ой воситаси орқали Ерга келиб, ундан ҳам сув ва атмосферадаги булутлар миқдори ошган эди. Ер атмосфераси озонага бой эди.


Бироқ Ердаги табиатга, ундаги ҳаётга хавф-хатар солувчи метеор ва метеоритлар оқими Ер орбитасига яқинлашиб келаркан, ушбу ҳалокатдан Ернинг ўз йўлдошлари қутқариб турдилар. Венера томонидан келаётган метеор ва метеоритлар оқими Ой ва Марсга тушиб, уларни шундай бомбардимон қилишдики, натижада ҳар икки йўлдош массалари ошганлиги туфайли Ердан узоқлаша бошлади.

Ер устида гидросфера ва биосфералар пайдо бўлиб ривожланиши, йўлдошлари массалари ошган сайин Ердан узоқлашиб бориши, метеор ва метеоритларнинг келиб Ерга тушиши, айрим астероид ва кичик сайёраларнинг (кейинчалик йўлдошларнинг) Ер орбита текислигидан ўтиб Ерга ёки Ернинг йўлдошларига таъсир этиши ана шу ўзгаришлар таъсирида Ернинг экватори билан орбита текислиги ўртасидаги бурчак секин-аста оша бориб 25—26 даражага етди. Шу боисдан Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши секинлашди ва бунга кетадиган вақт ошди, кеча-кундуз узайди. Кейинчалик йўлдошга айланган кичик сайёралар, астероидлар, метеор ва метеоритлар Венера билан Юпитер орбиталари оралиғида, Ерни ўртага олган ҳолатда Қуёш атрофидан айланишар, бундай шароитда Ер табиати хавф остида эди. Кичик фазо жисмлари томонидан Ойни, айниқса, Марснинг бомбардимон қилиш авжга чиқди. Бунинг устига Марс ўзи Ернинг йўлдоши бўлсада Фобос ва Деймосни ўзига йўлдош қилиб олди. Бунинг устига Ио ҳам келиб Ерга йўлдош бўлди.

Ионинг келиб Ерга йўлдош бўлиши — Ер табиатини ҳалокат гирдобига торта бошлади. Ернинг умумий массаси (йўлдошлари билан биргаликда) нормадан ошганлиги учун орбитаси Қуёшдан узоқлашиб Юпитер таъсиридаги фазога тушиб қолди. Ҳалокат юз бериши арафасида Ой янги ой фазасига, Ио тўлин ой фазасига Марс эса биринчи чорак фазасига кирган эди. Ана шундай вазиятда Ер Юпитер билан рўпара келиб қолди. Бу вақтда Ернинг экватор билан орбита ўрталлиғидаги бурчаги 30 даража бўлиб, унинг табиати ҳалокат ёқасига келиб қолган эди.

Ҳалокат юз берди. Юпитер Ердан Иони тортиб олиб ўзига йўлдош қилиб олди. Ернинг шимолий кутбини жанубга ва жанубий кутбини шимолга 180 даражага ағдарди, Марснинг Ердан ажратиб алоҳида сайёра қилиб қўйди. Ер йўлдошлари Марс ва Иодан ажралгач, Ой янги ой фазасида турганлиги шарофати билан, фақат Ойни олиб умумий массаси камайганлиги сабабли Юпитер таъсиридан қутулиб, Қуёш томон яқин келиб, марказдан қочирма ва марказга интилма кучлар мувозанатга келган нуктада орбита чизигини белгилаб ҳаракат қила бошлади.

Ер кутбларининг ўрин алмашуви бир дақиқада содир бўлган. Ҳа, Қуёш магнети ана шундай қудратга эга. Шунда Ер гидросферасидаги сувлар фазога отилди. Ернинг устки қобиғи синиб остин-устун бўлди. Чунки Ер ядросини ташкил қилган магнит ўз ўрнини ўзгартирди. Магнит Ер мантия қаватини синдириб катта ёриқлар пайдо қилди. Бу ёриқларга ер пустилогиди айрим тоғлар чўқди, кўтарилган мантия устида тоғлар туриб қолди ва янги тоғлар пайдо бўлди. Ер қобиғи бутунлай синган ва остун-устун бўлганда, ўшанда мавжуд бўлган айрим тоғларнинг устки қисми бузилиб тошлар фазога



отилди, улар келиб тушган жойларда сунъий тоғлар пайдо бўлди.

Бу ҳалокат муносабати билан Ерда органик олам ҳалокатга учради. Сувда ва куруқликда бўлган ҳайвонот ва ўсимликлар олами Ер қобиғининг ҳар хил чуқурликларида кўмилдилар. Ер устида қолганлари ҳам тоғ-тошларга урилиш зарбидан ҳалок бўлди. Ер устини қон ва кўк масса шарбати қоплади. Ер ҳалокатга учраб, ундаги органик олам Ер қобиғини ҳар хил чуқурликда кўмилиб қолиши ва вақт ўтиши билан анаэроб шароитда (ҳавосиз) Ер қобиғининг қатламларида реакцияга учраб, ҳайвонлар танасидан табиий газ ва нефть, ўсимликлар танасидан тошкўмир каби қазилма бойликлар пайдо бўлди.

Ернинг бу биринчи ҳалокати қачон бўлди? Бу саволга «Совет геологик санаси шкаласи»дан аниқ жавоб топиб бўлмайди. Чунки бу «саноқ шкаласи» ҳалокатдан кейин Ерда пайдо бўлган қобиғини геологик даврларга бўлиб кўрсатади. Аслида эса ҳалокат маҳсулоти мезозой, полеозой ва кембрий даврларининг қатламларига тарқалиб кетган. Масалан, ўша вақтдаги тоғларнинг қолдиғи Архей даврдан, ҳайвонлар қолдиғи эса протерозой эрасидан топилган. Органик оламнинг асосий қисмини полеозой системасидаги даврларга нисбат берилган бўлиб ушбу яроқсиз «саноқ шкаласи» бошқатдан тузилиши керак.

Ерда ҳаёт янгидан бошланди. Унда энди гидросфера бор эди. Бироқ ҳалокатдан олдинги қараганда гидросферада сув миқдори камайган, органик олам ҳалокатга учраган бўлса-да, ўсимликларнинг уруғи, ҳайвонларнинг тухуми-насли учрарди. Айрим ўсимликлар уруғсиз-вегетатив йўл билан кўпайиши мумкин. Сув шарофати билан бир қатор ҳайвонлар чалажон эди. Ана шулардан бошда секин-аста, кейинроқ интенсив равишда ҳайвонот ва ўсимликлар олами пайдо бўлиб, ривожлана бошлади. Ерда йирик ҳайвонлар — динозаврлар, китлар ва турли хил ҳайвонлар пайдо бўлди. Тупроқнинг янги қатлами шаклланишига қараб турли хилдаги ўсимликлар пайдо бўлиб ривожлана бошлади. Органик оламда ҳайвонот ва ўсимлик турлари кўпайди. Ер юзиде янгитдан дарёлар, кўллар, сув ҳавзалари-денгизлар пайдо бўлиб, океанлар суви кўпая борди. Ер қутбларида мангу қор салтанати, муз қатламлари пайдо бўлиб қалинлашиб бораверди. Шунингдек, тоғларнинг айниқса, баланд тоғларнинг устидаги музликлар қалинлашди.

Ер гидросферасидаги сув миқдори ҳалокатгача бўлган миқдоридан бир мунча камлигидан органик олам — биомасса миқдори ҳам ҳалокатгача бўлган миқдор даражасига етолмади.

Бироқ, Ернинг экватор иқлим зонаси, мўътадил иқлим зоналарида (75 даража шимолий ва жанубий кенгликларгача) ҳаёт учун қулай шароитлар бўлганлигидан, Ер юзининг ана шу қисмида ҳайвонот ва ўсимликлар олами тарқалиб, кенг ривожланди.

Юпитер сайёрасининг таъсири остида Куёшда содир бўладиган активлик Ердаги табиий офатлар ва ижтимоий-сиёсий туғёнларнинг асосий манбаидир. Зеро, шундай экан Ерда чучук сувнинг тақсимланишини янги изга солиш керак. Турли ҳокимиятлар эса одам боласи руҳиясига, унинг инжиқликларига дош берадиган юмшатишларга йўл бермоқлари лозимдир.



Фахриёр



\* \* \*

Муҳаббатдай калта бу умр.  
Унга қараб  
оёқни ҳам узатиб бўлмас.

Умрдан ташқарида  
бош туриши мумкинди фақат.

Умрнинг остида қолиб кетмаган  
бош  
олис-олислардан кўриниб турар  
Яссавийнинг мақбарасидай.

\* \* \*

Қайда яшамасин одамзот насли,  
Сангжумон, Румо ё Тошканд,  
Барибир юракнинг бир эрур касби —  
Юрак ЭРКка ихтисослашган.

\* \* \*

Бўғзига тақилган ҳақиқатдан  
ўлиши мумкин одам.

Лекин бу ўлим  
мағлубият дегани эмас,  
ғалаба ҳам эмас, шунингдек.

У сабоқ, холос.  
Эркнинг сабоғи.

## Юрак эрка ихтисослашган

\* \* \*

Баданига ботаётган туш  
синиқларидан  
у дафъатан уйғониб кетар  
ярим кечаси.

\* \* \*

Сени сендан изладим.  
Йўқсан.  
Эгалари кўчиб кетган уй каби  
турибсан бўм-бўш.  
Фақат ташландиқ уйда  
унутилган мушук мисоли  
кўксингни бир нима тирнайди ичдан...

## Қуш ҳақида

Бизнинг эътиқодда турмайди бу қуш,  
Бу қуш даҳрий эмас, муслим ҳам эмас.  
Бу қуш насроний ҳам эмас, валекин  
У ҳам Толстойдек мол гўштин емас.

Бу қуш ватанпарвар эмасдир, аммо  
Иссиқ ўлкаларга учиб кетмайди.  
Унинг, айтарлик иш қилмаса ҳамки,  
Беҳуда сайрашга вақти етмайди.

Бу қуш муаллиммас, фан номзодимас,  
Бизнинг тилимизни билмайди чунки.  
Бироқ шу ҳолича дорилфунунда  
Бемалол ЭРКдан дарс бериши мумкин.

\* \* \*

Утмиш оғрир.

А. Вознесенский

Утмишнинг иссиғин ўлчамоқ учун  
камлик қилар симоб захиралари.  
Юзидан қон қочар — ранг борар ўчиб —  
сарғармоқда китоб саҳифалари.

Утмиш тилдан қолган. Дардини эса  
ёзиб кўрсатади эски ёзувда.  
Биз ўқий олмаймиз. Ургатгин десак,  
Муаллим ҳарфларни ёзади сувга.



## Тошга айланаман

1

Тошга айланаман  
сизнинг баҳорингизга  
элчи бўлиб боргувчи  
бойчечаклар гулламоғи учун  
бағримда

2

Маломат тошидан бўлак  
тош йўқ замон бу.  
Тошга айланаман  
токим тарошлаб  
мендан Навоийга ҳайкал қўйсинлар.

\* \* \*

Одамни  
қамаб қўйса бўлар бемалол,  
сургун қилса бўлар ҳаттоки...  
ўзига.

## Сен кетган жойда

Узилиб ётар бир қулоч умид,  
қасамлардан бўшаган шиша,  
сариққа чалинган виво мавсуми,  
йиртиб ташланган андиша.

Муҳаббатнинг пўчоқларин бетиним  
фаррош шамол супураб.  
Қизармаган кўкнинг бетига  
фавворалар тупураб.

Ўриндиқ, қобирғалари қатор  
гулзор ичра ўрмалаб қочар.  
Йўлак беҳуш йиқилиб ётар.  
Армон бола очар.

Энди армончаларга келсак,  
сайрга олиб чиқар уларни она Армон.  
Кушанда бахт қуши, бахт қуши эса  
учиб кетган жанубга томон.

## Хавотир

1. Вақт саҳроси.  
Кетиб бораётган тоғлар карвони.
2. Бурнидан ип ўтказилган  
тоғлар карвони.
3. Ортига қайрилиб қаролмайдиган  
тоғлар карвони.
4. Дарвоқе, юк:  
тошларни келажакка  
ташиб кетмоқда тоғлар.

## Мен боладай ишонган эдим...

Раҳим Карим



## Робинзон Крузо

I

Қувончим танамга сиғмайди:  
Жанубда кўринар бир кема.  
Ёлғизлар кулмайди — йиғлайди,  
Сен унга осон деб ўйлама.  
Севинчдан юрагим қисилар,  
Чунки йўқ ёнимда ҳамроҳим.  
Севинчим бўғзимга тиқилар,  
Ким билан бўлишай, паноҳим?

II

Мен келдимми дунёга эрта  
Ё кечикиб кўрдимми ҳаёт?  
Бошқа авлод яшарми Ерда?  
Наслим ўтиб кетганми, ҳайҳот?

Ҳеч ким мени тушунмади, йўқ,  
Худо каби биттаман, ёлғиз.  
Рақибларим отиб турар ўқ,  
Боқмай кетди севгилим у қиз.

Бахтиёрман оламда лекин,  
Ҳеч бўлмаса бор-ку, душманим.  
Яшамабман, демак, кўрқиб жим,  
Орттирмоққа ярабман ғаним.

Демак, жуда ташвишга солар  
Кимларнидир шу муштдек жоним.  
Менга ҳам дўст топилиб қолар  
Адашмаган бўлса замоним...

1960 йили Уш шаҳрида туғилган.  
Москвадаги М. Горький номли Адабиёт  
институтини битирган. «Рангли рўё» илк  
шеърлар тўпламининг муаллифи. Уш  
ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашма-  
си кўптиражли газетасида муҳаррир  
бўлиб ишлайди.

\* \* \*

Сайр қилар малла сочли қиз  
Дов-дарахтлар ҳушини олиб.  
Осилади ниҳолларга куз,  
Боқар сўнгсиз хаёлга толиб.

Дарахт бўлиб кучли, чидамли  
Қишга кириб борар ниҳоллар.  
Сарғаймаган дарахт дарахтми  
Деб шивирлар нуроний толлар...

Мен сени ҳеч қачон севмаган эдим,  
Сени ҳам ўзимни алдаган эдим,  
Мен бола эканман, сен эса — гўдак,  
Ишонтирган эдим, ишонган эдим...

Йўқ-йўқ, севар эдим, фақат сенимас,  
Сенинг қанотингда сақлар эдим жон.  
Муҳаббат олдида мен ҳам битта хас...  
О, нега кўзларинг тўқийди маржон?!

Сен мени севасан, мен эса — уни,  
Узгани севади бироқ севганим,—  
Уни ҳам севмайди, ахир, севгани...  
Шу занжирлар балки севги дегани...

Ойлар, йиллар ўтди, сен ҳам ушбу дам  
Узганинг меҳри-ла сақлармишсан жон.  
Демак, алданмоқда бот икки одам,  
Демак, ҳали-ҳануз муҳаббат сарсон...

Дарахтлар уйғонди уйқудан,  
Новдасин безади ғунчалар.  
Хомушман бир ажиб туйғудан,  
Завқ-шавқ-ла чуғурлар қушчалар.  
Ҳовлида буй чўзган бир бодом,  
Гулларга бурканди, гул-ки — чўғ.  
Ниҳолини ўтқазган бобом,  
Афсуски оламда бугун йўқ!  
Ҳижронда бодом ҳам тўлғанар,  
Бобомни излайди тонг маҳал,  
Тинмайин самога буй чўзар  
Бобомга қўйилган бу ҳайкал.  
Сочига ўхшайди гуллари,  
Қоматин эслатар буй-баста,  
Навқирон шу бодом умрига  
Бобомнинг умри ҳам пайвастдир.

Шарқда пайғамбар, уларнинг авлодлари, тўрт халифа, авлиёлар, саҳобалар ва бошқа дин ҳамда шарнат пешволари ҳақида Абдулло Ансорий (XI аср), Фаридиддин Аттор (XII), Юсуф Ҳамадоний (XIII аср), Насриддин Рабғузӣ (XIV аср), Абдурахмон Жомий, Алишер Навоӣ, Муҳаммад Яъқуб Ёркандӣ ва бошқа ўнлаб муаллифларнинг китоблари мавжуд.

Сиртдан қараганда бу асарлар пайғамбарлар ва авлиёлар ҳақидаги диний ривоятлар ва ҳикоятлар мажмуасидек туюлади. Аммо уларнинг суратига эмас, сийратига назар ташланса, ҳар бир афсонавий шахс ҳақидаги ривоят ҳамда ҳикоятларда чуқур фалсафий мушоҳадалар, инсон ҳаётининг ранг-баранг жабҳаларига тегишли ахлоқий-таълимий, ҳикматомуз фикрлар мужасамланганлигини илғаб олиш қийин эмас.

Муҳаммад Сиддик Рушдийнинг «Тазкират-ул-авлиё» китоби ҳам машоихлар ҳақидаги ана шундай панду хикматлар билан йўғрилган ҳикоятлар тўпламидир. Муҳаммад Сиддикнинг ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида тўла маълумотга эга эмасмиз. Асарнинг муқаддимасидаги қайдларга қараганда ёзувчи Кўкон, Ёркент ва Қошғар шаҳарларида умр кечирган. Шарқ халқларининг илм-фани, хусусан, фикҳ, сўфизм фалсафасини пухта эгаллаган; Фирдавсий, Саъдий, Жомий ва Навоӣ ижодини кунт билан ўрганган. Ўз асарини ёзиш учун катта тайёргарлик кўрган. Натижада фақат 88 шайх-авлиёнинг ҳаёти ва фаолияти, турмушга, жамиятга, инсонга, табиат ва ҳайвот оламига муносабатлари турли ривоят, нақл, ҳикоят, мутоиба, хикматлар орқали ёритадиган «Тазкират-ул-авлиё»сини яратишга муваффақ бўлган.

Муаллиф хасби хол характеридаги 160 мисрадан иборат маснавийсида ушбу асарни яратиш сабаблари ҳақида гапириб, тўрт йил давомида ёзиб, 1870 йили тугатганлигини таъкидлаган.

Тўрт йил ўтрусида эттим ракам  
Не илик ором олиб, не қалам.

Асарни ёзишда Муҳаммад Сиддик араб ва форсий тилларда ўзигача яратилган кўплаб манбалардан, шу жумладан, «Шарҳ-ул-қулуб», «Қашф-ул-асрор», «Маърифат-ул-нафс» ва «Тазкират-ул-авлиё» китобларидан ижодий фойдаланган. Китобда таъкидланишича, муаллиф «арабий иборатлар» ҳамда «форсий алфозлар»даги асарлар «турк улуси учун» тушунилиши оғир бўлгани, пайғамбар ҳадислари ва Куръон оятларини изоҳлаб, тушунтирадиган алломалар камайиб бораётганлиги сабабли, мазкур китобни битган. Шунингдек, мусанниф «алфози оз, маъноси тўла» бўлсин учун ушбу асарга пайғамбарлар, саҳобалар тарихини киритмай, фақат машоихлар-авлиёлар аҳволини баён этиш билан кифояланганлигини уқдирган. Дастхат 382 varaқ бўлиб, ҳажм жиҳатидан анча катта. Кўлёманинг охиридан бир неча varaқ йиртилгани учун котиб ва кўчирган

# «Тазкират-ул-авлиё» и туркий

йилини аниқлаш имкони бўлмади. Мазкур нусха муаллиф дастхати бўлиши мумкин. Чунки унда юзлаб тузатишлар, киритмалар мавжуд. Бундан ташқари у насрий сўз бошида ўзини «муллақаб Ботирушуд» деб атаса, маснавий ҳамда матн таркибидаги шеърларда бир жойда «Рашдий» тахаллусини қўлаб, устидан «Рашдий» тарзида тузатиб қўйган.

Ушбу китоб кўп жиҳатлари билан шу типдаги асарлардан тубдан фарқ қилади — у ўзига хос қурилиш, мундарижага эга. Боблар зикр тарзида келади. Ҳар бир зикрда, дастлаб, қаламга олинган шайх-авлиёнинг фикҳ тарихида тугган ўрни, сўфизмининг қайси маслагига мансублиги, илмий қудрати сажъ йўли билан юксак кўтаринки руҳда тавсиф этилади. Шундан сўнг ўша авлиёнинг у ёки бу сўфистик йўналишига қўшилиб, ишқи илоҳий йўлга ўтгунга қадар бажарган вазифаси, ижтимоий келиб чиқиши, тавақалга берилишига сабаб бўлган ноғихоний туртки-вахий баёни берилади. Китобхонда ўша авлиё сиймоси ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилдиргач, «келтирубдурларким» бошланмаси билан у киши ҳақидаги ривоятлар «нақл қилибдурларким», «нақледуркум», «дебдурларким» сингари киритмалар билан унинг сафдошлари, муридлари ва замондошларининг нақллари келтирилади. Шундан сўнг «дебдур» бошланмаси билан мазкур авлиёнинг Куръон оятлари, пайғамбар ҳадислари билан бевосита боғлиқ кўплаб панд-ҳикматлари илова қилинади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муаллиф пандлардан сўнг мамдўҳининг вафоти, жанозаси тафсилотини баён этади ва баъзан мурид ёки шогирдининг туши орқали унинг руҳи тақдирини ҳам кўрсатиб ўтишга интилади. Натижада Муҳаммад Сиддик ўз зикрларини яхлит бир асар даражасига етказишга муваффақ бўлган. Зероки, ундан на тавсиф, на ривоят, на нақл ва на пандларни алоҳида ажратиб олиб бўлади.

Муҳаммад Сиддик тазкирада Шарқ фалсафий-диний қарашлари, хусусан сўфизм таълимоти, унинг тушунчаларининг турли-туман томонлари ҳақида кенг маълумот беради. Ўз назарий

фикрларининг тасдиғи-исботи учун Куръондан юздан ортик оятлар келтиради; ҳадислардан фойдаланади.

«Тазкират-ул-авлиё» соф диний-назарий характердаги асар бўлиш билан бирга катта ирфоний, маърифий аҳамиятга ҳам эга. Чунки, ривоят, нақл, хусусан, панд-ҳикматларда инсон камолоти учун зарур бўлган жиддий маъно мавжуд. Улар инсонни имоннинг бутунлигига, эътиқод поясини мустаҳкам этишга, кўзланган мақсад-ният йўлида фидойиликка ўрганишга, метиндек иродали, пок бўлишга даъват этади. Инсон учун, она-Замин, табиат учун яхшилик қилиш, инсон зоти бир-у, эътиқодлар ранг-баранглигига эътибор бериш-элпарварлигу ватандўстлик ҳар бир зикр ғоявий йўналишининг маъзини ташкил қилади. Ундаги юксак бадий тасвир, кўплаб шеърлар китобхон бадий дидини, гўзалликка иштиёқини тарбиялайди.

Асарда тилга олинган шахсларнинг бари меҳнатсевар, илм-фаннинг у ёки бу соҳасида кўплаб китоблар битиб, устод даражасига етган, фақулодда қудратга, илоҳий кучга эга. Чунончи, Робиа — сеҳрлайди, ҳавода муаллақ тура олади; Абу Туроб Нахшабий қўлини темирчилар кўрасига тутиб тура олади, ерни телса, чашма қайнаб чиқади; Иброҳим Адҳам дарёни кўприксиз кечиб ўтади, дарахтни ўзи билан ҳамроҳ юргизади. Боязид Бастоний, Ҳасан Басрий ва Башир Ҳофийлар истиқболда бўладиган ишларни башорат қила оладилар. Булар ҳақидаги айрим ривоятлар ўзбек саргузашт сеҳрли асарларининг энг яхши намунаси ҳисобланиши мумкин.

Биз улкан асарнинг жиддий тарбиявий аҳамиятини ҳисобга олиб, Робиа, Иброҳим Адҳам, Фузайл Аёз, Абу Туроб Нахшабий, Ҳаким ат-Термизийлар ҳақидаги фикрларни азиз журналхонлар эътиборига ҳавола этишга қарор қилдик. Ёзувчи услуби ва тасвирлаш усулини айнан сақлаш мақсадида асар матнига тузатиш ва таҳририй ўзгартиришлар киритилмади.

Ҳамиджон ҲОМИДОВ,  
Икромиддин ОСТОНҚУЛОВ

Ислом дунёсида Робиа Адвия номи билан машҳур бўлган, биринчи сўфи — аёл Робиа 713-718 йиллар орасида Арабистоннинг Басра шаҳрида, камбағал оилада дунёга келади. Чақалоқ оилада тўртинчи қиз бўлгани учун унга Робиа деб ном қўядилар. Гўдаклик пайтидаёқ одамжаллоблар Робиани ўғирлаб, қул бозорида сотиб юборадилар. Робиадаги руҳий қудрат, сеҳрли мушоҳадаларни сезган хожаси уни қулликдан озод этади. Робиа дунёдан тоқ ўтишга аҳд қилади ва дастлаб халқ қўшиқларини ёдлаб-қуйлаб юради, кейин эса диний-фалсафий билимларни ўрганади, халқ оҳанглари йўлида кўплаб шеърлар ёзади. Шоира бир неча йил саҳрога чодир қуриб, гўшанишинликка бериледи. Ўзининг ишқи илоҳий хусусидаги ақидаларини узил-кесил шаклантиргач, Робиа Басрага қайтиб, атрофига тарафдорлар, шогирдлар йиғи бошлайди. У сўфизмда ишқи илоҳий таълимотининг асосчиларида ҳисобланади. Унинг фалсафий қарашларида инсоннинг ўзлигини таниш, бандога раҳм-шафқатли бўлиш, юксак ахлоқий хислатга эга бўлиш каби маърифий, инсонпарварлик жиҳатлари кўп. Робиа 801 йили Басрада вафот этади.

Хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқи чекланган, ақли заиф деб камситилган бир даврда Робианинг бу даражага етиши, замонасидаги кўп авлиёлар, дин назарийтчиларини фалсафий-диний мунозараларда, нотиклик санъатию кароматгўйликда мот қилиши маърифий-ирфоний қарашлар жараёнидаги бир исён эди.

Ўтмишда яратилган «Табақот-ус-сўфия», «Тазкират-ул-авлиё», «Нафаҳотул-унс», «Насойимул-муҳаббат» сингари кўплаб ахлоқий характердаги китобларда Робианинг ҳаёти, таълимоти, шогирдлари билан муносабатлари, сафдошлари билан баҳс-мунозаралари ҳақида кўплаб ҳикмат, ҳикоят, нақллар мавжуд. Қуйида биз Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Тазкират-ул-авлиё» китобидаги Робиа хусусидаги ҳикояларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

## Зикри Робиа Адвия Раҳматуллоҳи алайҳа

Ул мужарради<sup>1</sup> хос, ул мастуран ситорани ихлос, ул сўхтаи<sup>2</sup> ишқ ва иштиёқ, ул шафтаи фиреб ва ихтироб, сонини Марям ва сафияни мақбули Робиа Адвия раҳматуллоҳи алайҳа.

Агар киши десаки, Робиани эранлар қаторида недин зикр қилурсен, айтурменким, Хожа анбиё алайҳиссалом айтибдурларки, таҳқиқдурким, худон таоло суратинларга боқмас ва қилгон амалинларга боқмас ва лекин кўнгилларингга ва ниятинларга боқар ва чунончи пайғамбар саллоллоҳи алайҳа ва саллам айтибдурлар, «ошқоро бўлур қиёмат кунни халойиқ ўз ниятлари била». Ва яна айтибдурлар, саллоллоҳи алайҳа ва салламки, уч ҳисса дин ишидин икки ҳиссасини ушбу даҳҳақдин, яъни Ойшадин олингизлар. Вақтеки уч ҳиссадин икки ҳиссани ҳазрати Ойшадин олмоқ раво бўлса, анинг канизакларидин (бўлмиш) Робиадин дин ўрганмак нечун раво бўлмағай. Хотин киши худо йўлида эранлардек бўлса, ани хотин деб бўлмас. Чунончи, Тусий айтибдур «Тонгла қиёмат кунни аросати қиёматда «эй ёронлар» деб муноди қилурлар. Ул кишики эранлар сафига қадам қўяр, Марям алайҳиссалом бўлурлар».

Ва дигар Робиа шайх Ҳасан Басрийнинг мажлисида бўлмаса эрди, Ҳасан Басрий воиз эмас эрди. Ва мажлисни тарк қилур эрдилар. Журм лозимдурки, Робиани зикрини эранлар қаторида келтурмак керак. Маъни ҳақиқати улдурки, авлиёлар ҳаммалари худон таолонинг борликида ўз вужудларини йўқ қилурлар ва бирлик ҳосил бўлгонда «ман» демек «сен» демек сизмас. То эрлик ва хотинликка не чўз бўлғой! Чунончи Абу Али Фарҳодий айтур: «Пайғамбарлик улўғликнинг ўзидур, пайғамбарни улўғ ва кичик, паст ва баланд демек етмас. Ва валий бўлмоқ ҳам анга ўхшаса бўлур».

Хусусан Робиага ўз вақтида қилур амалда ва маърифатда, яъни худони танимоқда ҳам тенги йўқ эрди. Ва ўз замо-

# Шайх Робиа

нидаги авлиёлар ораларида (андин) мўътабари йўқ эрди. Ва анинг илми ўшал замонадақа халойиққа ҳужжати қотё эрди, яъни «бу ишни Робиа қилди ва бу сўзни Робиа деди» деса далил лозим эрмас эрди.

Нақл қилибдурларким, Робианинг бир хизматкори бор эрди.

Бир кун ифтор учун ёғ шўрба қилмоққа буюрди. Неча кун бўлиб эрди, уйда ҳеч таом пиширмаб эрди.

Хизматкор дедиким:

— Пиёз йўқтур, ҳамсоядин пиёз тилаб келурман.

— Қирқ йилдур, худон таоло бирлан аҳду паймон қилибдурманким, худодин ўзгадин ҳеч нима тиламағайман.

Дарҳол бир қуш ҳаводин келиб пўстини оқлаган пиёз келтуруб, қозонга солди.

Робиа айтди:

— Бу ҳам бир акрдин холи эрматур, деди. Ёғ шўрба емоқни тарк қилди. Ва нонни қуруқ ер эрди.

Нақл қилибдурларким, Робиа бир қуни тоғ ичига бориб эрди. Кийиклар ва шикори жониворлар Робиа олдиға келур ва анга қоралаб турар эрди. Ва анга ёвуқ келур эрди. Ногоҳ Ҳасан Басрий пайдо бўлди. Робиа Ҳасанни кўрди эрса, анинг тарафига юрди. Ва ул ҳайвонлар Ҳасанни кўрдилар ва ҳамма қочтилар.

Робиа ёлғиз қолди. Ҳасан муни кўрди, мутағйир<sup>3</sup> бўлди.

Робиага айттилар:

— Мандин не учун қочди ва сендин не учун қочмади?

Робиа дедиким:

— Бугун не таом еб эрдингиз?

Ҳасан деди:

— Ёғ шўрба еб эрдим.

Робиа деди:

— Сизлар уларнинг гўшту ёғини есанглар, нечук қочмасун?!<sup>1</sup>

Нақл қилибдурларким, вақтеки Робиа Шайх Ҳасаннинг уйиға борди, Ҳасан тободондин бошини чиқариб йиғлаб туриб эрди. Кўзининг ёши Робианинг эғнига томди. Робиа гумон қилдиким, ёмғурнинг сувидур ва маълум бўлдиким, Ҳасаннинг кўзининг ёшидур.

Робиа деди:

— Эй устод, йиғламоқ агар нафса панд бермоқ учундур, йиғламағил ва ёшни ичингда сақлагилким, дарё бўлғусидур. Агар кўнглингни ул дарёда изласанг топмағундур. Аллоҳ изламаклик муҳтадир, магар қудратлик подшоҳнинг даргоҳида топғундур.

Шайх Ҳасанга бу сўз қаттиқ эшитилди, аммо ҳеч нима демеди. То бир кун Шайх Ҳасан Робиани дарё лабида кўрди. Ва Ҳасан жойнамозни олиб дарёга ташлади. Жойнамоз бориб дарё ўртасида ёйилиб турди. Ҳасан жойнамоз узра бориб деди:

— Эй Робиа, келгил, бу ерда икки ракаат намоз ўтаб, адо қилоли.

Робиа деди:

— Эй устод, бу дунё бозорида ўзингни элга кўрсатсанг, андоғ кўрсатгилким, халойиқ андоғ ишдин ожиз келғай. Андин кейин Робиа жойнамозни олиб ҳавога ташлади. Ва ўзи учиб бориб жойнамоз узра чиқиб ўлтуруб деди:

— Эй устод, дунё бозорига андоғ матони солғайсизким, ўзгада бўлмағай. Келгил, то халойиқ бизларни кўргайлар.

<sup>1</sup> Қотё — рад этиб бўлмас

<sup>2</sup> Шикори жониворлар — ов ҳайвонлари.

<sup>3</sup> Мутағйир — ҳайрон.

Ҳасанда ул мартаба йўқ эрди. Ҳеч нима демади.  
Робиа хоҳиш қилдиким, Ҳасаннинг кўнглини олғай.  
Айтди:

— Эй устод, ул ишки, сиз қилдингиз балиқлар ишидур.  
Ва бул ишки, ман қилдим, жинлар ҳолидир. Қилур иш бу  
иккидин бўлакдурким, сиз билурсиз.

Нақл қилубдурларким, Шайх Ҳасан Басрий айтур: «Бир  
кеча Робиянинг олдиға бордим. Тонг откунча тариқат ва ҳақиқат  
сўзидин сўзлаштук, не эр эрконим манинг хотиримға  
етди ва не хотунлуғ анинг кўнглиға кечти. Охируламр  
қачонқим ёнғали кўптум, ўзимни бир гадоеки, бир кунлик  
рўзонаси йўқ ва Робияни худо ҳаммадин халос қилибдур.

Нақл қилибдурларким, бир кеча Ҳасан Басрий ёронлари  
бирла Робиянинг уйиға келдилар. Робиянинг уйида чароғ  
йўқ эрди. Булар чароғ ёндирмоқни лозим тутдилар.

Робиа кўпти. Илики учини «Фу» деди, эрса ул кеча чароғ-  
дек рўшнолиғ берди. Ул рўшнолиғда субҳғача ўлтурдилар.  
Агар киши айтсаки, илик уни бирдан чароғ ёндурмоқ  
нечук ҳосил бўлғусидур?

Жавоб улдурки, жаноби Мусо алайҳис-салом иликларини  
кўйинлариға солиб чиқарсалар эрди, чароғдек, балки чароғ-  
дин зиёдароқ равшанлик берур эрди.

Агар десаким, улар пайғамбар эрдилар, айтурманким,  
киши пайғамбарға уммат бўлса, пайғамбарликдин анга  
насиб бўлғусидур. Пайғамбарларға мўъжиза бўлса, пайғам-  
барға тобе бўлғоннинг баракатидан авлиёлардин каромат  
бўлур.

Жаноб Расули Акрам алайҳи ва саллам айтубдурлар, «ҳар  
киши беш дона арпанинг вазни чоғлиқ ҳаромни ёндуриб бер-  
са, олмаса, батаҳқиқ пайғамбарлиқ даражасини топғусидур».

Ва пайғамбар айтубдурлар: «Рост туш кўрмак пайғамбар-  
ликнинг қирқ олти чорасидин бир чорасидур».

Нақл қилибдурларким, Робиа шайх Ҳасанга уч нимарса  
юборди. Бир пора мум ва бир игна ва бир қил. Яъни мум  
гўёки, дедим мумдек бўлғил, ўзингни куйдур, оламға ёруғ-  
лик берғил ва бир игна янглиғ бўлғил, ўзингни бараҳна  
тутиб, элнинг чоқини ямағил ва чунки бу иккини бажо келтур-  
санг, ҳам эҳтиётдин ўзингни қил устида тутқилким, қилғонинг  
ботил бўлмасин.

Нақл қилибдурларким, Шайх Ҳасан Робиага дедиким:

— Хоҳиш қилурмусен, то сени бир кишиға ақди никоҳ қил-  
ғаймиз?

Робиа деди:

— Ақди никоҳ вужуднинг ишидур ва мандин вужуд кўтари-  
либдурким, ман анинг борлиғида ўзимни йўқ қилибман.  
Ва анинг вужудида йўқ бўлибман. Ақди никоҳ хутбасин  
андин изламак керак. На мен анингдин, ва ўзимни анинг  
ҳукми соясида бўлибманким, вужудим сояси янглиқдур.

Шайх Ҳасан деди:

— Бу даражани не билан топдинг?

Робиа айтиди:

— Ҳар на боримни йўқ қилмоқ била топтим.

Ҳасан Басрий бир кун Робиянинг ибодатхонасиға борди,  
деди:

— Эй Робиа, кишидин ўрганган ва ҳеч кишидин эшитмаган,  
пайваста кўнглинға тушкон илмдин манға бир ҳарф ўргатғил.

Робиа деди:

— Бир қамиш йиф йигириб эрдим. То ани сотиб ғизо  
қилғайман. Икки пулга соттим. Бирини бир илкимға олдим  
ва яна бирини бир илкимға олдим ва кўрқтимким, агар  
иккисини бир қўлимға олсам, икковлон жам бўлиб, мани  
йўлдин чиқарғайлар. Бугун кўнглимға тушгон кушойиш ушбу-  
дур.

Нақл қилибдурларким, Робиага дедиларким, не учун куёвни  
ихтиёр қилмайсиз?

Робиа дедиким:

1. Йидек байзо — Мусо пайғамбарға насиб этган икки мўъжизадан  
бири, у шу қадар ёруғки, душманға рўбарў қилса куйиб кул бўлади.

— Сизлардин уч савол қилойин, агар жавоб берсанглар,  
фармонингизларни тутай. Аввал улки, ўлар вақтда имонни  
саломат элта олурманму ё йўқму?

Ва айдилар:

— Муни билмасмиз.

Иккинчи улки, қиёмат куни бандаларнинг номасини иликла-  
риға берурлар. Манинг номамни ўнг қўлимға берурларму  
ё чап қўлимға берурларму? Учинчи улки, бир тоифани ўнг  
тарафдин беҳиштға элтурлар, бир тоифани сўл тарафдин  
дўзағға элтурлар.

Дедилар:

— Биз билмасмиз.

— Кишиким бу янглиғ ўлим олдида бўлса, нечун куёвға  
тушмоқ ва тўй қилмоқ кўнглиға кечгай?

Сўрдиларким:

— Эй, Робиа, қайдин келурсан?

Деди:

— Ул дунёдин.

Сўрдилар:

— Не ерға борурсан?

— Ушал дунёға.

Сўрдилар:

— Бу дунёда не иш қилурсан?

Деди:

— Пушаймон ва надомат қилурман.

Сўрдилар:

— Ул не янглиғ бўлур?

Деди:

— Бу жаҳоннинг нонини ёйдурман ва ул жаҳоннинг  
ишини қилурман.

Дедилар:

— Ажаб тотлуғ сўзлук кишисан, саройбанд бўлғоли лойиқ  
кишисан.

Дедиким:

— Эй, саройбанд, манким, ҳар наким ичимдадур, ташқару  
чиқарурман ва ҳар наким ташқаримдадур, ички солалмас-  
ман ва агар киши келса ва чиқиб кетса ва менинг бирла иши  
бўлмаса ва мен кўнглим сақларман. Том торуси бирла  
ишим йўқтур.

Сўрдиким:

— Ҳақ таолони дўст тутармусен?

Деди:

— Дўст тутарман.

Дедилар:

— Шайтонни дўст тутармусен?

Деди:

— Йўқ.

Дедилар:

— Не учун душман тутмассен?

Дедиким:

Ҳазрати раҳмоннинг муҳаббати кўнглимни нур тутубдур,  
шайтоннинг адовати сиғмайду.

Нақл қилибдурларким, Робиа айтиди:

— Ҳазрати расули худо саллоллоҳи васалламни тушумда  
кўрдум.

Менға дедиларким:

— Эй, Робиа, мани дўст тутармусен?

Дедим:

— Ё расулиллоҳ, кимдурким, сизни дўст тутмағай?

Лекин ҳақ таолонинг муҳаббати мани онча пур тутубдурким,  
ғайри сиғмайди.

Робиа дебдур:

— Агар сабр одам суратида бўлса эрди, сахий киши  
бўлур эрди.

Робиа дебдур:

— Маърифатнинг хусули худоға юз келтурмақдур.

Ориф улдурки, худодин кўнгли тилағай. Вақтеки худо  
кўнгли берса, дарҳол ул кўнглини худоға бергай, то худонинг  
тасарруфида саломат тургай ва худонинг дўстлиқида халқдин  
пинҳон бўлғай.

Келтурибдурларки, бир солиқ киши бир кун Робиянинг  
олдида айттики:

— Ҳар киши бир эшикни тўла қоқса, очилур.  
Робиа айтди:  
— Нега айтурсан, эшик итиклик, шояд очарлар? Бу эшик ҳаргиз этилган эмаским, ани очмоқ ҳожат бўлмай.  
Ул киши айтди:  
— Ажабки, эр бўлмай, жоҳил бўлмай ва заифа хотин бўлмай, олиму доно бўлмай.

Бир кун Робиа бир кишини кўрдик, айтур эрди: Во андувоҳо!

Робиа деди:  
— Андоғ демагил, балки айтғил: «Во ба андуқоҳо». Ва агар андуҳин бўлсанг, бир нафас бўлолмас эрдинг. Яъни, беғам ва беандуҳликдин нола қилғил. Ғам-андуҳинликдин нола қилмағил, ушбу мазмундадур. Байт:

Кўнгил ичра ғамлик асру ғамдур,  
Алам йўқлик дағи қотуғ аламдур.

Робиа бир кун бир кишини кўрдиким, бошини тонғибдур. Сўрдиким:

— Не учун бошингни тонғибсан?

Дедиким:

— Бошим оғриди.

— Робиа сўрди:

— Неча ёшқа етдинг?

Деди:

— Уттиз ёшқа етибман.

Робиа деди:

— Бу ўттиз йилнинг ичида ҳамиша бошинг оғрийдиму?

Деди:

— Йўқ, бу бир кеча оғриди.

Робиа деди:

— Уттиз йилдур тандурустлик шукронаси учун бошингни танғимадинг. Бир кеча оғриғонининг шикояти учун сарпеч қилурмусен?

Нақлдурким, Робиа бир вақтда бир кишига тўрт мисқол кумуш берди ва дедиким:

— Менга чакман олиб бергилким, яланғоч қолдим.

Ул киши борди ва ёниб келиб сўрдиким:

— Не ранг чакман олайин?

Робиа деди:

— Киймай туриб ранги ароға туштиму? Кумушни менга бергил деб кўлидин олиб дарёга ташлади, яъни ҳануз чакманни киймай туриб кўнглимга ташвиш келтуруб, парокандалик солди.

Нақл қиладурлар, баҳор вақти эрди. Робиа уйига кириб бошини йўрғаб ўлтурди. Хизматкори кириб айтди:

— Эй эгачи, тошқари чиқсангиз гуллар очилбдур ва дархатлар яшарибдур. Худонинг қудратини мушоҳада қилсангиз.

Робиа деди:

— Бас, ичкари киргил ва худони томоша қилғил...

Нақл қилибдурлар, бир неча киши Робиянинг қошига келди. Ва кўрдиларким, Робиянинг бир порача гўшти бор эрди. Ани тиши билла тишлаб пора қилиб ўлтурур.

Сўрдиларким, фичоқинг йўқму?

Дедиким:

— Айирмоқда айрилмоқ кўркунчидин ҳаргиз фичоқ сақламадим ва фичоқим ҳам йўқдур.

Нақлдурким, Робиа бир маротаба етти кеча-кундуз ўтти, ҳеч нимарса емади ва кеча уйқуламади. Ва кечани намоз билла ўткурур эрди ва очлиқ таъсир қилди ва нафс нолаға турдиким, мани қачонга тегру оғритурсан?

Ушбу маҳал эрди, бир киши эшик қоқди. Робиа эшик очди. Бир оёқ ош келтуриб Робиага берди. Робиа бу ошни олиб қўйди. Узи чироғ ёндируб келгунча бир мушук келиб, ошни тўқди.

Робиа муни кўрди. Айди:

— Кўзадин сув олиб, анинг билла ифтор қилайин деб, кўза билла сувни келтурғали борди. Кўзани келтургунча чароғ ўчти. Қасд қилдиким, қаронғуда бўлса ҳам сув ичиб, ифтор қилғай. Кўза иликдин тушиб синди.

Робиа бир оҳ торттиким, оғзидин чиққон ўтдин уйға ўт олмоққа ёвутти.

Робиа айтди:

— Илоҳо, бу недурким, ман бечорага қилурсан?

Хитоб келдиким:

— Эй, Робиа, агар хоҳласанг бу дунёнинг неъматини сенга берурман, аммо ғамингни кўнглиндин олурман. Менинг муҳаббатим дунёнинг муҳаббати билла бир кўнгилда жам келмайдур. Эй, Робиа, санда бир мурод бор ва санда бир мурод бор. Саннинг муродинг ва маннинг муродим бир кўнгилда жам келмайдур.

Робиа айтур:

— Бу хитобниким, эшитдим эрса нега дунёдин кўнгили узиб ва умид риштасини оламдан қисқа қилдим. Уттуз йилдур намоз ўтайдурман. Ҳар намозким ўтармен андоғ билурменким, охирги намозим ушбурдур. Яъни умидим йўқки, яна бир намоз вақти еткунча мен бор ва ё йўқ. Халқдин онча узилибменким, ҳар кун айтадурмен: «Худо-вандо, мани ўзингга машғул қил, ҳеч кишини келтурмагилким, сандин мани ғофил қилғай».

Нақлдурким, Робиа ҳамиша оғриқ кишидек нола қилур эрди.

Сўрдиларким:

— Эй, азиза, ҳеч оғриғинг маълум эмасдур, не учун ҳамиша ингранурсен?

Робиа айтди:

— Андоғдур, сийнамда бир оғруғум бордур, андоғ оғруғеки, олам табиблари анга илож қилмоқдин оғриқдурлар ва ул жароҳатим марҳамати дўстнинг дийдоридур. Оғриғим изҳорини қиладурман. Умидим улдурки, тотли мақсудумга етқайман ва дардлик бўлмасам ҳам дардлик халққа ўхшаб нола қилурманким, дўст фиғону носасини дўст тутодурман.

Келтурубдурларким, бир неча бузурғлар жам бўлиб, Робиянинг қошига келдилар. Буларнинг бири сўрдиларким: Худои таолони не учун парастииш қилурсан?

Дедиким:

— Етти табақа дўзах улўғ азиматлиғ ердур. Ҳеч киши андин ўтар иложи йўқтур. Андин кўрқармен.

Яна биллари дедилар:

— Беҳиштнинг мартаба-манзиллари ажойиб ўбдон ва улўғдур. Ҳамма роҳат ва осойиш анда деб ҳақ таоло ваъда берибдур. Анинг таъмасида парастииш қилурман.

Робиа деди:

— Емон бандадурким, ўз худойини таъма ва кўрқинчинг парастииш қилғай. Андин кейин булар сўрдилар:

— Сан не учун парастииш қилурсан? Дўзахдин кўрқинчинг йўқ ва беҳишттин таъманг йўқмудур?

Робиа деди:

— Аввал ҳимоя андин макон ва менга мунчаси басдурким, ўзи худойингга парастииш қилғил деб фармон қилибдур.

Агар худонинг беҳишти ва дўзахи бўлмаса сизлар ибодат ва парастииш қилмаса экансиз ва худои таоло таборак лойиқ ва сазовардурким, анга бедастга ибодат қилғайсиз.

Нақлдурким, бузурғлардин бири Робиа қошига борур эрди. Кўрдиким, Робиянинг эгни тўла кўҳна ва йиртуқ.

Деди:

— Эй, Робиа, дунёда кишилар тўладур. Мужмал ифода ва ишора қилсангиз, эгин берурлар.

Робиа деди:

— Аввалки, ҳама дунёнинг мулки анингдур, анингдин бир нима тиламакка шарм тутарман, бас, нечун тилағайман? Ул кишининг неча пули ўз кўлида орийтдур ва ўзининг эмасдур. Ул бузурғ деди:

— Ул баландҳиммат пиразандур. Ҳақ-субҳона таоло анга бир нимарса берибдурким, бир нимарса тиламак учун бир нафас кўнгли ҳузуридин айрилғали тоқати йўқтур:

Нақлдур, бир неча киши озмойиш ва имтиҳон қилмоқ учун Робиянинг қошига келдилар. Ғарази бу ким, бир неча сўз анга дегайлар, Робиа анга жавоб топмағай.

Бас, дедиларким, ҳама фазилат ва зиёдаликини ва улўғлиқни эр кишига берибдур. Пайғамбарлик тожини эр кишининг бошига қўйибдурлар, қаромат пўтасини эр кишининг белига боғлабдурлар. Ҳеч хотинга пайғамбарлик етмабдур. Сен бу қаромат лойини қайдин урарсан?

Робиа дедиким:

— Ҳар неким дерсизлар, ростдур, худпарастлик ҳам эранлардан чиқди. Ман сизнинг худойинглар деб даъво қилмоқ ҳам эранлардан чиқди. Ҳеч хотин ҳаргиз ҳожиқиз бўлмабдур ва ҳожи қизи ҳам эранлардан чиқибдур.

Келтурубдурким, Робиа бир вақтда оғриди. Ва оғриги қаттиқ бўлди ва сўрдиларким:

— Бу оғригингизга сабаб не эрди?

Дедиким:

— «Нузрат фа ал жанната, фор насаби рониби» бу саҳар вақти эрдиким, кўнглим беҳишт тарафига кироради. Эrsa дўстим менга ғазаб қилди. Бу оғригим андиндур.

Ҳасан Басрий Робиа кўргали келди. Ва кўрдиким, Робианинг эшигида Басранинг хожаларидин бири ўлтурубдур. Ва бир ҳамён олтун тутуб ўлтурур, йиғлайдур.

Сўрдим:

— Эй, халифа, недин йиғлайсиз?

Дедиким:

— Бу фозил ва зоҳид учунким, агар шунинг баракоти бу юртда бўлмаса эрди, жумла халқ ҳалок бўлур эрди. Бир нимарса ниёз келтуриб эрдим, тутиб ўлтурдим. Кўрқарманким, қабул қилур ё қилмас, Агар шафоат қилсангиз, шояд қабул қилғай.

Шайх Ҳасан Робиа қошига кирди. Ончаки хожанинг арзи бор эрди — еткурди. Робиа шайх Ҳасанга боқиб дедиким, кишики ани душман тутса, анча ризқ берадур, кишиким ани жон-дил бирла дўст тутса анга ризқ бермасму? То мен худони тонубмен кишининг молини емасмен, ҳалолдур ё ҳаромдур. Нечундин олғумдурким, бир неча подшоҳнинг чароғи ёруғида кўнглоким чокина тикиб эрдим, неча замон кўнглим ҳеч очилмади, то ёдимга келди, эrsa қанчаки тикиб эрдим, тамом сўкуб ташладим. Андин кейин кўнглим очилди.

Эй, шайх, ул хожаи азизга айтингким, мандин кўнглим узсун.

Абулвоҳид ибн Амир айтур: «Сайфон бирла Робианинг оғруғини кўргани бордуқ ва кириб ўлтурдуқ.

Робианинг ҳайбатидин ҳеч сўз дегади бўлмас эрди.

Сайфонга дедим:

— Сиз бир сўз сўранг.

Деди:

— Робиа дуо қилсангиз, то бу ранжингизни худон таоло саҳлроқ қилса яхшимукин?

Робиа Сайфонга боқиб дедиким:

— Эй, Сайфон, сан билмасмусенким, бу ранжини худон таоло бермабму?

Сайфон деди:

— Оре, андоғдур. Худонинг ризоси манга ранж бермоқлик бўлса, ман тиласам мандин бу ранжини олғил деб, дўстлиқнинг хилофини қилмоқ равомидур?

Сайфон сўрди:

— Нима емакни орзу қилурсан?

Робиа деди:

— Эй, Сайфон, сен аҳли ким кишиси бўлсанг, нима орзу қилурсан деб не учун сўрайсен? Ба иззати оллоки, ўн икки йил бўлибдур, манга хурмо орзуси бўлибдур, сен билурсенким, Басра шаҳрида хурмонинг унчалик қадри йўқтур. Мунчалик бирда ҳануз хурмо еганим йўқтур. Ман банданинг орзуси бирла не иши бўлур. Ман орзу қилсам, у хоҳиш қилмаса куфр бўлғусидур. Ани қилмоқ керакким, анинг хоҳиши банда ҳаққи бўлғай ва агар у хоҳласа ва берса ул лутф-карам ишидур.

Сайфон деди:

— Эй Робиа, санинг эшигингда ҳеч сўз дегани бўлмас. Бори мани эшигимда бир сўз деғил.

Робиа деди:

— Эй, Сайфон, яхши кишисен, агар дунёни дўст тутмасанг эрди.

— Дарс айтмоқ ва ривоят қилмоқни дўст тутмарсен. Бўш йўл кишига зиндондур.

Сайфон айтур:

— Бу сўзларни эшитиб йиғладим ва дедим. Худовандо, мандин хушнуд бўлғил ва ризо бўлғил.

Ва Робиа деди:

— Шарм тутмасмусен, бир ишидин ризолиғ тиларсенким, ўзинг андин рози бўлмағайсен.

Нақлдурким, Молики Динор айтур:

Робианинг уйига бордим. Бир синук ибриқи бор. Сув ичмоқ ва таҳорат этмоқ учун, бир кўҳна бўриёда ётибдур ва бир ғишт бошига кўйибдур.

Молик айтур:

— Анинг бу ҳолини кўриб раҳмим келди ва дедим:

— Эй, Робиа, менинг дунёдор ошноларим бор. Агар хоҳиш қилсанг сенинг учун бирор нарса тилаб келтурайин».

Робиа деди:

— Эй, Молик, улуг ғалат қилдинг. Мен номуродга ўларға ризқ бергувчи бордур. Номуродларни номуродлиги сабабидин фаромуш қилурму? Дунёдорларға дунёси сабабидин ёд қилурму?

Дедим:

— Йўқ!

Робиа деди:

— Ҳаманинг ҳолини ул билса, анга ёдландурмоқ одобдин эрмасдур. Ул мани бу янглиғ хоҳиш қилса бўлурманким, анинг хоҳишидур.

Нақлдурким, бир кун Ҳасан Басрий ва Молик Динор ва Шайх Балхий Робиа кўргани келдилар. Ва ул оғриқ эрди. Шайх Ҳасан деди:

— ... яъни гуноҳ эмасдур ўз дуосини ул кишиким, хожасидин еткан дард ва амалга сабр қилмайдур.

Робиа деди:

— Бу сўздин манлик<sup>1</sup> бўйи келаду.

Шайх деди:

— Ўз даъвосида ростгўй эмасдур, ул кишиким, лаззат ва ҳаловат топмаса хожасининг заҳм ва аламига шукур қилмайду.

Робиа деди:

— Мундин ҳам кўпроқ сўз демак керак.

Ҳамалари дедиким:

— Эмди сизнингдур.

Робиа деди:

— Ростгўй эмас даъвоси ул кишиким, ўзига еткан заҳми билмаса, хожасига ошиқлик даъвосини қилғай. Вақтики, маҳ-буб жамолига рўбарў бўлғонда ўзидин кетмағай ва ҳар заҳм ва алам етса билмаса керак ва бу ишдин огоҳлик ўзида топмаса «ман — ошиқман» деган даъвосида содиқ эрмас, балки козиб дур. Чунончи, Мисрнинг хотинлари бир маҳлуқ тамошосида фиҷоқ бирла иликларини кескони билмағони ажаб кўринади. Холиқнинг мушоҳадасида ушбу сифатни рўбарў таажжуб кўриб бўлмас.

Нақлдурким, Басранинг улуғларидин бир киши Робиа кўргани келди. Ва анинг тақияси устида ўлтуриб, дунёнинг ёмонлиғидин сўз бошлади.

Робиа деди:

— Дунёни тўла дўст турар экансан. Агар дўст тутмасанг мунча тўла анинг ёдини қилиб ёмон демас эрдингким, матоини синдирғучи заридоридур. Агар дунёни дўст тутмасанг эрди, анинг яхши ёмонини ёд қилмас эрдинг. Анинг учун ёд қиласенким, киши бир нимарсани дўст тутса, ёдини тўла қилур!

Нақлдурки, Ҳасан Басрий айтур:

— Бир кун намози дигар вақтида Робианинг уйига бордим, Робиа кўрдим. Бир нимани пиширмоқнинг шавқида ўлтурубдур. Ва гўштни қозонга солиб, сув қуйиб эрди. Маннинг бирла сўз ароға тушти.

Робиа деди:

— Таом пиширғайман. Бу сўз менга хўброқдур. Қозонни ташлади. То намози шомғача сўзлашуб ўлтурдуқ. Ва намози шом ўткандин кейин ифтор учун бир қуруқ

<sup>1</sup>. Ибриқ — обдаста кўза, сопол обдаста.

<sup>1</sup>. Манлик — такаббурлик.

<sup>1</sup>. Козиб — ёлғончи, гуноҳкор.

<sup>2</sup>. Намози дигар — пешин билан оқшом оралиғида ўқиладиган намоз.

нон келтурди. Сув келтурмоқ учун қозонни тутиб қўли куйди. Ва ҳақ таолонинг қудрати бирла гўшт пишибдур ва сув қайнаб турадур. Ва гўшни олиб едук ва ман андоқ хуштаъм ва лазиз таомни ҳаргиз емаган эрдим.

Робиа деди:

— Намоз ўтгувчи эранларга бу янглиғ таом пиширадурлар.

Нақлдурким, Сайфон Сурий айтур:

— Робиянинг уйига бордим. Ул меҳробда намозга турдум. То субҳгача намоз бирла бедорлиқ қилдуқ. Андин айдим:

— Бу кечанинг шукронасига не иш қилолингким, тонг отқунча намоз ўтамоқда анинг хизматини қилмоқга тавфиқ берди.

Робиа деди:

— Бунинг шукронасига тонгла рўза туталинг. Ва Робиянинг муурожаатларидур бу гаҳ деди:

— Эй, бори худоё, агар мени тонгла қиёмат куни дўзаҳқа юборсанг асрорлар ошкор қилурманким, дўзаҳ мандин минг йиллиқ йўл йироқ қочадур, дейди.

Илоҳо, ҳар нимарсаким, дунёда менга ҳиммат қилибсен, душманларингга бергил ва ҳар нимарсаким охиратдин манга насиба айлабсен, дўстларингга бергайсен. Манга сен бўлсанг басдур деди. Ва дедиким, худовандо, агар сени дўзаҳ кўркунчидин паришон бўлсам, дўзаҳда куйдиргил, агар беҳишт умидида санга парастииш қилсам, боқийи ва пойдор жамолингни мандин дариг тутмағил. Ва айтур эрди: — Эй бори худоё, агар мени дўзаҳга солсанг мен фарёд қилғон бирла қичқурурменким, мен дўст тутиб эрдим. Дўст тутқон кишисини дўзаҳқа соладур.

Хотибдин овоз келдиким, «Эй Робиа, мандин ёмон гумон қилмағилким, ман сани дўстларим оросига олурман, то манинг сўзларимни манга айтурсан, илоҳи бу дунёда манинг орзум санинг зикринг ва ёдингдур ва охиратда санинг жамолинг ва дийдоринг. Мандин ушбу ҳол эрдиким, дедим ва сандин ҳар неким хоҳишингдур, андоғ қилғил.

Ва яна муножотда айтур эрдиким, парвардигоро, намозда кўнглимни ҳозир қилғил ва ё кўнгилисиз қилғон намозни қабул қилғил. Ва қачон жон берур вақти етти эрса, халойиқ анинг қошига келиб ўлтурди. Дедиким:

— Қўйинглар ва ташқари чиқиб, уйни ҳоли қилингизларким, худойимнинг элчилари келадур. Ва халқ ташқари чиқиб, эшикни ёпиб эрдилар, бу овозни эшиттиларким:

— Эй, имон бирла ором топқон жон, парвардигорингнинг раҳматига хушнудсен, худойингдин хушнудсен.

Бир замона ўтти эрса ҳеч овоз чиқмади. Эшикни очтилар ва кўрдиларким, жон баҳақ таслим қилибдур.

Робиянинг борасида бузурғлар айтибдурлар:

Робиа дунёга келди ва охиратга борди. Ва ҳақ азза ва жаллага ҳеч ҳолда густоҳлик қилмади, яъни ҳеч нима тиламади. Ва демадиким, «манга мундоғ қил ва бу бергил ва муни мундоқ тут». Ва яна сўздурки, ҳолингни дегил, мункир-накрдин не янглиқ халос бўлдинг, деб сўрдилар. Дедиким: «Қачонким, ул жавонмардлар кирдилар. Ман айт-тим, ёнингизлар, худойимга айтингизларким, қанча юз минг бандаларинг била бир заифаи пиразанни унутмадинг. Манки икки жаҳонда сандин бўлак кимсам йўқ эрди. Ҳаргиз фаромуш қилурман-муким «худойинг кимдур» деб сўргали киши юбординг.


Муҳаммад ибни Ислому Туусий ва Нўъман Тусийким, ҳаж йўлида саққозлик қилиб ўттиз минг кишига сув берур эрдилар. Ҳар иккалалари Робиянинг тупроғи устига бориб дедиларким:

— Эй Робиа, икки оламга буйин эгмайман деб лоф ураб эрдинг, ҳолинг не ерга етти?

Гўрдин овоз келдиким:

— Лойиқ ва сазовор бўлсун, манга давлатеки кўрибдурман.

## Тил сандиғи



**Гулдурган** — маймунжон.

**Гуртак** — қор кўп ёғиши натижасида йўлнинг тўсилиб қолиши.

**Жуқма** — хамир ичига сут, ун, шакар аралаштириб пишириладиган таом номи.

**Жўлик** — муомаласи яхши одам.

**Ирkit** — айрон солинадиган ҳалта.

**Лапша, дилбош** — терлаб туриб сув ичиш натижасида касалланиш.

**Лашак** — майда тарвуз.

**Оқдори** — шифобахш ўсимлик. Меваси картошкага ўхшайди.

**Тошчарғон** — тоғда ўсадиган доривор гиёҳ.

**Ченнади** — ёш боланинг вафот этиши.

**Жавғошин** — майда лола.

**Чилтинг** — олифта.

**Миназ** — одат, феъл-атвор.

**Кайзоб** — ишқаланиш натижасида яра пайдо бўлиши.

**Ирон** — кўк майса.

**Ишшак** — ахта қилинган икки яшар кўчқор.

**Шибот** — ёмғир.

**Қичқил** — аччиқ.

**Қунумини** — касаллик.

Иzzатулла ҒАЗНАЕВ,  
Самарқанд вилояти,  
Қўшрабoт ноҳияси,  
Қоратош қишлоғи.

**Қариқ** — эгат.

**Бирлама** — яғана.

**Чўғул** — чақимчи.

**Маштак** — паст бўйли, қорни катта одам.

**Самилтир, суйратки** — бўшанг.

**Адан** — пойгак.

**Чўй** — мих.

**Чўрак** — нон тури.

**Туроқ** — қурут.

**Жигилдик** — майда ёввойи жийда.

**Тишлиқ** — пахтасиз, астарли чақалоқ кийими.

**Дувалай** — қаттиқ шамол.

**Падик, патик** — шифт.

**Тўнғиртқа** — кўприк тагидаги қувур.

**Зағам** — дон маҳсулотлари тозалашда ишлатиладиган рўзғор асбоби.

**Тунча, тангқон** — қумғон.

**Дағди** — балиқ овлайдиган тўр.

**Дағиш** — дарё сувининг қирғоқни ўпириб кетиши.

**Навқон** — тут дарахти.

**Чингирик** — жўхори пояси.

**Болдиз** — қайинсингил.

**Аллағалай** — жуда яхши, лойиқ.

Гулжон ЯНГИБОЕВА,  
Қорақалпоғистон АССР, Манғит шаҳри.